
ШОИМ БЎТАЕВ

ҚЎРҒОНЛАНГАН ОЙ

КАЙВОНИНИНГ МАНГУ МАКОНИ



Шойим Бўтаев

ҚЎРҒОНЛАНГАН ОЙ

КАЙВОНИНИНГ МАНГУ МАКОНИ

• Роман

• Эртак-қисса

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI INSTITUTI
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ [illegible] 2011

УДК: 821.512.133
ББК 84(5Ў)6
Б 99

Бўтаев, Шойим.

Б 99 Қўрғонланган ой (роман). Кайвонининг мангу макони (эртак-қисса)/Ш. Бўтаев.— Т.: Ўзбекистон, 2011.—336 б.

ISBN 978-9943-01-637-8

Мазкур тўпламдан ёзувчининг мавзу жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган "Қўрғонланган ой" романи ҳамда "Кайвонининг мангу макони" эртак-қиссаси жой олди.

УДК: 821.512.133
ББК 84(5Ў)6

Адабий-бадиий нашр

Шойим БЎТАЕВ

ҚЎРҒОНЛАНГАН ОЙ

(*роман*)

КАЙВОНИНИНГ МАНГУ МАКОНИ

(эртак-қисса)

Рассом *Ш. Адилов*
Муҳаррир *Б. Худоёрова*
Бадиий муҳаррир *К. Закирова*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *С. Салохутдинова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 05.03.2011. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Офсет қоғози. Таймс гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма табоғи 17,64. Нашр табоги 16,39. Нусхаси 5000. Буюртма № 11-17.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: iptduzbekistan@-mail.ru
www.iptd-uzbekistan. uz

ISBN 978-9943-01-637-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

ҚЎРҒОНЛАНГАН ОЙ



Роман

Сўқир тойча айғирлар орасида
Шифо излади.
Кун ўртасигача бўзлади,
Тун ўртасигача қон йиғлади.
У қандай қилсин, дейишди.
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Ирқ битиги. IX аср.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

1

Бир маҳаллар улуғ дарёдан сув ичган экинзорларнинг сизот сувлари йиғилиб ҳосил бўлган кўл ва унинг бўйидаги қамишзор ҳақида халқ орасида турли-туман нақллару ҳар турли ривоятлар юрар эди. Уларнинг айримлари ишқ-муҳаббат ҳақида бўлса, бошқалари жўмардлигу қаҳрамонликни улуғлар, кўл ва қамишзорнинг шу туфайли сирлилиги ошиб борар, ҳатто бу жойларни муқаддас санаб узоқ-ёвуқлардан келиб тавоф қилиб кетгувчилар ҳам бисёр эди. Эмишки, мана шу кўлга ошиқ-маъшуқлар эрта тонгда юракларини ёришса, уларнинг барча эзгу орзу-истаклари ижобат бўлармиш. Ёвуз ва ғараз ниятлиларнинг бу жойларга яқинлашишмагани маъқул эмиш, мободо яқинлашгудек бўлишса, барибир охир-оқибатда ўзларини ўзлари маҳв этишармиш, бусиз иложи йўқ эмиш. Яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолиси шу боис ўзларини битмас-туганмас ғазнага эга шаҳаншоҳдек тутиб, биз бировдан кам эмасмиз, балиқ тутгимиз келса кўлимиз, намат тўқигимиз келса қамишзоримиз бор, деб гердайиб юришарди. Дарвоқе, одам боласи бир парча намат устида аганаб кўнглини шу қадар баланд тута олса, унинг гапираёт-

ган гаплари ҳақлигига шубҳа қилмаслик лозим — азалдан-азалдан не-не кўшку саройлар вақтнинг шафқатсиз ҳукмига дош беролмай тўзиб, пароканда бўлиб кетганида ҳам бир парча намат ва унинг устидан жой олган эл абадиятга дахлдор бўлиб қолавергани айни ҳақиқатнинг ўзи эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Кўл узра оппоқ чағалайлар чарх уриб ўйнашар, унинг ойнадек сатҳига ўқдин-ўқтин балиқлар осмонни томоша қилгани сакраб чиқишар, айниқса, кунботар маҳалларда бундай манзараларнинг мислсизлигини таърифлашга сўз ожиз эди. Қамишзор эса шабадада чайқалиб шовуллар, ботаётган қуёшнинг нурлари қамишларнинг учларида илиниб қолиб кетишга жаҳд қилгандек таассурот уйготарди. Бора-бора дарёда сув пасайиб кета бошлади, айтишларича, тепада, ўртасидан мана шу дарё оқиб ўтадиган икки тоғнинг олдини тўсиб, ҳукумат унинг кучига буров солишга аҳд қилибди. Дарёни ўз измимизга солиб олишнинг вақти соати етиб келди, шунча замонлардан буён ўз-ўзича тўлиб-тошиб оқиб ётгани етар энди, деган гап анчадан буён пишиб-етилиб, иқтисодий ғоя шаклини олиб юрган экан. Тушунтирилишича, дарё тўлиб-тошиб оқиб ўтадиган ана шу жойда улкан тўғон қурилиши албатта зарур эмиш, шундай қилинмаса бўлмасмиш, бу давр талаби эмиш, шу талабни вақти соатида фаҳмлаб, вақти соатида ҳаракатларини қилиб олишса, чўнтаклари жарақ-жарақ пулга тўлармиш, дунёнинг пешқадамига айланишармиш, халқ фаровон яшармиш, ҳеч иш қилмасаям оёғини осмонга кўтарганча паловхонтўрани еб, кекириб ётармиш, шунда оила ҳам мустаҳкам бўлармиш, эрлар хотинларига, хотинлар эрларига ўз-ўзидан мойил бўлиб, шу мойилликдан бошқа юмушнинг ташвишини қилишмасаям бўлаверармиш. Кайфу сафо бўлармиш, бекорчиликдан юрикишса турфа мусиқалар тап-тайёр турармиш, хоҳлаган одам ўз истаган мусиқасини тинглаши мумкин бўлармиш, хоҳласа ўйинга тушармиш, бир ишора билан мингта чилдирмакаш оёққа турармиш, улар ҳориб-

чарчаш нелигини билишмасмиш, чунки барчасининг ғизоси завқу шавқ эмиш, барчанинг ғизоси завқу шавқ бўлса, одамзод милён йиллардан буён орзу қилиб келган бахту саодатига эришармиш. Хулосаи калом, дарёнинг олди тўсилиб, тўғон қурилиши бу ердан бутун дунёнинг чорагига электр қуввати етказиб бера оладиган электр станцияси барпо этилишига имкон яратармиш, шу иш қилинса барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлармиш, шунақа қилиб, энди дарё суви ўша ерда тўпланармиш, янги денгиз ҳосил бўлармиш, унинг номи ҳам Янги Замон денгизи бўлармиш. Нимаики бўлмасин, Янги Замон денгизи дарёнинг икки қирғоғида асрлар давомида барқ уриб келган ҳаётнинг илдизига болта урди, уни путурдан кеткиза бошлади. Боғу роғлар, кўм-кўк экинзорлар сувсизликдан қуриб-қовжиради. Чўлу биёбонга сув чиқариб уни обод қилиш учун ҳар жойлардан кўчиб келиб, бус-бутун қишлоқларни ташкил этган пахтакор аҳоли яна аждодларининг ерларини қўмсаб қолишди. Шу пахтани деб бу ерларга келувдик, ўзи момиққина юмшоқ бўлгани билан нони қаттиқ экан, шуни деб не кулфатларни бошдан ўтказмадик, мана энди уни экиб-кўкартиришнинг имкони қолмаган экан, нимаям қилардик, дея бир-бирларига нималаргадир ишора қилганча ҳасрат ҳам қилиб қўйишди. Аслида бундай ҳасратларнинг илдизию тарихи жуда чуқур кетган бўлса-да, шу гаплар билан кифояланишди, ўтган-кетганни ҳадеб кавлаштираверишнинг нима кераги бор, яхшиси бугунимизни, эртамизни ўйлайлик дейишди, қанчалик ўйлашмасин, кўч-кўрон кўтаришдан бўлак илож тополмай бошлари қотди. Экинзорларнинг ўзига сув йўғ-у, сизот сув қайда бўлсин? Шу тариқа бир томчи ҳам сув тушмай қўйганидан сўнг кўл суви ҳам қурий бошлади, у қуриган сари негадир тепада қуёш ҳам тобора аёвсиз қиздирар, у ҳам шу боёқишга қасд қилгандай кўринар эди. Кўл суви тарк этган қирғоқларда аввалига яккам-дуккам балиқларнинг оғзини каппа-каппа очиб юмганича, сўнгги нафасни

олаётганига гувоҳ бўлиш мумкин бўлган бўлса, бора-бора уларнинг сон-саноғи кўпаяр эди. Улар ҳам кўл билан баробар жон бермоқда эди. Чағалайларнинг қий-қиришлари эса олам-жаҳонни тутиб, улар жони узилаётган кўлга аллақачон мотам тутиб юборишгандек эди. Кўлнинг куни битгани аниқ бўлиб қолди. Бора-бора чағалайларнинг оҳ-фарёди ҳам камая бошлади, энди қамишзор ҳам сарғайиб, унинг чайқалиши ҳам, шовуллаши ҳам қандайдир мудҳиш тус олгандек туюлар эди. Офат шунинг ўзи билангина чекланиб қолмади. Энди бир замонлар обод бўлган дашту биёбонлар яна ўз ҳолига қайтиб, теварак-атрофдан шўр босиб кела бошлади. Гўёки чўл ўзининг азалий қиёфасини согиниб, чўлни ёнгдик, чўлистонни гулистонга айлантирдик қабилидаги гапларни эшитиб, қани кўрамиз, дегандек фурсат етишини кутганича пайт пойлаб ётганга ўхшарди. Унинг бағридаги шўр тамоман ювилиб кетмаган экан, қайтанга янаям куч йиғиб, кўпайиб ётган экан, чўл дарҳол қулай фурсатни бой бермай теварак-атрофга мўл-кўл тузини сочиб ташлай бошлади. Қасди бордай, шўр иморатларнинг деворларигача, темир-терсакларгача, кийим-бошларгача, ҳаттоки, жонзоту жониворларнинг, одамларнинг вужуд-вужудигача кириб бориб емиришга жаҳд қилгандай кўринар эди. Шўр дастидан азият чекмаган нарсанинг ўзи йўқ эди, ҳатто шўр ерларда ўсадиган буталар, жингилу шувоқлар ҳам негадир қуриб-қовжирай бошлади. Ўзининг милён йиллик қиёфасини тиклаб олишга жаҳд қилган чўлу биёбонларнинг шафқатсизлигидан жону жонзотлар нажот излаб тоғ-тошлару адирлар томон чекинишга мажбур бўлди...

2

Аввалбош ибтидода бу ерларнинг қиёфаси қанақа бўлгани ҳақида ҳеч ким аниқ бир нарса дея олмайди. Эҳтимки, энг қадим замонларда қуёш тинимсиз нур сочиб, йил ўн икки ой серҳосил заминдан унган дову

дарахтлар гулга бурканиб, мева тугиб ётар, шу боис, одамзоднинг ҳали лунги тутишни ҳам одат қилмаган дастлабки аждодлари шунда қарор топишган экан. Яна эмишки, ер юзини токи муз қоплаб, табиатдаги шафқатсиз совиш оқибатида инсонда ўзини сақлаш инстинкти юксак тараққий топмагунга қадар сарсари кезишган жонзотларнинг ҳозирги одамларга алоқаси йўқ эмиш, лунги ҳам тутмаганми, демак унинг одамзодга алоқаси йўқ экан. Заковатлари тахмину гумонлардан нарига ўтмайдиганлар бу гапларга лоқайдгина қўл силтаб қўйиб, бўлса бордир-да, деб қўя қолишади. Уларнинг муаббирликлари шу билан чекланиб, жуда нари борса, тоғлар бағрида биз билган-билмаган жониворларнинг кун кечиришганини тусмоллайди, холос. Ўтмиш насл-насаб ҳақида сўз кетгудек бўлса, улар ҳам дуч келган жойларда кўчманчи бўлиб гоҳ ундай, гоҳ бундай яшаганларининг далилу исботлари қидириб қолинади. Ҳарқалай, шу кўчманчилик деганларида бир ҳикмат топгандай бўлишади, бу дунёда ҳамма дарбадар, қўним топиб маъни кўрганлар бўлмаган, дейишади. Ишқилиб, бора-бора, ит ётиш-мирза туриш — қўнимсиз ҳаёт жонларига теккач, одамлар булоқларга яқинроқ жойларда манзил тутиб, қавму қариндошлашиб, қуда-андалашиб, уруғ-аймоқлашиб яшай бошлашган экан. Бу дунёдан ўтганларини охират маконига элтиб қўйишгач, шу жойларга кўнгил томирлари ҳам боғланиб қолган экан. Шундай қилиб, Рангонтоғнинг нариги бетидаги манзил Бошқайнар деб, бу бетидагиси Ўртақайнар деб аталган экан. Текисликлар бошланиб кетган ерда Пастқайнар деган қишлоқ ҳам бор, уруғ жиҳатдан уларнинг бошқайнарликлару ўртақайнарликларга алоқаси бор-йўқлиги ҳамиша тортишувларга сабаб бўлган, баъзилари бор дейди, баъзилари йўқ дейди — урушдан кейинги даврда пастқайнарлик бир оёқяланг подачининг ўғли ўқиб министр бўлувди, ҳамма пастқайнарликларга алоқамиз бор дейишарди, кейин-кейин бошқача бир ҳодисалар бўлиб кетувдики, илло-билло, пастқайнарлик

қайда-ю биз қайда, деб ҳамма ўзини олиб қочувди, шунинг учун буларнинг бир уруғми, ёт уруғми, нималигини билмоқ қийин. Уларнинг бу аҳволини кўриб дунгпешона алломалардан бири, мулкчилик муносабатлари пайдо бўлиши билан уруғчилик муносабатларига путур кетиши тайин, шундай бўладиган бўлса, алвидо тоғаю алвидо амаки деявер, ака-укани ҳам бир-бирига боғлаб қўйган эмас, ота-болалар ҳушёр бўлинглар, деган экан.

Эрта тонгда Рангонтоғ этагидаги шудрингдан оқариб ётган адирнинг нақ белида от йўрттириб бораётган қамчидек қотма, чувак юзини изғирин ялаб қотирган, кўпкарида бўғинидан чиқаверіб-чиқаверіб бармоқлари чангакка ўхшаб қолган Убайдилла чавандоз ана шулар ҳақида ўйлар экан, хаёллари яна қайларгадир саросар кетиб қоларди.

Қуёш ҳали юз кўрсатмаган бўлса-да, унинг илк нурлари кўк тоқини безаб, теварак-атроф тобора ёришмоқда эди. Остидаги арғумоқнинг шамолда елпинаётган қизғиш ёлидан кўз узмай ўз хаёлларига ғарқ бўлиб бораётган Убайдилла чавандоз ногоҳ бошини кўтариб кунчиқар уфқига тикилди-ю, туйқусдан адирдан тоғ томонга ўрлаб боришаётган сайғоқлар сурувини кўриб қолди. У кўраётгани чин эканлигига ишонгиси келмади. Юраги кўксини тешиб юборгудек дукурлаб ура бошлади. Сайғоқлар галасининг ҳамон ер бағирлаганча илгарилаб бораётгани чавандозга кўраётганлари туш эмаслигини англатар эди. Бу жониворларнинг сувлаётган маҳалдан бошқа пайтларда бир жойда муқим турганини камдан-кам одам кўрган. Улар доимо ҳадиксираб, ичларига ўт тушгандай типирчилаб юришади. Шу хатти-ҳаракатларига яраша бичим олгандай, уларнинг гавдаси қуйруқларидан бошларига қараб ингичкалашиб боради, митти қулоқлари шамолпарракдек пирпираб туради, такаларининг шохлари бошқа кийикларники сингари ғовлаб кетмаган бўлса-да, бақувват. Такалар шохлари билан гердайишиб ғолибларини қуриқлашади.

Убайдилла чавандоз оёгини узангига тираганча эгардан узилиб, тик турди. У бир қўлини жиловдан бўшатмай, иккинчисини оғзига карнай қилганича шодиёна қийқира бошлади. Шира боғлаб ётган янтоғу шувоқлар ва бўйламай қолган юлғину ёқимли ифор таратган абрўкларнинг шох-бутоқларидан оппоқ-оппоқ қиров тўкиларди. Чавандознинг сийрак соқолли юзини, очиқ кўкрагини кузакнинг изғирини чимчилар, у бунга парво қилмасди. Унинг кўзларида алангаланган ўт сайғоқларнинг пайдо бўлиши ҳазилакам гап эмаслигидан дарак берарди. Илгарилари бу ерларни сурув-сурув бўлиб сайғоқлар тўлдириб юришгани ҳақида эшитган Убайдилла чавандоз, айниқса, Исмоил овчи деганларининг шафқатсизликлари ҳаддан ошиб кетгани ҳақида ҳам бўлган-бўлмаганига биров аниқ гувоҳлик бера олмайдиган, бир-бирини тўлдирадиган, айни дамда инкор ҳам этадиган турли-туман гап-сўзларни эшитган эди...

Убайдилла чавандоз ўша воқеаларни, сайғоқларнинг қолган-қутганлари бир замонлар Рангонтоғ этакларидан қайларгадир бош олиб кетишгани ҳақидаги ривоятларни эсларкан, ахийри қайтишибди-да, дерди ўзига-ўзи қалби қувончга тўлиб. Рангонтоғ этакларини сайғоқлар тўлдириб, дайдибадал шамолдай яйраб-яшнаб юришса шунинг ўзи қут-барака-да. Сайғоқларсиз бу тоғлар тоғ эмас, бир уюм тош, холос. Зокир булбулнинг тоғлар бошқа, тошлар бошқа, деб куйлаши ҳам бежиз эмас-да. Убайдилла чавандоз жиловни қўйиб юборди. Эгасининг қандайдир қувончли ҳодисадан боши кўкка етгудек эканини пайқаган от бошини баланд кўтариб қаттиқ пишқириб кишнади-да, шамолдай елиб кетди. Убайдилла чавандоз отини қанчалик қичаб-қистамасин, сайғоқларни яқиндан кўролмади. "Насиб қилса кўрармиз, — деди ўзича шивирлаб. — Ишқилиб, энди Рангонтоғдан жониворларнинг қадамлари узилиб кетмасин-да!.." У хуш кайфиятда Зокир булбулнинг қўшиқларини бир-бир эслаб маъқулини димоғида хиргойи қила бошлади. Умрида қўшиқ айтмаган одам эмасми,

қизаринқираб, биров эшитмадимикин, дегандек, ён-атрофга олазарак назар ташлаб олди.

Зокир булбул каби бахшилар ҳаммани куйлатиб юборадиган қўшиқлари билан эътибор топадилар-да! Улар куйга солмаган нарсанинг ўзи йўқ. Қуёш нурини, тик қояларни, чўққиларда ял-ял ёнган лолаларниям қўшиқ қилаверишади, кунлари тирикчилигу ошқозон ғамидан нарига ўтмайдиганлар эса бу сирли одамларга ангра-йиб қарашади. Убайдилла чавандоз ҳам Зокир булбул қўшиқларидан эсига тушганини куйларди:

Рангонтоғдан келар-эй,
Оҳуларнинг дупури.
Тоғдан садо берар-эй,
Юрагимнинг дукури...

Зокир булбул лақайлардан эди, унинг тўқиган қўшиқларини лақайлару қарлуқлар орасида етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма яхши билар эди. Баъзилар унинг ўзини тайинсиз, лакалов одам деб ҳисоблашарди, буни ташида билдирмаса-да, ичида шундай ўйлайдиганлар ҳам топиларди. Бунга сабаб боёқиш Зокир булбулнинг кампири қазо қилганидан сўнг на ўзига, на уй-жойига эътибор бермай қўйгани эди. Қишлоқ аҳли кариганда бир маҳрам керак-ку, деб унга анча вақт бева қидиришди, бу маҳалда бева қиздан қиммат деган гаплар чиққанди — ахир, қайси тентак эси бутун хотинни қўйвориб болиш қучоқлаб ётишни истайди, кейин, қолаверса, аёл меҳри ота дуосию она алласи каби жувонмаргликдан сақлаши ҳам турган гап-да. Барибир, излай-излай, биттасининг дарагини топишди, ўзиям Қоратегин деган жойда экан, номи туркий бўлса-да, исарият тожиклар истиқомат қилар экан, ҳалиги аёл ҳам ўзбекча гапиролмаса-да, сўзларнинг оҳангию айтилишига қараб нима демоқчи бўлинаётганини фаҳмлар экан, эҳтимол уларнинг аждодлари ҳам туркийдир, ишқилки бўлмасин, ўртада меҳр уйғонса тилнинг узоқ-яқинлиги билинмайди, бир-бирларини дарровгина ту-

шуниб олишади, деб ўша ёққа равона бўлишди. Сўраб-суриштириб билишдики, ўзиям хокисор, энг муҳими чакагига зўр бермайдиган аёл экан, унинг кўз очиб кўрган завжи фарзандсизлик туфайли бошқа бир қизга уйланиб кетган экан, лекин ҳали ҳануз кўнгил узолмай юрар экан, аёлга алам қилгани эрининг шу ёшга кириб ҳур қизни кўнгли тусаб қолгани экан, шу-шу остонадан ташқари ҳатламай, эр дегани шунақа бўладиган бўлса юзи куйсин деб, келган совчиларни изига қайтариб ўтирган экан. Ё насиб, деб қўйишди Зокир булбулнинг одамлари бу гапларни эшитишгач. Ўзи ўзбегу тожиклар бир-бири билан азал-азалдан апоқ-чапоқ, бир-бирига қиз бериб, қиз олиб юрган, кўринишларию урф-одатлари ҳам айқашиб-уйқашиб, чатишиб кетган халқлар-да. Зокир булбулнинг айтишича, шунинг учун ҳам бу шўро ҳукумати уларни қандай ажратишни билолмай боши қотган экан, булар битта бўлиб кетса бизнинг кучимиз етмай, кейин бошқара олмай қолмасмиканмиз деб ўйлашар экан, ёшлар ўқиб, ақлини таниб уларнинг ёвуз ниятлари амалга ошишига йўл қўймасликлари керак экан. Шунақа-шунақа гаплар ҳам Зокир булбулнинг аёлга кўнгли борлигини англатипти ва элу юртни орага қўшиб ишни пишитишипти, бу орада кейингисидан ҳам фарзанд кўрмаган аввалги эри яраш-моқ ниятида аёлнинг ҳузурига ёлвориб келган экан, у йиғлай-сиқтай, шу чоққача бошимни очиб кетиб нега сас чиқармадингиз, мана энди бошим боғлиқ, қулф-лаб кетишди, дебди. Зокир булбул пайсалга солмай, уни Ўртақайнарга олиб келгач, аввалгидан ҳам овози жарангдор чиқиб, қўшиқлари кўпайгандан-кўпайиб борди. Аввалари у кўкнорининг чакидасидан татиб юрарди, ўзининг ҳовлисида, маккажўхори ичида кўкнори ўстирарди, қоратегинлик аёл унинг бу ишига барҳам берди, шу боис Зокир булбул анча вақт гарангсиброқ юрди-ю, кейин-кейин кўникиб, бангиликдан қутултиргани учун аёлидан янаям кўпроқ миннатдор бўладиган бўлди. Ана шунақа Зокир булбул. Унинг сайғоқларга

атаган қўшиқларининг бари Убайдилла чавандозга ёд бўлиб кетган:

Минганим қулон,
Қамчиним илон.
Юрурман нолон,
Қайдасан, оҳу?!

Убайдилла чавандоз Зокир булбул қўшиқларидаги қадим-қадим оҳангларни ёқтиради. У гўё асрларнинг ортида туриб куйлаётгандек бўлади, аждодларнинг юрак уришлари мужассамдай туюлади бу қўшиқларда. Дарвоқе, бир маҳаллар ўрмон хўжалиги, тоғбеги деган нарсаларнинг ўзи йўқ эди. Одамлару жониворлар бир-бирларига зарари тегмай юраверишарди, тоғу тошлар, булоқлару гиёҳлар ўртада ҳамманики, оддий ва содда турмуш тарзи барчани бахтиёр қилишга етарли эди. Зокир булбул куйлаган достонларда мана шундай ҳаёт тарзию тоза туйғулар қаторида ўқтин-ўқтин мунг пайдо бўлиб қолар, шунда қандайдир Исмоил овчи деган одамнинг номи такрорланар, у ҳаётда бўлганми-йўқми ёки уни Зокир булбулнинг ўзи тўқиб чиқарганми, бу ҳақда ҳеч ким сўрамас, буни ҳеч ким муҳим ҳисобламас, Исмоил овчининг қилмиш-қидирмишларию аянчли тақдири барчани ишонтирар эди. Дўмбиранинг сеҳрли оҳанглари олис-олисларга таралади, Зокир булбул кўзларини юмганича, бошини чайқай-чайқай ўзини оҳангларга мослайди, унинг ҳам қалбию вужуди соз каби маромини олади, ўзидан-ўзи беҳад мамнун Исмоил овчи унинг кўз ўнгида намоён бўлади. Исмоил овчи одамларга ўхшаб ўзини бошолмон ҳар томонга урмайди, унинг ризқу рўзи дашту далаларда, тоғу тошларда гала-галалашиб ўз оёғи билан юради, улар унга тегишли, шу боис қоплону йўлбарслардан ҳам, бўрию айиқлардан ҳам уларни қизғанади, дунёдаги барча йиртқичлар унинг душмани, дунёдаги барча йиртқичларни унинг кўрарга кўзи йўқ, уларнинг барчаси қирилиб кетса ўравонлик ёлғиз ўзигагина қолишига у қаттиқ

ишонади. Ўша куни ҳам теварак-атрофни сассиқ қора туман чулғаб ётган эрта тонгда Исмоил овчи таблага кириб саманининг белига жўл ташлаётганида унинг ортидан шоша-пиша этигини қулантаёқ кийиб отаси чиқди. Унинг исмини тилга олиб чақирди. Исмоил овчи ўгирилди. Отасининг табла эшиги олдида, изғиринда яктакчан тургани юрагини хира қилган бўлса-да, бунга эътибор бермасликка уринди, отни эгарлашда давом этди.

"Яна овга боряпсанми?"

"Кўряпсиз-ку".

"Шу ишингни йигиштирсанг бўларди энди, ахир сен йиртқич ҳайвон эмассан-ку, билиб қўй, яхшиликка олиб келмайди".

"Яратганнинг ўзи бир жониворни иккинчисига емиш қилиб яратган-ку, ота, менда нима айб?"

"Ота-боболаримиздан, кийик салом берса отма, деган ўгит қолганини унутма!"

"Менга кийик тугул қуён ҳам салом бергани йўқ".

"Она Сайгоқ туни билан ҳовлимиз атрофида айланиб, зорланиб юрди. Сен сон-саноқсиз сайғоқларни, қирғовулу какликларни қийратдинг, сенинг қорангни кўрди дегунча тоғларнинг тошлари ҳам қалтирайдиган бўлиб қолди. Она Сайғоқ дилингга раҳм-шафқат соламан деб бу кеча итлардан ҳам ҳуркмай, ҳовлимиз атрофида тинимсиз айланаверди, бундай пайтда овчи яроғини синдириб ташлаши кераклиги ота-боболаримиздан қолган урфлигини унутма!"

Исмоил овчи ташқарига чиқди. Алҳол, қор юзида айқаш-уйқаш излар, бу ерда итлар илакишганми, бўрилар изғишганми — фарқлаб бўлмасди. Чол эса ҳовли ўртасида яктакчан, ҳатто жунжикишни ҳам хаёлига келтирмай қотиб турарди. Исмоил овчи бир зум қандайдир хаёлга бориб турди-ю, бироқ хаёлидаги асл нарсани ушлаб олишга қурби етмади. Яроғини синдириш у ёқда турсин, уни елкасига яхшироқ осиб олди. Отаси нима деярини билмади. Унинг олдини тўсиб

чиқди. Аммо Исмоил овчи отини етаклаганча отасини бир четга суриб қўйиб, ҳовлидан чиқиб кетди. Шу-шу қайтмади.

Зокир булбул аҳён-аҳёнда айтиб берадиган бу ғамгин ҳикоя ҳаётда содир бўлганига Убайдилла чавандоз қаттиқ ишонади. Исмоил овчининг нима учун шу кетганича қайтиб келмаганини ҳар ким ўзича изоҳлайди, лекин Убайдилла чавандоз ҳар гал бу ҳикояни тинглаганида ёки эслаганида хаёлида турфа манзаралар ҳосил бўлади: "У ҳар куни ярим тунда ҳовлисига қайтиб келади, унинг отаси ҳам, аёли ҳам бунга гувоҳ бўлишган. Гоҳ отасининг, гоҳ аёлининг олдига бориб, ҳеч нарса демасдан кўзларини мўлтиратганча ўтира-ўтира тонг қоронғисида қайтиб кетади. Отажон ёрдам беринг, дейди аёли кўзларидан дув-дув ёш оқизганча қақшаб, уни қутқаришга ёрдам беринг. Отаси кўзларини номаълум нуқтага қадаганча миқ этмай ўтираверади, унинг кўз қорачиғлари ўша машъум кундан буён бошқа томонга қаролмайди". Убайдилла чавандоз бу воқеа тинимсиз, абадулабад, то рўзи маҳшар қадар такрорланиб туришига шубҳа қилмайди. Мана энди, сайғоқларнинг Рангонтоғ этакларида пайдо бўлиши билан хаёл суриб шулар ҳақида ўйлагани сайин ўйининг тубига етолмаган Убайдилла чавандоз қишлоққа етганда кун буткул ёришган, қуёш қорамтил тепаликлар ортидан кўтарилиб келар эди.Тақир подажойда беш-олти сигир кавш қайтармоқда. Подажойнинг бир четидаги қоп-қора харсангтош устида Тўйчи исмли подачи бир даста тут хивичининг орасидан яроқлиларини танлаб олиб савват тўқиб ўтирарди.

— Ҳорма, Тўйчивой, — овоз берди Убайдилла чавандоз унга яқин келгач.

Тўйчи қўли юмушдан бўшамаган ҳолда бошини кўтарди.

— Э, чавандоз бува,саломат бўлсинлар! — деди чавандозга қандайдир синчковлик билан боқаркан, — қайтяптиларми? — деб сўради.

— Зўрсан, Тўйчи, зўрсан! — деди чавандоз бирданига подачини мақтагиси келиб қолиб. — Ўзиям қўлингдан келмайдиган иш йўқ-да.

— Дунёи тирикчилик-да, — деб қўйди Тўйчи подачи ҳам унинг мақтови шунчаки эканлигини пайқаган ҳолда ўз машғулотида давом этаркан.

Убайдилла чавандоз у билан хайр-хўшлашиб пича нари борди-ю, муҳим бир нарса илкис ёдига тушгандек отининг жиловини буриб, изига қайтди.

— Паққос эсимдан чиқай депти-я, — деди у овозига сирли тус берганича. — Сендан суюнчи олишим керак эди, Тўйчивой.

Тўйчи подачи чавандозга анқайиб қараркан, унинг суюнчи сўраётганининг сабабини англаб олишга интилди. Шу чоқда ёдига нимадир тушиб қолди, шекилли, томдан тараша тушгандек:

— Сигиринг туғдими-я? — деб сўради.

Убайдилла чавандоз эгар устида ўзини орқага ташлаб-ташлаб, хандон отганича қотиб-қотиб куларкан:

— Э, омон бўл-э, Тўйчивой! — деди остидан юлқиниб чиқиб кетгудай бўлаётган отининг жиловини тортиб-тортиб қўйганича. — Сигирнинг туққан-тугмаганини сен биласан-да, мен шунгаям суюнчи сўраб юрармидим?

— Узр, чавандоз бува, бунақа майда-чуйда нарсаларга эътибор бермаслигингизни билардик, — Тўйчи подачининг овози оҳангида киноя, кесатиқ ҳам йўқ эмасди. — Жиндек гўрлик қилдик, айбга буюрмайсиз.

Убайдилла чавандоз кинояни пайқади. Тўйчи подачининг сабр косаси тўлиб янгиликни тезроқ билиб олишга қизиқаётгани унга маъқул келди. Бироқ, подачи ўзини лоқайд тутганича сир бой бермай туриши чавандознинг ғашини келтирди. Убайдилла чавандознинг энсаси қотди-да, мана бўлмаса, дегандек отининг жиловини тескари бурди. Тўйчи унинг ҳаракати астойдил эканини кўриб, чидолмади, бирданига шовқин солди:

— Ҳо-ой, чавандоз бува, қанақа одамсиз ўзи? Учини чиқаришга чиқардингиз, бу ёғини ҳам айтиб кетингда, ичингизда димиқтириб нима қиласиз?

— Ҳа-я, сал бўлмаса унутаёзибман-а, — деди Убайдилла чавандоз ўзини гўлликка солиб.

— Унутганингиз йўқ, — Тўйчи ер тепинди. — Атай шундай қиляпсиз, ялинсин деяпсиз...

— Ие, ие, — Убайдилла чавандоз дабдурустдан айтилган бу гапдан эсанкираб қолаёзди. — Асло бундай ўйлаганим йўқ эди-ку...

— Йўқса, нега индамай кетмоқчи бўласиз?

— Мен сайғоқларни кўрдим, Тўйчивой, улар Рангонтоққа қайтишибди.

Бу гап Тўйчи подачига чавандоз ўйлаганидан ҳам зиёда таъсир қилди. Унинг қўлидан хивичлари тушиб, бир муддат қотиб қолди. Кейин ўзини базўр ўнглаб, шубҳаланаётгандай сўради:

— Сайғоқларни-я?

— Ҳа-а.

— Йўғ-э, қаерда?

— Тоғнинг этагида.

— Қўйинг-э, шу ўзингиз ҳам... — Тўйчининг бақрайган кўзлари яна осойиш топди.

Унинг, ёлғон айтяпсиз, дейишга тили айланмасада,чавандоз одам, ҳовлиқяпти, деган хаёлга борди. Тўйчи ўй-хаёллари шундоққина юзида акс этиб турадиган одамлар тоифасидан эди. Унинг юзига қараб ичидагини билиб олган Убайдилла чавандоз тўсатдан жаҳлланиб:

— Кўзимга қара, Тўйчи, — деб қолди.

Подачи ялт этиб ўгирилди.

— Ана энди ишондингми?— деб сўради Убайдилла чавандоз кўзлари орқали ниманидир кўрсатганига қатъий ишонган ҳолда.

— Ишондим, ишондим, — Тўйчи ҳам чавандознинг кўзидан ниманидир кўргандай шошилиб ёўлади. — Дастлаб айтганингиздаёқ ишонувдим,суюнчисини ўйлаб

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT AXBOROT-RESURS MARKAZI

турувдим... Ҳози-ир... Мана!.. — Тўйчи подачи энкайиб, харсангтош ёнидаги эски хуржундан оши ҳалол иккита чапати нон чиқариб чавандозга узатди.

— Биттасиям бўлади, Тўйчивой, — деди Убайдилла чавандоз унга жабр қилгиси келмагандек.

— Жуфти тузук-да! — сахийлик қилди Тўйчи подачи. — Хушхабарингиз арзигулик.

Убайдилла чавандознинг боши кўкка етди. У чапатини кўзларига суртиб, қўлтиғига урди. Унинг кучига куч қўшилгандай бўлди. Подачиларнинг оши ҳалол нони табаррук, бунга етганлар бор, етмаганлар бор. Убайдилла чавандоз от жиловини хотиржам уйи томон бурди. Оладиган суюнчисини олди. Қолганлардан Тўйчи ундираверсин. Ўзининг ҳовлиси дарвозаси ёнига етганида у отдан шошилмай тушди. Сувлиқни чиқариб, эгар қошига илди. Айилни ҳам бўшатди.

— Саноқул! — деб чақираркан, шоён ҳодисадан хушхандонлиги овозида барқ урди.

Уйдан ўғлининг ўрнига ўн беш-ўн олти ёшлардаги, сочини майда ўрдириб орқасига ташлаган, санамарастадай қиз югуриб чиқди.

— Ассалому алайкум, отажон, яхши келдингизми?— қизнинг кўзларида отасини кўргани боис чексиз қувонч ифодалари порлади.

Чавандоз алик оларкан:

— Мавлуда, қизим, аканг қани? — деб сўради ва қўлтиғидаги чапатини олиб қизига узатди.

— Чиқиб кетувдилар, — деди қиз.

— Қаёққа?

— Муртазо акамларникига... — Мавлуда дувва қизарди.

Убайдилла чавандоз ўзини пайқамасликка олди.

— Қишлоқда нима гаплар? — деганича ундан бошқа гапларни ўсмоқчилади.

— Нормат магазинчи мошин олибди...

Чавандоз ғижинди:

— Қанақа мошин?

— Билмасам... — Мавлуда кифт қисиб қўйди.

— Ким айтди?

— Аям...

— Қани ўзи?

Мавлуда аясини кўрмоқчи бўлгандай ортига ўгирилди.

— Подага молларни қўшгани олиб кетувдилар...— деди сўнгра.

— Бўпти, сен бор, сув ҳозирла, — деди Убайдилла чавандоз отни дарвозадан етаклаб кираётиб.

— Хўп, — деганича чопиб кетди.

Убайдилла чавандоз отни таблада қантариб, уйга кирди. Чопонни елкасига елвагай ташлаб чиқди-да, супа четига чўнқайди. Тосқумғон кўтариб Мавлуда келди.

— Қуйиб юборай, ота.

— Ўзим...

Қизи индамай тосқумғонни қўйиб кетди.

У энди таҳоратини тугатиб ўрнидан тураётганида аёлининг ҳовлиққан, ошиқиб-шошиққан товуши эшитилди:

— Во-ой, отаси, келдингизми?

Чавандоз беихтиёр ортига ўгирилди:

— Ҳа, намунча?

— Янгиликни эшитдингизми?

— Йўқ. Нима бўпти?

— Оқ бўқанлар қайтиб келибди!

— Қаёқдан билақолдинг?

— Зокир булбул уларга бағишлаб қўшиқ тўқиганмиш. Подажойда аёллар ғай-ғай[1] қилишди...

— Ўб-бў, қисталоғ-ей... — чавандознинг оғзидан беихтиёр шу сўз чиқиб кетиб, кейин истиғфор айлаб калима қайтараркан, сирли жилмайиб қўйди.

[1] Ғай-ғай (шева) — ғийбат маъносида.

3

— Болани қачонгача қоғозга ўроғлиқ қанддай асраб ўтирасиз, айланай?! — Муртазонинг пиқиллаб йиғлаётган аясига ўзича тасалли берарди қўшни аёл. — Ўғлингиз эр етибди, ишга кирибди, қувонинг, шунгаям йиғисиғими?

Онаизор бу сўзларни эламас, сатин кўйлаги остидан зўр-базўр билиниб турган елкалари силкинар, бетиним оқаётган кўз ёшлари унинг ажинли юзини юварди.

Койишлари таъсир қилмай, сўзлари елга учаётганидан қўшни аёлнинг бурун парраклари пирпираб, жаҳли чиқди.

— Ҳо-ой, — деди у ранги-қути ўчганича, — йиғласангиз йиғланг-у, эви билан-да. Ким йиғлапти — Хатча йиғлаптими, ўғли беш йилдан буён шаҳарда! Норвиш йиғлаптими — боласи бир ўриснинг этагидан тутиб, аллақайларга кетиб қолганича, қораси ўчган...

Она базўр тин олди. Нимадандир алами келгандай бўлиб тилга кирди.

— Қўшнижон, билмай гапирманг-да, — деди нималаргадир ишора қилганча. — Уларнинг йўриғи бўлак. Хатчаниям, Норвишниям болалари эшикдан қувсанг, тешикдан кириб, ҳақларини топиб кетишади.

— Ажаб қилишади...

— Муртазом...

— Нима қипти Муртазога?

— Ёлғиз ўғил бўлгани учунми, бўш-баёв-да. Опаларигаям сира-сира ўхшамайди. Хавотирим шундан...

— Ҳечқиси йўқ, — ғўлдиради қўшни аёл.

У, Муртазонинг ҳақиқатан ҳам "оғзидагини чайнаб кетолмаслигидан" хабардор қўшнилардан эди. Бир гал Муртазо унинг эрини хўроз сўяётганини узун пахса деворга туташ томда туриб кўриб қолган экан. Шунда болапақир қўрққанидан ўзини тутолмай йиғлаб юборипти. Эри ажабланганича айтиб берган шу арзимас воқеа

ҳозир негадир қўшни аёлнинг ёдига тушиб қолди. Онаизор куюнганича ҳам бор-да, деб ўйлади-ю, дарҳол тасалли бергиси келиб:

— Муртазоям тоғни урса талқон қиладиган шундай забардаст йигит бўлсинки, кўрганнинг ҳаваси келади ҳали, — деди.

— Илоё айтганингиз келсин, — деб қўйди кўз ёши қилаётган онаизор хўрсиниб.

Муртазо пешайвонда, шолча устида оёгини чалиштириб ўтирганча қандайдир ўй-хаёлларга берилганди. Унинг ранги бўздек оқарган, ичкаридаги гап-сўзлар, аясининг куйиб-ёнишлари, йиги-сиғиси уни гангитиб қўйганга ўхшарди.

Кўча эшиги ғичирлаб очилди. Биров унинг номини атаб чақирди. Муртазонинг хаёли бўлиниб сапчиб ўрнидан турди. Калишини кийишга ҳам сабри чидамай, у сарпойчан ҳолда дарвоза томонга югурди. Дарвоза оғзида Саноқул турарди. У ҳам отаси Убайдилла чавандозга ўхшаб кенг юзли, кўкиш кўзлари кишига майин ва беозор боқувчи, суяги бузуқ йигит эди.

Муртазо билан Саноқулнинг ораларидан қил ўтмасди. Иккаласи ўн йил бир партада ўтириб, ўрта мактабни тугатишди. Муртазо ўқувчилик пайтида қўлига тушган бадиий китоб борки, ўқиб чиқарди. Шунақа китоблар билан бўлиб дарс тайёрлаш буткул хаёлидан кўтарилиб кетганида баъзи бир ўқитувчилари:

— Ёлғон-яшиқ нарсалар ёзилган китобларга мунча мукка тушмасанг, дарсингни ўқи, сенга фойдаси тегадигани шу, — дейишарди.

Муртазо институтга ўқишга кириш учун бораётганида ҳам ўтсам-ўтдим, ўтмасам биров ёқамдан олиб, уриб-сўкяптими, деган ҳардамхаёллик билан борганди. Касрига ўзи қолди, ўқишга киролмай қайтиб келди. Ўртақайнарда, бахтини синаб кўрсин, деб ота-оналар фарзандларига ҳеч қачон ўқиш учун монелик кўрсатишмайди: бор, боравер, омадинг келмаса қайтиб келавер, дейишади. Ҳар йили аҳвол шу. Қарабсизки, овоз-

ларини нақ киндикдан чиқариб, кўриб қўйинглар, мен кимман, дегандек тумшуқ кўтариб кетганлар биринкетин бўшашиб, кунни говгумлатиб қишлоққа кириб келишади. Гўё ҳамманинг диққат-эътибори уларга қаратилгандай, миш-мишлар улар ҳақида бўлаётгандай кўчакўйда кўринишга ҳам юраклари дов бермайди. Аслида ҳеч нарса ўзгармайди: камсуқум, хоксор одамлар тирикчилик кўйида чумолидек гивирлашгани-ғивирлашган — ўт ўриш, пичан қирқиш, молларни суғориш дегандай... Шундай экан, омади юрган-юрмагани билан кимнинг нима иши бор?

— Ҳамма ўқийверса, подани ким боқади? — деб қўйишади шунчаки эрмакталаблар.

Бора-бора орадан икки-уч йил ўтади, йиқилиб келганлар қаторига янгилари қўшилади. Эски яралар битади. Эрмакталаблар башорат қилишганидай, катта-кичик орзу-умидлар секин-аста сусайиб, одатдаги тирикчилик ташвишларига барча бирданига кўмилишади. Пода ҳам боқувсиз қолмайди. Муртазо билан Саноқул ҳам ўқишга киролмай сўлжайиб қайтишгач, Ўрозмат аканинг дову дунёси қоронғилашди, боши қотди. Энди болаларнинг тақдири қандай кечади? Ўрозмат ака ўйлай-ўйлай, Убайдилла чавандозникига йўл олди. Чавандоз унчалик парвойига келтирмай ўтирган экан, уни кўриб Ўрозмат аканинг ҳам тафти босилди. Ўйлаган ўйини босиғи билан тушунтиришга, маслаҳат сўрашга жазм этди. Ўрозмат аканинг ошнаси отбоқар бўлгани билан, эл аро Убайдилла чавандоз деб ном чиқаргани бежиз эмас. Гурунг-гаштакларда кўп ўтирган, халқнинг тўй-азасида бош бўлган, қорақозонлик қилган... Бундай одамлар бир эмас, бир неча қишлоққа ақл берадиган фаҳм-фаросатга эга бўлишади.

Дарҳақиқат, ундан жўяли фикр чиқиб қолди.

— Ўрозмат ака, — деди гапни узоқдан бошлаб, — Сиз бир кетмончи, мен отбоқар бўлсак... Болаларимиз беҳуда сандироқлаб юришмасин. Кўча кезиш, биласиз, кимларга ярашади... Камбағалнинг тупроги енгил ке-

лади... Элу юртнинг гап-сўзига қолмай, келинг, яхшиси болаларни Кўктошдаги қурилишга ишга қўяйлик...

— Кўктошда қанақа қурилиш борки, уларни ишга қўямиз? — Ўрозмат ака бу ҳақда эшитмаганди, ҳайрон бўлиб сўради.

— Э, омон бўлинг-э! — деди чавандоз ҳайрон қолгандек кифт қисиб. — Тумшуғингиз остида нималар бўлаётганини кўрмайсиз-а? От заводини қайтадан қуришяпти-ку?

— Ҳозиргиси-чи? Уни нима қилишаркан?

— У ёқ-бу ёғини ямаб-ясқаб хизматчиларга бошпана қилиб беришармиш.

— Ана буни қаранг-а, — деди Ўрозмат ака ўзининг бу ишлардан бехабарлигини хаспўшлаш учун қўшиб ҳам қўйди. — Бу ишларнинг барини ҳукумат қиляптими?

Ўрозмат ака "ҳукумат" деганда қандайдир енгилмас куч-қудратни ўзича тасаввур этишга ҳарчанд уринмасин, унинг бунчалик кўп ишларни қилиб юборишига баъзан ақли бовар қилмас эди. Нега деганда, ҳукумат яқингинада Регар[1]да алюминий заводини, Ёвон[2]да кимё заводини қуриб битказган, айтишларича, у ерларга ўзининг ақли ўткир болаларини ҳам юборган эмиш. Улар ишнинг кўзини билишармиш. Ҳовлисидаги бир парча ерга тузук-қуруқ экин экиб ололмаган ўртақайнарликлару бошқайнарликлар улар қилган ишнинг мингдан бирини ҳам қилишолмасмиш. Тўғри-да, мана, Ўрозмат аканинг ўзида ҳам кетмону белдан, ўроғу паншахадан бўлак яроқ йўқ. Қирчанғи эшаги билан қанча уринмасин, на иши унади, на бири икки бўлади. Шундай экан, нимаям қила оларди? Қўлидан нима ҳам келарди?

— Хў-ўш, шунга нима дейсиз? — Убайдилла чавандоз Ўрозмат аканинг ҳукумат ҳақидаги сўроғини эшитмаганга олиб, ўзининг таклифига жавоб кутди.

Ўрозмат ака ўйланиб қолди.

[1] [2] Регар, Ёвон — Жанубий Тожикистондаги туманларнинг номлари.

— Ишлаб, яхши-ёмонни кўришсин, — Ўрозмат ака ҳамон иккиланаётгани учун Убайдилла чавандоз унга далда бергиси келаётгандек бўлиб сўзида давом этди. — У ёғи яна бир гап бўлар-да. Тўғрими?

— Тўғри, — бу сўз андак ўнғайсизланган Ўрозмат аканинг қурт еган тиши орасидан уваланиб тушгандай бўлиб эди, Убайдилла чавандозни қаноатлантирмади.

— Сиз пича узоқлигини ўйламанг, ҳар ҳафта келиб туришади. Ўзим ҳам ўша ердаман-ку. Нима, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришга чавандознинг чоғи келмайди, деб ўйлайсизми?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Мен ўйловдимки...

— Нима деб ўйловдингиз? — чавандоз мезбонлигини ҳам унутганча, гапни чўрт кесган эди, Ўрозмат ака:

— Шунчаки, ўзи-им, — деб қўя қолди.

Убайдилла чавандоз ҳорғин тин олди.

...Ўрозмат аканинг хаёли чалғиди. Аёл зотининг ўзи тушунмаса, унга бирор нарсани уқдириш қийин. Шу боис, у чавандозникидан чиқиб уйга етганда, супада жун титиш билан андармон ўтирган аёлига бу гапни қуруққина қилиб айтди:

— Ўғлимиз Саноқул билан билла-билла ишга борадиган бўлди, — деди-ю, ўзи ичкарига кириб кетишга чоғланди.

Аёли бир зум унга анграйиб қараб турди-да, сўради:

— Қаерга?

— Кўктошга, қурилишга.

— Узоқ-ку! Ишиям оғир...

— Нимаси узоқ? — ўзи кутмаган ҳолда бирдан тутоқиб кетди Ўрозмат ака. — Ҳар ҳафта шанба, якшанба кунлари келиб-кетиб туради. Убайдилла чавандоз ҳам ўша ерда. Одамлар, биласанми, қаерлардан келиб ишлашади?!..

Ўрозмат ака аёлига бунақа гапирмас эди, ҳозир ҳам айб иш устида қўлга тушганидек шахт билан уйга кириб кетди.

Муртазонинг аяси қўшни аёлга дарду ҳасратини тўкиб, кўз ёши қилиб ўтиришининг сабаби шу эди.

Саноқул ана шу маҳалда кириб келган эди.

— Ке, ошна, — деди Муртазо товсиллаб турган Саноқулни ичкари киришга ундаб.

— Қалайсан? — Саноқул Муртазонинг кайфиятини унинг юз-кўзидан билиб турган бўлса-да, яна ҳол сўрагани учун ўнғайсизланиб, алланечук беўхшов илжайди.

— Тузук...

— Қурилишда иш бошлайверамиз-да энди... — деди Саноқул шолчанинг бир четига омонатгина ўтираркан. — Ҳозир отам сўраб қолсалар нима дейман деб бу ёққа келавердим.

— Яхши қипсан...

Муртазо Саноқулнинг юзига тикилиб қаради. Ўртоғининг бодомқовоқлари, парраклари бироз керкиб турган бежирим бурни, дўрдоқ лаблари қуйиб қўйгандек Мавлудага ўхшарди. У негадир Мавлуданинг қариндош-уруғларини, ота-онасини кўрса ҳам лолақизғалдоқдай қизариб кетарди.

— Ўртоғинг мунча уятчан бўлмаса? — дерди Саноқулнинг аяси Муртазонинг ўзига эшиттириб. — Одамга тик қараш йўқ, қизаргани қизарган-а.

Саноқулни аясининг бу сўзларидан Муртазонинг эти жимирлашиб, ғалати бўлиб кетади, юраги аллақандай ғавқулодда бахтиёр тўлқинга тўлади-ю, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Шунда унинг кўзига ҳамма нарса — Рангонтоғнинг чўққилари, дарахтлару қушлар ўзгача кўринар, кечалари ухлолмай билдирмайгина ҳовлидан чиқиб, тепаликка бориб ўтирарди. Муртазо юрагига қуйилаётган эзгу ҳислар боиси — Мавлудага бўлган муҳаббати эканлигини юрак ютиб хаёлига келтирмасди. Сукунат билан ёлғиз ўтираркан, айни дамда беихтиёр ёнида Мавлудани тасаввур этиб, энтикиблар кетарди. Мавлудага нималарнидир айтгиси, ўзи туяётган туйғулардан уни ҳам баҳраманд этгиси келарди.

— Қурилишга кириб ишламоқчи бўлганлар ҳам кўп экан, — Саноқулнинг овози Муртазонинг хаёлини бўлиб юборди.

— А-а? — анқовга ўхшаб ағрайди у.

— Қурилишда ишлайман деганлар кўп экан дейман, — такрорлади Саноқул ўртоғига нима бўлганига фаҳми етмай.

Муртазо бош ирғаб қўйди. Саноқулнинг сўзлари унинг қулоғи ёнидан дайдибадал шамолдай ўтиб кетганди.

— Биз бора солиб ишни бошлайверамиз экан, — деди Саноқул.

— Бўпти, — деди Муртазо ўзига-ўзи гапираётгандек.

— Энди мен борай, — деди Саноқул ўрнидан қўзғалаётиб. — Отам сўраб қолсалар, эртадан чиқаверамиз, деб айтаман-а?

— Ихтиёринг.

Саноқул чиқиб кетди. "Муртазо жа-а ғалати-да, — дея у йўл-йўлакай ўйлаб борарди. — Ўзининг саволига жавоб бераётганингда ҳам эшитмайди, юзингга кўзлари йўл кўраётгандек тикилиб туради-ю, дилида бошқа гап борга ўхшайди... Нега бундай экан? Хафа бўлишингни ҳам, бўлмаслигингни ҳам билмайсан одам — баъзан олдида ўтирганингни ҳам мутлақо эсидан чиқариб қўйгандай..."

Саноқулнинг эти негадир ғалати тарзда жунжикиб кетди. У муюлишга етганида тор кўчадан овоз чиқди:

— Ҳў-ўв, чавандознинг боласи!

Саноқул ўгирилиб қаради. Уни чақирган Улғай кампир экан. Кенг-ковул енгларини тирсагига довур шимариб олганича кампир йўл бўйида таппи ясамоқда эди. Саноқул шоша-пиша унинг олдига югуриб борди. Салом бериб, энажон ҳорманг, деди.

— Энажонинг айлансин, бор бўл, омон бўл, — кампир оғзини очиб, кемшик тишларини кўрсатиб кулди. Унинг овозидан қандайдир сирли сўз айтмоқчи эканлиги билиниб турарди.

— Энажон, сув келтириб берайми? — сўради Саноқул атай.

— Э, йўқ, сувни нима қиламан, суюнчи берайми, десанг-чи?

— Суюнчи? Нима, келин топдингизми?

— Ҳуҳ, бўйинг етмай, кўзинг очилмай қолсин. Рангонтоққа оқ бўкан[1]лар кепти. Бу бўлса...

Саноқул қувончини ичига сиғдиролмай:

— Йўғ-э? Ростданми? — дея ирғишлади.

— Ҳў-ў, бетамиз, шу ёшга кириб ёлғон сўйламаган Улғай энди ёлғончи бўлиб қолдимми? Тагли-тугли Улғай-а? Бутун элу юртни сўраб, обрўйи етти иқлимни тутган Матқовулнинг қизи-я?..

Саноқул сайғоқлар ҳақида одамларнинг, айниқса, Зокир булбулнинг ниҳоясиз ривоятларини кўп эшитган, бу жониворларнинг ўзини кўрмаган бўлса-да, уларга сиртдан меҳр қўйган эди.

"Биз — Рангонтоғнинг фарзандлари, — дерди Зокир булбул, — ундаги жонзотлар, ўт-ўланлар барчабарчаси қондош-қариндошларимиз. Бизнинг энг яқинларимиз оқ бўканлар бўлган. Шу боис, илгари замонларда улар ов қилинмаган. Муқаддас саналган. Уйларга, ҳовлиларга ҳам бемалол, эмин-эркин кириб-чиқиб юраверишган. Бора-бора одату удумлар пайҳон этилган, одамлар елкаларига чиқиб олган шайтонларга ҳай беролмай қолишган... Одамларнинг барча ишларини шайтон бошқариб турган-да! Гапларимга ишонмаяпсизми? Бўлмаса нега улар бир-бирларини, жонзоту жониворларни қиришга бунчалик ружу қўйишади? Яна бундан завқ-шавқ олишади? Ҳамма-ҳаммаси ўша шайтоннинг иши! Ўшанинг йўриғи билан оқ бўканларга кун беришмаган. Улар эса, жонларини омон сақлаш учун тумтарақай қочиб кетишган..."

Зокир булбул дўмбирасини узоқ созлаб, нигоҳини олис-олисларга қадаб, сайғоқларнинг қувғин қилини-

[1] Оқ бўкан (шева) — сайғоқ.

ши ҳақидаги армонли, ҳазин қўшиғини бошлайди. У қайнаб-тошиб, тўлқинланиб куйлайверади. Дарёдай оқади. Дарёга айланиб кетгиси келади-да шунда. Дарёга айланса-ю, сайғоқлар кетган изларда чаман ундириб бораверса...

"Сайғоқлар қайда бўлишмасин, Рангонтоғни туш кўришларини мен биламан, — дейди у. — Ахир, юртида! Одамларнинг ҳам, ўт-ўланларнинг ҳам, жонзотлару жониворларнинг ҳам иккита томири бўлармиш. Бир томири ўз танасига, иккинчиси қалби орқали туғилган ерига боғланган бўлармиш. Бири тананинг умргузаронлигида яшаса, иккинчиси — Руҳ боқийлигида, бирodарлар. Боқий Руҳсиз ер бўлмайди, ер бўлмаса эл бўлмайди, бирodарлар!"

Зокир булбулнинг киши баъзан англаб, баъзан англамайдиган гаплари ана шунақа.

— Энажон, оқ бўканларни ким кўрибди? — сабри тошиб сўради Саноқул.

— Невлай, — деди кампир араз ургандай бўлиб.

Саноқулнинг ҳали ўйламай айтиб юборган сўзи унинг юрагига оғир ботганди. Ўзининг тоза насл-насаби ҳақоратлангандай туюлганди.

— Кимдан эшитдингиз, ахир?— деб сўради Саноқул.

Кампир кўрдики, араз қилганини бола билмади. Энди фойдаси йўқ: қовоқ-тумшуқ қилди нима-ю, қилмади нима.

— Бундайчанги гапларди Нисо энангдан эшитаманда, — деди у яна беихтиёр кемшик тишларини кўрсатиб илжаяркан. — Нисо энангга Умри айтибди. Умрига эри Мирзо Бадал айтипти. Мирзо Бадалга қўшниси Сувонқул гуппи айтипти.

— Оқ бўканларни Сувонқул амаки кўрибдими? — деб сўради Саноқул жонсарак бўлиб.

— Бэ-э! — Улғай эна нописандлик билан лабини кувача қилди. — Бундайчанги гапларни Сувонқул гуппи ҳаммадан кегин эшитади-ку! Унга Зокир булбул айтибди.

— Зокир булбул тоққа чиққан эканми?

— Шошма-да! Мунча сабрсиз бўлмасанг. Зокир булбулнинг қоратегинлик хотини сигирини подага қўшгани олиб чиқибди. Қараса, подажойда хотин-халажлар тўпланишиб, чуввос солишиб, бир-бирларига гал бермай, сен гапирмайсан, мен гапираман, деб ўралашиб ётишганмиш...

— Достон қилиб юбординг-ку, эна.

— Ҳо-ө, нима қипти? Бобою бобокалонларим уруғидан бахшилар ўтган. Уларнинг олдида Зокир булбул ип эшолмай қоларди. Катта амаким Ибройимбеккаям тик қараб гапирган. Қойил қолдирган. Ў, сенлар билмайсилар-да Ибройимбекни... У тоғдай одам бўлган, ҳайбатидан от ҳуркқан...

— Э-э, тарихга ўтиб кетдингиз-ку?

— Нима қипти, нима қипти? Бобою бобокалонларимиз тариқ ҳам экишган, буғдоям экишган, арпаям экишган, пахтаям экишган. Кофир тўқ — мусулмон тинч, деб ишлайверишган, ишлайверишган. Бошқалар талаб олаверишган, кейин-кейин ўзларининг қоққани қозиғи, осгани хурмачалари ҳам қолмаган.

— Сиз подажойда аёллар ўралашиб ётишганини айтувдингиз, — унинг эсига солди Саноқул.

— Қанақа подажойни?

— Зокир булбулнинг хотини сигир ҳайдаб чиққан подажойни айтаётувдингиз.

— Ҳа-я, Зокир булбулнинг хотини подажойга борган...

Улғай эна жимиб қолди. Бу хушхабар қандай тарқалганини ўйлаб, ўйлагани сайин фикри чуваланиб, у сару калавасини йўқотиб бормоқда эди. Саноқул фурсатни ганимат билиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилганча жўнаб қолди. Шундай қилмаганида, кампир то ҳолдан тойгунча эзмаланиб, барча катта-кичик пучмоқларга бош суқиб чиқиши эҳтимолдан узоқ эмасди.

Саноқул қайтиб бориб, сайгоқларнинг келганлигини Муртазога етказмоқчи эди, пича ўйланиб туриб,

фикридан қайтди. Шусиз ҳам Улғай кампир унинг анча вақтини олди. Улғай кампир шунақа, астойдил гапга тушса, чарчаш нималигини билмайди, борган сари тили эшилиб бошқа ёқларга ўтлагани билан ёшининг ҳурмати бор, уни тоқат билан тинглашдан ўзга илож йўқ. "Муртазо эшитмай қолмас, — ўйлади Саноқул. — Яхшиси, тезроқ уйга бориб бу хушхабарни отамга етказай".

Саноқул Улғай кампирнинг ўзига билдирмай, жуфтакни ростлаб қолган ҳам эдики, муюлишда елкасига гулдор хуржун осиб олган ўрта ёшлардаги бир киши кўринди. Унинг эгнида сидирға кулранг чакмон, чакмони тикилган матодан қолган лахтакдан тикилгандай кўринган, ўз халқига садоқат рамзи сифатида бошида қўққайиб турган сидирға кулранг дўппи, оёғида ҳар ёққа кириб-чиқишда ечиб-кийиш учун қулай бўлган кавушмахси бор эди. Мана шу тарзи ҳам унинг ўзига анчамунча пишиқ-пухта одам эканлигидан далолат бериб тургандай эди. Боз устига, билинар-билинмас ингичка қон томирлари тўрлаган оч жигарранг юзига эчкининг думидан юлиб олиб ёпиштириб қўйилгандай қошлари остидаги олма-кесак тергандай теварак-атрофга аланглаб турган қизғиш кўзлари унинг баъзи бир нарсаларни билиб юришга мажбур этган қуловузлигидан далолат бераётгандай эди. У ўз ишини тугатиб, челакдаги сувга қўлини ювганича Саноқулнинг кетиб қолганини хаёлига ҳам келтирмай, ҳамон оғзи тинмай жавраётган Улғай кампирнинг алмойи-алжойидек туюлган сўзларига диққат билан қулоқ сола бошлади. Кампиршонинг гап-сўзлари унинг қиёфасида гоҳ шодумонлик, гоҳ ҳайрат ифодалари балқиб чиқишига сабаб бўлмоқда эди. Юз-кўзидаги ифодаларга қараб ё Улғай кампирнинг оҳанжамали гап-сўзлари ёинки сайғоқларнинг Рангонтоғ этакларида пайдо бўлгани хабари бу ғалати одамни ҳаяжонга солаётганини пайқаш қийин эмас эди.

— Шунақа, — деди ҳамон Саноқулга гапиряпман деб ўйлаган Улғай кампир номаълум одамнинг афтига ҳам қарамай, — Зокир булбулнинг қоратегинлик хоти-

ни буни подажойда эшитганми ёки ўзи аввалроқ эшитиб подажойда кейин бошқаларга ёйганми, ишқилиб, сайғоқларнинг келганини ўша дув-дув гап қилган...

Улғай кампирнинг кейинги гапини эшитиб ҳалиги одам ўз қулоқларига ишонмаётгандек, ҳатто уларнинг ҳар иккисининг юмшоқ жойини тортиб-тортиб ҳам қўйди, ҳатто кўзларини бир-икки дапқур очиб-юмди ҳам — бу кўраётганларим чинми-ночинми деган ифодани англатса керак, негадир талмовсираган кўйи:

— Нима дедингиз? — дея салом беришни ҳам унутганча сўраб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Улғай кампир шундагина ўгирилиб қаради. У ҳам негадир Саноқулнинг ўрнида мана бу нусха турганига парво ҳам қилмай, ўзи шундай бўлиши керакдек сўраша кетди:

— Ҳа, Ҳамробой сенмидинг? — деди Улғай кампир ҳатто уни кўрганидан бироз суюнгандек ҳам бўлиб. — Шақур-шуқурларингни кўтариб эсон-омон юрибсанми? Тошдеккина қаттиқсан-да, Улғай энангга хуржунингдаги кўзмунчоқлардан битта нўхатдеккинасини ҳам берай демайсан...

— Хуржунимда ҳозир кўзмунчоқ йўқ эди, — дея гўлдиради ҳалиги киши фавқулодда айтилган бу гапдан эсанкираб қолгандек бўлиб.

— Биламан, биламан, — деди Улғай кампир нималаргадир ишора қилганча келиб-келиб мени алдамоқчи бўляпсанми дегандек бўлиб. — Ҳай, майли, хуржунингда Улғай энанг учун нўхатдеккина бўлсаям битта кўзмунчоқ топилмаса, унда зора-мора игнатугмами, ингишвонами чиқиб қолар?

Ҳали ҳозиргина номаълум бўлган, энди Ҳамробой аталмиш маълуму машҳур киши бу айтилаётган гарсаларнинг тадоригини аввалдан кўриб қўймагани учун энди ҳақиқатан ҳам ноқулай аҳволда қолгандек бўлди.

— Шуларни ҳам ҳали йўқ дерсан? — қасди-басдига олди Улғай эна.

— Нима қилай, мана ўзингиз кўринг, — деди Ҳамробой елкасидаги хуржунни олиб ундаги нарсаларни кўрсатмоқчи бўлгандек бир ҳаракат-ла, аммо бундай қилишни хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда. — Йўқ бўлгандан кейин йўқ дейман-да, йўқ нарсани бор дейманми, бор нарсани сиздан аяйманми?

— Биламан, биламан, — деди Улғай кампир яна нималаргадир ишора қилганча, яна мени алдамоқчи бўляпсанми дегандек, яна ўша оҳангда. — Унда хуржунингда нималарни кўтариб юрибсан ўзи?

— Ҳа-а, энди-и...

— Айтгинг ҳам келмайди-да, — деди қўлини ювиб бўлган Улғай кампир, сен айтмасанг мендан ҳам гап олиб бўлибсан, дегандек кетмоқчи бўлиб.

— Йўқ, нега энди? — деди Ҳамробой ундан гап олиши жуда зарурлигидан энди хуржунининг сир-асрорини дастурхон қилмоқдан ўзга илож йўқлигини пайқаб, шундаям дастурхоннинг бир четини очмоққа қарор қилди. — Хуржунимда сиз айтган нарсалар эмас, бошқа нарсалар бор...

— Шунақа де?

— Ҳа, шунақа.

— Шунақа экан-да?

— Шунақа-да.

— Майли, мен борай...

— Йўқ, тўхтанг, — деди Ҳамробой Саноқул бўлиб туравермай гап қўшиб юборгани учун афсусланган ҳолда. — Бир нарсалар деяётувдингиз, шекилли...

— Хуржунингдаги нарсаларни сўровдим.

— Айтдим-ку, Улғай эна.

— Мен ҳам айтаримни айтдим, Ҳамробой.

— Хуржунимда бургутнинг панжаси бор.

— Бургутнинг панжаси дейсанми?

— Ҳа.

— Вой товба?! — деди Улғай кампир ёқа тутумлаб. — Нима қиласан уни?

— Шу керак экан-да одамларга. Хуржунимда яна... ургочи бўриники бор.

— Ўлақолсин.

— Буни тайинлаган эркаклар ҳам бор-да. Кейин эркак тулкиникиям бор, совиган хотинларни эрларига иситадиган...

— Ҳайвонотга ўтиб кетибсан-да, Ҳамробой?

— Илож қанча, тирикчилик-да, Улғай эна. Сиз айтган кўзмунчоғу игнатугмалар билан кун ўтмай қолди, шу замонда кимга ҳам кўз тегарди? Мана, сизга битта бўрининг тирноғидан берай, — дея Ҳамробой ийиб кетганидан хуржунини кавламоқчи бўлган эди, Улғай эна қўлини кўзининг олдида соат капгиридек тебратиб:

— Қўяқол, керакмас, тирик жоннинг тирноғини нима қиламан? — деди.

— Уйингизга осиб қўясиз.

— Ҳеч-ҳеч зорлигим йўқ, кечалари босинқираб, тушимга тирноғим қани деб ўша бўри кириб чиқсинми? Сен энди бу қилигинг билан бургутнинг панжасию бўрининг тирноғи демасдан тоғу тошларда юрсанг бўларкан.

— Тоғу тошларда нима қиламан?

— Тоғу тошларда мўмиёи асл йиғасан — анави нарсанинг одамларга фойдаси бор, кийикнинг киндиги ушлаб мушку анбарга айланар эмиш, ўшандан олиб тушсанг менга ҳам берар эдинг...

— Бизнинг тоғларда кийик нима қилсин? — тўр ташлади Ҳамробой.

— Нега кийик йўқ экан? — аччиқлангандек бўлди Улғай эна. — Рашонтоғда кийик ҳам бор, айиқ ҳам бор... Ҳамма ҳайвон бор, мана энди оқ бўқанлар ҳам кепти.

Ҳамробойга шу керак эди.

— Йўғ-э?! — деди ишонқирамаётгандек бўлиб.

— Ҳа, аввалларида, бизнинг ёшлигимизда ҳам оқ бўқанлар кўп бўларди, қиш қаттиқ келган пайтларда

1571285

ҳовлиларимизга ҳам кириб келарди, уларга хашак бериб совуқдан сақлаган пайтларимиз ҳам бўлганди ўшанда.

— Мўъжиза-ку, — деб юборди Ҳамробой.

— Сен яна мўъжиза экан деб оқ бўқаннинг ҳам туёқ-пуёгини кесиб олишни мўлжаллаяпсанми? — деди Улғай кампир унга гумонсираётгандек қараб.

— Туёғини бошимга ураманми? — деди Ҳамробой мамнун бўлган кўйи Улғай кампир билан шоша-пиша хайрлашиб, ўз йўлида кетаркан. — Менга унинг шохи керак, — дея шивирлади хотинининг қулоғига сир айтаётгандек бўлиб. — Оқ бўқаннинг шохи олдида бўринг тирноғиям, бургутнинг панжасиям ҳеч нима. Унинг шохини талқон қилиб капаласа, ана иннайкейин эркакнинг эркаклик қуввати ошаверсин-да, буни билганлар бор, билмаганлар бор. Бундан бу ёги энди бу сирни ҳеч кимга айтмай, секин-аста иш пиширмасам ҳаммаям шохга эгалик қилсам деб югуриб қолади.

Ҳамробой ўз-ўзича режалар тузиб, хаёлан ҳисоб-китоб қилганча бораркан, қаршисидан бир ит вовиллаб чиққан эди, ихтиёрсиз равишда елкасидан хуржунини олиб, у билан ўзини ҳимоя қилган бўлди. Итнинг дарҳол шашти пасайиб орқага қочди. Ҳамробой бундан жуда қувонди.

Иккинчи боб

1

Муртазо билан Саноқул Кўктошда, янги отхона қурилишида иш бошлашганига, мана тўрт ҳафта бўлди. Бу қурилишда феъл-атвори жиҳатдан ҳам, кўринишию хатти-ҳаракатлари жиҳатдан ҳам бир-бирларига сира ўхшамайдиган ҳар хил ёшдаги одамлар ишлашаркан. Ўзи замон тақозоси шу — кўнглидаги орзу-умидларини амалга ошириш имкони бўлмаганлар, бошқа тайинли ишнинг этагини тутолмаганлар борар жойла-

рини билмай, бошлари гангиганча бу ерга келиб қолишади. Шу боис, уларнинг кўринишларию қиёфаларида ҳам ўзларидан, теварак-атрофдан норозилик ва кўнгиллари тўлмаганлик ифодалари алайно ошкор намоён бўлиб туради. Эшагига яраша тушови деганларидек, бригада бошлиғи, қирқ-қирқ беш ёшлар атрофидаги Донибой деган кишининг ҳам кимлигини, қандай одамлигини дабдурустдан айтиб бериш ниҳоятда мушкул. Унинг юзини буришиқлар қоплаган бўлса-да, хатти-ҳаракатларию қилиқларида аллақандай бачканалик сезилади. Шу боис, одамда соқолмўйлови чиққан гўдакдек таассурот қолдиради. Унинг исми ёнига "ака" ёинки "амаки" сўзини қўшиб айтиш ҳам ўнгайсиз туюлади. Донибойнинг гавдаси жиккакина, бит кўзлари теварак-атрофга олма-кесак тераётгандек олазарак боқади. Унинг қиладиган ишининг тайини йўқ. Баъзи-баъзида қўлини ортга қилганича саллона-саллона қадамлар ташлаб қолади, димоғидан ошакқурт ёғиладиган каттакон бошлиқларга ўхшагиси келиб қолади. Ўшаларга ўхшаб, кўрсаткич бармогини ўқ-буёққа ўйнатиб, буйруқлар беради. Фақат Донибойнинг каттакон бошлиқлардан фарқи шундаки, бу қилиғи тезда ўзининг ҳам жонига тегади. Шундан сўнг зўр бир ишни дўндириб қўйгандай қўл силтаб кетиржам қиёфада отбоқарлар билан гурунглашгани кетади.

Отбоқарларнинг иш-юмушлари ҳамиша бошларидан ошиб ётади: хашак сол, остини тозала, қашла, сов. Уларда қандайдир қизиқишлар устун келиб,ташвишлари кўплигига қарамай, Донибой билан гурунглашгани ҳамиша фурсат топишади. Унинг қорасини узоқдан кўришлари биланоқ, ана келяпти, дегандай бир-бирларига им қоқишади, кўз қисишади.

Донибой устига шох-шаббалар ташланган чайлага келгач,ўзини таппа ерга ташларкан:

— Уф-ф, ёниб кетдим, — дейди овозини баралла қўйиб. — Қанийди, бир коса муздеккина қимиз бўлса.

Унинг нолишини эшитган отбоқар тушунса, дарров қимиз олиб чиқади. Ўзини билмасликка олиб без бўлганча тураверса, Донибой гапни айлантиришга тушади.

"Агар мен отбоқар бўлганимда, — дейди у, — ҳаммани қимизга тўйғизиб юборардим. Одамларнинг савобини олардим. Ҳа-а, билиб қўйинглар, бу дунёда фақат яхшилик қолади!"

Шундай гаплардан кейин ҳам отбоқарлар миқ этишмаса, Донибой тутақиб кетади.

— Э, туринг-э, бир коса қимиз билан бирор жойингиз камайиб қолармиди? — дейди очиғига кўчиб.— Олиб келинг-да, ахир!

Отбоқарлар кулиб юборишади. Уларга Донибойнинг ана шундай тутақиб кетганидаги гап-сўзлари негадир хуш ёқади.

Донибойни кўп ҳам маҳтал қилмай қимиз келтиришади. Унинг кўнгли биринчи косадан кейин иккинчисини тилаб қолади. Гапни яна узоқдан бошлайди.

"Бировга бир коса қимиз бердингми, иккинчисиниям бер, — дейди нималаргадир ишора қилганча, — яхшилик қилмоқчимисан, қилаётган яхшилигинг охиригача бўлсин. Ҳалиги, қўшиқ бор-ку, отанг ердир, онанг ердир, сен ҳам ердек қилиқ қил, ёмонлик қилганга яхшилик қил, деган. Ана, кўрдингми, гап қаерда!"

Отбоқарлар унинг сўзларига маҳлиё бўлгандай кўринишса-да, негадир ўринларидан қўзғалишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бундан Донибойнинг жини қўзийди.

— Ҳа-а, биламан, — дейди тутақиб, — ўзларингни гўлликка солиб, ичларингда мендан куляпсизлар-а? Йўқ, кетмайди! Оғайничилик бунақа бўлмайди, биз сизларга отхона қуриб беряпмиз, ахир. Убайдилла ака, айтинг, олиб чиқишсин!

Ўзлари беришганда мақтаб, беришмаса сўраб олиб, қимизхўрлик қила-қила шу тариқа Донибой кунни кеч қилади. Керак пайтда уни ернинг остидан ҳам топиб

бўлмайди. Кераксиз фурсатларда тирғалайвериб ҳар қандай одамни ҳам безорижон қилиб юборади. Туппа-тузук бораётган ишга ҳуда-беҳуда аралашавериб халақит беради. Энди цемент келтирилганда ёки ғишт тушириш лоим бўлганда қанақадир мажлис бошлаб юборади. Мажлисининг мавзуси ҳам галати, цементнинг нима эканлиги ёинки гиштни қандай қилиб тушириш ҳақида бўлади.

— Одамларингизга мушайт беравермай қимизга келинг, Донибой, — дейди шунақа пайтларда Убайдилла чавандоз ярим ҳазил, ярим чин билан.

Қурилаётган отхона бўлса ҳали-бери битадиган кўринмасди. Ғишт келтирганда цемент йўқ, цемент бўлса ғишт анқонинг уруғи.

— Ҳамма жойда шунақа, — дейди Донибой, — хўроз ҳаммаёқда бир хил қичқиради, биз ўз вазифамизни билишимиз керак, бизнинг вазифамиз қуриш, топиб келиш эмас!

— Сенинг вазифанг қимизхўрлик қилиш, — дея ўпча тўнғиллайди Абдумутал деган қурувчи йигит.

У, кенг пешонали, ўйчан нигоҳли, занжидек қопқора бўлса ҳам истараси иссиқ. Ўттиз ёшларни қораламаётган бўлса-да, ёшига нисбатан катта кўринади.

Абдумуталнинг норози оҳангдаги сўзларига атайлаб эътибор беришмайди. Унга терсайишиб, эҳтиёткорлик билан нигоҳ солишади. Э-ҳа, бу гапни сен айтаётибсанда, майли, ўзингдан кўр, бироқ бизни балойи азимга гирифтор этма, дегандай бўлишади.

Раҳмон деганлари бўлса, бундай гапларга қулоқ солиш у ёқда турсин, тескарисини айтади, бригадирни кўкларга кўтаради. Бугун ҳам шундай бўлди. Раҳмон девор остида ёнбошлаганча папирос тутатарди. У зерикиб, бирор кўнгилхушлик қилиш йўлини излар эди. Шу маҳал қўлларини орқасига қилганча Донибой келиб қолди. Раҳмон дик этиб ўрнидан турди, унга қуюқ салом берди.

— Ҳм-м... чекишми? — сўради Донибой, унга тик қарамай, тўнкарилиб ётган замбил устига ўтираркан.

— Нимаям қилардик? — деганича Раҳмон яна жойига чўкди.

Донибой жаҳлга мингандек эди.

— Сен, Раҳмо-он, аскарликдаям қурувчи бўлганман деб айтасан,— деди у Раҳмонга нималарнидир эслатмоқчи бўлгандек, — ўша ерларда ҳам кунинг чилим чекиш билан ўтармиди?

Раҳмоннинг беихтиёр оғзининг таноби қочиб, кўзлари йилтиради, сўлакайи оққудек бўлиб:

— У ерларда маза! — деди. — Хаёлинг бўлинмай ишлайсан. Зерикдингми, биттасини топиб маишат қиласан. Ўзиям атир-упаларни сепиб, жа-а зўр бўлиб юришади-да!..

— Э, бўлди! — Донибой чирт эткизиб четга тупурди. — Мен унақалар билан қизиқмайман...

— Билмайсиз-да, — куйиб-пишиб тушунтира кетди Раҳмон. — Кўрсангиз, ажралолмай қоласиз. Улар эркакни ром этишнинг йўлларини жа-а билишади...

— Кўрганма-ан, — Раҳмоннинг гапи ғурурига тегибми, беихтиёр сирини очиб қўйди Донибой. — Регарда ишлаганимда ўша томонлардан келган биттаси билан бир ойча юрдим. Силламни қуритди, нақ ўлаёздим.

— Юрмаган эркак эркакми? Бизнинг йигитлар аскарликдан ҳақиқий эркак бўлиб келишади-да, Донибой ака-а, — ирғишлади Раҳмон.

Донибой аскарликка бормаганди, шу боис, ичидан қиринди ўтса-да, билдирмади, жаҳл билан Раҳмоннинг гапини бўлди:

— Бас энди, жа-а ҳаддингдан ошаверма.

— Ҳаддан ошганим аниқ, — маъқуллади унинг гапини Раҳмон.— Аммо-лекин бир гапни айтмай иложим йўқ. Сиз йўлини биласиз. Бу дунёда қимиз ичиб, ялло қилганингизу айш сурганингиз қолади, холос.

— Огзингни юм-э!

— Рост гапни айтяпман-да, Донибой ака-а, — шундай дея Раҳмон бироз бошини солинқиратиб турди-да,

кейин нимадир илкис ёдига тушиб, ҳовлиққанча давом этди: — Ана-а, Кўктошдаги раис бувани олинг! Ишлаб-ишлаб, охири урилиб-сурилиб, вайрон-валангор бўлиб кетди. Сиз эса, биласиз. Ишгаям канадай ёпишиб олмайсиз, одамларингизниям жа-а бўш-баёв қўйиб ҳам юбормайсиз.

— Раиснинг камчилиги бўлган,— Донибой бироз ҳайрон товушда ичида нималарнидир ўйлаётгандек бўлиб сўзлади, у шунақа пайтда ўзини жиддий кўрсатишга ҳаракат қиларди. — Унинг фаҳм-фаросатиям ўзига яраша эди.

Раҳмон бошини лиқиллатиб унинг сўзини маъқулларкан:

— Ҳозиргисиники-чи? — деб сўради.

— Э, бу киши зўр одам, ҳали катта ишлар қилади, — деди Донибой кулли ишонч билан.— Бу одамни юрак-юракдан яхши кўриб қолдим. Иккаламиз ҳозирги замоннинг энг муҳим масалалари ҳақида бир соатча ўтириб гаплашдик. Менга, раҳмат Донибой, биз худди сиз каби фидойи, фикри кенг одамлар билан қайта қуришни амалга оширамиз, дедилар. Бу бир менгагина эмас, бригадамизга ҳам билдирилган ишонч, дедим.

Раҳмон бошини сарак-сарак қилганича илжайди.

— Кейин-чи? — деб сўради қандайдир қизиқ воқеа юз бериши мумкинлигига умидвор бўлгандек.

— Елкамга қоқиб қўйдилар. У киши менинг ўн беш йилдан буён партия-ҳукуматимизнинг қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, халқимизнинг фаровон яшаши учун хизмат қилиб келаётганимни яхши билар экан-лар.

— Сиз жуда катта ишларни амалга оширгансиз, лекин тирноқча хатонгиз бўлмаса ҳам топаман дейишса, тошмай қўйишмайди, — деди Раҳмон бу гапларнинг таги нимага ишора қилаётгандек.

— Майли топишса топишаверишсин, партия-ҳукуматимиз учун керак бўлса, жонимизни берамиз...

— Жонимни денг.

— Мен жонимни мана шу бригададагиларнинг жонлари билан қўшиб ҳисоблайман.

— Қо-йил! — ишшайди Раҳмон тан бермай иложи йўқлигини пайқагандек. — Аммо-лекин сизни ана шу томондан ушлаб бўлмайди, сиёсий мустаҳкамсиз.

— Газет ўқиб туриш керак, — деди Донибой бу мақтовни тўғри қабул қилиб. — Сизларга ҳам неча марталаб айтаман-ку, газет олинглар, сўнгги ҳарфигача қолдирмай ўқиб чиқинглар дейман-ку, қулоқ солмайсизлар. Бир кунмас-бир кун пешоналаринг тақ этиб деворга бориб тегадию кўзларинг мошдай очилади, ана ўшанда биласизлар газет ўқимасликнинг оқибатини, — шу сўзларни айтаётиб, у туйқусдан Раҳмонга унинг ичак-чавоқларигача ағдариб кўрмоқчи бўлгандай тикилиб қаради. — Хўш, ҳозир нима иш қиляпсан, саволимга аниқ-лўнда жавоб бер-чи?

— Ҳеч нарса...

— Нега?

— Цемент йўқ, ғишт йўқ, нимаям қилардик?

— Ғирт галварс экансан, шуям гап бўлдими? — деди Донибой Раҳмонни катта гуноҳ устида қўлга туширгандек. — Биз бу ерда чорвачиликни ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат программасини бажариш учун тер тўкяпмиз дейиш керак...

— Донибой ака-а...— деди чўзиб Раҳмон, бас қиласанми-йўқми, деяётгандек бўлиб.

— Тушундингми? — Донибойнинг ҳамон паст тушгиси келмасди.

Раҳмон чирт этказиб тупурди:

— Тушундим.

— Шундоқ бўлсин, — деди Донибой қаноат ҳосил қилгандек, шундан сўнг бекорчихўжа бўлиб ётишган қурувчилар атрофида ўралашавериш ноқулайлигини сездими, битта-битта қадам ташлаб кета бошлади. Кетаётиб, шу ерда бўламан, деганига қараганда, у Убайдилла чавандозни эслаб қолгани маълум бўлди.

У узоқлашди.

Раҳмон ҳавога:

— Аҳмоқ! — деган сўзни отди.

Сўз эгаси бу чоқда Убайдилла чавандоз ҳузурига ошиқмоқда эди. Убайдилла чавандоз атрофи четан девор билан тўсилган, йилқилар бир-бирларини искашиб юрган майдонда уларни кураги билан бир четга ҳайдай-ҳайдай, гўнг кураб тўдалар эди. Донибой устига шохшаббалар ташланган чайла ёнида унинг ишига пича син солиб қараб турди. Сўнгра томоқ қириб, ўзининг келганини билдирди:

— Ҳорманг, Убайдилла ака-а! — деди. — Бир суҳбатингизни олай деб келаётувдим, жа-а ишга берилиб кетибсиз?..

— Э, келинг, — куракни четан деворга суяб, устибошини қоқа-қоқа Убайдилла чавандоз унга пешвоз юрди.

Улар кўришишди, Убайдилла чавандоз Донибойни чайлага таклиф қилди.

— Қани, ўзингиз бошланг, — деди Донибой илтифот билан.

— Йўқ, сиз бошланг.

Донибой маҳтал қилмай Убайдилла чавандознинг олдига тушди. Улар чайлага киришди. Донибой шолча устига чордана қуриб ўтириб олгач, бир муддат ташқарига, эмин-эркин ўйноқлашаётган отларга нималарнидир хаёл қилиб тикилиб қолди.

— Убайдилла ака, шу отларгаям қойилман, — деди олақаерларда қулоғига чалиниб, хотирасига муҳрланиб қолган янгиликни такрорлаб. — Тик туриб ухлашади-я!

— Шунақа, Донибой, биларкансиз-а, — деди Убайдилла чавандоз.

— Ҳа-а, энди... — ўзини хоксор кўрсатди Донибой. — Бизда ҳар соҳадан бир шингил, деганларидай... бор-да! Биласиз, ҳозирги раҳбар кадрларнинг ҳамма нарсадан хабари бўлиши керак, деган кўрсатмалар чиқиптими.

Шундай деб, у бурчакда ётган саночдаги қимиздан косага қуйиш билан банд эса-да, атай кўзларини ўша ёқдан олмади.

— Ҳў-ўв калта айғир, ўзимизнинг лақай зотли отлардан бўлса кераг-а? — деб сўради.

— Қаранг-қаранг, қимиз тўкилади!

— Ие, ие, хаёлим отга кетиб...

— Нима деяётгандингиз?

— Айғирни айтаман. Ҳў-ўв, ана, искашяпти-ку, ўзимизнинг лақай зотли отлардан экан.

Убайдилла чавандоз қиҳ-қиҳлаб куларкан:

— Э, омон бўлинг-а, у айғирмас, бия-ку, — деди.

— Йўғ-э?

— Думини кўтариб кўрасизми?

— Қўйинг-э, хаёлим қимизга кетиб...

— Бу араб зотидан, сиз айтгандай эмас.

— Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдим, — Донибой иккиланаётганга, бу фикрнинг ҳам тўғри эканлигига унчалик ишонмаётганга ўхшаб, кафтини пешонасига равоқ қилди, кўзини қисиб, узоқ қаради. — Барибир лақай зотли отларга ўхшаб кетаркан...

— Ўхшамайди, Донибой, ўхшамайди! — чавандоз тўғри одам, кўпкарию отлар ҳақида ножўя сўз кетса беихтиёр қайсарлиги тутади. — Сиз айтган отлар узун бўйли, оёқлариям узун-узун бўлади. Кўкраги тор, таранг. Топган гапингизни-ю, Донибой.

— Шаҳар берлик, сизники маъқул, — мингирлади Донибой анча малолланиб, кейин нимадир ёдига тушгандек ичидагини тўкиб солди. — Лекин одам билан жа-а мундай қаттиқ-қаттиқ гаплашманг-да!

Убайдилла чавандоз хижолат чеккандай бўлди.

Лекин индамади.

— Қани, қимиздан ичинг, — деди бироздан сўнг ўртадаги хижолатни кўтариш учун. — Ие, нега қараб турибсиз, ўзингиз шуни танга даво дейсиз-ку! Қуйинг, бизгаям...

Донибой ийиди. Бу қимиз етмиш икки дарднинг илдизини остин-устун қилиб қўпориб ташлайди, деганича косаларга тўлдириб-тўлдириб қимиз қуйди. Кетма-кет коса бўшагани сайин баҳридили очилиб гапга тушди. Унинг айтишича, ҳозир қурилишда иш аввалгидек эмас экан, бот-бот тўхтаб қолаётган экан, бу кетишда бўлса қурилиш ишлари тўхтаб қолиб, унинг бригадаси тарқаб кетишиям ҳеч гап эмас экан, у бу гапларини фақат Убайдилла чавандозга айтар экан, бошқаларга, айниқса, бригада аъзоларига бунақа гапларни айтиб бўлмас экан. Қурилишда ишлар тўхтаб қолаётганининг сабаби шунда эканки, ҳамма нарса ҳозирги кунда қад кўтараётган буюк тўғонга сафарбар қилинган экан, у ерда Янги Замон денгизи ҳам барпо бўлармиш, бутун дунёнинг чорак қисмига электр энергияси етказиб берадиган электростанция қурилармиш.

Убайдилла чавандоз унинг гапларини энсаси қотиб тинглади.

— Чумчуқнинг қарғага етаман деб пути йиртилипти, — деди у нималаргадир ишора қилганча сўзини мақол билан бошлаб. — Бошқаларга таассуб қилишнинг нима кераги бор экан?

— Бу ишларнинг барчаси халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш учун бўляпти, чавандоз бува! — дея хитоб қилди Донибой танга топиб олган гадойдек кувониб. — Шуни ўйламайсизми?

Донибойнинг сўнгги сўзлари негадир Убайдилла чавандозга ботиб кетди, ҳэ ўйлайдиган сени, деб унинг кетига тепиб чиқармоқчи бўлди-ю, яна нималарнингдир андишасига бориб жаҳлини ичига ютишга мажбур бўлди. Жаҳлини ичига ютгани билан, барибир, гап билан чақиб олди.

— Мана, биз учун ҳам сиз ўйлаяпсиз-ку, Донибой, — деди ачитиб. — Шу етади-да. Бизга ўй ўйлашни ким қўйипти, агар биз ҳам ўй ўйласак, ишни ким қилади, бу отларни ким боқади?

— Узр, узр! — Донибой Убайдилла чавандознинг жаҳли чиққанини пайқаб, дарҳол айтганларидан тонишга тушди. — Энди биз ҳам эшитганларимизни айтамизда, йўқса, бугунги кун турганда келажакка бало борми? — у Убайдилла чавандоз томонга энкайиб, нималарнидир шипшиётгандек сўзида давом этди. — Бу гапларнинг ҳаммаси Хрушчёв деганларидан қолди-да, коммунизм қурамиз, ҳамма нарсани текин қиламиз, деди, ўзи ўлиб кетди, энди унинг айтганлари бўлиш-бўлмаслигига ким кафил туради?

— Одам зоти охиратини ҳам ўйлагани тузук, — деди Убайдилла чавандоз энди Донибой томонга ўтгандек бўлиб, лекин у ўйлаганидан мутлақо бошқа гапларни гапирганича. — Охиратда ҳамманинг ҳам савобу гуноҳи ажрим қилинади, айниқса, берилган сўзу қилинган ваъдани бажармасликнинг гуноҳи оғир бўлармиш.

Донибой Убайдилла чавандозни энди кўраётгандек, унга оғзини очганича қараб қолди.

— Си-из... — деди кейин тили оғзида базўр айланганича.

— Нима ме-ен?! — Убайдилла чавандоз ҳам қурилиш бригадирига ҳайрон боқди.

— Бунақа гапларни айтишга қўрқмайсизми?

— Бу гапларнинг нимаси ёмон? — деди Убайдилла чавандоз Донибойнинг нимага ишора қилаётганини ғира-шира фаҳмлаб.

— Ёмони-ку йўғ-а... — чайналди Донибой.

— Сизни тушуниб турибман, — Убайдилла чавандоз бош чайқади. — Ҳозир баъзи одамлар марҳум руҳига фотиҳа ўқишга ҳам, қабристонга боришга ҳам қўрқиб қолишган. Гўёки шундай қилишса ҳукуматга қарши боргандек бўлишармиш.

— Талаб шунақа бўляпти-да, — сўз қўшди Донибой.

— Талаб бўлаверади, — деди Убайдилла чавандоз. — Бу талабни ким қўйган? Сизу бизга ўхшаган битта-яримта қовоқбош банда қўйган-да, унинг ўзи қайга борар-

дики, қўйган талаби борсин? Энди мен сизга айтсам, ёлғиз яратганнинг талабидан бўлаги бекор...

Донибой бу гаплардан безовталаниб қолиб, ўрнидан тура бошлади.

— Ҳа, қаёққа? — деб сўради Убайдилла чавандоз мийигида кулимсираб.

— Энди мен борай, — деди Донибой. — Кун ҳам кеч бўлиб қолди.

— Ўтирибсиз-да! — хушламайроқ бўлса-да, Убайдилла чавандоз унинг кўнгли учун шу сўзни айтди.

— Бормасак иложи йўқ, Убайдилла ака, — деди Донибой.

— Иложи йўқ бўлса, унда майли, — деди чавандоз ҳам.

— Хўп бўлмаса.

— Хўп.

— Биз томонларга ҳам ўтинг.

— Келиб туринг.

Донибойнинг энди беш-ўн дақиқа аввалги кайфиятидан асар ҳам қолмаган, тумшуғи осилган эди. У ўзича гудраниб, сўкиниб қўйди. Негадир тажанглиги ошди. Шу чоқда негадир беихтиёр Саноқулу Муртазони эслаб қолди.

— Э, ёш авлод билан тузук-қуруқ гаплашмабмизку, — деганича ана шу эслаб қолганидан кайфияти кўтарилиб, Убайдилла чавандозга ўхшаган замондан ортда қолганлар билан эмас, ёшлар билан иш олиб бориш самара беражагини ўйлаб, тез-тез одимлаб кетди.

2

Муртазо қурувчилар бригадасида ҳамон қапишмай-сапишмай юрарди. Қурувчилар янги иш бошлаганларни майда-чуйда шахсий юмушларга буюриб туришар, бунақа масалада, айниқса, Раҳмон ҳаддидан ошар эди. Унинг айтганларини бажармасликнинг иложи йўқ, акс ҳолда Раҳмоннинг мушти зарбига дуч келиш ҳам ҳеч гап эмас эди.

Муртазо иягини эринчоқлик билан қашлаб, эснаб ўтирган Раҳмонга ер остидан қараб-қараб қўяркан, юраги пўкиллаганча, ҳозир бошини кўтариб мени кўрадию иш буюради, деб ўйларди.

Раҳмоннинг авзойи бузуқ, буюришга арзийдиган юмуш ўйлаб тополмаётганидан безовталанаётганга ўхшарди.

Шу лаҳзада Муртазонинг кутгани бўлди, Раҳмон бошини кўтарди.

— Чавандознинг боласи, ҳо-ой... — дея ўшқира бошлади у Саноқулга. — Отангнинг олдига бориб, қимиз-пимиз келтирмайсанми?

— Керак бўлса ўзингиз боринг, — деди Саноқул жаҳли чиққанидан қип-қизариб.

— Ўзим боришимни кўрсатиб қўярдим-у... — Раҳмон чайналиб, гапининг давомини айтмади.

У Муртазо томонга илкис ўгирилди.

— Оғайни-и, қани, булоққа тушиб, сув келтир, — деди буйруқ оҳангида, — ич қизиб кетди-ку!..

Муртазо индамай ўрнидан турди. У бир четда ётган, сири кўчган чойнакни олиб бир зум каловланиб турди, нимадир демоққа чоғланди, айтолмади.

Кейин кетди.

Саноқул унга ер остидан хўмрайиб, ғалати қараш қилди. Қарашида, мунча бўшанг-лапашанг бўлмасанг, менга ўхшаб шартта-шартта гапини қайтариб ташламайсанми, шунинг нимасидан қўрқасан, деган ифода бор эди.

Муртазо буни пайқаб, ўнғайсизланди. Ақалли бир оғиз сўз дейишга ўзида журъат тополмагани учун хўрлиги келиб кетди. У, гап қайтаргани билан фойдаси йўқлигини, Раҳмон унинг сўзини икки пулга олмаслигини, қайтанга уриб абжағини чиқариб ташлашини яхши биларди.

Саноқул... бошқа гап!

У заррача чўчимай, тап тортмай жавоб қилади, табиати шунақа.

Муртазо эса...

— Тезроқ юр! — Муртазонинг ортидан бақириб қолди Раҳмон. — Бу қадам ташлашингда эртага кун ботганда ҳам қайтиб келолмайсан-ку, оғайни!

Ўзининг важоҳати ўзига хуш ёқибми, Раҳмон овозини баралла қўйганча хохолаб кулди. Муртазо унга ўгирилиб қаради-ю, индамай қўя қолди. "Ҳали бу гаплари учун пушаймон бўлади, кечирим сўрайди... Ахир, мен унга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ-ку?!"

У, тепаликдан ўтиб, ёмғиру қор сувлари, шамолу довуллар ўпира-ўпира ҳосил қилган жарлик томон энди. Жарлик бўйидаги жийдаю наъматакларнинг, ёввойи дов-дарахтларнинг қорамтир томирлари чивиқдай иланг-биланг осилиб тушганди. Жарликнинг деворларида афсоналардаги дев кўзларидай сон-саноқсиз кавакларкўзга ташланарди. Бу кавакларни қушлар макон қилганлар. Ҳар-ҳар замонда ёввойи кўк каптарлар кавакларнинг оғзидан потирлаб учиб чиқиб, кишини бехосдан чўчитиб юборарди. Улар ўз уяларидан умид узмайдилар. Канорасиз осмоннинг қай бурчида бўлмасин, қанот ёзиши мумкин бўлган қушлардан тортиб ёввойи йиртқич ҳайвонларгача — бари-бари ўз туғилган маконларини осонликча ташлаб кетмайдилар, кетолмайдилар. Сайғоқларнинг Рангонтоғда туйқусдан пайдо бўлиб қолишларининг сабаби ҳам шунда-да! Буни одамлар янада аниқроқ қилиб, ота-боболарининг қони етаклаб келди, дейишди. Жарликка ёлғизоёқ йўл билан тушилади. Булоқ чиқаётган жой қип-қизил тупроқдан иборат. Пастроқда эса ажриқзор бўзликлар. Баъзи жойларда қамишу жинғиллар тўқай бўлиб, тиғиз ўсиб ётарди. Булоқ сувлари ариқдан Наҳри Кулзум каби жилдираб оқиб кетади. Ариқ бўйларида бир текис тошлар тўшалган. Бу ерга келганда баъзи одамлар қизларига тўптош, лашар ўйнашлари учун силлиқ сополаклар ҳам териб кетишади. Юқорига қарасанг, осмон ер билан бирлашиб кетгандай, оппоқ пахмоқ булутчалар жар лабида тургандай кўринади.

Муртазо кўнгли нохушланиб, атрофга қарашга ҳам ҳафсаласи келмай, харсангтош устида ўтирарди. У сув тубида ялт-юлт каҳрабодек товланаётган тошларга нигоҳини қадаб олганди. Шу ҳолатда узоқ-узоқ ўтиргиси келарди. Шундай дамларда кўз ўнгида негадир доимо Мавлуда гавдаланарди. Унинг сиймоси қалбида жилоланаётган жавоҳирдай эди.

Йигит хомуш кайфиятда идишини сувга тўлдирдида, Мавлудани ўйлай-ўйлай, унинг ўша тандир ёнидаги ўтли нигоҳини кўз олдига келтириб, хўрсина-хўрсина изига қайтди. У етиб келганида Раҳмон сапчиб ўрнидан турди, қўлларини силкиб, бошини чангаллаб қичқира бошлади:

— Бу аҳволда одамни тириклайин гўрга тиқасанку, тирранча! Мен сени сувга сув бўлиб кетгани юборганмидим? Шу қилганингга бир уриб титиғингни чиқариб юборайми? А? Гапир! Нега хода ютгандай серрайиб турибсан?!

Раҳмоннинг ён-атрофидагилар тилга киришди: эсноқи, беҳафсала, қаттиқ-қурум товушлар чиқа бошлади:

— Қўй, Раҳмон, нима қиласан?

— Сув олиб келди, ичавер-да!

— Сен ҳам қизиқсан, Муртазо, шиппа бориб, шиппа келмайсанми?

— Ўзингдаям айб бор... Ақлинг паст!..

— Нега ақли етмас экан? — Раҳмон энди анча юмшаб, оғзининг таноби қочиб гапира бошлади. — Мени ўн икки ёшимда ақлим кирган эди...

— Йўғ-е!

— Лоф ҳам эви билан-да!..

— Рост айтяпман, рост! — Раҳмон чордана қуриб ўтириб олди. — Мендан олти-етти ёш катта бир қиз бор эди. Бирга ўтга чиқардик. Бир куни айни туш маҳали, кун қизиган пайт, далада ҳеч ким йўқ... Буғдойзор ичида бўтакўз юлиб ўтирибмизу у менга ғалати-галати қараш қилади. Кўзлари олов сачраётгандек. Ёнма-ёнмиз.

Бир пайт укам, укажонимлаб бошимни кўкрагига олиб борди, шу еримга нимадир бўлди, эз, деди. Айтганини қилдим. Унинг кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётибди. Бир маҳал қучоқлаб ўпаверди, ўпаверди... У ёғи нима бўлганини билмайман. Шу, шу...

— Қучоқлатган-да! — деб қўйди ўтирганлардан бири.

— Бўлмасам-чи! Мактабдан келаману ўт юлишга отланиб қоламан. Ўқиш ҳам расво бўлди. "Икки" тўлиб кетди. Учраган жойда ёпишаверсам керакки, у мендан қочадиган бўлиб қолди. Жон опажон дейман, ўқишларимни тузатаман, ўт юлиб бераман, майли дея қолинг, дейман...

— Ва-ҳа-ҳа!..

— Ўт юлиб бераман дермидинг?

— Кейин-чи, кейин?!

— Кейин жонидан тўйган эканми, бир кун шундоқ шапалоқ тортдики, юз-кўзимдан ўт чиқиб кетай деди. Кўп ўтмай уни бошқа қишлоққа эрга бериб юборишди.

Муртазонинг кўзларида ёш ҳалқаланди. У ўрнидан туриб, нари кетди.

3

Рангонтоққа қор тушди. Чўққилар бир кечада оппоқ оқариб чиқди. Совуқ жамики нарсаларни ўз забтига олиб, тарашадек қотирди-қўйди. Дарахтлар ҳам тунждан ясалгандек кўкка муаллақ панжа узатганича қолишди. Одамларнинг, жонзоту жониворларнинг нафаслари ҳовурланди.

Қурилишда иш бутунлай тўхтаган бўлса-да, қурувчилар канда қилмай, таёқдай суппайиб келиб-кетиб юраверишди. Улар гулхан ёқиб исинишар, ҳар хил ҳангомаларни бир-бирларига айтишиб ичларини бўшатишар, шу тариқа кунни кеч қилишарди. Мақсад ҳам шу, кунни кеч қилиш эди.

Почапўстинга ўраниб, иссиқ телпагини қошига довур бостириб олган Донибой ҳар-ҳар замонда бир қора-

сини кўрсатиб қўяр, шундаям оёқ-поёғидан сал совуқ ўтдими, пилдирпис жўнаб қоларди.

— Кутинглар! Кутинглар! — дерди у қўл остидагиларнинг зерикиб, эснашиб бўлса ҳам, барибир мўмингина ўтиришларини маъқуллаётган, қўллаб-қувватлаётгандай бир алпозда. — Келиб-кетганларингга барибир икки сўму эллик тийиндан тўлаймиз...

— Келмасак-чи?

— Шаптоли қоқиям йўқ.

— Ҳа, энди келди деб ҳисоблайверинг-да!

— Ана, холос! Сизларга давлатнинг иши ўйинчоқми?! Гапларинг юқори идораларга етса, биласизларми нима бўлади?

Ишчилар жим қолишади. Улар гаплари юқори идораларга етса оқибати нима бўлишини билмасалар-да, Донибойнинг ола-кула кўзларидан, бир томонга қийшайганча осилиб тушган лабидан, даҳшат тўнғиган юзидан ҳар ҳолда яхши бўлмаслигини пайқашади.

— Яшанг, биргад! — дейди бирови ҳам ялпизланиб, ҳам унинг жагини очиш учун. — Дунёда сиз билмаган нарса йўқ!

— Тўғри, анча-мунча нарсани биламиз, шунинг учун ҳам оғзимиздан сўзимизни, бўғзимиздан ошимизни олдирмаймиз.

— Ҳалиги икки сўму эллик тийин нақдми?

— Нақд, закўнда шундай ёзилган, — Донибой ўз билағонлигини намойиш этиш учун қулай фурсат туғилганидан боши кўкка етади. — Закўнни ўқимаган ҳақини ундириб ололмайди...

— Бу кетишда ишимиз фақат закўн ўқиш бўлиб қолади, шекилли, — кесатади Абдумутал. — Бора-бора, кун ўтган сайин ишларимиз илгарилаш ўрнига фақат орқага кетяпти. Булар ҳақида ҳам сиз ўқиган закўнларда бирон-бир жўяли гап ёзилганми?

Донибой, ўзим билган сирни ошкор қилсаммикан-қилмасаммикан, дегандек бирпас ўйлаб туради. Кейин

вазиятни тўғри тушунтирмаса бўлмаслигини фаҳмлаб, ҳар турли мажлис-машваратларда қулогига чалинган гаплардан ёдида қолганларини айта бошлайди.

— Бизнинг адолатпарвар, тинчликсевар қудратли совет халқимиз ўзининг буюк келажагини таъминлашга пойдевор қўймоқда, — газета ўқиб бераётгандек гапни узоқдан бошлайди Донибой. — Ҳозирги кунда барча кучимиз бутун дунёнинг чорагига электр энергияси етказиб беришга қурби етадиган электростанция қурилишига сафарбар этилган. Давримизнинг Байкал-Амур магистрали сингари улкан қурилишига айланган Янги Замон денгизи ҳам келажак авлодларнинг фаровон яшашлари мақсадида барпо этилмоқда. Бу умумхалқ ҳашарида кўп миллионли совет халқининг етти ёшидан етмиш ёшигача ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда, ҳатто чет эллардан ҳам кўмак келиб турмоқда... Шундай экан, биз нега бу умумхалқ ишидан четда туришимиз керак экан? Келинглар, закўнда ёзилган, меҳрибон давлатимиз бекор ўтаётган кунларимизга тўлаб тураётган икки сўму эллик тийиндан оладиган ҳақимизнинг бир кунлигини мана шу Янги Замон денгизи барпо этилиши учун ўтказайлик, тарихий қурилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик, менинг шу гапларимни қўллаб-қувватловчилар қўлларини кўтаришларини сўрайман...

Шу гапларни айтиб, Донибойнинг ўзи биринчи бўлиб қўл кўтарди. Бу гаплар Донибойнинг оғзидан эмас, унинг ортида турган бошқа бир қудратли одам томонидан айтилгандек, у Донибойнинг миқти елкалари оша ҳаммага писмиқ кўзларини бирма-бир тикканича, қани нима дейсизлар, деб тургандек туюлмоқда эди. Буни ҳатто, Донибойнинг ўзи ҳам ҳис этаётгандек ўқтин-ўқтин кичкина бошини у елкасию бу елкаси томонга буриб, қалай, айтганингиздек бўляптими, деяётгандек эди. Шу сабабли, қурувчилар Донибойга ортиқча гаплар гапириб ўтириш бефойдалигини дарҳол ҳис этишган эди. Бунақа таклифларга ҳамиша бирон-

бир баҳона билан қаршилик кўрсатиб турадиган Раҳмон ҳатто:

— Бир кунлигимиз нима ҳам бўларди, икки кунлик ҳақимизни ўтказсак-чи, — деган таклиф киритди.

— Жуда соз! — хитоб қилди Донибой ўз бригадасида шунақа ватанпарварлар борлигидан фахрланаётгандек. — Яна кимда қандай таклиф бор?

— Менимча, уч кунлик ҳақимизни ўтказишимиз керак, — деди партияга кириш илинжидаги Карим шу баҳонада бирон-бир ёруғлик кўриш умидида. — Барибир, шусиз ҳам бизга давлат бекор ўтирганимиз учун пул тўлаяпти-ку!

— Янаям яхши! — қувониб кетди ўзини Чапаев каби ҳис этган Донибой. — Демак, уч кунлик ҳақимизни ўтказиб келажак авлодларнинг бахт-саодатини таъминлашга хизмат қилувчи Янги Замон денгизининг барпо этилишига ва дунёнинг чорагига электр энергияси етказиб бера оладиган электростанция қурилишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Қани, бу таклифни қўллаб-қувватловчилар қўлларини кўтаришсин.

Биринчи бўлиб, унинг ўзи елкаси оша қув нигоҳларини қадаб турган одам кўрсин дегандек қўлини баланд кўтарди. Қолганлар ҳам қўлларини баланд кўтаришиб, кейин Донибойнинг елкаси оша тикилиб турганнинг кўнглини батамом тинчитиш учунми, урра, деганча бақириб ҳам юборишди.

Мана шундай муҳим тадбирдан сўнг Донибой барчага жавоб бериб юборди.

Саноқул Муртазонинг биқинига туртди:

— Юр, кетдик.

— Қаерга? — деб сўради Муртазо.

— Қишлоққа-да, қаерга бўларди? — Саноқул, шуниям сўраб ўтирадими, дегандек қараб, уни ортидан юришга ундаб ўрнидан тураркан, — Тиркаш бобо улоқ қиларкан, — деди.

— Йўғ-э?! — ишонқирамай сўради Муртазо. — Улоқ ҳақида дадам кўп гапирардилар, аввалари бунақа нар-

салар жуда кўп бўлган экан-да, аммо мен кўрмаганман.

— Энди кўрасан.

— Бўпти, кетдик.

Улар бирин-кетин тарқалишаётган қурувчилар орасидан ёлғиз ўзи чиқиб кетаётган Абдумуталга етиб олишди. Абдумуталнинг кўриниши негадир хомуш эди.

— Бригадирнинг таклифи сизга ёқмадими? — деб сўради Саноқул унинг хомушлиги сабабини билиб олмоқчи бўлгандек.

— Нега ёқмас экан? — кифт қисди Абдумутал. — Ёқди. Фақат бир анекдот эсимга тушиб кетди.

— Қанақа анекдот? — деганича қизиқсиниб сўради Муртазо.

— Брежнев Америкага борибди, — дея сўз бошлади Абдумутал юзига қандайдир маҳзун табассум ёйилганича. — Никсон иккаласи Америка кўчаларида айланиб юришса, бир жойда эллик-олтмиш чоғли одамнинг аллақандай ёзувлар ёзилган плакатлар кўтариб турганини кўриб қолишипти. Мана, кўрдингми, дебди Никсон мақтаниб, бизда одамлар кўчаларда ана шунақа тўпланиб, намойишлар ўтказиб туришади, сизларда қанақа? Брежнев индамабди. Кейин иккаласи Совет Иттифоқига келишибди. Йўлда кетишаётганида бир жойда минг-минглаб одамларнинг қўлларида қизил байроқ кўтариб туришганини кўриб қолишибди. Бундай тумонат оломонни кўрганидан кейин ўзларининг кўчасидаги бир тўп одамни кўрсатиб мақтанганидан Никсон хижолат тортибди. Иккаласи оломон ҳузурига боришибди. Ўртоқлар, дебди Брежнев, жонажон партиямизнинг истиқболи учун ўзларингизни осишга тайёрмисизлар? Тайёрмиз, деб гувлабди оломон. Никсон яна қойил қолибди. Шунда оломон орасидан бир киши чиқиб, ўзимизни осадиган бўлсак арқон ўзимиздан бўладими ёки уни партия берадими, деб сўрабди. Партияга садоқатингизни кўрсатиш учун арқон албатта ўзларингиздан бўлиши шарт, дебди Брежнев. Оломон, урра,

деганича гулдурос солиб қийқира бошлабди. Никсон тамоман қойил қолибди.

Абдумутал буни анекдот деб айтиб берган бўлсада, ҳеч ким кулмади. Ҳатто, Абдумуталнинг ўзи ҳам кенг далада кетаётган бўлишса-да, теварак-атрофга аллақандай хавфсираётгандек қараб қўйди. Гўёки Донибойнинг елкалари оша қараб тургандек туюлган қув нигоҳ борлиғу оламни эгаллаб олгандек эди: шувоқ шохларида чулдираётган бўзтўрғайнинг кўз қорачиғида, янтоқ шохлари остида, қаерда бўлмасин, ана шу нигоҳнинг таъқиби ҳукмрон эди, шу боис тепада осмон ҳам қанчалик очиқ бўлмасин, зилдек босиб турар, унинг юкини кўтариб елка тикламоқ ғоят мушкул эди.

Учинчи боб

1

Тиркаш бобо Бўздалага қор тушишини интиқ кутганди. У неварасининг қўлини ҳалоллаб, катта тўй қилишни дилига тукканди. Улоқли тўй қилармикан, курашли тўй қилармикан, деб, бекорчи қолганларида баҳслашиб, қанча баҳслашишгани билан аниқ бир сўз айтарга чоғлари келмаётган одамларнинг қулоғига хушхабар етиб келди:

— Тиркаш бобо улоқли тўй қилармиш!..

Улоқли тўй қилишга ҳукуматдан бурноғи йили рухсат ололмаганлар тўйларини кўнгиллари тўлиб-тўлмай ўтказишганди. Улар ҳам бу хабарни эшитгач, бир сапчиб тушишди, рангу рўйлари оқаринқирганича ўз хулосаларини айта бошлашди:

— Барибир рухсат беришмайди.

— Тиркаш бобо беҳуда чиранмай қўя қолсин.

Маъюс-маҳзун хотираларга берилиб, ҳаваслаганлар ҳам бўлди:

— Ўзиям Бўздаланинг улоқ кўрмаганига анча вақт бўлди-да!

— Э-ҳа, Худойбердининг самани эсингиздами? Бай-бай, тўданинг ичидан ўқдек отилиб чиқарди-я!

— Қизиқ, ҳеч кимга зиёни тегмовди-ку кўпкарининг?!

— Нега ҳукумат рухсат бермас экан-а?

— Ўзимиз ҳам молдаймиз-да. Ким нима деса ишонамиз, ким қаерга бошласа эргашиб кетверамиз, лаққа тушамиз.

— Раҳбарлар буюриб тургандан кегин нимаям қилардингиз?

— Москопга ёзиш керак.

— Бэ-э!..Ҳотам қанча ёзди-ю, барибир, бирон-бир натижа чиқара олмади.

— Хатни йўлда ушлашади.

— Ушлашга ҳақлари йўқ.

— Жа-а бўлмаса Москопнинг ўзига бориб ташлаб келиш керак.

— Тошкентгача ҳам боролмайсиз-у, Москоп дейсиз-а!

— Қасд қилсам бораман.

— Қўйинг, қўйинг, нонни катта тишласангиз тишланг-у гапни катта тишламанг.

Ана шунақа гап-сўзлар қанот чиқариб Кўктошгаям стиб келганида Саноқул билан Муртазо ўзларини қўйгани жой тополмай қолишганининг сабаби шунда эди. Айниқса,Саноқулнинг юраги ҳаприқарди. Унинг ёдида ёшлигида отаси билан қайсидир қишлоққа боргани-ю, ўша ерда ўтказилган улоқдан кейин отасининг таниши бўлган бир чавандознинг уйида қўноқ бўлишгани қолганди. Ўшанда чавандозлар эчки гўшти еб, қимиз ичиб, нақ тонггача гурунг қилиб чиқишувди. Вужудлари пайга айланиб кетган бу одамларнинг томирларида қон шундай кўпириб-тошадики, улар уйқу нима, дам олиш нима эканлигини билишмайди. Уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирларига ўхшамайди. Бирови паҳлавонсифат бўлса,

бирови толчивиқдай... Бировида соқи-бахшичиликдан бўлса, бировига синчиликдан теккан. Бирови дала-даштнинг ошиғи, бирови гўзал аёлларнинг шайдоси...

Саноқул ана шуларни эслаб, Муртазога айтиб бераркан, ўртоғининг пайдарпай сўзларига қулоқ солиб, унинг кўнгли сув ичгандек ёришиб борарди.

Убайдилла чавандоз кўпкари хабарини эшитган заҳотиёқ отини абзаллаб, эгар-жабдуқлаб, кўпкаригача пича совитиш ниятида йўлга тушганди.

Саноқул билан Муртазо у билан изма-из кетишди. Қишлоққа етишди. Саноқул уйларига кетаркан, Муртазо билан хайрлашаётиб:

— Бўздалада учрашамиз! — деди шоду хуррамлик билан.

Муртазо унга жавобан бош ирғади.

Ўртақайнардаям қиш қишлигини қилганди. Бўғотларда қарғалар... узоқ яшашдан зериккандай. Дарахтлар шохида ларзон-ларзон шовуш.

Муртазо ўз уйлари томон кетди.

Дарвоза ёнидаги ғарамдан пичан олиб молхона томонга кетаётган аясининг кўзи туйқусдан унга тушди. Пичанни қор устига ташлаб, эгни бошига илашган хасхусларни қоқишни ҳам унутганча ўғлига пешвоз югурди. У, Муртазонинг бўйнидан қучоқлаб, пешонасидан ўпа бошлади. Онасининг совуқдан қорайиб, ёрилиб кетган қўлларининг тафтини ҳис этаркан, Муртазонинг томоғига нимадир тиқилиб, юраги тўлди.

— Болагинам, келдингми-ей! — она ўзини нечоғли хуш-хандон кўрсатишга уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. У нам лабларини шоша-пиша ўғлининг пешонасига босиб, шу кўйи узоқ турди.

— Сен уйда бўлмаган бир ҳафта аянг учун бир йилдан ҳам узун-а, болам, — деди у оғир хўрсиниб.

Муртазо ютинди.

Улар уйга киришди.

Муртазо таппи-тезак чўғидан бозиллаб турган танча бурчагига ўтирди.

Аяси танчага дарров бир тутам исириқ ташлади.

Тиниб-тинчимаган ҳолда сандиқчадан нонжийдаю туршак, ёнғоқу майизлар олиб, ҳовуч-ҳовучлаб танча устига тўкди.

— Ол, болагинам, ол, — дерди у нуқул. — Бу совуқда оёқ-қўлларинг акашак бўлиб қолгандир-ей!..

— Отам келганлари йўқми? — деб сўради Муртазо.

Аяси жавоб беришга улгурмади.

— Кўшни-и, қўшни-юв! — деган товуш эшитилди.

Бу хитоб ўзининг ташрифини шунчаки билдириб қўйиш учунгина эканлигини тасдиқлаётгандек остонада қўшни аёлнинг қораси кўринди.

— Ҳа-ай, Муртазожон ҳам келиб қолган экан-да! — деб, у аяга эътибор ҳам бермай, ўрнидан қўзғалаётган Муртазонинг олдига тарвақайлаганча юриб келди, семиз қўллари билан негадир унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Туф, туф-а! Кўз тегмасин, айланай қўшнижон, кўз тегмасин. Алпдай йигит бўлибди!

У сўзлай-сўзлай, чамаси, нима мақсад-муддаода келганлигини ҳам унутиб, пича исиниб олай деганича пойгаҳдаги пўстак устига чўкди.

— Тўрга ўтинг, — деб қистади уни Муртазонинг аяси.

— Йўғ-а, қўшнижон! Пўстакнинг устига ўтириб ўрганиб қолганман. Остимда пўстак бўлмаса ниманидир йўқотгандек бўлаверaман.

— Одатингиз қурсин, — деб кулди Муртазонинг аяси.

— Ишлабгина юрибсанми? — деб ҳол сўради қўшни аёл Муртазодан ва танча устидаги майизу жийдалардан бир сиқим олиб, иккинчи қўли билан кафтидагини териб ея бошлади; аввал яхши-яхшисини териб еди, кейин қолганидан ҳам нишхўрд чиқармай тугатди-да, кафтларини бир-бирига уриб қоқаркан:

— Пишиқ-пухтагина бўл, — дея насиҳатга ўтди у сган нарсаларининг ҳақини тўламоқчи бўлгандай, — ҳозир одамлар анойимас, босиб кетиб қолишмасин.

Муртазонинг индамай бош эгиб ўтиришидан қўшни аёл негадир янаям авжга чиқди.

— Чарсиллаб турмаса эркак эркакми? — деганича кўкракларини ғоз кўтарди, юз-кўзларига мураббийлик ва ҳомийлик ифодалари қалқиб чиқдики, бу ифодалар салқам чалкашиб тўшакдаги ғолибликнинг жазавасига ўхшаб кетишига оз қолди. — Бировга гапингниям, ошингниям бериб қўйма, — деди у тантанавор оҳангда.

Муртазо қўшни аёлнинг мулоҳазаларидан тобора кўпроқ хулосалар чиқариб ола бошлагани чин эди.

У, миқ этмай, ўша-ўша бошини қуйи солганича ўтираверди.

Мабодо, шу чоқда бу гапларнинг бари ёлғон, ишонма, ишонма деган нидо қалбининг аллақайси пучмоғидан етиб келса, кўз ўнгидан Раҳмоннинг ҳиршайган қиёфаси ўтар, унинг тазйиқлари, жон-жонидан ўтиб кетган муомаласи юрагида алам тугунини мустаҳкамлаб, бу гап-сўзларнинг жонли исботидай хаёлидан кечарди.

Қўшни аёл танча устидаги туршагу жийдалардан, майизлардан ҳовучлаб-ҳовучлаб чўнтагига жойларкан:

— Болаларим қўлимга қарайди, — деди болаларининг қўлига қарашидан фахрланаётгандек.

Сўнгра асл мақсадга ўтди ва нима учун бу ерга келганлиги гап билан бўлиб салкам ёдидан кўтарилаёзганини қистириб ўтди.

Унга хамиртуруш керак бўлган экан.

Муртазо аяси билан танҳо қолгач, анча фурсат ўртада ноқулай сукунат чўкди.

У, қачон бўлмасин, аясининг гап-сўзларини жонжон деб тингларди.

Ҳозир эса...

Юраги ториқиб, хаёли бошқа ёқларда кезинарди.

Фарзанди кўнглидан кечадиган сиру синоат ва ўзгаришларни унинг жузъий ҳаракатидан, илкис қарашидан билиб оладиган аяси унинг кўзларига ботиниб-ботинмай қарар, бир нима дейишга ожиз эди.

Бу ҳолат яна сал чўзилса, таранг тортилган жимлик чўрт узилиб ораларида қандайдир нигоҳ илғамас жарлик ҳосил қилиши мумкиндек туюлгач, она қўрқиб кетди.

Шоша-пиша сўз бошлашга баҳонаю сукунатни бузишга журъат топди:

— Тиркаш бобоникига қўноққа айтиб кетишганди, болам, — деди. — Отанг ҳам ўша ерда. Бунақа маъракалар кишининг бошига ойда-йилда бир тушади, бормасанг бўлмас.

Муртазо индамади.

— Илгари йўриғи бўлак эди, — деди аяси оҳиста. — Энди сен тенгиларнинг ҳаммаси элу юртга қўшиляпти — тўйида қорақозон, азасида тобуткаш бўляпти.

— Майли, бораман.

Шундай деб, у ўрнидан турди.

Бир томондан ноқулай вазиятдан қутулганига дили ёришди.

Муртазо ташқарига чиқди.

Атроф оппоқ эди. Бу оқлик пучмоқлару хилват гўшаларга ҳам алланечук гайритабиий куч орқали тарқалган, пахса деворларнинг усти тугул ён томонларигаям капалакнусха лайлакқор кўринмас қўл-оёқчалари билан маҳкам чирмашиб олган эди. Уйлар, дарахтлар, айниқса, толлар бир қараганда бўмшайибгина қолганга, бир қараганда эса, босиқ ҳолатга чўмганга ўхшаб кўринишарди. Баъзи-баъзида дарахт шохларидан шувиллаб қор тўкилар, жарчи болаларнинг янгроқ овози кўчанинг гоҳ нариги, гоҳ бериги бошидан эшитилиб қоларди:

"Тирка-аш бобоникига-а қўноққа-а! Кўноқдан қолманглар-ов!.."

Ўртақайнарда биров тўй-маърака қиладиган бўлса ким қўноққа, ким маслаҳат ошига, ким фотиҳа тўйига боришининг ўзи беш қўлдек маълум. Жарчи болаларнинг чақириғидан сўнг қўноққа борадиганлар биринкетин ҳовлиларидан чиқиб, Тиркаш бобоникига қараб

жўнайверишди. Йўл-йўлакай кўпайишиб, чувалашиб кириб бораверишди. Носвой отиб олганлар Тиркаш бобоникига етмасдан носвойларини тупуриб ташлашди. Ўртақайнарликман, деган уч-тўрт қорабош бир жойда йиғилдими, бас, олди-қочди гапларгаям жон киради. Гап-гапга уланиб, янги-янги ҳангомалар пайдо бўлаверади. Даврадагиларнинг кўрган-кечирганлари кўп, бошни оғритиб турган муаммолари кўп — бирин-кетин тўкилаверади. Чолнинг ўзи кичкинагина дераза ойнасидан ичкарига саросар разм солиб, қизғин баҳс кетаётганидан мамнун бўлди.

Меҳмонлар Тиркаш бобоникида яйраб, эмин-эркин ўтиришар, уни айнан шу нарса мамнун қилар эди.

Пойгаҳда ўтирган ёш-яланглар қопдан сабзи олиб арчишяпти.

Тўрда ўтирганлар тўғрашяпти.

Ора-сира қандайдир сабаблар билан қўноққа бир гал келиб қолган ва сабзи тўғрашдаги чаққонлиги билан ҳамманинг оғзини ланг очдириб қўйган Муродилло деган бир йигитнинг кайвонилигини эслаб туришибди. У бошингга бахт қуши қўнгур баччагар шунчалик чаққон эканки, ҳаш-паш дегунча бўлмай ошниям ўзи дамлаб ташлаган экан.

Ўтирганлар ўртақайнарлик йигитларни унга қиёслаб хафа бўлиб қолишяпти. Бу қисталоқлар мунча дангаса бўлишмаса, ўзларини кун уззукун елиб-югургандек, ишлаётгандек қилиб кўрсатишади-ю, аслида ҳеч нарсани тузук-қуруқ ёлчитишмайди. Мабодо, биттаяримтаси уйланиб қолгудек бўлса, худо берди деяверинг: асал ойини асал йилига айлантириб юборишади, тамоман тўшакка шўнғиб кетишади. Биров тортиб оладигандек, дунёнинг шундан бўлак ташвиши йўқдек...

Буларни азалдан худо урган.

Мана, Абдусамад лакот. У аскарликдан бир маржани етаклаб келган эди. Нафсиламрини айтганда, Абдусамад лакотнинг ўзига ҳам аскарликка борган жойининг нуқси урган, қўнғир сочлари худонинг қудрати

билан сарғиштобу қўй кўзлари эса нечукдир мовийга мойил бўлган эди. Абдусамат лакотнинг ота-онаси — чол-кампирлар ҳам кўп хафа бўлишмади. Буям худонинг бандаси, бетини сиқиб қонини ялаган онаси лозимсиз юборган экан, бир эмас, тўрт-бешта лозим топиб беришга қурбимиз етади, тинч яшаб кетишса бўлди, дейишди.

Бинойидек тўй қилишди. Тўй харидидан анча-мунча нарсалар ортиб қолганидан,тўйдан кейинги дастлабки кунлари келин қарайдики, ҳаммаёқ нозу неъматга тўла: қозонлар қайнаяпти, гўшт-ёғ, чучвара-сомса... тўкис-чилик.

У дарров онасига хат ёзипти: "Мама, приезжай, здесь хорошо, утром мясо, обедом мясо, ужином мясо" деб, ёзган хатига ҳар қандай одамнинг сўлакайини оқизадиган сўзлардан қўшибди. У ёқда онаизор тадоригини кўриб, беш-олти кунни ўтказиб энди йўлга отланаётса, яна хат борибди: "Мама, не приезжай, здесь... утром чапати, обедом чапати, ужином чапати и..."

Келин шу ерда яшаб кетди, у бу хатни ёзган-ёзмагани ҳам номаълум, ҳарҳолда, охири жуда қўпол тарзда тугайдиган бу мактубни у ёзмаган бўлиши керак. Абдусамад лакотга тегажоғлик қилиб битта-яримтаси ўйлаб топган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Маржахоннинг онаси келмади-ю, бошига кепкасини қийшиқ қўндириб, увадаси чиққан битта костюмни елкасига ташлаб акаси Максим сўппайиб кириб келди.

У ўртақайнарликлар билан тезда эл бўлиб кетди. Ҳатто, унга Махсум деган муносиб ном ҳам дарров топила қолди.

Бу гапларнинг ҳаммасидан Тиркаш чолнинг хабари бор эди. Гурунг шунинг устидан кетаётгани учун халақит бергиси келмай, изига қайтди. У қазноқ ёнида, ўчоқ бошида пича куймаланиб юрди.

Идиш-товоқларнинг тақир-туқури, қозоннинг вақирлаб қайнаши бу ердаям иш анча қизиганидан далолат берарди.

Тиркаш чол ўзини тўйнинг раҳнамоси, бошлиғи деб билгани учун шунақа қизгин жойларда ўзини кўрсатмоқчи, ҳой уни қил, буни қил, кўзинг қаёқда, итни ҳайда... қабилидаги гапларни айтиб хумордан чиқмоқчи эди.

Таассуф...

Жойни бежо танлаган экан, бунга кўп ўтмай ўзиям амин бўлди.

— Мушайт берманг! — норози тўнғиллади унга урилиб кетаёзган йигитча.

Чол салласини сал ортга суриб бошини қашиди. Талмовсираниб нари кетаркан, бу ерда ортиқчалигини баттар билдириб қўйди.

— Ҳо-ой, сиз тўй қиляпсиз-ку! Бир жойга танда қўйиб ёнбошлаб ётинг-да! — чирсиллаб қолишди аёллар.

— Дарвозанинг олдида туринг жа-а ичингиз қизиётган бўлса... Битта-яримта келди-кетдилар чиқиб қолар!

— Хотинлар орасида уймаланиб қолдингиз? Нима гап, тинчликми ўзи?

Идиш-оёқ ювишаётган, овқат қилишаётган, юмуш билан банд аёлларнинг тергашлари, чағир-чуғурлари уни тамоман эсанкиратиб қўйди. Бу аёллар қўни-қўшнилар, узоқ-яқиндан келган қариндош-уруғлар — тўйда астойдил хизмат қилишни дилларига туккан, бундан бошлари осмонда, ҳазиллашгилари, қочириқли гаплар қилгилари келарди.

Тиркаш чол ўз-ўзича, э, буларнинг эси пастлиги деб ғўлдиради-да, йўл-йўриқ кўрсатиш фикри ҳам хаёлидан кўтарилиб, яна эркаклар ўтиришган уй томон лапанглади. Уйга ёндош ошхонага бебилиска кириб олди. Ичкарининг эшиги қия очиқ эди. Кирсамми-кирмасаммми, дея пича мулоҳаза қилиб турди. Ахийри бир қарорга келди: тўй эгаси у ёқ-бу ёққа кўз-қулоқ бўлиб тургани маъқул, кириб ялпайиб ўтириб олса ташида билдирмасаям одамлар ичида кулади. Гарчанд барча юмушлар ўз маромида кетаётган бўлса ҳам, тўйбошилик қилиш, шуни ҳис этиш Тиркаш чолга жуда-жуда

ёқарди. Қани энди, дунёдаги барча маъракаларга ўзим бош-қош бўлсам дерди. Тиркаш чол челакни тўнтариб, устига ўтирди-да, қулоғини динг қилди.

— Оқ бўқанлар сурув-сурув кела бошлашипти. Кеча кўрдим, тоғнинг этагини тутиб кетган.

Бу — Доти мирохўрнинг товуши эди. Хириллаб, томоғини олдирган одамга ўхшаб сўзлашидан аён. У тўрда чордана қуриб ўтирибди. Мол терисидан тикилган чориғини ечганиям йўқ. Умуман олганда, Доти мирохўрнинг чориғини ечганини биров кўрмаган: ўз уйидами, ўзганикидами фарқи йўқ, худди шу чориқ билан туғилгандай ўтираверади. Тортиниб-нетиш нималигини билмайди, олиймақом ҳисобланмиш жойларгаям шу чориғи билан кириб кетаверади. Унинг қўйлагию иштонидан тортиб чопонигача йўл-йўл дағал матодан тикилган. Бу матони ўртақайнарликлар кандир дейишади.

— Балли! Энди уларни ов қилмаслик керак. Қилдингми ов, бўласан ёв! — қофиясини келтириб сўз бошлашидан овоз эгасининг Зокир булбул эканлигини билиб олиш қийин эмасди.

— Биз аяганимиз билан бошқалар қўйишармиди? Ҳар эринмаганлар борки, шаҳардан келиб ҳам ов қилиб кетишади.

— Тоғбегилар улардан ҳайиқиб, чўп қўриқчидай сўппайиб тураверишмасин-да! Ким келсаям унга айтадиганини айтиб, йўлдан қайтаришсин.

Одамларнинг бири қўйиб, бири сўзлашар, олағовур издиҳом ичра аниқ-таниқ бир нарсаларни ташқаридан туриб англаб олиш хийла мушкул эди. Одатдагидек, юракдаги туйгуни сўз билан ифодалаш қийинлашиб қолгандаги каби шовқин кучайгандан-кучайиб бораради.

— Барибир ҳеч кимни қўймаслик керак!

— Келишаверади-да!

— Келиб ўлиб кетмайдими!

— Катталар билан келишса илож тополмай қолишади-да.

— Энг аввал тоғбегини йўқотиш керак.

— Тўғри, у мазаси йўқ одам.

— Нафс деса ўзини томдан ташлайди.

Тиркаш чол беихтиёр, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, калласини тасдиқ маъносида силкитди.

— Тоғбегимас — тоғ шўри, — ўзига муносиб гап қилди Зокир булбул.

— Думини тугиш керак.

— Ҳо-ой, секинроқ.

— Деворда сичқон, сичқонда қулоқ бор.

— Мабодо уруғ-аймоғи йўқми бу ерда?

— Бўлса нима?

— Гап келганда отангни аяма.

— Бетига айт аямайдиган бўлсанг.

— Айтсам айтавераман-да, қарзим бормиди?

— Маъқул-маъқул, ортидан гапириш яхшимас.

— Хотинлар ғийбат қилади.

— Хотин ҳам яхши нарса-да!

— Ўл-а, лакот!..

Ичкаридаги қўноқлар бири олиб, бири қўйиб, бир-бирларига гал бермай шунақа гурунг беришарди. Бу орада улар гўёки тоғбегини эгаллаган вазифасидан олиб ташлашди-ю, унинг ўрнига янги номзодни кўрсатишга ошиқишди.

— Тоғбегилик Убайдилла чавандозга раво.

— Ундан бошқа одам эплолмайди.

— Ҳақ гап! Ҳақ гап! — бетоқат бўлганча пичирлади Тиркаш чол ҳам ичи қизиб.

— Э, бу гапни қўйинглар, биз энди қаридик, бунақа ишлар ёшларга тузук, — Убайдилла чавандознинг овози эшитилди.

Тиркаш чол ўтиролмай қолди. Ўрнидан тураётганди, шошганиданми остидаги челакни думалатиб юборди. Даранглаган овозни босиб кетсин деб атай қаттиқ томоқ қирди. Эшик қабзасига қўл юбориб, ўзига тортди.

— Ассалому алайкум, — дея қўл қовуштирди у гарчи ўтирганларнинг деярли барчаси билан дарвоза ол-

дида бир-бир кўришиб чиққан бўлса ҳам. — Ҳормангларнинг энди-и!

— Э, бор бўлинг!

— Келинг-да, мунда-ай!

— Ана-а, ана-а! Ўзлари-ку, ўзлари-ку!

У томон гув этиб ўгирилишган қўноқлар бир-бирларига гал бермай чувиллашди: тўй эгасининг баногоҳ пайдо бўлиши чамаси уларнинг руҳларини кўтариб юборганди.

— Сиз қалайсиз, Убайдилла? — Тиркаш чол кўнглидагини тезроқ айтиб олиш учун бўлса керак, чавандознинг юзига тик боқиб сўзида давом этди. — Юрагингизда ўт бор, ўт! Муни ҳамма билади. Маъқулми-маъқулмасми?

— Маъқул бўлганда қандоқ!

— Ана-а, ана-а! Ўзларидан эшитайлик-да, ўзларидан!..

— Гапни бўлманглар, гапни бўлманглар...

— Маччойи чавандоз Қумқўрғондаги кўпкарида лақайдан бир улоқчи чиқибди, тол чивиқдай нозиккина экан, тақимимга қиздай босиб, бетчасидан муччи оламан, дея катта кетганида ҳам шу туришингиз эди.

— Офарин, офарин!

— Ана-а, ана-а! Ўзлари гапирсинлар-да, ўзлари!..

— Гапни белига тепманглар! Мундайчаги ҳангомалардан биззи хабаримиз бор! Ўзиям у чавандознинг гавдаси хирсдай эди-да!..

— Хирсдай дедингиз қўйдингиз-а! Бети рапидадай, қўллари ходадай келарди. Аммо-лекин ўшанда бачагарининг ўзи доғда қолиб, кўпкаридан солимсиз чиқиб кетувди...

Даврада жонланиш кучайди. Тўрга ўтинг, дейишларига қарамай ташқарида иши борлигини баҳона қилиб Тиркаш чол дераза токчасига ўтириб олди. Гурунгга иштиёқмандларнинг бири қолиб, бири сўзлай кетди: улар чавандознинг тилини эшиб юборсагу ўша воқеани эшитсак деган илинжда ёнардилар.

— Убайдилла ака, ўзингиз, айтинг, ўзингиз!

— Ҳа-а, ҳа-а, айтинг!

— Ан-а, ана-а! Ўзларидан эшитамиз, ўзларидан эшитамиз!

— Гапни бўлманглар, гапни бўлманглар!..

Убайдилла чавандоз ўнгайсиз аҳволда қолди. Йўқ, у сўзлашдан қочмайди. Қанчадан-қанча узун тонгларни у чавандозлар билан гурунглашиб оқартирган. Айниқса, узоқроқ жойларга улоқ чопгани борганида уйқу қаёқда?! Лекин, ҳозир бошқалар гапиринг, гапиринг, деб қисталанг қилиб туришгани учунми,чавандоз дабдурустдан сўз бошлолмай, қандайдир мушкул аҳволда қолгандек эди. У томоқ қириб олди. Пашша учса эшитилгудек сукунат чўкди.

— Э, бунга неча йил бўлиб кетган, — негадир хўрсиниб қўйди чавандоз.

— Биламиз, биламиз, — чуғурлашди атрофдагилар.

— Майли-да,— деди кимдир, чавандозга гапираверинг, дегандек.

— Анча йил бўлмаганида сўраб ўтирармидик,— деди тилининг остига кафтини тўлдириб носвой ташлаётган қўноқлардан бири.

— Жи-им! Ўзлари гапирсинлар, ўзлари!..— ҳадеб бир хил оҳангдаги сўзларни тутиқушдек такрорлаётган қўноқ бўлса ниманидир эшитмай қолишидан хавотирланаётгандек иккала қулоғини ҳам динг қилди.

— Ҳукуматнинг пойгаларида бир-икки марра ташлаб, ўзимиззи улоқларда от суриб юрардик, — дея, кўпчиликни маҳтал қилган ҳикоясини бошлади Убайдилла чавандоз.— Бир куни Доти ака, Убайдилла, шундоқ-шундоқ, Қумқўрғонда кўпкари бўлар экан, боринг, деб қолдилар. Син солиб юрибман, отингиз кўримсизроқ бўлсаям палаги тоза, сиз уни зўрламанг, тўдага қачон кириш-кирмаслигини ўзи билади, ўзини урган жойдан қуруқ чиқмайди, деб қолдилар. Тўғрими, Доти ака? — деганича Убайдилла чавандоз Доти мирохўр томонга бир қур назар ташлаб олди.

— Маъқул, маъқул, — бош силкиб қўйди Доти мирохўр. — Шундоқ-шундоқ деган жойимиз бўлган эди.

— У кишининг гапидан сўнг ичим қизийверди-ку, — сўзида давом этди Убайдилла чавандоз. — Қулоқчинни бостириб, этакни белга бар уриб жўнадим. Э, энди унақа кўпкарилар, қани? Дала тўла пишқириб-кишнаган улоқчи отлар, ҳар ёллари селдай тошади,туёғининг остидан чақмоқ чақаётгандек бўлади. Чавандозлар-чи, чавандозлар? Ҳар келбатли, ҳар қорувли, энди унақа одамлар қани дейсиз, Доти ака?

— Маъқул, маъқул, — бош тебратди Доти мирохўр.

— Ўзлари гапирсинлар, ўзлари-и!..

— Ҳа-а энди-и, ҳали айтдиларинг-ку, бир маччойи бор экан, деб. Гирт занжининг ўзи-да! Ё, раббилоламин, илжайса ўттиз икки тиши ялтираб кўринса-я. Лақайларнинг зўр чавандозиям кепти деб тўй эгаларими ёшки чавандозларнинг ўзларими гап тарқатишган экан. Кўпкари хўп олатасир, шовур-шувур нарса-ю, бари-бир, босиқ бўлмасанг ҳолингга вой. Ана ўша маччойи чавандоз лақайдан келган чавандоз шунча зўрмикин, келбатлимикин, "ҳайт" деса тепалар отининг туёги остида қолармикин, деб, кўнгли ўз-ўзидан хираланиб, хуфтон бўлиб, қора тортиб мен томон келди. Тиркаш акам айтганларидек, ўша маҳалларда қотма, қамчидеккина йигит эдим. Шу бачами, деб сўради у ёнидагилардан, менга назари илмай қараб. Гапи бир кўтарди-ю, шайтонга ҳай бердим. У бўлса отининг жиловини бура солиб, атрофга лой сачратганча ўз қўри томон жўнаб қолди. Бориб, лақайдан қиздай бир чавандоз келибди, тақимимга босиб муччи олмасам қайтиб улоқ юзини кўрмайин, дебди. Шошма, деб қўйдим. Тушгача тўдага кирмай чекка-чеккадан ҳавосини олиб юравердик. Буни баъзилар қўрққанга йўйибди: "Маччойи чавандознинг бир арпа дўғидан лақай иштонини ҳўллаб қўйибди", деганлар ҳам бўлди. Парво қилмадик. Кун оққанда "ҳайт" деб бир шахт қилувдикки, тўда иккига бўлиниб кетди. От жонивор тикка ҳали ҳеч ким ололмаган улоқ устига бориб тўхтади. Энгашиб уни кўтардим. Саросимада қолишилар ўзларини ўнглаб олгунларича улоқни тақимга бостирдим. Шу заҳотиёқ ҳали сағрисига қамчи тегиб ул-

гурмай отимиз қулоқларини тиккайтириб марра томон учди. Томошабинларнинг қий-чуви бутун далани тутиб кетди. Ортимдан отларига қамчи босиб, қийқиришиб, сўкинишиб ўнлаб отлиқлар келишяпти. Ҳаммасиям олсам дейди, ҳаммасиям қанча-қанча йўллар босиб келишган... Мен-чи, Доти ака-а, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша отга бир қамчиям урганим йўқ...

— Худо берган-да ўзи, худо берган! — бош силкиб қўйди Доти мирохўр.

— Ичимда пақат ё худо, ё овло, деб кетяпман. Маррага элтиб ташладик!

— Э, яшанг!

— Беҳуда мақтамаймиз-да!

— Бор-да, ўзи!

Шу тариқа гурунг чўзилиб, кўпкарининг миридан-сиригача, отни совитишдан уни эгарлашгача, емлашдан сувлашгача ҳар ким билганини гапира бошлади.

Тўрда, болишни ўмровига тортиб ёнбошлаганча бу гапларнинг ўзига дахли йўқдек мизғиётган Зокир булбул бир қимирлаб қўйган эди, ундан кўз узмай турганлардан бири бу қимирлашнинг маъносини ўзи биладигандек:

— Энди Зокир бобонинг дўмбираси овозиниям бир эшитсак-чи, — деб қолди.

— Маъқул, маъқул, — чувиллашди даврадагилар.

— Шунақами? — дея ўзига навбат келганини билиб чордана қуриб ўтиришга чоғланаётган Зокир булбул қўлини ортига чўзиб, тахмон ёнига қўйиб қўйган дўмбирасини олиб, уни қора латта халта-ғилофидан чиқара бошлади. — Энди кўпкари, кўпкари дейсизлар, от бўлмаса кўпкари қайда...

— Э, яшанг...

— Энди бизнинг боболаримиз, боболаримизнинг боболари, уларнинг боболари, уларнинг боболарининг боболари бари от миниб юришган, от йигитнинг қаноти деганлари ҳам шундан, кўпкарию улоқларимиз ҳам, пойгаю чавгонларимиз ҳам шундан...

— Офарин!

— Шунинг учун, биз ҳам гапирсак отдан гапирамиз, таърифини қилмоқчи бўлсак отнинг таърифини қиламиз... Маъқулми? — Зокир булбул даврадагиларга бирровгина қараб олиб, дўмбирасини чала бошлади, чала-чала қиёмига етказди, кейин бироз хирқироқ, аммо ёқимли товушда жирлай кетди, ўзи билган достонлар орасидан "Кунтуғмиш" достонини танлаб айтди, айниқса, Жийранқушнинг таърифини боплаб айтди. "...Ана энди, бола муни кўриб, ғойибона Зулхумор-га кўнгил қўйиб, ишқибоз бўлиб, ўзига-ўзи: "Кел-э, Аваznинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганим қандай", деб ғайрати жўшиб, белини икки ердан бойлаб, узукни қўлига солиб, тура уйга жўнади. Отасининг Жийранқуш деган оти бор эди — урушда минадиган, шу Жийранқушнинг олдига келди.

Жийранқуш ҳам шундай от: тўрт оёғи тенг тушган, биқини ёзиқ, қарчиғайнинг ҳавоси теккан. Шу отни етаклаб чиқиб, якка михга боғлаб, эгар-кашов қилиб, ҳозирлаб турибди.

Томоша қинг бек Равшаннинг ишига,
Тилла умулдириқ тақиб тўшига,
Қўтос тақиб бўйни узун Жийранга,
Қирқ қуббали юган урди бошига.

Бекнинг оти пўлат сувлуқ чайнади,
Қизил кийиб, гулдай бўлиб жайнади,
Илон тилли, яшин турли ханжари
Обрў бер деб, хипча белга бойлади,
Томоша қинг Равшандайин полвонни,
Ширвоннинг юртига талаб айлади.

Равшан минди Жийранқушнинг белига,
Ҳайбат қилиб йигит соғу сўлига,
Отасин Такали-Ёвмит юртидан
Талаб қилди, кўринг, Ширвон элига.

Томоша қинг Чамбилнинг шунқорини,
Минди йигит Жийранқушдай отини,

Йиғлатиб отаси — Ҳасан мардини,
Қон йиғлатиб хон Даллидай сулувни,
Равшан излар бўлди Ширвон юртини...

Равшанбек отини ҳовлидан чиқариб, ота-энасидан ғойибона рози: кўчанинг юзи билан, одамларнинг изи билан йўлга равона бўлиб, ақлидан бегона бўлиб, гулдай очилиб, суқсурдай жайнаб, парвоз айлаб, тарақ-қос бойлаб, остида Жийранқуш оти — ҳар усулда ўйнаб, қўлтиғидан парини сочиб, болани олиб қочиб, бек Равшаннинг кўнглини очиб бораётир. Ана шунда Равшанбек йўлбарсдай бўлиб дарвозанинг олдига борди..."

Зокир булбул сукут қилиб, қизишиб олгач, дўмбираси янаям шиддатли оҳанглар тарата бошлади, овозининг сеҳри барчани қамраб олди: даврадагилар гўё Тиркаш чолникида эмас, кенг далалар багрида, уюр-уюр йилқилар кишнашиб қувлашаётган адирларда, тошдан-тошга урилиб оқаётган сувлар шарқираган савту садолар таратаётган тоғу тошларда юришгандек эди. Ҳамма ўз хаёли билан банд эди. Бу дунёнинг ўткинчи ва муваққатлиги, бу дунёда инсон ўз номига лойиқ яшаши, мард ва жасур бўлиши, оламни идрок эта олиши лозимлиги — Зокир булбулнинг бўғзидан моддий тус олиб чиқаётган сўзларда мужассам эди. Шу боис, Зокир булбул ҳориб-толиб, чарчаб яна болишни ўмровига тортиб ёнбошлаганида анча вақтгача ҳеч ким чурқ этмади.

Муртазо ҳам ўз хаёллари билан банд эди. Аксига олиб, унинг ёнидаги айиқдек келадиган киши чордана қуриб ўтиролмайдиганлар тоифасидан экан, оёғини ҳадеб Муртазо томонга узатиб, уни бир чеккага қисиб қўяр, кишининг ўзи бўлса оёғи қаёққа кетди, нима қилиб, нима қўяяпти — заррача иши йўқ эди. Кесилиб кетгур лаънати бу оёқнинг махси ичида туриб ҳам қўланса бир ҳид чиқариши димоғни ёриб юборай дейди.

Муртазо секин чиқиб, жўнаворди.

Кеча сутдек ойдин эди.

У осмонга боқди. Қуюқ, қора-кўкиш булутлар қабатида ой кезарди. Гоҳ-гоҳида милтиллаган юлдузлар кўриниб қолади. Баъзан бирдан қоронғулик чўкадию булут горлари ою юлдузларни ямламай ютиб юборганга ўхшаб кўринади. Муртазонинг юраги аллақандай ҳислардан тўлиб-тошади. Эсида, ҳали гўдак чоғлари эди, харҳаша бошладими, отаси дарров уни супага олиб чиқиб, қара-а, анави нима, деб ойни кўрсатарди. Муртазо негадир ўша заҳотиёқ жим бўларди. У маҳалларда осмон ҳам, булутлар ҳам, юлдузлар ҳам қандайдир бошқача, сирли-сеҳрли, ғаройиб эди. Ҳозир кўча шунчалик жимжит эдики, ён-атрофдаги уйлару ҳовлиларни ҳисобга олмаганда саҳрода кетаётгандек ҳис этарди киши ўзини. Саҳро сукунатнинг абадийдек туюлган макони бўлса-да, унинг остида тўлғана-тўлғана отилишга шайланган қанчадан-қанча вулқонлари мавжуд — эҳтимол инсон қалбини ҳам шундай ҳодисаларга менгзамоқ тўғри бўлар — бундан бу ёғини қазову қадарнинг ўзи таҳлил қилиб олади... шуниси тўғрироқ, шуниси адолатлироқ.

Муртазо кўчада пича айланиб юрди.

Қор ёға бошлади.

У қизиб бораётган кафтларини тутиб турди, оппоқ-оппоқ лайлакчалар келиб кафтига қўнар, шу заҳотиёқ жим эриб битарди. Муртазо бу ҳолатдан қандайдир завқ олиб, кафтини тутиб тураверди.

Бу чоқда Зокир булбулнинг жирлашларидан сўнг Гиркаш чолникида гурунг қизигандан қизиб, от ёлини тутлари ажина тугиб қўйишидан чиққан гап ажинанинг бор-йўқлигига келиб тақалган, улар шу тўғрида тортишишарди.

— Ажинами ёки жинми? — бош қотирарди бирови.

— Иккаласиям бир гўр, — жўяли гап айтмоқчи бўларди бошқаси. — Улардан қўрқиш керак эмас.

— Одам барибир нимадандир қўрқиши керак-ку?

— Ҳа-а яшанг, одам одамдан қўрқиши керак, нима бўпти жин-пинлари...

Шу чоқ Тиркаш чол:

— Ие, Муртазо қани? — деб қолди.

Ҳамма гув этиб Муртазонинг ўрнига қаради. Махси кийган бир киши у ёққа бемалол оёғини узатиб ўтирарди. Махсининг ҳар иккала пойи ҳам ялт-юлт товланар, чамаси эгаси унга ҳаддан ортиқ меҳр қўйган, тўғрироғи, аввал махси туғилгану уни парваришлаш учун эгаси кейин дунёга келгандай таассурот қолдирарди. Семиз оёқни сириб тургани учун силлиқ махси навқирон қизларнинг болдиридай эди.

— Об-бо, бу ёғи қандоқ бўлди, овқат ҳам емай кетиб қолибди-ку?! — деди кимдир.

— Ортидан одам юборайлик, — қўшилди бирови.

— Қўяверинглар, қўяверинглар, — дея такрорлади хижолатпазлик билан Ўрозмат ака, кўнглида ўғлининг барвақт, сўрамай-нетмай кетиб қолганидан бироз ранжиб.

— Насибасини ола кетасиз-да йўқса.

— Хўп, хўп, — рози бўлди Ўрозмат ака шундай демаса қутулмаслигини ўйлаб.

Шундан сўнг Тиркаш чол ўтирганларни манзират қилиб, овқатга қистай бошлади:

— Қани, олинглар, яхшилар.

2

Тиркаш чолникида гурунг қизигандан қизиб, обу овқатдан сўнг ҳам тонготаргача давом этди. Айримлар ўтирган жойларида мудраб, ухлаб ҳам қолишди. Туйқусдан уйғониб, яна дастурхонга қўл чўзиб, уйқусираганча қўлга илинган нарсани оғзига тиқиб эринчоқлик билан кавшанаётганларни-ку, қўяверинг. Гап-сўзлардан маълум бўлдики, бу дунёда ҳамма ҳам кўчманчию дарбадар экан. Ўртақайнарликларнинг ҳам аждодлари не-не манзил-мароҳилларга кўча-кўча, ахийри мана шу жойларда қўним топишган экан. Мана, энди уларнинг турмуш тарзлари азал-азалдан шу жойлар билан бири-

киб-чатишиб кетганидан энг қадим аждодларининг ўзларига нотаниш ерларда бўлганини тасаввурларига сиғдиришолмаса-да, қон тортиб нималарнидир эслагандай бўлишар, аҳён-аҳёнда ихтиёрсиз жунжикиб, кўзлари йўл кўраётгандек тек қотиб хаёлларга чўмиб кетишарди. Албатта, бу гаплардан бир йилдан ортиқ вақт ичида Рангонтоғдаги қўҳна ғорда қўним топган дашт бўриси Ёлғиз Қорабошнинг хабари йўқ, тўдасидан ажраб ёлғиз ўзи қолган бу қари қашқирнинг аввалари якка ўзи ов қилишига нисбат бериб қўйилган лақабиям мана энди ҳаётига таъсир қилган, сўзда қисмат мужассам, деганларидек, у энди яккаю ёлғиз тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган, шунга қарамай ён бергиси келмасди. Қўҳна ғор уни бегона нигоҳлардан пана қилиб, қор-ёмғирлардан асраса-да, барибир ҳаловат тополмас, кўзини юмди дегунча нималардандир сесканиб сапчиб кетар, беихтиёр қамишзордаги уяси, бир ерда ғуж бўлиб унинг келишини кутиб турадиган икки жуфт бўриваччаларининг таърифи билмас нигоҳи, ҳатто унинг ўзиниям қандайдир қизғаниш билан болаларига яқинлаштирмай ваҳшиёна ириллаганича ҳимоя қилиб турадиган она бўрининг ҳолати хотирасининг аллақайси пучмоқларида элас-элас жонланиб, ўзини йўқотиб қўяр даражага келар, шундай пайтларда эҳтиёткорликни ҳам унутганча беихтиёр увлаб юбормоқдан ўзини тиёлмай қоларди. Унинг увлаши қўҳна ғорнинг қадимий ов манзаралари чизилган деворларига сингиб, ибтидоий ҳаётни жонлантириб юборгандай бўларди. Ўшанда, ўзлари яшаган ғор деворларига одамзоднинг қадим аждодлари чизишни уддалашган кезларидан аввалроқ Она Ер ҳали муз нелигини билмаган сабий даврлари эди ва жамики борлиқ очиқ-ойдин, табиий эди, одамзоднинг эҳтиёжлари ҳам яратганнинг бошқа жонзотларинкидан ошиб тушмас, табиатдаги барча нарсалар расмади билан барчага баробар тақсимлаб қўйилган эди. Кейин-кейин йил ўн икки ой қуёш тарк этмаган ерда ҳам аллақайлардан туйқусдан совуқ ёпирилди,

кўм-кўк заминни мисли кўрилмаган муз қопламалари эгаллаб олди — бундай бўлиши мумкинлигини етти ухлаб тушида кўрмаган, бунга кўникмаган, шу боис, ёппасига қирилиб кетаётган одам зотининг айрим пешонаси ёрлақаганлари ёхуд шўри қуриганлари қазову қадарнинг ҳукми билан омон қолишди ва ўзларига бошпана топишга, оловни кашф этишга мажбур бўлишди. Шушу инсоннинг ялқов ва мудраётган идрокини қўзғаш учун унинг бошига шўришу ғавғолар солиниши шарт қилиб қўйилди, шу-шу бошдан ўтказган табиб, деган нақлларни ашула қилиб айтиб юрадиган бўлишди. Ҳозир Ёлғиз Қорабошнинг қора тортиб келган ва танҳолигининг абадий лаҳзаларини ўтказаётган қадимий ғор бир маҳаллар унинг аждодларига эмас, балки инсон наслининг ўтмишига тааллуқли эди. Ёлғиз Қорабош ота-боболарининг қонидан ўтиб келган хотира сезимлари орқали буни элас-элас пайқагандай бўлар, нималардандир хавотирланиб ҳадиксираётгандек бўлар, ўзини ҳаросат ичра ҳар ёнга ургани билан кўнгли тўлмас, шундай чоқларда нажотни ўша ёқдан ахтараётгандек осмонга тумшуғини чўзганча узун-узун увлаб юборарди. Бир замонлар теварак-атрофга ваҳшату қўрқув солган бу увлаш энди барча таянчу илинжларидан мосуво бўлган ғарибона ожиз инграш эди, холос. Эътибор бериб қулоқ солинса, ундаги мунг ва қайғуни, танҳолик ва изтиробни, ўзини қаерга қўйишни била олмаётганлик оҳангларини пайқаш қийин эмасди. Чек-чегарасиз ҳудудларда кўнгиллари тусаганча умргузаронлик қилишган аждодлари ўзларидан ҳам қувроқ, қувватлироқ жонзотлар дастидан қоча-қоча пана-пастқамларда жон сақлашга мажбур бўлишганини у хаёлига ҳам келтирмас, шунинг дастидан қамишзорда яшашга мажбур бўлганини, шунинг дастидан дашт бўриси номини олганини Ёлғиз Қорабош тасаввурига сиғдиролмасди. Унга алам қилгани ўша ўзи билган қамишзорнинг туйқусдан аланга ичида қолгани-ю ҳаш-паш дегунча бўлмай, кулга айланиб улгургани эди. Шу-шу бўлди-ю Ёлғиз

Қорабошга яшашнинг маъниси қолмади, ҳарқалай, омонат гўша эса-да, у шу қамишзордаги уясида урғочи бўри билан ўз исини қолдирганди, ўз исини қолдирди дегани маълум маконга эга бўлди маъносини англатгани учун унинг кўнгли тўқ эди, гарчи лақаби Ёлгиз Қорабош эса-да, бу шафқатсиз бепоён оламда танҳолиги билинмаётганди, лақаби эса каттакон бошига нисбат берилиб одамлар томонидан эски туркий тилда унга тиркалган эди, йўқса Ёлгиз Улканбош деса ҳам бўлаверарди ёинки Ёлғиз Каттабош деб аташ ҳам мумкин эди. Унга бу лақабнинг эски туркий тилда қўйилганининг ҳам ўз маъноси бор эди, туркийлар ўзларини она томондан бўрига олиб бориб тақашар, модомики она бўри томонидан душман билан жангда қириб ташланган улуснинг ягона боласи сақлаб қолинмаганида барчамиз рўзи маҳшар тонгининг оқаришини кутиб ётган бўлардик, деб ўйлашарди. Албатта, бу гаплардан Ёлғиз Қорабошнинг хабари йўқ ва қолаверса, бўри зотининг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб юрадиган улус ҳам аллақачонлар ўз-ўзидан, ич-ичидан емирилиб, эски маноқиблардан кўра дунё саҳнида кафтдан сиргалиб тушиб кетмайдиган нарсалар афзаллигини бошқалар қатори дурустгина фаҳмлаб олишган эдики, бу ҳол ўзи шундоқ ҳам шўрига шўрва тўкилган боёқиш бўрининг ҳолига маймунлар йиғлаши ҳеч гап эмаслигига изн берар эди. Гап шундаки, Ёлғиз Қорабошнинг аждодлари дашт бўриси номини олганларидан кейин қамишзорда ҳар томонлама бўлмаса-да, ўзларига яраша шарт-шароит яратиб кўпайишган, бора-бора бир қанжиққа эгалик қилиш баҳонасида чапдастлиги туфайли у бошқа ҳамжинсларини бу ерни тарк этишларига мажбур қилиши, ёлғиз ўзи ҳам қулай масканда беҳадик-бехавотир яшай олишига ишонган эди. Ўшанда у озиқ топиш учун ҳам унчалик жонини койитмас, хавфлироқ бўлса-да, қамишзордан чиқдими, кундан-кунга қирғоғидан олислаб кетаётган кўл бўйларида яримжон балиқларни топиб олар, бундай имкониятдан семириб, ҳадемай

кўлнинг қуриб қолишини ўйлаб ҳам ўтирмасди. Қайтанга уни одамларнинг бу ерга қадам босишмаётгани, кўч-кўронларини кўтарганча қайларгадир жўнаб қолишаётгани қувонтирарди. Икки оёқли бу жонзотлардан узоқроқ бўлишни истаган Ёлгиз Қорабош охир-оқибатда уларнинг аждодлари руҳларининг шарпалари изғиган лаънати ғорга келиб қолишини қайдан ҳам билсин эди? Улар ўшанда кўч-кўронларини кўтаришгани бежиз бўлмаган экан, кўл сувининг ҳам шитоб тубига қараб қочиши барча жонзотларга келажак ёмон бир офатнинг аломати бўлган экан. Бундай аломатларни пайқашга балиқхўрлик қилиб семириб юрган Ёлғиз Қорабошнинг қанақасига имкони бўла оларди? Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Энди у қанчалик бўзлаб-увламасин, ўз жонини сақлаш илинжида олис-олисларга улоқиб кетишган ёхуд териси ҳайт деса иштонини ҳўллаб қўядиган бир ярамас қўрқоқ ёинки ифлос авбошнинг маҳкамасими, ошхонасими деворига осилган ҳамжинсининг нафасини яқиндан ҳис этолмаслиги аниқ эди. Ўз ҳолича уларнинг бўлгани бўлган эди, бироқ тўдасини пароканда этиб манманланган Ёлғиз Қорабош энди қариб кучдан қолаётганида катта хавфлар олдинда эканлигини элас-элас тасаввур этар, у гарчи қўрқув нелигини билмасада, юрагини танҳоликнинг аламангиз зил-замбил тоши эзиб мажақлар, шундаям энди бундан бу ёғига нима бўлишини қазову қадарнинг ҳукмига топширмоқдан ўзга илож йўқлигини тан олгиси келмасди. У ёлғизлигининг иложсизлигини бир маҳаллар барча уруғ-қаёшига қулай макон бўлган қамишзорга ўт кетиб, аланга ичида қолганида янаям теранроқ ҳис этди. Аммо энди бундан не наф? Қамишзорга ўт кетгани тасодифми ёки атай қилинганми буни одамларгина билиши мумкин эди. Эҳтимол, кўл қуригач уларнинг кўзига сувсизликдан сап-сарғайиб кетган қамишзор хунук кўриниб ўт қўйиб юборишгандир, эҳтимол унинг изидан тушиб, гумдон қилиш фикрида шу ишга қўл уришгандир — уларнинг хатти-ҳаракатларини тафтиш этиб билиб олишга, ни-

гоҳини шамғалат этишмаганида, ёлғиз худогина қодирдир. Ўшанда Ёлғиз Қорабош бўриваччаларнинг оғзига илингулик бирон нарса топиш илинжида ўзи билмаган ҳолда олислаб кетган, она бўри ҳаросат ичра болаларининг қай бирини қутқариб чиқишни билолмай ўзини бошолмон ҳарёнга урганича буткул аланга ичида қолган эди...

3

Эрта тонгдан Бўздалада карнай-сурнай, ноғораларнинг садоси янгради. Бу овоз атроф-жавонибдаги қишлоқларнинг деярли барчасига етиб борди. Элу юрт кўпкарига чорланди. Ҳамманинг кўнглига гулу тушди, кўзлари ўз-ўзидан чақнайверди, оёқларнинг ўз-ўзидан чопгиси келиб қолди. Одамлар нимаики иш билан машғул бўлишмасин, бари жой-жойида қолди. Биров отда, биров эшакда йўлга тушишди. Уларнинг ортидан яёв эргашганлар ҳам бўлди. Карнай-сурнай овози баландроқ чиқди дегунча барчага бирдай гайрат кирди. Бўздалага дарёга қўшиладиган ирмоқлардек ҳар тарафдан гала-галалашиб оқиб бораверишди. Йўл-йўлакай зерикмайлик деб ҳангомаю латифалар айтиб кетишди. Бир маҳал босилавериб эриган лой аралаш қорни атрофга сачратганча кажавали "Урал" мотоцикли ўтиб қолди.

Унинг ортидан:

— Кассир, кассир! — деган хитоблар янграши билан кўпчилик йўлдан четланишди. Кассир раиснинг йўлга чиқиши олдидан бир даракдай гап эди. Қаерда унинг қораси кўринди дегунча, кўп ўтмай раис ҳам ҳозир бўларди. Худди кутилгандай бўлди. Маст одамдай чайқала-чайқала "Виллис" кўринди.

— Раис, раис! — деган қичқириқлар эшитилди.

— Ёнида шляпа кийган бошқа биров ҳам бор-ку...

— Комисиё...

— Тиркаш чол закўнсиз улоқ қиляпти-да!

— Ҳе, шлапасиниям, мошининиям...

— Ҳаммаёқни лой қилди.

— Қаранг, орқамга қаранг, келиб-келиб шу ёғимга лой сачрайдими?

— Лой жой танлаб ўтирадими?

— Хўп бинойи, хўп бинойи.

— Мол шатмоғидай бўб қопти-ку...

Муртазо ҳам қуруқ қолмади, тиззасигача лойга беланди. У сўкина-сўкина тепалик остидаги ёлғизоёқ йўлга тушиб олди. Муртазо, агар ана шу йўлда Мавлудани учратишини билганида эди, машинадагиларнинг барчасини алқаган, лой сачратгани учун уларга раҳмат айтган бўлар эди.

Муртазо булоқ томондан келаётган Мавлудани кўрди. У дуррасини томоғининг остидан ўтказиб ўраб олган, бир тутам қоп-қора сочи пешонасига, нақ қошининг устига тушиб турар эди. Юзлари совуқдан қизариб, чиройига чирой қўшган. Ёноқларига атай қизил бўёқ суртиб юрувчи рангпар хонимлар момиқ қўлчаларининг ҳаракати қанчалик жозибадор бўлмасин, ранг юритишни эплолмасликларини табиатнинг ўзи бахш этган гўзалликни кўргач пайқаган бўлардилар.

Муртазо қизга яқинлашиб, анг-танг қотди.

У айтар сўзини унутгандек эди. Оқаринқираган кўйи тураркан, унинг паришон хаёлини қизнинг қўнғироқдек овози йиғиб берди.

— Ассалому алайкум, ака, — деди Мавлуда қўлидаги челакларни оҳиста ерга қўяркан, чарос кўзларида ҳаё жилваланиб.

— Яхшимисан, Мавлуда, — ўзини қанчалик қўлга олишга тиришмасин, қандайдир ғойибона куч таъсирида бунинг уддасидан чиқолмай, Муртазо базўр чалакам-чатти сўради. — Булоқдан... келяпсанми?

— Ҳа-а.

Бу калта жавоб оҳанги биланми ёинки Мавлуданинг оғзидан чиққани боисми, ишқилиб, Муртазонинг юрагига шунчалик чуқур кириб бордики, у беихтиёр энти-

киб кетди. Ҳеч нарсани кўрмай ёлғиз Мавлудага термилди, гўё ҳамма нарса шу қизда жамлангандай эди. У атроф-жавонибдан ҳам ҳеч қандай сас-сабар илғай олмай қолди, алоҳа, барча сеҳрли садолар бир жуфт ғунча лаблар орасида сақланаётгандай эдилар. Шовуш боғлаган дарахтлару пастда буғланиб оқаётган билакдеккина ариқча бошқа маҳалда хаёлини буткул тортиб оларди, уларга қараганда Мавлудани ўйлаб кетарди.

Ҳозир эса қизнинг ўзи унинг ёнида...

— Томошага боряпсизми? — Мавлуда унга қийғоч боқди, чамаси, юрагининг уриши ҳам чандон ошиб кетган, кўзлари беихтиёр меҳр нисор этмоққа чоғланган эдилар.

— Ҳа-а... — деди Муртазо ва беихтиёр ёдига тушиб қолгани учун, — Саноқул кетганми? — деб сўради.

— Кетганлар,— деди Мавлуда.

— Уйларингга кирай дедим-у, сени кўриб қолишдан қўрқдим.

— Ие, нега Муртазо ака?! — Мавлуданинг юз-кўзларидаги ҳайронлик шунчалик гўзал ифодаландики, йигит беихтиёр титраб кетди.

— Билмасам, — мужмалланди Муртазо.

Қиз қизаринқиради. У энгашиб челакларини кўтараркан:

— Яхши томошалаб қайтинг, Муртазо ака, — деди.

Муртазо индамади.

Мавлуда беш-олти қадам ташладию ортига ўгирилиб:

— Ўраниб олинг, шамоллаб қолманг тағин... — деди.

Муртазонинг юраги шиғ этиб кетди.

У базўр:

— Э, йўқ! — дея олди, холос.

Мавлуда ўзи сезмаган ҳолда юрагидаги меҳр-муҳаббатни назокат билан аён этиб қўйган эди. Шуни ўйлаб, Муртазо жилмайди.

Бўздаланинг қирида ҳамон карнаю сурнай, ноғорашинг садоси янграрди.

Бўздаланинг икки томони қиямалик.

Томошабинлар ана шу қиямаликларда чордана қурганча пастда бўлаётган кўпкарини томоша қилишади.

Кўпкари баҳонасида ҳозир қиямаликлар сайилгоҳ тусини олган.

Бўздаланинг пастки томонининг учи-кети йўқ. Борабора адирликлар, водийлар тугаб адоқсиз даштлар бошланиб кетади.

Бўздаланинг юқори тарафида эса абадий тоғу тошлар.

Бўздала тоғу тошлар ва дашту далалар ўртасида жойлашган.

Тоғликлар булоқлардан сув ичишади.

Даштликлар дарёлардан сув ичишади.

Ўртақайнарда анҳор ҳам, қудуқ ҳам, булоқ ҳам бор — ўртақайнарликлар уларнинг ҳаммасидан сув ичишади.

Ким қаердан сув ичса, феъл-атвориям шунга яраша бўлармиш...

Кўпкари чогларида Бўздаланинг юқори томонидаги анча тик тепача марра ҳисобланади.

Карнай-сурнайларга ўша ерда зўр бериляпти.

Ўша томонда уч-тўрт отлиқ ҳам айланиб юришибди.

Уларнинг чавандоз эмасликлари жиловни тортиб-тортиб, эгарда ҳадиксираброқ, омонатдек ўтиришларидан ҳам аён.

Улар катталар.

Тиркаш бобонинг кўпкари қилишига зўр-базўр розилик беришиб, энди бирон гап-сўз, фалокат чиқмасайди, деган ҳадик-хавотирда ҳаммалари.

Мабодо шундай ҳодиса юз бергудай бўлса, биттаяримта одамнинг майиб-мажруҳ бўлиши садқаисаркуя, уларнинг жавобгар бўлишлари ёмон. Нимаики бўлмасин, улар ҳукуматнинг одамлари, обрў-эътиборларини сақлаб, ўзларига гард юқтирмаганлари маъқул. Бу катталик деганлари ҳам барчанинг кўзига роҳат-фароғатдек кўринса-да, аслида қийин иш. Мансаб-мас-

надиям ордона қолсин, ҳамма нарсага жавоб беришга тўғри келади. Бунақа пайтларда сал-пал хавфли-хатарли кўринган саъй-ҳаракатларга ҳам кўшиш бермаслик керак, ман этиш деган бағоят ўнғай йўллар мавжуд, буларнинг ҳаммаси яхши-ю, энди одамларнинг феъли ўзгарди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дарров айюҳаннос солиб жанжал кўтаришади. Тўп-тўплашиб райком, райижроқўм биносига боришади, у ерда қур ташлаб ётиб олишдан ҳам тойишмайди. Уларга, ҳо-ой бирадарлар, бу бинолар табаррук даргоҳ, не-не кишилар минбарларда нутқ сўзлайди, не-не дўнгпешоналар кабинетларда ўтириб ишлашади, одам деган ҳар қандай қалағи-қасанги гапни, ғалва-ғишавани кўтариб келаверадими, деб бўладими?

Асло,бўлмайди!

Илгари бўлган бўлса ҳам энди бўлмайди.

Бу халқ деганлари ғалати-да, салгина тазйиқ кўрса баттар авжланади, хуружланади...

Марра тепаликда ягири чиққан қирчангини миниб Убай ҳам юрибди. У катталар томонга тез-тез назар ташлаб қўяди. Уларнинг бениҳоят жиддий, серташвиш, бани башар тақдирини ҳал этишдек доимий машғулот — фикрлашнинг нуқси уриб қолган нигоҳларидан нималарнидир уқмоқчи бўлиб чандон урингани билан бунинг уддасидан чиқолмай хунобланади.

Убай — ҳакам.

Унинг учун катталарнинг айни дамдаги хатти-ҳаракатларию фикрлаш тарзларини билиб олиш жуда муҳим. Йўқса, кейин бориб бирон-бир гап чиққудай бўлса овораю сарсон бўлиши, ҳалокунинг итидай у ёқдан-бу ёққа югуриб қолиши мумкин.

Убай ҳакамнинг башарасини чуқур-чуқур ажинлар кавлаб ташлаган, лўкидони тиғдай бўртиб чиққан, ҳар иккала кўзиям шилпиқланиб туради. Бир қараган кишида у бошқалар қатори одмигина, бор-йўқлиги ҳеч қачон билинмайдиган одамдек таассурот қолдириши табиий.

Бироқ, Убай ҳакам ниҳоятда зийрак, эҳтиёткор одам.

Касбу корининг ортидан анча-мунча бойлик орттирганлиги унинг номигаям, уруғ-аймоғигаям, кўринишигаям кўрк багишлайди.

У курашларда ҳам ҳакамлик қилади.

У ўртага қўйиладиган солимни ҳамиша бир хил тарзда, "фалон сўм пул, фалон кийимлик фалон мато қўйилди", деб эълон қилади. Қорувли, ғолиб бўлиши аниқ кўриниб турган, қолаверса ўзига яқинроқ, тантироқ, пулнинг бетига қарамайдиганроқ полвонга пулни оғзига сиққанича ошириб қўйиб юборади. Кейин полвонларни бел олдиртиришдан аввал унинг қўлини билинар-билинмас, бизни унутма, кейин ҳам керак бўламиз, истасак, ҳозироқ ўзингдан кучлироққа тушириб шармисор қилишимиз мумкин, дегандай сиқиб қўяди.

Ғолибни солим берадиганларнинг ҳузурига ўзи етаклаб бормаса кўнгли жойига тушмайди. Улардан аввал матони олиб полвонга тутқазади, сўнгра пулни... истар-истамас, худди ўз ёнидан бераётгандек узатади.

— Қўяверинг, — дейди шунда муваффақиятдан ери кўкка сиғмай сархуш турган полвон.

Убай ҳакамнинг мақсади ана шу сўзни эшитиш.

Қарабсизки, кўз очиб юмгунча полвон олиши керак бўлган пул унинг чопонининг узун енги орасида йўқолади. Буни ҳеч ким пайқамайдиям, кўрмайдиям, шунақа пайҳовасини олволган.

Энди Убай ҳакам давра айланиб, томоғи хирқираганча:

— Мард бўлсанг майдонга тушавер, ҳо-ов!.. — деб бақиради.

У керакли "мард"ни тополмагач, ўзи аввалдан тайёрлаб, пухталаб-пишиқтириб қўйган полвонларни даврага тортади.

Шу сабабли, Убай ҳакамга кўпкарига қараганда кураш маъқулроқ, жиловни қўлга олволиш осонроқ бўлади.

Кўпкарида эса... чавандозларнинг фикру хаёли фақат улоқни кўтариб тақимга босишда. Бу ишда Убай ҳакам уларга ёрдам беролмайди.

Ҳозир ҳам қирчанғисига енгилгина қамчи босаркан, Убай ҳакам:

— Тўй қиладиган одам курашли қилавермайдими, — деб, ўз-ўзича норози тўнғиллаб қўйди.

Олти-етти яшар неварасини кенг-ковул пушти чакмонининг этагига ўраб ўтирган Рашид бобонинг орқа томонида Муртазо тик турарди.

Шу чоқ уларнинг олдида эшак миниб олган Дўлта девона пайдо бўлди. Дўлтанинг эгнидаги далва-далва эски беқасам тўнининг пахтаси оқиб тушган, чарми ялтираб кетган қулоқчинининг қаландарлар кулоҳидан фарқи йўқ эди. Соч-соқоли ҳам неча замонлардан буён устара кўрмаганди. У эшагига тинимсиз хала босса ҳам эгасининг феълига кўниккан жонивор қадам ташлаш маромини бузмасди.

— Хоҳлаган вақтда улоқ чопамиз, хоҳлаган вақтда томоша кўрамиз! — деди Дўлта бақириб. — Ве-ей, ўргилдим сенлардан! Шунча юриб томошага келдиларингми? Томоша уйларингда, томоша кўчаларингда!

У Рашид бобога дастлаб хайрихоҳона кўз қисиб қўйди, сўнгра бирдан дўқ-пўписага ўтди:

— Ҳе-ей, бобо, соқолингга ўт тушгур! Ёш болани ҳам шу совуқда олиб ўтирадими одам? Битта чўпни топиб беришга кучларинг етмадими? Улоқ қилаверади-да...

— Бор Дўлта, нари кет, — деди Рашид бобо ўзини оғир олиб.

— Кетаман, кетаман! — Дўлта авжланди. — Сизларни кўраман экан деб кўзларим зориқиб қолгани йўқ. Қаёққа борсам томоша кўраман, қаёққа борсам ўйин кўраман. Ҳе-ей, қаёққа борсам томоша, томоша...

— Маррага ет Дўлта, маррага! — деб қичқирди кимдир.

— Марра узоқда, марра узоқда! — Дўлта девона ҳалачўпи билан қора булутлар уюлиб турган осмон каноасини кўрсатди.

Кейин у тушуниксиз, ғўнғиллаган товушда ўзи ҳам маънисига етмайдиган қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча кўздан ғойиб бўлди.

Ҳар-ҳар жойда юришган отлиқлар бирдан майдон маркази томон ёпирилишди.

Зум ўтмай олатасир тўполон бўлиб кетди.

Отлиқлар қандайдир муаммони ечмоқчи бўлаётгандай тўдаланиб қолишди.

Чекка-чеккадаги отлиқлар издиҳомга киришга уринишар, уддасидан чиқолмай хунобланишар, отлар сағрисига беаёв калтаклар дўлдай ёғиларди.

— Ўл-э баринг, ўл-э баринг! — бош чайқаганча ўтиролмай қолди Рашид бобо. — Булар нима қилишяпти ўзи? Кўпкарига келишганми, от савашгами?

— Энди-и сиз айтган улоқлар ўтиб кетган, бобой, — дея сўз қўшди унинг ёнига ҳозирғина келиб чўккан ўрта ёшлардаги бир киши. — Буям ирими-да! Тиркаш бобога ўхшаганларнинг бир армони-да! Илгари одамларнинг юраги ёниб турарди, ҳайт деб ушласа, ушлаган жойини қўйиб юбормасди...

— Маъқул, маъқул, — Рашид бобога бу сўзлар мойдек ёққанлиги унинг юз-кўзларидан аён бўлди. — Давлатимиздан айланай, шу занғарларгаям нон бериб боқиб ётибди-да.

— Ҳа-да! Наинки бу занғарларнинг ўзини боқяпти, бола-чақасини бепул ўқитяпти ҳам, керак бўлганда кийим-кечагини арзон қилиб беряпти ҳам...

— Шундай бўлса ҳам илгариги жаҳду жадал қолмаётганига куясан-да.

Суҳбат чала қолди.

Шу маҳал тўдадан бир отлиқ узилиб чиқиб, шитобла марра томон интилди.

Карнайлар чалиниб қолди.

Эснай бошлаган томошабинлар қайтадан сергак тортишди.

— Қича, Убайдилла, қича! — деганича бақириб юборди Рашид бобо бағридаги неварасини кўтариб

ўрнидан тураркан. — Балли! Илгарининг одами-да, суяги бузилмаган...

— Бахудо! — деб қўйди унинг ёнидаги, жуда-жуда гаплашгиси келаётган ҳалиги киши.

Убайдилла чавандоз улоқни издиҳом орасидан ёлғиз ўзи олиб чиққанди. У пайт пойлаб тўдага кейинроқ кирган бўлса-да, тасодифан икки оғайнисининг ўртасига тушиб қолган, уларнинг мадад-кўмаги билан улоқни ердан узиб тақимига босишга улгурган эди.

Ари уясига бехос чўп суқилгандай тўдада бехосдан саросималик бошланди. Баъзилар эс-ҳушини йўқотгандай бир жойда депсиниб қолишди, баъзилар эса Убайдилла чавандознинг ортидан от қўйишди. От қўйганларнинг аксарияти энди унинг чангигаям етолмасликларини пайқашиб, шахтларидан қайтишди.

Убайдилла чавандоз ҳай-ҳайлаб, қичқириб, ўзига-ўзи далда берганча кетиб борарди.

Тайёр ошга баковул бўлиб йўлда пистирма қурганлар сал бўлмаса Убайдилла чавандозни доғда қолдиришаёзганди.

Убайдилла чавандознинг томирларидаги ёшлик хотираси жунбишга келди. У ортга, навқиронлигига қайтди. Ҳайт, деди, шуларга ов берсам мен қанақасига лақай чавандози бўламан, дея шитоб қилди. Унга ғойибдан куч келгандек бўлди. Кейинчалик буни эслаб ўзи ҳам анча вақт ҳайрон бўлиб юрди. У от жиловини сўл томон бураркан, маррага тикка эмас, ён томондан келди. Кўнглига сал ғашлик солгани ҳам шу бўлди. Бу қандай гапки, пана-панада ётганлар Убайдилла чавандозни тўғри йўлдан юргани қўймасалар, бу қандай гапки, улар билан ҳисоблашишга у мажбур бўлса.

Бироз қони совигач, чавандоз шунисигаям шукр қилди. У яна ўз ҳолига келди. Унинг дов йигитлик хотираси паришон бўлди. У истиғфор айлади.

— Балли чавандоз, балли! — дерди Рашид бобо нуқул, ўзиям шундан бошқа сўзга тили айланмасди.

Убай ҳакам қирчанғисини йўрттириб томошабинлар олдига жар солиб чиқди.

— Убайдилла чавандоз маррага ташлади, Убайдилла чавандоз маррага ташлади-и-и!..

Шундан сўнг майдон ўртасида яна тўдаланиш, чавандозларнинг бир-бирига халақит берганча депсиниб туриши бошланди.

Аммо, ҳеч қанча вақт ўтмай Убай ҳакам томдан тараша тушгандай қўққисдан кўпкарининг тамом бўлганлиги ҳақида жар солиб қолди.

— Ие, ие! — ҳайрон бўлишди томошабинлар. — Энди бошланаётувди-ку!

— Катталардан буйруқ шундай, катталардан! — деди Убай ҳакам овозини пастлатиб.

Чавандозлар хомуш тарқала бошлашди.

Аксарият отларнинг сағрисидан ҳовур кўтарилмас, човлари кўпикланмаган, ҳансирашмас, улар ҳали тўдага кириб ҳам улгуришмаганди.

Марра тепалик зумда бўшаб қолди.

Рашид бобо неварасига:

— Ана, улоқниям кўриб олдинг болам, кейин кўрасанми-йўқми, худо билади, шу кўрганларингни гапириб юраверасан, — деб қўйди, кетишга чоғланаркан.

Томошабинларнинг ҳеч тарқалгиси келмасди. Шу чоқ сира кутилмаган ҳодиса юз берди. Йиғилиб турган оломоннинг устига "Виллис" машинаси, унинг ортидан "Урал" мотоцикли бостириб кела бошлади. Одамлар, энди бу катталар кўпкарини айни қизиган чоғида тўхтатиб қўйиб, яна нима каромат кўрсатишаркин, деган хаёлда уларга йўл бўшатишди. Тўданинг ўртасига етганда машина ҳам, мотоцикл ҳам ёнма-ён тўхтади.

— Ҳурматли ўртоқлар! — ваъз бошлади раис машинадан тушибоқ. — Мана, бугун қишлоғимизда бўлиб ўтган улоқни кўрдиларинг. Аслида кураш, улоқ деган нарсалар эскилик сарқити бўлиб, бизнинг озод ва фаровон ҳаётимизга ярашмаслигини ҳаммаларинг яхши биласизлар. Лекин шунга қарамасдан районимиз катта-

лари багрикенглик қилиб бугунги улоққа рухсат беришган эди...

— Ҳа-а, энди Тиркаш чолни улоқли тўй қилгани учун жазоламоқчи бўляпсизларми? — дея ўзича тусмоллаб луқма ташлади оломон орасида турган Тўйчи подачининг ҳақгўйлиги тутиб. — Невара кўрипти, ният қилган экан, шунгаям ота гўри қозихонами?

— Тўйчи, сен билмасдан ҳар нарсага аралашаверма, — деди раис шартта ваъзини тўхтатиб, баландпарвоз гаплардан жайдарисига ўтаркан.— Биз учун энг муҳими ҳар қандай тадбирнинг тинч-омон, безиён, бешикаст ўтиши эди, шу муносабат билан районимиз катталаридан ҳаммамиз учун ҳурматли Пўлат Исҳоқович ташриф буюрганлар, — раис ҳамон эшиклари ланг очиқ турган "Виллис"нинг орқа ўриндиғида ялпайиб ўтирган шляпали кишига қараб олди. — У кишининг сизларга бир-икки оғиз гаплари бор экан, ҳозир сўзни...

Раис гапини тугатишга улгурмади. Ҳалиги шляпали киши "Виллис"нинг очиқ эшигидан "дик" этиб пастга тушди-да, нотиқлигини тезроқ намойиш этиш истагидан ўзини тиёлмаётгандек калта қўлларини ҳавода тўлғай-тўлғай:

— Биз қайси замонда яшаяпмиз, биласизларми? — дея нутқини савол билан бошлаб юборди у.

— Йигирманчи аср, социализм даври, — деди жуни тўкилиб кетган телпакни қошига довур бостириб олган қишлоқ мактабининг тарих ўқитувчиси Мазбут муаллим ўзига тааллуқли гап қўзғалганидан безовта бўлгандек елкасини ғалати учириб қўяркан.

— Ҳа, инсоният космосни забт этган давримизнинг ҳар бир йили ўтмишнинг асрлар мазмунига тенг, — деди Пўлат Исҳоқович Мазбут муаллимга кўз қирини ташлаб қўяркан файласуфона донолик билан.

— Демак, эрталаб ўрнимиздан туриб, кейин кунни кеч қилсак, юз йил яшаган бўларканмиз-да, — бармоқларини букиб нималарнидир қанчалик ҳисоб-китоб қилмасин, барибир адашиб кетаётган Насрулло ара-

вакаш ўзини Нуҳ алайҳиссалом билан тенгдошдек ҳис этиб, ғурурданми, ҳайратданми — ишқилиб, ўзигагина маълум бўлган қандайдир туйғудан мастона бош иргаб қўйди. Аммо унинг бу минғирлашигаям, жайдари ҳисоб-китобигаям ҳеч ким эътибор қилмай, бирон бир маънили сўз эшитиб қолиш илинжида барча Пўлат Исҳоқовичнинг оғзига илҳақ тикилишган эди. Аксига олиб унинг оғзидан нуқул одамнинг калласини айлантириб ташлайдиган боши-кети йўқ иборалар пайдарпай учиб чиқиб, ҳавога сочилмоқда эди.

— Мана бугунги улоқда чавандозларга ҳар хил солимлар берилишини кўрдик, шунақа ишларни элу юртимизнинг келажаги ва обрў-эътибори учун қилишимиз ҳам мумкин-ку, ахир?! Давримизнинг улкан қурилишларидан бўлган, дунёнинг чорак қисмига электр қуввати етказиб берадиган электрстанцияси қурилаётганини ҳамма билса керак, шундан келиб чиқиб менда бир таклиф бор, — дея нотиқ асл мақсадга кўчганида унинг гирдиғум кифти ортида худди Донибойнинг жиккак елкаси оша қув кўзларини қадаб тургандек туюлган аллаким пайдо бўлди, бу аллакимнинг қароқлари ичида нақ шайтони лаиннинг ўзи ўтириб олиб, бани башарни кўринмас иплар билан мусти мустаҳкам боғлаб тутиб туришга жаҳд қилгандек кўринар, у ёқ-бу ёққа қимирлаш нари турсин, ҳатто мияларига туйқусдан ҳар хил ўйлар келиб қолишидан ҳам боёқиш одамлар чўчиб туришарди. Барибир, қанчалик чўчиб-ҳайиқишмасин, шундаям мияларига ўзлари истамаган ўй-хаёллар ёпирилиб келавериб, уларни жонсарак бир аҳволга солиб қўяр эди.

— Қанақа таклиф экан? — деб сўради Тўйчи подачи, у далада ёлғиз юравергани учун одамлардан анчамунча узоқлашиб кетган, шунинг учун баъзи нозик жараёнларнинг мазмун-моҳиятини андак кечроқ тушуниб оларди, агар кечроқ ҳам тушуниб олавермаса, тушунтириб қўйишга тўғри келарди.

— Менинг қанақа таклиф айтишим мумкинлигини аввало ўзларингиз яхши билишларингиз керак эди, —

деди Пўлат Исҳоқович фолбинлар қавми билан учрашувда тургандек кимлардандир иддао қилганча аравани узоқдан олиб қочаркан. — Чунки, заҳматкаш совет халқи шу буюк қурилишларнинг азамат бунёдкори экани барчамизга яхши маълум, — Пўлат Исҳоқович теварак-атрофга қирғий қараш қилиб оларкан, гўёки бу ерда турганларнинг ўзи тилга олган "азамат халқ"қа ҳеч қанақа алоқаси йўқдек, — сизлар эса ўтмишдан сарқит бўлиб қолган эски урф-удумларга ружу қўйиб ўтирибсизлар, уят эмасми? — дея танглайини тақиллатиб қўйди.

Унинг, айниқса, охирги сўзидан шундай совуқ кунда иштонлари тушиб кетиб уят жойлари очилиб қолгандек одамлар елкаларини титратганча қунишиб олишди.

Унинг елкаси ортидаги аллаким эса бу сўзларни ўзи айтгандек бир қошини тепага кўтарганча, кўзи офтобдан қамашгандек чап кўзини хиёл қисиб олди, лабларини сал-пал очиб барчани аҳмоқ қилиб, устидан кулмоқчи бўлгандек оқсўйлоқ тишини кўрсатиб иржайди — шунда унинг қиёфаси қиш чилласида егулик топа олмай қутуриб кетган қашқир тусини олди, унинг қарашининг ўзиёқ ҳар қандай довюракнинг юрагини такапука қилиб, оёқ-қўлига қалтироқ киритиб юборар эди. Бу қашқирнинг нияти нима, нима учун Донибою Пўлат Исҳоқович кабиларнинг елкалари ортида туриб, уларнинг қароқлари орқали қараб ҳукмфармолик қила олиши мумкинлигини ҳеч ким аниқ-таниқ тушунтириб бера олмасди. Унинг дастидан заррин ёғдули қуёш қоп-қора, унинг дастидан очиқ осмон узоқлашиб кетган нажотсиз фалак, унинг дастидан борлигу оламга гул-чечаклар, бинафшаю лолақизгалдоқлар тақдим этиб ифорлар таратувчи замин метин заранг тош — унинг дастидан Яратганнинг ризқи ғорат этилиб, ўзи рад этилган эди.

— Биз бундай ўтмиш сарқитларига пул сарфлашдан кўра топган-тутганимиз билан давримизнинг улкан қурилишига ҳисса қўшайлик, — дерди Пўлат Исҳоқо-

вич айтаётган сўзларидан ўзи ҳам ҳайрон қолиб, шу асно елкаси оша қараб турганнинг кўнглини олиш пайида бўларкан. — Майли бу бизнинг арзимас улушимиз бўлсин, лекин дунёнинг чорак қисми электр нурларидан чароғон бўлганида, албатта, бизнинг шаънимизга ҳам раҳматлар айтиб эслашади.

У шу сўзларни айтиб тугатар-тугатмас, оломон орасидан кайвонилар, чаққонлар ажраб чиқиб шартта белбоғларини ечишди-да, белбоққа биринчи бўлиб ўзлари пул ташлашди ва:

— Ҳар ким ҳимматига яраша бераверсин, — деб ташаббусни қўлга олволишди. Одамлар уялишганидан ҳам белбоққа пул ташлашга мажбур бўлишди, ёнларида пули бўлмаганлар таниш-билишларидан, қўни-қўшниларидан қарз олишга мажбур бўлишди. Ўзиям белбоғ кўтарганлар ҳар бир одамнинг устига бостириб келиб, керак бўлса иштон-кўйлагингни ечиб олишга ҳам қодирмиз, дегандек сўррайиб тураверишганидан кейин бошқа илож қолмаскан.

Кайвонию чаққонлар катталарнинг амри билан йиғилган пулларни санаб кассирга топширишди. Шундан сўнг "Виллис" ҳам, "Урал" мотоцикли ҳам оломон орасига қандай кириб келган бўлса худди шундай, олдинма-кейин чиқиб кетишди.

Одамлар яна нималарнидир муҳокама қилганча гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетди.

Дўлта девона эса ҳар-ҳар жойда осмондан тушгандек пайдо бўлиб, ўз-ўзича қичқириб қўярди:

— Хоҳлаган вақтда томоша кўрамиз. Уйда томоша, кўчада томоша, ҳе-ей, ўргилдим сизлардан, томошага келдиларингми? Ана томошаю мана томоша!..

— Яшавор, Дўлта!..

— Тулпорингдан сени!..

— Қани, ҳо-ой оғайни, чилимдан ол...

— Яримта бўлмади-да...

— Бўлдирамиз.

— Анқонинг уруғимиди?!

Муртазо уйга қайтди.

Чавандозлар ўзларича ҳавасаки от сурган бўлишди. Бироқ карнайсиз, ҳакамсиз, солимсиз улоқ улоқ бўлармиди?

Қизимади. Улар ҳам сўкина-сўкина тарқалишди. Кўпчилиги ўзларини қиморбозлар, ичувчилар, чекувчилар даврасига уришди. Бор будини бой берганлар ҳам бўлди — садқаисар, ор кетди, номус кетди, кетсин бари! Қайсидир номаълум ёқдан ароқ, вино, наша тинимсиз оқиб келиб турди.

Тиркаш чолгина марра-тепаликда совуқдан гезариб, тақдиридан нолиб, йиғламоқдан бери бўлиб қалт-қалт титраб турарди. У энди элнинг юзига қандай қарашни ўйларди: ота-боболаримизнинг удумини қиламан деб неча йиллардан бери темиртирноқ бўлиб йиғиб-тергани, ҳақиқий улоқни орзулагани билан ниятига етолмай мана бу аҳволга тушиб тургани унинг ўзига алам қилмоқда эди, ўзини гўёки оёқ-қўли куллуклаб боғлангандек қутурган қашқирларнинг тумшуғи остига ҳақоратлаб ташлаб кетилгандек ҳис этмоқдайди. Қавму қариндошлари, фарзандлари, неваралари, мана бўлдида, чавандозлар от суришди-ку, дейишиб, уни ёш боладек алдаб-сулдаб олиб кетишди. Барибир, унинг кўнглида қиёмат гулханига тутантириқ бўлишга арзигулик нохуш бир доғ қолди...

Бўздалада қош қорайгунча одам аримади.

Дўлта девонаям хўп хумордан чиқди:

— Хоҳлаган вақтда томоша кўрамиз, пастда томоша, тепада томоша! Ҳай, до-од!..

Тўртинчи боб

1

Қишлоқда юримсак миш-мишлар тарқади. Нима эмиш, Убайдилла чавандоз тогбеги бўлармиш, шундагина сайғоқларнинг Рангонтоғ этакларида абадулабад

яйраб-яшнаб юришларига имкон туғилармиш. Убайдилла чавандоз беши қолиб, ўн панжасини оғзига тиққанлардан эмас эмиш. Унақалар тоғу тошларни ютиб юборсаям тўймас эмиш, ҳарқалай, Убайдилла чавандозда инсоф бор эмиш.

Ҳар кимга ҳам инсоф керак эмиш.

Инсофи бўлмаса имони ҳам бўлмас эмиш.

Шунақа эмиш.

Шунақалигини исботлаш учун ўртақайнарликлардан уч киши Рангонтоғ ўрмон хўжалигининг бошлиги олдига узун-қисқа бўлиб кириб боришди. Кириб борганлардан бири индамасгина кўрингани билан ҳар-ҳар замонда "пис" этиб кўнгилни хира қиладиган гап гапириб қўядиган ўрта ёшлардаги пакана одам, иккинчиси гулдирак овозли қудуқчи, учинчиси оғзидан чиққан ҳар сўзини тарозида ўлчаб кўраётгандек дона-дона салмоқлаб айтадиган қишлоқнинг энг новча кишиси бўлган тандирчи ва собиқ подачи эди.

Булар, ўзларининг таъбири билан айтганда, халқ вакиллари эди. Уларнинг соч-соқоллари ўсиб кетган, усти бошлари ҳамин қадар, халқнинг вакиллари эканликларини атай кўрсатиш учун ҳам пойинтар-сойинтар гаплардан ҳангомалашиб келаётганга ўхшардилар. Бири тоғдан келса, бошқаси боғдан келарди.

Вакиллар бошлиқнинг хонасига киришди. Хонадаги стол-ўриндиқларнинг устига шер териси ёпилган, деворларга кийик-олқорларнинг шохлари осиб қўйилган эди. Деворларга қадалган товус патлари хонани чимилдиқ ёйган келинчакнинг уйидай кўрсатар эди. Бошлиқ ўртадаги столнинг ортида қисиқ кўзларини қизиқ нарсани кўришга иштиёқманддек эшикка тикиб ўтирарди.

Келганлар баландлиги нақ икки газ келадиган дабдабали эшик остонасидан ичкари ҳатлаб, қаерга ўтиришларини билолмаётгандек у ёқ-бу ёққа аланглаганча, ҳатлаб кирган жойларида туриб қолишди.

Бошлиқ ўрнидан турди. У қўлини орқасига қилиб, негадир тўрдаги харита ёнида у бурчакдан бунисига бо-

риб-кела бошлади. Туйқусдан унинг ёдига нимадир тушгандек бўлиб ўзи ўтирадиган юмшоқ курсининг ортида тўхтаб, тирсакларини курси суянчиғига тираб, юзини икки кафтининг орасига олганча бир зум чуқур ўйга толди.

Ниҳоят, бир қарорга келди шекилли, қошларини камондек керганча қаддини тиклади. У халқ вакилларига бошдан-оёқ бир сидра нигоҳ ташлаб чиқаркан:

— Хо-ош, ўтин ўғирлаб қўлга тушдиларинг, шундайми? — деди дабдурустдан. — Сизларга неча марта айтилади, неча марта тушунтирилади, тоғда ўтин тугул тошгаям тегиш мумкин эмас, деб.

— Биз бошқа масалада... — унинг сўзини бўлишга журъат этди собиқ подачи.

— Бу ерда масала-пасала кетмайди, масала-пасалага ўрин йўқ, — пов этиб алангаланди бошлиқ. — Тегинилмасин дейилганми, тегинилмасин-да!..

— Би-из ...

— Кўриб-билиб турибман сизларни. Биламан, ишдан қочар, тошга сиярсизлар. Ўғирлик деса ўзларингизни томдан ташлайсизлар, кечасию кундузи тиним билмайсизлар...

— Э, нималар деяпсиз, оғзингизга қараб гапиринг, — гулдиради қудуқчи. — Бизни кимлар биландир адаштириб юбордингиз, шекилли, биз бу ерга Убайдилла чавандоз масаласида келгандик... Сиз бўлсангиз...

— Ким у — Убайдилла чавандоз? — бошлиқ қудуқчининг дағдағали оҳангдаги гапидан сўнг ҳайрон бўлганича уларга қараб қолди. — Нима дейди у, нима гуноҳ қипти?

— Яна гумон, яна гумон... — бўш келмади қудуқчи. — Наҳотки, шу ерда ишлаб Убайдилла чавандоздек машҳур одамни танимасангиз...

— Хўш, нима бўпти шунга? — яхшироқ таниб олмоқчи бўлгандек бошлиқ энди уларга бир-бир син солиб қараб чиқди.

— У ҳалолу покиза одам, — индамасгина кўринган одам тагдоргина гап қилиб бошлиққа қия қараб қўйди.

— Ҳалолу покиза бўлса ўзиға, — тутоқди бошлиқ дастлабки важоҳатига қайтиб. — Билиб турибман нима демоқчи бўлаётганликларингизни...

— Э, аввал сиз гапни эшитинг, — тандирчининг сабр косаси тўлиб шундай сўз бошладики, бошқалар энди тамом, дея юрак ҳовучлаб қолишди.

Бироқ, ҳеч кутилмаганда бошлиқ лом-мим дея олмай бақрайиб қолди. Бундан илҳомланиб тандирчи қолган жойидан улаб кетди:

— Ҳозирги тоғбеги шу кетишида бўлса тоғниям ютиб юборади. Энди-энди Рангонтоғ этакларида кўринаётган оқ бўканларнинг ҳам тагин изини тополмай қоламиз... Буни дарҳол чорасини кўриб, Убайдилла чавандозни тоғбегиликка қўйиш керак... Биз ўртақайнарликлар, бошқайнарликлар номидан шуни сўраб келдик...

Бошлиқ сергакланди. Унинг кўзлари йўл кўраётган каби бир нуқтада қотди. У анча йиллардан буён вазифасидан жилмай ишлаб келаётган бўлса-да, бундай ҳолга дуч келмаганди. "Э, буларда бир гап бор-ов, — деб ўйлади у ўз-ўзича,— булар нималардандир воқиф бўлган кўринишади-ку, а..."

— Ҳа-ай, қани, ўтиринглар-чи, ўртоқлар, — деди бошлиқ уларнинг чакана одамлардан эмасликларини фаҳмлагандан сўнг ўтиришга таклиф қиларкан, нимадандир огоҳлантираётгандек, — энди фақат туҳмат қилинмасин, — деди, — ҳар гапни айтишдан аввал исбот керак, далил керак... Биласизлар, ҳукуматимиз учун ҳаммадан кўра нима азиз?

— Албатта, одам-да!.. — гулдиради қудуқчи.

— Халқ давлатнинг манбаи, — деб қўйди индамас киши ҳеч нарса демагандек кўзларини лўқ қилиб ўтираркан.

— Шундоқ-шундоқ! Минг тоғу тошдан, тиллозардан давлатимиз битта одамнинг умрини азиз кўради.

— Биз туҳмат қилаётганимиз йўқ, — деди собиқ подачи, — керак бўладиган бўлса, исбот-далиллар тўлиб-тошиб ётибди!..

— Ие, ие! — бошлиқ ўзини катта янгиликларни эшитишга чоғлаётгандек, — қани, қани, — деди.

— Ўртақайнарликлар ҳам, бошқайнарликлар ҳам тоғбегидан ҳар битта оқ бўканни йигирма-йигирма беш сўмдан сотиб олишяпти.

— Ҳали шунақами? Мана сизга, одамга ишонишнинг оқибати! — бошлиқ бошини сарак-сарак қилди. — Ноқонуний сотган ҳам, ноқонуний олган ҳам ўзига тегишли жазосини олиши керак.

— Ҳамма нарсанинг қонуний бўлгани тузук, — деб қўйди индамас киши кўп гапириб юбораётганидан афсусланаётгандек бўлиб.

— Албатта, албатта, — қўшилди бошлиқ.

— Лекин бутун бошли қишлоқни айблаш қийин, гарчи қонун шуни тақозо этсаям, — ўзига нима бўлаётганини фаҳмлолмаётган индамас киши тилини тишларининг орасига олиб эза бошлади.

— Гўштнинг нархи осмонда бўлиб турганда, албатта ҳаммаям арзон сотиб олишни истайди, — қўшилди тандирчи билан қудуқчи.

Энди улар бошлиққа эътибор ҳам бермай эмин-эркин сўзлайверишди.

Бошқа вақт бўлганда бошлиқ бундан қаттиқ даргазаб бўлган бўларди-ю, ҳозир уларнинг ортида халқ турганини ўйлади.

— Бўпти, — деди ниҳоят у тишини-тишига босиб. — Ҳозирги тоғбегини тоғнинг нариги тарафига жўнатамиз, кунгай бетларда қорангни кўрсатма деймиз — жазоси шу...

— Унга тоғнинг нариги тарафими, бериги тарафими — фарқи йўқ, билган номаъқулчилигини қўймайди.

Бошлиқ индамади.

— Убайдилла чавандоз-чи? — дейишди келганлар асл мақсадга ўтиб.

— Ўйлашиб кўрамиз.

Халқ вакиллари индамай ўтираверишди.

— Хўп, майли, илтимосларингиз инобатга олинади, — шу чоқ билиб-билмай бошлиқ ўзининг нозик жойини ошкор қилиб қўйди, — энди чопа-чоп қилиб ҳар ерларга бориб юрманглар.

— Э, нима деб ўйлаяпсиз бизни, — деди ўзини жаҳли чиққандек кўрсатиб қудуқчи, — ишимиз битди, бўлди-да!

— Ўзингиз айтдингиз-ку, масала ҳал деб, — тандирчи тўр ташлади.

— Гап битта-да, — деб қўйди индамас киши индамайгина.

— Энди гап мундоқ, — деди тандирчи бошлиқ томон энкайганча унга қандайдир сирли гап айтмоқчи бўлаётгандек, — бу гаплар бизнинг ўзимиздан чиққан...

— Ўзларингиздан?! — бошлиқнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди, яна тўнини тескари киймоққа чоғланган эди, хайрият тандирчи:

— Яъни, халқдан, — деб изоҳ бериб ўтди.

Бошлиқ яна жимиб қолди.

— Бу гаплардан Убайдилла чавандознинг хабари йўқ эди, — деди қудуқчи, — сиз билан келишиб олгач, унга кейин маълум қилмоқчи эдик. Энди бизга одамларингиздан бирортасини қўшиб берсангизу унинг олдига борсак...

— Сал-пал эл кўрган одам бўлсин-да...

— Шундай қилсак у сизнинг юзингиздан ўтолмай розилик беради, — деди тандирчи.

— Э, розилик бермаса бермас, — деди бошлиқ асабийлашиб, — бу ишга ҳаммаям жон-жон деб кўнади.

— Шундай дейсизу халқнинг талаби Убайдилла чавандоз-да, — деди бир умрлик гапларини бугун гапириб юборган индамас киши.

Бошлиқ нима деярини билмай қолди.

Ахийри, уларга қоровул Шукур тоғани қўшиб берди. Шукур тоға қарлуқлардан эди. Бошқайнарданам, Ўрта-

қайнарданам кўпчилик уни яхши танийди. Қорувли одам. Бурноғи йил аёли қазо қилиб, анча чўкиб қолди. Энди кимни учратса, бир бева аёл ҳақида гап очади, ёруғлик бўлармикан, дея ҳамсуҳбатига умидвор термилади.

— Одамнинг ёши бир ерга етганда маҳрамсиз қолмасин экан, — деб қўяди гап орасида.

Кейин аёлининг қазосию ўғил-қизларининг ҳар ёққа тариқдай сочилиб кетиб, ўзининг ёлғиз қолганлигидан нолий кетади.

Унга кўпчилик ваъда берган. Ўшаларга у умид боғлаб юради.

Улар йўлда ҳангома қилишиб, кулишиб Убайдилла чавандозникига етиб келишганини ҳам пайқамай қолишди.

Чавандознинг бир табақаси қия очиқ дарвозасидан ҳеч иккиланмай, худди ўз уйларига кираётгандек кириб боришди.

Чавандоз эгарга қоплама қиламан деб, тери ошлаётган экан, туйқусдан бостириб келганларни кўриб бироз эсанкираб қолди. Ўзини қўлга олиб:

— Келинглар, келинглар, қайси шамол учирди, — дея уларга пешвоз юрди.

— Сизга ўрмон хўжалигидан атай одам юборишибди, — деди тандирчи Шукур тоғага ишора қилиб, — хайрият, уйда экансиз...

Шукур тоғаям бош силкиб маъқуллаб қўйди.

— Ўрмон хўжалиги бошлиғининг шахсан ўзи сизга ишониб тоғбегиликни раво кўраётган экан, бормасангиз бўлмас, — деди қудуқчи шовқин соларок.

— Ишимизга ўрганиб қолганмиз, — чайналди чавандоз, — бизга бешикдан аталгани отбоқарлик...

— Балли! — деб маъқуллади уни тандирчи. — Эсингизда бўлса, илгари чўпон-чўлиқлар, йилқибонлар таёғини суюмли боласига топшириши байрамга айланиб кетарди. Ўшанақа фурсат етди. Энди отбоқарлик таёғини Саноқулга беринг энди.

— Тўғри-тўғри, беринг энди.

— Ўғилга қўйинг отбоқарликни.

Убайдилла чавандоз уларга нима деярини ҳам билмади.

Келганлар қисталанг қилганча туриб олишгач, ахийри:

— Майли, сизлар нима десаларингиз шу-да! — деди.

Бу гапни айтаётганда ҳам кўнгли бир хил эди. Айтиб бўлгач, халқ вакилларининг қувончдан ёришиб кетган чеҳраларини, ирғишлаб кетгудек бир алпозда эканликларини кўриб мутаассир бўлди, кўзларига қалқиб чиқаёзган ёшни зўр-базўр тийди.

Келганлар олдиларига ёзилган дастурхонга бемалол қўл чўзишди.

Зиммасига юкланган вазифани қойилмақом қилиб бажарган Шукур тоға энди ўз дардидан сўз очди:

— Шу-у, одам кексарганда маҳрамсиз қолмасин экан...

2

Эмишки, инсон руҳи минг йилларнинг олислигини лаҳзачалик писанд этмасмиш, рўзи маҳшарда бош кўтариб сарҳисоб этмагунча ер юзида сарсари ва саросар кезмоққа маҳкум этилганмиш, руҳ мангумиш. Шу кунларда мана шунақа миш-мишларнинг қандайдир аломатларидан Ёлғиз Қорабош азият чекмоқда эди. Гап шундаки, у қўним топган горда аллақандай номаълум шарпалар изғиб юргандек туюлар, шу боис боёқиш бўрининг энди кўзи илинди дегунча бўлмай, илкис чўчиб тушар эди. Бу бежиз эмасди, албатта. Гарчи орадан ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, Ёлғиз Қорабош ўша қамишзорни, бахтли дамларини унута олмасди. Шу вақт ичида бошидан ўтказган азобу уқубатларини ўйлаганида ўзи ҳам ўша чоқда аланга ичида қолиб, кулга айланиб кетмаганига афсус-надоматлар чекарди. Хотирасининг аллақайси пучмоқларида тинимсиз тазйиқларнинг қўрқуву ҳадиги уйғона бошлаган эди,

албатта, бу ёлғизлиги асорати, ҳаётининг бундан бу ёғи ваҳар-заққумга айланишининг аломати эди. Тўда, кўпчилик ҳамиша ҳар қандай жонзотнинг қўрқув туйғусини қандайдир хаспўшлаб тура олади, йўқса, бу дунёдан бош олиб қочмаган жонзотнинг ўзи қолмасди. Аввалари, ўша қамишзорда дориломон яшаган кезларида унда бундай мудҳиш туйғу ҳеч қачон бўлмаган эди. Тўғри, ўшанда ҳам ўзига етарлича қийинчиликлару машаққатларни бошдан ўтказган, кўрсичқону каламушдан бўлак емиш тополмай, шу топганиниям болаларига илинган кезларида ҳам бу қадар хўрлигу ҳақоратни ҳис қилмаган эди. Аввалбошда танҳоликни у ўзига-ўзи тилаб олди — ён-атрофдаги барча ҳамжинсларини қийратиб, қамишзорни ё ташлаб қочишга ёинки унинг кўзига кўринмай юришга мажбур қилди. Бу ерларни ўзига тегишли эканини ҳис этиб яшаш унга завқ бағишларди, шу боис, қамишларнинг шамолда чайқалишидан чиқарган овозини қулоқларини динг қилгунча эшитишга у ҳақли эди, ўткир кўзлари билан кўрсичқоннинг пилдираб қочишини томоша қилиш ҳам яккаш унгагина завқ-шавқ бағишлай олиши мумкин эди, Ёлғиз Қорабош танҳо ўзи тиклаган қамишзор салтанатида ўзидан ва ўзиникилардан бўлак қандайдир нигоҳлар бўлиши мумкинлигини асло хоҳламасди, унинг мутлақо шахсий қарашлари маконига айланган қамишзорга кимдир билиб-билмай сассиқ бурнини суқишга жазм этгудай бўлса, кўрадиганини кўрарди. У қамишзорда ҳақиқий бўри эканлигини исботлаб яшарди. Унинг ўзини кўриш нари турсин, номини эшитгудек бўлса барча жонзотлар даҳ-даҳ титрашар, ҳатто, чўпон-чўлиқлару подачилар ҳам қўлларида ҳамиша заранг таёқлари бўлишига қарамай, қалтираб юришарди.

Улар баъзан бир-бирларига:

— Бу падарлаънат Ёлғиз Қорабош ўлмас экан, бизга куп бўк, бундо-оқ эмин-эркин нафас олиб яшолмайман, — дея ҳасрат қилишарди.

Кейин эса ўйга чўмиб, кўнгилларига таскин-тасалли бахш эта оладиган нималарнидир эсга олгандек бўлишарди ва:

— Ўлади, ўлади, ўлмай қаерга ҳам борарди? — дейишарди жонланишиб. — Бу қадим дунё пайдо бўлганидан буён огзию панжаси қонга бўялган не-не қаттол бўриларни кўрмади? Уларнинг қарашининг ўзиданоқ баъзи жониворларнинг жони чиқиб кетарди — охир-оқибат нима бўлди? Ҳаммаси қопқон дастидан ёки овчининг ўқи зарбидан асфаласофилинга жўнаворишди. Бу фалак моҳир овчи, барчага бирдек қопқон қўйган, ундан ҳеч ким омон қочиб қутулолмайди, эртами кеч барибир тутилади, шу сабабли анави Ёлғиз Қорабош ҳам эсини йиғиб олса бўларди...

Эсини йиғиб олиш Ёлғиз Қорабошнинг негадир хоби хотирига келмасди. Аввалари урғочи бўри уни баъзи бетийиқ қилиқлардан қайтариб турган бўлса, тўртовлон болани туғиб олганидан кейин у ҳам ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Қолаверса, қамишзорда Ёлғиз Қорабошнинг танҳо ўзи ҳукмронлик қилиб юриши болалаганидан кейин ургочи бўрига ҳам хуш ёқа бошлади, ўзимникига бўлсин деган сезги ундаги адолат туйғусининг йўқолишига олиб келди. Бу Ёлғиз Қорабош учун айни муддао эди. Ўзга жойларда ҳам қамишзорлару тўқайлар, ҳатто ҳад-ҳудудсиз ўрмонлар борлигини хаёлига келтирмаган ҳолда бу ёруғ жаҳонда якто ўзи ҳукмрондек гашт сурди. Аммо охир-оқибатда қамишзорнинг кули кўкка соврилиб, у қўлидан ҳеч иш келмай сўппайиб қолавергач, бир маҳаллар қувиб юборган ҳамжинсларини соғина бошлади — жарликларни пусиб кезди, қора калтакка ем бўлиб кетишига бир баҳя қолганча қирадирлардан нималарнидир излади, қанчалик излаб-истамасин ўз ёлғизлигидан бўлак ҳеч вақо тополмай, яна ўша ўзи кўргани кўзи йўқ қадим одамзоддан қолган кўҳна ғорга томон судралиб боришдан ўзга илож тополмади. Ғор деворларига чизилган жонзотлар орасида яккаш қўлига чўқмору калтак ушлаган махлуқнинг иши

ўнгидан келиб, ошиғи олчи турган бўлиши мумкин-дир-у, аммо ундаги ҳайвонларнинг аксарияти бу дунёдан аллақачон йўқолиб нест-нобуд бўлиб кетишган, уларнинг тошларга битилган мангу шаклларида йўқликка дўнган оламларнинг нафаси сезилиб тургандек бўларди. Ёлғиз Қорабош ўзини ўша шакллар орасида кўргандагина мавжудлигига ишонарди, йўқса, ҳатто нафас олаётганига ҳам шубҳа билан қараб, ҳар замонда увлаб қолганида ўз овозини узоқлардан туриб эшитаётгандек бўларди. У ўз муҳитидан узоқлашгани боис қандайдир таҳлика ва саросимага тушиб қолгандек, нима қилаётганини билмаётгандек бўларди... Рангонтоғ этакларида сайғоқлар пайдо бўлиб қолганини ис олиб пайқаган Ёлғиз Қорабош аввалига мўл-кўл ов қилиш имкони пайдо бўлганидан суюнгандек бўлди-ю, шу заҳотиёқ ёнида ўз ҳамжинсларидан ақалли урғочи бўри йўқлигини эслаб, яна танҳолик домига тушди. Унинг бир ўзи ҳар қанча пойламасин, хавф сезса шамолдек елиб жуфтакни ростлайдиган сайғоқлардан бирортасини чангалига илинтиришга ишонмасди, қолаверса, ўз маконларида юргандек бемалол юрган сайғоқларни очиқ жойларда пойлаш ўз жонига қасд қилиш билан баробарлигини Ёлғиз Қорабош жуда яхши фаҳмларди...

3

Муртазонинг ёноқлари туртиб чиқиб, кўзлари ичичига ботиб кетди. Унинг қилиб турган ишидан ҳам, ўзининг туриш-турмушидан ҳам кўнгли совигандан-совиб борарди. Қачон кеч кириб, иш тугайди-ю, Раҳмоннинг турқини кўрмасам экан, деб ўйлар эди. Ана шундай хаёллар исканжасида ўзи билан ўзи бўлиб юрган сайин Раҳмон авжланар, куракда турмайдиган сўзлар билан унга тегажоғлик қилгани қилган эди.

— Армияда хизмат қилгансан-а? — дея ўсмоқчилаган у бир куни Муртазонинг аскарликка бормаганини жуда яхши билса ҳам.

— Йўқ.

— Борсанг, кунингни кўрасан. Аҳволинг шу бўладиган бўлса, у ёқда кўзингни очиришмайди, буни билиб қўй.

— Ваҳима қилаверма, армияда ҳам ҳар хил, — деди Абдумутал Муртазонинг ёнини олаётгандек бўлиб,— жойига тушсанг кунинг роҳат-фароғатда ўтади, жойига тушмасанг... бундаям ҳеч гапмас, сал қийналасанда, ўтиб кетади ҳаммаси, кейин соғиниб эслаб ҳам юрасан.

— Бунга ўхшаганларни қийнаб ўтиришмайди, — деди Раҳмон. — Қийноққа лозим кўришмайди, билганларини қилишади... Уларнинг билганлари эса кў-ўп!

— Жа-а билагон бўлиб кетибдилар-да, ўзлариям!..

— Кўрганмиз-да, кўрганмиз! — Раҳмон Абдумуталнинг кесатиғига парво ҳам қилмай, пинагини бузмасдан сўзида давом этди. — Кўра-кўра келиб ўтирган жойимиз шу-да! Анавига ўхшаган бир лапашанг ротамизга тушиб қолганди, — ҳаммаси озлик қилгандек энди у бармоғи билан Муртазони кўрсатганча жўшиб кетди, — худди ўзи эди, гапирсанг, кўзларини жавдиратиб зўрбазўр жавоб қайтаради, гапирмасанг оғзига толқон солиб олгандек юраверарди. Иштонига "а" қилиб қўйган боладай мўлтираб қарарди одамга. Ё товба, дейсан! Ундай қарама, одамга ўхшаб қара, мана, мисол учун командиримиз Николай Семёновични кўр — ҳамма ўшанга тақлид қилади, ўзиям нақ қирғийдек қарайдида, дердик унга. Николай Семёнович деганимизнинг қошлари ўсиқ-ўсиқ, калласи дум-думалоқ, сап-сариқ, доимо хода ютгандай гавдасини тик тутиб юрарди. Аскарларни шундай хўрлайдики, лойми, балчиқми демай эмаклатаверади, сал ортда қолсанг калтаклашдан ҳам тоймайди. Асл командир! Ана шу Николай Семёновичдан ҳамма кўп нарсани ўрганди, анув индамас "тўнка"миз ҳам туппа-тузук бўлиб кетди, сонга кирди, аммолекин бу Муртазовойдан одам чиқишига кўзим етмайди...

— Сени ўзингдан одам чиқмайди, Раҳмон, — деди Абдумутал юзини тескари буриб.

Бироқ, шу заҳоти ҳангоматалабларнинг шовқин-суронлари Абдумуталнинг овозини босиб кетди.

— Ўша лапашанг қанақасига мунча ўзгарди, айтсанг-чи?

— Айт, Раҳмон. Қандай ўзгарди ўша тўнка, калтак ўтмайдиган қашқатаёқ бўлиб кетдими?

— Қашқатаёқ бўлай деб турувди, бахтига ўзгариб қолди,— Раҳмон ўрнидан туриб юмшоқроқ жой излади, уюлган тупроқ устига ўзини ташлаб, бафуржа давом этди. — Биз хизмат қилаётган рота ўрмоннинг ичида эди. Тўрт тараф дарахтзор, осмон базўр кўринади — тинимсиз машқлар жонга тегади. Миқ этиб оғиз очиб кўр-чи, губа, тамом-вассалом. Губада тузукроқ прапорщик турган бўлса яхши, йўқса, калтаклайвериб жонингни олади. Уйни соғинасан. Бироқ, орадан беш-олти ой ўтгач, ўрмоннинг нақ ўртасида онадан аскар бўлиб туғилгандай кўникиб кетасан. Ротамизга айни қишда янгиларни олиб келишдию маза қилиб қолдик. Янгилар этигингни мойлайди, пайтавангни тозалайди, қўлингниям қитиғини қолдиради. Суюнганимиздан кепкаларимизни осмонга отиб ирғишлаймиз. Улар... тақир бошларини елкаларининг орасига олиб, ранглари қув ўчгунча, қўрқа-писа бизга қарашарди. Биз эса қутургандан-қутуриб қийқирамиз. Командирларнинг гап-сўзлари, панд-насиҳатлари ҳам кор қилмай қолди. Аввал ишни янгиларнинг чўнтакларини тескари қилишдан, пул-мулларини қоқиштириб олишдан бошладик.

— Тозаям разил экансизлар-ку! — деди Абдумутал четга "чирт" этказиб тупураркан.

Раҳмон ўз ҳикоясига ўзи маҳлиё бўлганча Абдумуталнинг гапига эътибор ҳам бермади, сўзида давом этди:

— Улар бирин-кетин шароитга кўникиб, аскарликнинг боду ҳавосини олишди-ю, фақат биттаси ўша-ўша — келганида қандай бўлса шундайлигича қолаверди. Келганида қандай калтак еган бўлса, кейин ҳам еявер-

ди. Бўш-баёвлигидан унга иш буюришгани буюришган эди. Командирлар ҳам, мишиғини эплолмаган ёш аскарчалар ҳам унга хўжайин, бариси бирдай дўқ-пўписа билан чақиришади:

— Тўнка, гимнастёркамга дазмол босиб қўй!..

— Ҳе-е, этигимни топиб ке!..

— Тўнка, қаердасан, менга сигарет келтир!..

— Ҳа-а, Тўнкавой, тушликми? Яша, яша! Қайтишда менинг ҳам улушимни олиб ке. Тумбочкамда кателок ётибди, ол, ўшанга солиб келасан.

У пишиллаб, бошини қўтосдай энгаштириб олганча дам у аскарнинг, дам бу аскарнинг олдига югуради. Бора-бора офицерлар ҳам бунга кўникиб кетишди, танбеҳ бериш ўрнига бамайлихотир, жилмайибгина қараб қўйишади.

— Ҳа-а, йигитлар, Тўнкавойни эрмак қиляпсизларми? — дейишади.

Орадан олти ой ўтди.

Яна янгилар келишди. Улар ҳам тақир бошларини елкалари орасига тортиб, дам елиб-югураётган Тўнкага, дам аскарларга қўрқа-писа қарашарди. Кейин-кейин улар ҳам шароитга кўникиб кетишди. Шунчалик кўникишдики, ҳалигини бемалол, оғиз тўлдириб "Тўнка" деб атайдиган бўлишди...

— Ўзининг исми нима эди ўша Тўнканинг? — деб сўраб қолди аллаким Раҳмоннинг ҳикоясидан ичи сиқилиб.

— Исмими? Ким сўрабди? — дея Раҳмон кутилмаганда Муртазога бармоғини нуқиб кўрсатди, — мана виларнинг биттаси эди-да...

Муртазонинг бу сўздан ичидаги хуруж, ғалаён зоҳирига тепгандек ранг-рўйи оқариб, кўзларида қора аланга ўт олди. У ўрнидан сапчиб турдию аблаҳ, деганича нари кетди. Аммо, унинг овози чиқмаган, бу сўзни ҳеч ким эшитмаган эди. У, назарида, шундай сўкингандек эди.

4

Убайдилла чавандоз тоғбегиликка ўтаётиб эски удумни унутмади: элу юртни йиғиб ош берди, отбоқарликни ўғлим Саноқулга топширдим, деди.

Бу барчага маъқул тушди.

Келганлар ошдан кейин уй-уйларига тарқала бошлашди.

Биров индамай кетди, бировлар нарироққа бориб тик оёқда гурунглашиб қолишди. Баъзилар Саноқулнинг елкасига қоқиб табриклашди.

— Бизнинг кадр отбоқарликка кўтарилди, — деганича Дони бригадир тинимсиз илжаяр, ёзда қиладиган қимизхўрлигини кўз ўнгига келтириб, Саноқулни мақтар эди. — Маладес! Ёрдам керак бўлса, бемалол сўра, ука. Борини баҳам кўриб, йўғини йўндирамиз. Коллектив катта куч билсанг.

Саноқул Дони бригадирнинг валдирашларига пича қулоқ солиб турди, бир нима деб оғзига урай деса, андишаси бор — Муртазо шунинг қўлида ишлаяпти.

Саноқул нари кетди.

— Қарайвер, яхшилаб қара, — деб қолди унинг ортидан Дони бригадир, — отни боқсанг, от бўлади-да!..

Сўнг ўз ишининг обдан ҳадисини олволган одам сингари атроф-жавонибга тикилди.

Ана тепаликларда туташиб кетган ангорларда уюр-уюр йилқилар юришибди, улар уфққа сингишиб кетгудай кўринишади; ана, жамики ташвиш-таҳликалару ижир-чижирларнинг устига кул босиб қуёш ботмоқда. Гилватадангина иборат тепаликлар бир ёққа шошиб оқиб кетмоқчи бўлган заминнинг тўхтаб қолган тўлқинларига ўхшайди.

У газетадан ўқиганларини эслайди: қаерлардадир ҳозир қирғинбарот жанглар кетяпти — одамлар озод сўз, озод фикр учун қон тўкиб, қон кечишяпти: ўз юртининг бир қарич, ярим қарич ерини вужудлари билан ҳимоя қиляпти. У эса онадан янги туғилгандай озод,

ҳур, худога шукр, яшаш жойи ҳам тайин, шу нарсалар бошини осмонга етказади.

Шуларни ўйлаб, Дони бригадир мамнун қиёфада бу ерни тарк этди.

Қурилиш бригадасида бор-йўқлиги билинмай, тепса-тебранмас бўлиб юрадиган Карим деган қурувчи бир куни томдан тараша тушгандек:

— Каллаварам экансан-а, Муртазо! — деди, ўзигагина маълум бўлган ниманидир назарда тутганча.

Бошқа вақтларда бунақа гапларга ғинг демайдиган Муртазонинг бу гал кўз қорачиғлари кенгайди, Каримнинг ёши анча катта эканлигини андиша қилиб ўтирмай беихтиёр уни сенсираб юборди:

— Нима дединг?

Бу унинг умр бўйи кўрсатган энг катта журъати эди.

Карим бир зум нима қиларини билмагандек каловланиб, саросималаниб қолди.

Сўнгра ўзини базўр қўлга олганча:

— Калланг ишламас экан, — деди бош бармоғини ўзининг пешонасига парма қилиб, — бу ерда ишлаб нима орттирасан?..

Каримни туйқусдан сенсирагани учун хижолат чеккан Муртазо вазиятни юмшатиш мақсадида:

— Ўзингиз-чи, ўзингиз? — деди. — Институтни битирган, газетада ишлаган бўлсангиз... сизга нима бор бу ерларда?

Карим яна аламли илжайди:

— Бу ерда ишлаб партияга ўтиб олай, кейин ўзим биламан, — деди.

— Ўзи нималар ҳақида ёзардингиз? — деб сўради Муртазо энди унга ичи ачиб.

— Ҳар хил хабарлар... — деди Карим ҳамон аламли илжайганча, — бир марта лавҳам ҳам чиққан...

Муртазо худди Раҳмонга ўхшатиб, э-ҳа, дея истеҳзоли ҳуштак чалиб юборди.

— Ишлайвермабсиз-да, ўшатта.

— Бэ! — Карим чирт этказиб тупурди. — Минг ёз, бир пул! Раҳбар бўлолмайсан...

— Унда ишлаб нима қиласиз?

— Биргаднинг олдига шарт қўйиб келганман бу ерга. Узоғи билан икки йилда партияга ўтказаман деган. Ҳозир Раҳмонни тайёрлаб юрибди. Ундан кейин менинг навбатим келади...

Муртазо титраб кетди.

Раҳмондан ҳам олчоқ, ундан ҳам разил кимса қурилишда ана шу Карим экан, деган хулосага келди у.

— Э, ўлиб кет-э, бу кунингдан, — деб пичирлаганча нари кетди.

Раҳмон ҳам бекор қолди дегунча Каримни масхара қилар, бундан ўзи завқланар эди.

— Аҳмоқсан, муқбир оғайни, — дерди у атай талаффузини бузиб. — Бизда партияга кириш осон эканми? Ҳозир кимсан, партияга ўтармон кўп. Калланг ишлаганида армияда ўтиб келардинг. У ерда осон: яримта ароқ — битта тавсиянома...

Муртазо Саноқулнинг олдига борди.

Каримнинг гапларини унга ҳам куйиб-пишганча айтиб берди.

— Асабийлашаверма, — деди Саноқул жиддийлик билан. — Қўйсанг-чи ўшаларни, бир тирикчилигини қилиб юрибди-да, яхшиси, эртага далага чиқайлик, сен ҳам кўнглингни ёзиб келасан...

— Бригадирдан рухсат олиш керак, — деди Муртазо унинг таклифига рози эканлигини билдириб.

— Э, унинг келишидан келмаслиги тайин. Юр, Раҳмонга бир оғиз айтиб қўямиз, бўлди.

Улар бригадага келишганида Раҳмон билан Карим енгошлаган кўйи сигарет тутатиб, ширин суҳбат қуришарди.

— Раҳмон ака, биргад келса айтиб қўйинг, эртага бир адирга кетяпмиз, — деди Саноқул муддаога кўчиб.

— Адирда нима қиласизлар? — деди Раҳмон Муртазога ола қараб, айни дамда Саноқулга илжайиб қўйди.

— Доти мирохўр уюрдан менга той ушлаб беради.

— Сенга той ушлаб берса, бунга байтал тутиб берадими? — деди Раҳмон Муртазони кўрсатиб ҳиҳилаб куларкан, — ўзинг боравер-да!

— Мен сиздан рухсат сўраганим йўқ, — деди Саноқулнинг жаҳли чиқиб. — Биргадга Муртазони ўртоғи олиб кетди деб айтиб қўйинг, тамом-вассалом.

— Хо-оп... — Раҳмон чўзиб ҳуштак чалгандек товуш чиқарди.

Аммо, улар қурилиш майдончасидан ҳали узоқлашишмасданоқ қичқириб қолди:

— Ҳў-ўв оғайни, индин барвақтроқ ке, Мутал учаламиз разъездга борамиз-а, — деди Муртазога тегишли қилиб.

— У ерда нима бор? — деб сўради Саноқул Муртазонинг ўрнида.

— Цемент келтиришаркан, — истар-истамас жавоб қайтарди Раҳмон. — Ҳамма қурилишлар ўзига тегишлисини тушириб олсин, дейишибди. Биргад Мутал учаламизнинг боришимизни тайинлаб кетган...

— Ҳа-а, бўпти, — деди Саноқул энсаси қотиброқ.

Муртазо Абдумутал ва Раҳмон билан биргаликда вагондан цемент туширишини тасаввур этди. Раҳмоннинг яна ҳақоратлар ёғдиришига имкон туғилар экан-да, деб ўйлади. Аммо бу ўйдан унинг қалбида негадир ҳеч қандай қўрқув ҳисси уйғонмади, қайтанга ўйлагани сайин идроки музга дўнаётгандек совиб борар, қандайдир янги, ҳеч кутилмаган ҳодиса рўй бериши мумкинлиги ҳақида шипшиётгандек бўларди.

Муртазо қандайдир ўзи ҳам ҳали англаб етмаган хотиржамлик ҳиссини туйди.

Эртаси куни тунги қора изғирин ариб, ҳаво очилиб кетди. Шундаям совуқнинг заҳри анчагина эди.

Муртазо Саноқулнинг отига мингашди.

Теварак-атрофдан кўклам нафаси уфуриб турарди.

Дарахт каби тик ўсган жинғиллар остидан биқинлари сап-сариқ саъвалару бўзтўрғайлар, Муртазо номи-

ни билмаган яна аллақанақа қушлар потирлаб учиб чиқишар, шунда уларнинг остидаги байтал қулоқларини динг қилиб, ўзини орқага ташлаб, ҳуркиб кетарди.

Дашт уйғониб келмоқда эди.

Канорасиз кенгликда турфа ислар димоққа урилар, тирик жон борки, унинг бағрида ғимир-ғимир ҳаракатда эди. Ҳатто қумтўдаларда ҳам ўт-ўланлар қулф уришга чоғланган, бу табиатнинг улуғ саховатидан, марҳаматидан дарак берарди.

Тушга яқин уюр кўринди.

У бесарҳаддек кўринган саҳрода у ён-бу ёнга қанчалик тирқирамасин, дарёдек оқмасин, белгиланган ҳудуддан чиқиб кетмайди. Баъзан шўх-шўх тойлар жон аччиғида кишнаб юборишади, айғирлар қайсидир шум тойнинг додини бериб қўйганлигини отбоқар дарҳол фаҳмлайди.

Айғирлар уюрни қўриқлаб, қайириб, тартибга солиб юради.

Доти мирохўр қирнинг тепасида айланиб юрганди.

У жиккаккина, бир кўзи ғилай, сийрак соқолли кўримсиз чол бўлса-да, орқаваротдан таърифини эшитганлар алп келбатли одамни тасаввур этишади. Уни бу яқин ўртада билмаган киши йўқ — биров от олмоқчи бўлса ҳам, сотмоқчи бўлса ҳам ундан маслаҳат сўрайди.

Доти мирохўр ахтачилик ҳам қилади.

Асов тойларнинг оёғини ҳаш-паш дегунча ўзи кулдуклаб, хатарли бу ишни хотиржам ниҳоясига етказгунча бошқалар жон ҳовучлаб отхонага яқин йўлай олмай туришади.

Ана шу кўримсиз, пачоққина одам кўпкариларда нақ оловдай ёнади.

Одатда энг зўр улоқчиларниям уч-тўрт ёйқозиғи ёнверида, орқа-олдида ҳимоя қилиб турсагина эгардан ағдарилгашиб олатасир ичида ердан улоқни базўр олади.

Доти мирохўр эса ўзи билан ўзи бўлиб ётган тўдага узоқдан от суриб келиб, улар орасига понадек ёриб ки-

ради. Томошабинлар оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолиб, ўйлаган ўйлари, айтган сўзлари худди олдиндан келишилгандек бир жойдан чиқади: "Ҳозир улоқни Доти мирохўр олиб чиқади!"

Доти мирохўр тўдага қандай кирган бўлса, издиҳом орасидан шундай шиддат билан ажралиб чиқиб, чиққандаям тақимида ўлжаси билан чиқади.

Қуюн дейсиз, нақ қуюннинг ўзи!

Одамлар, товба, Доти мирохўр билан Убайдилла чавандознинг улоқ чопиши икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш-а, дея ёқа тутамлашади.

Буни уларнинг ўзлари ҳам билишади.

Шунданмикан, бири кирган кўпкарига иккинчиси томошабин бўлади: бир-бирига панд бериб қўйишдан қўрқишади.

Лекин, от масаласида барибир Доти мирохўрга етадигани йўқ.

Унинг ўзини айтишига қараганда, эсини танибдики, от билан тирик.

Сағриси ялтиллаган, бўйни оққуш бўйнидай қанчадан-қанча лақай тулпорларининг уюм-уюм гўшт бўлиб, сасиб-бижғиб ётганини ҳам кўрди. Ёллари селкиллаган, қулоқлари динг, кўзлари чарос қанча отлар йўқотиб юборилди-ю!..

Отмозорнинг тарихини ҳам Доти мирохўр яхши билади.

Айтишларича, лақай зотли отларни икки тепаликнинг ўртасида тириклайин кўмиб юборишган экан, икки тепаликдан ҳосил бўлган ўша битта тепаликни отмозор дейишади...

Доти мирохўр эчки юнгидан тўқилган чилвирни белига ўраб олганча, ранги бироз оқаринқираган кўйи нималар биландир машғул эди.

— Доти бобо ичига ўт тушгандай ҳаяжонланаяпти, — Муртазонинг қулоғига шивирлади Саноқул, — ўзиям ҳазилакам эмас-да!

— Нима ҳазилакаммас?

— Шошма, ҳозир кўрасан. У асов тойларни ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган усул билан жиловлайди. Тойни минди қилиш дарёни жиловлашдай мушкул иш. Ҳар иккисидаям куч кўпириб-тошиб, тани ўзанига сиғмай ётади. Одамлар ҳали минилмаган отларнинг у ёқ-бу ёғини қашлаб, этини ўлдиришади. Доти бобога эса бу чўт эмас. Ундан-бунданмас, от ушлашни шердан ўрганган-да!..

— Шердан? — ҳайратдан анг-танг бўлди Муртазо.

— Ҳа-да! — деди ишонч билан Саноқул. — Ишонавер! Бир вақтлар Рангонтоғда шерлару шохлари тарвақайлаган кийиклар бўлган. Доти бобо ёшлигидаёқ отбоқар экан. Бир куни уюр уни суриб кетибди. Ана шунда уюрга бир шер ҳамла қилибди. Олатасир бошланиб қиёмат қойим қўпгандек бўлибди. Очликдан бўлса керак, қутуриб эс-ҳушини йўқотаёзган йиртқич тўдадан ортда қолган отни ёлғизлатиб бир зумда қуюндек ўраб олибди. От ҳам жонҳолатда уни ўзига яқинлаштирмасликка ҳаракат қилиб, безовта кишнаркан. Тоғ-тошлару дашт-далалар шоҳи отнинг думидан тишлаб олса, от шаталоқ отиб қочаверибди. Шер эса кўз очиб-юмгунча унинг думини оёқларига ўраб ташлабди, бечора от кулгулангандай гурсиллаб йиқилибди. Суриб кетаётган уюр олдидан зўр-базўр кўндалангига кесиб ўтишга улгурган Доти мирохўрнинг ўшанда шерга ҳаваси келган дейишади.

Доти мирохўр чурқ этмай эгарланган отига чаққонлик билан сакраб минди-да, "Ҳаю ҳайт!" деганича уюрга от солди.

Уюрда отлар қулоқларини чимириб, бир-бирларига жипслашиб, кишнашиб, беаёв тўлқиндек беҳад-беҳудуд даштнинг дуч келган томонига дупурлаб оқа бошлашди.

Доти мирохўр ҳам бир зумда тўлқин ичра йўқолди.

Муртазонинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

Ҳозир уюр Доти бобони эзиб, абжағини чиқариб ташлайдигандек эди.

Муртазонинг асаблари таранг тортилиб, кўзларини катта-катта очганича ўша томондан нигоҳ узмай турарди.

Доти бобо эса овозини баралла қўйиб қичқирар, отларнинг дупур-дупури унинг қичқириғини чангдек ютиб юбораётган эди.

Уюр илкис йўлини ўзгартирди.

Доти бобо беаёв тўлқиннинг хасдек ютиб юборишини кутиб ўтирмади.

От бошини бўшаб бораётган сўл томонга бурди.

Шу асно уюрдан саман тойни ҳам ажратиб, ёлгизлатиб чиқди. Саман той қоча-қоча бирдан ортига ўгирилдию анча узоқлашиб кетган уюр томон чопишга жаҳд қилди.

Доти мирохўрга худди шу нарса керак эди.

У елдек учиб бораётган тойнинг олдидан чиқди.

Той қадрдон тўдасига етишга ҳамон жаҳд қиларди. Шунинг учун кўзларига ҳеч нарса кўринмасди. Шу боис, жумлаи жаҳон — еру осмон, таҳдид солаётган одам — Доти мирохўр ҳам унинг назарида йўқлик сари чекинган эди.

Оёғига қувват, кўзига нур берган паноҳи — тўдаси томон ошиқарди у! Ахир, саман тойнинг ёлғиз гаҳвораси ҳам шу уюр эди-да! Айни лаҳзада уюрдан айри ҳолда қизғиш шуълага йўғрилган уфқ ҳам, хушбўй ўтўланлар ҳам йўқлигини ҳис этишга улгурдимикан?! Унинг хатти-ҳаракатлари баайни онасининг бағридан зўрлик билан тортиб олинган болакайнинг чинқириб ўзини ҳар ёнга отишига ўхшаб кетарди. Ахир, болакайга ёруғ олам она сийнаси-да!

Қуёш ҳам ўша ерда!

Ой ҳам ўша ерда!

Ёлгиз гаҳворасига талпинарди саман той!

Қуёши томон интиларди у!

Ой ва юлдузлари томон талпинарди саман той!

Бироқ, куни кеча ўзи билан бирга чақнаган ой ва юлдузлар мунча узоқда, милтираб бир кўриндию шу заҳотиёқ кўздан маҳв бўлди.

Унинг жаҳду жадали, ҳовлиқиб югуриши уюр билан боғлиқ эди!

Мирохўрга эса худди шу нарса — унинг боши айланиб қолиши керак эди. Мана, той билан мирохўрнинг орасида бир қадам, ярим қадамгина масофа қолди.

Мирохўр ўзини той устига отиб уни қандай қулатганини Муртазо тугул ҳатто Саноқул ҳам пайқамай қолди. Кейинчалик, мирохўрнинг ўзини айтиб беришича, у тойнинг думини орқа оёқларига ўраб юборган, ерга гурсиллаб қулаган заҳотиёқ оёқларини жун чилвир билан куллуклашга улгурган экан.

Улар Доти мирохўрнинг олдига етиб боришганда чолнинг пешонасидан шаррос-шаррос тер қуйиларди.

— Сал ҳовридан тушсин, — деди у ҳансираганча ўлжасига ишора қилиб. — Сўнгра йўриғимизга юрадиган мўмин-қобил қилиб оламиз.

Бечора тойчоқнинг кўзлари шокосасидан чиқиб кетаёзганди. У типирчилар, қанча типирчиламасин тушовни салгина ҳам бўшатаолмасди.

Муртазонинг унга раҳми келди.

— Қандай йиқитдингиз? — завқланиб сўради Саноқул. — Кўролмай ҳам қолдик.

— Жуда осон, — дея Доти мирохўр юмшоқ илжайди. — Оёғини энди кўтараман деганда думини унга ўрабчирмаб ташладим...

— Қойи-ил! — хитоб қилди Саноқул.

Муртазо эса қаерга қарамасин саман тойнинг жайноқланган кўзларини кўраверарди.

— Энг аввало қўрқувни енгиш керак, — деди Доти мирохўр Саноқулнинг саволига тўлиқроқ жавоб қайтаришга чоғлангандек. — Умуман, кимки қўрқувни енгмас экан, ҳеч қачон ҳеч нарсага эришолмайди, одамнинг энг катта душмани унинг ички қўрқуви.

Шундай деб, вужуди пайга айланиб кетган чол бир қўли билан тойнинг қулоғидан маҳкам ушлаб, иккинчи қўли билан унинг оёқларини бўшатди. Ўрнидан турғазди. Эгар-жабдуқни хаёлигаям келтирмай, ҳамон ҳоври

босилмай сачраб турган тойни яланг минди-да, чоптириб кетди.

Доти мирохўрнинг кейинги сўзларидан Муртазонинг юраги шиғ этиб кетди.

Кўз ўнгида шу заҳотиёқ Раҳмон гавдаланди.

Одамлар қариган чоғида ўлим билан юзма-юз туриб қонида ёввойи шиддат кўпирган жониворни бўйсундиришга ҳаракат қилишади-ю, у эса аллақайдаги ярамасдан дакки еб юрибди.

У ўз-ўзидан уялиб кетди.

Шу беш ой мобайнида жон-жонидан ўтиб кетган гап-сўзлару ўзининг миқ этиб оғиз очолмаслигининг сабаблари ҳам энди унга аён бўла бошлади.

Аясининг кўз ёшлари, ҳадик-хавотирлари боисини ана шу дашту далалар қўйнида, олис-олисларда бир-бирига мингашиб кетган тепаликларга боқаркан, англаб етгандек бўлди.

Осмоннинг хиралигию беҳад кенг очилиб ётишини ўзининг юрагига қиёслади.

У яна дашт булбуллари — тўрғайлару саъвалар, турли-туман қушлар сайрашиб, абрўк, юлғунлар шохига учиб-қўниб турган, қайсидир пучмогу кунжакларда турли-туман ҳашароту жониворлар бир зайлда умргузаронлигини ўтказиб ётишган ана шу кенгликда туриб Мавлудани ҳам эслади. Шу чоққача ҳатто унгаям кўнглида ётган сўзини айтолмаганлигининг боисини ўз-ўзича англаб етди.

Муртазо қизариб кетди. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Ким билсин, бу унинг энг сўнгги эзгин ёшларидир?! Агар у ўзининг ҳаётига ҳозир бус-бутун назар ташлаб, инсон умрининг маъносини теран англай олганида эди, энди тарк этишга чоғланган ҳис-туйғуларининг нақадар муҳимлигини билиб олган бўларди, ёноғидан думалаган ҳар қатра ёш дуру гавҳарга айланарди.

— Сенга нима бўлди? — қандайдир сўз айтмоққа оғиз жуфтлаб туйқус у томон ўгирилган Саноқул ўртоғининг кўзида ёш кўриб, ҳайрон бўлиб сўради.

— Ҳеч нима, — чайналди Муртазо.

— Айтсанг-чи...

— Ҳеч нима! Ҳеч нима! — Муртазо бирдан бақириб юборгудек бўлди.

Саноқул сесканиб тушди: мўмин-қобил, айтадиган гапиниям базўр ямлаб-ютиб, ярим-ёрти гапирадиган ошнаси Муртазодаги бу ғалати ўзгаришга елка қисиб қўя қолишдан ўзга илож топмади, саман тойни йўрттириб келаётган Доти мирохўрга қараганича ўйланиб қолди, қувончлари қайларгадир гумисиё бўлиб кетганди. Унинг наздида осмоннинг қовоғи баттар осилгандек, тоглар янаям қорайиб кўринаётгандек эди. Дарвоқе, агар табиат билан инсон ўртасида ҳақиқатан ҳам боғлиқлик бўлса, канорасиз дашту далалар, абрўку юлғунлар, шувоқу янтоқлар — Рангонтоғ этаклари ўзларида нохуш бир ўзгаришни қайд этдилар, бу нохушлик кейинчалик содир бўлган бўлса-да, ҳозирданоқ кўнгилларига ғулу солди.

Дайдибадал шамол тепалик устида турган Муртазонинг кўз ёшларини қуритди. Осмон этакларида тўпланган, бетин тўлғониб турган булутлар унинг дийдаларини қотирди. Рангонтоғнинг улуғворлигию осмоннинг беҳадлиги дилини қайсар жаҳду жадалга тўлдирди.

Бу чоқда Убайдилла чавандоз от бошини бўш қўйганича Кўктошдан Ўртақайнарга келаётган эди. У яна сайғоқлар тўдасини кўриб қолиш илинжида эди. Қайси кун Мазбут муаллим билан мана шу сайғоқлар хусусида сўзлашганини эслади. Мазбут муаллимнинг айтишича, сайғоқлар қадим-қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган жонзотлар экан. Унинг бу гапларига Убайдилла чавандознинг ишонгиси келмади. Негаки, қочиб қолиш учун оёғидан бўлак ишончли қуроли бўлмаган бу жониворларнинг қадим-қадим замонлардан бошлаб яшаб келиши мумкинлиги бирмунча шубҳали эди. Қанчадан-қанча жониворлар, паррандаю даррандалар Убайдилла чавандознинг кўз ўнгида камайиб, йўқолиб

кетар даражага келди. Илгарилари Ўртақайнардаги жар деворларига қанчадан-қанча қушлар ин қурарди-ю — қани улар? Тустовуқлар-чи? Эндиги болалар ҳатто қўшоёқ нималигиниям билишмайди. Ҳаттоки, ўт-ўланлар ҳам одамнинг кўз ўнгида йўқолиб боряпти, деди Убайдилла чавандоз Мазбут муаллимни мот қилишга астойдил киришгандек, оқтикану кўктикан қанақалигини ўзингиз ҳам билмайсиз, каврак ҳам йўқолиб кетди, бўтакўз, қашқайўнғичқа, ялтирбош — қани улар? Билсангиз, Ер ҳам инсон каби ҳаёт кечиради, одам йўқотган нарсаларини эслаб қанчалик ўкинса, Ер ҳам ундан-да теранроқ изтироб чекади. Боёқиш Ер азалдан бағрида сақлаб, ундириб-ўстириб келса-ю, уларни одамзод йўқотиб юбораверса, бундан Ернинг жаҳли чиқмайдими? Отанг Ердир, Онанг Ердир, сен ҳам Ердек қилиқ қил, деб қадимгилар бекорга айтишмаган, ахир?! Ота-онанинг сабр косасини тўлдирган фарзанд дуойи бадга дучор бўлиб, бир кунмас-бир кун фалокатга йўлиқиши аниқ-ку, шуларни била туриб, нега ўзимизни билмасликка олиб юрамиз?

Мазбут муаллим Убайдилла чавандознинг сўзларини диққат билан тинглаб, унинг айтаётганлари тўғрилигини тан олгандек бўлди. Аммо бир нарсани унутмангки, табиат ҳамавақт ўз тарозусини тўғри ушлайди, деди у, сиз айтаётган нарсалар йўқолиб кетаётган бўлса, уларнинг ўрнига янгилари чиқяпти. Убайдилла чавандозга муаллимнинг бу гапи ёқмади, ёқмаганини яшириб ҳам ўтирмади, агар шу кетишда кетаверса табиатнинг тарозиси ҳам ишдан чиқиб, уни бир четга улоқтириб юборади, деди. Убайдилла чавандознинг бу гапидан Мазбут муаллим ҳатто қўрқиб кетди, ундай деманг-е, унда қиёмат-қойим қўпади-ку, деди. Бундан ортиқ яна қанақа қиёмат бўлишини кутяпсиз муаллим, деди Убайдилла чавандоз куюнганича, аввал бағрида турфа жониворлар яйраб-яшнаган чўлу биёбонларимизни йўқотдик, яна чўлқувар номини олиб фахрланиб юрдик, мана энди дунёнинг чорак қисмининг уйида

чироқ ёндирамиз деб жар солмоқдамиз, дарёни тўсиб тўғон қуряпмиз, Янги Замон денгизини барпо этяпмиз деб ўзи оч-яланғоч халқдан пул ҳам талаб қиляпмиз, энди аввал чўл бўлган ерларни шўр босиб на чўллиги, на ободлиги қоляпти, буларга нима дейсиз, яна қанақа қиёмат бўлишини кутяпсиз, муаллим?

Убайдилла чавандознинг бу гапларидан Мазбут муаллимнинг ранги қути ўчиб, қўйинг чавандоз, сиёсатга тегадиган бунақа гапларни гапирманг, деди, катталар бир нарсаларни билса керакки, шунақа-шунақа ишларни қилишяпти. Катталар ўзини яхши кўрсатиш учун бунақа ишларни қилаверади, аммо эртага нима бўлади, эртага бунинг жабрини фарзандларимиз тортади-ку, дея Убайдилла чавандоз ҳам бўш келмайди. Ҳозир ҳам у шу тарздаги ўй-хаёллар уммонига ботиб эгарда ўтирганини ҳам унутаёзган экан, туйқусдан от нимадандир ҳуркиб, сапчиб кетганида ўзини амаллаб тутиб олди — чапдаст чавандозлиги шунда қўл келди, бошқа одам бўлганида эгардан учиб кетиб, ким билсин, қандай фалокатга йўлиқарди. У юганни қаттиқ тортганча:

— Так, так! — дея отни тўхтатмоқчи бўлган чоғида беш-ўн одим нарида ўзи томон қаттиқ тикилиб турган бўрига нигоҳи тушди.

Убайдилла чавандоз авваллари ҳам ҳар хил бўриларни кўп кўрганди. Авваллари Рангонтоғда тоғ қоплони, айиқполвон ўз уйида юргандек юравергани ҳам Убайдилла чавандозга яхши маълум. Аммо ҳозир уни ажаблантирган нарса кўрган бўрисининг гавдаси миқти бўлсаям калласи бўрибосарларникидек каттакон, боқишлари лоқайдона туюлса-да, ниҳоятда сергак ва ўткир эди. От жониворнинг вужуди дир-дир титрар, у устида ўзининг ишончли ҳимоячиси ўтирганини ҳам ёдидан чиқариб юборган, аждодлари қонидан ўтиб келган қўрқув туйғуси туфайли ўзини дуч келган томонга олиб қочишга шайланиб турарди. Убайдилла чавандоз бу бўрининг ўзига ҳужум қилмаслигини яхши ҳис этиб

турган бўлса-да, беихтиёр юраги ортга тортиб кетди. Бўри ҳамон тикилиб турарди. Убайдилла чавандоз тушунди: гарчи, бу учрашув тасодифий бўлган бўлса-да, бўри йўл беришни истамаяпти, буни у ўзига ор деб билади. Убайдилла чавандоз секин от бошини чап томонга буриб, даланинг ўртасига қараб кета бошлади. Бўри ҳамон ўз жойида турар, унинг нимасигадир, гарчи қўрқуви аримаган бўлса-да, Убайдилла чавандознинг ҳаваси келарди... Зокир булбулнинг айтишича, эркак одамнинг қаршисидан бўри чиқса, бу ҳақиқий омаднинг нишонаси эмиш. Убайдилла чавандоз бўрининг ҳурматини қилиб, унга йўл бериб, айланиб ўтиб кетаркан, унинг бу ерда бежиз пайдо бўлмаганини пайқади. "Сайғоқлар суруви ортидан келган бўлса керак, — деб ўйлади. — Мана, табиатдаги ҳамма нарсанинг бир-бирига боғлиқлиги, барча жонзотлар ўзига қулай шарт-шароит излаб у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа кўчиб юради, ўзига маъқул ҳудудда ҳадди ҳисобини қилиб чегарасини билиб олади, ким кучли бўлса ўша ғолиб — табиатдаги адолатнинг бош мезони шу, одам зоти бунга ҳийла аралаштириб азалий мувозанатни бузгани табиатнинг азалий қонунларига путур етказади".

Шу хаёллар оғушидаги Убайдилла чавандоз бўрининг ҳурматини қилиб унга йўл берганидан беҳад шод эди. Агар у Ёлғиз Қорабошнинг қайсарлиги туфайли бошидан ўтказган кулфатларини, куч билан абадий салтанат тузаман деган жидду жаҳдда барчасига қўшиб жигарбандларининг ҳам кулини кўкка совурганини, охир-оқибат ёнғин ва шўр дастидан эгаллаган маъвосини тарк этганини билганида эди, ёқа тутамлаб, ўйлаб юрган ўйларининг тўғрилигига яна бир исбот топган бўларди. Ёлғиз Қорабошнинг ўткир қарашлари ортида нималар борлиги, бошидан нималарни ўтказгани ҳеч қачон, ҳеч кимга маълум бўлмай қолавергани табиатнинг бошқа яратилмишлари томонидан янада кўпдан-кўп хатоларга йўл қўйилишига олиб келаверишини ҳам Убайдилла чавандоз билмасди. Шу боис,

тасодифан унинг йўлидан чиққан бўри унга номаълумлигича қолган эди, шу боис, уни тундами, кундуз куними, саҳро багридами, тоғу тошдами ёки овчи қафасининг ичидами учратганининг фарқи йўқ эди, номаълум сиру асрорларни кўтариб юрган бўри тарихнинг буюк салтанатлар давридаги қирғин-баротлар чоғида ҳассос котиблар томонидан тилсимланган ёзувлар-ла битилган битиктоши каби бир ҳодиса эди, холос.

5

Муртазо илгари разъездни кўрмаганди. Бригадирнинг топшириғига кўра Раҳмон, Абдумутал учаласи у ерга кетишди. Станцияда тахта-ёғочлар сочилиб, кўмир, қум-тупроқ уюлиб ётарди. Ҳар хил қиёфадаги, ҳар хил кийимдаги одамлар у ёқдан-бу ёққа ишбилармонлик билан кезинишар, бир-бирлари билан тортишиб сўкинишар — ўзларига хос ҳаёт тарзларига амал қилиб келишарди.

Муртазо олақуроқ одамларга оғзи очилганча қараб қоларди.

— Ҳо-ой огайни, анграйма! — танбеҳ берди Раҳмон. — Оғзингга пашша кириб кетмасин тағин!

Муртазо тишини тишига босди. "Ҳаддидан ошса қайириб ташлайман", деб ўйлади ўзича. Бироқ, бундай қилолмаслигини, бу жуда қийинлигини, Раҳмоннинг овозини эшитиши биланоқ безгак тутгандек қалтираб қолишини яхши билади.

Разъезд яқинида яшовчи бир гуруҳ ҳар хил ёшдаги одамлар тахланиб ётган юклар олдига бориб куймаланишар, юриш-туришларидан ўзларини бу ернинг хўжайинидан асло кам тутмасдилар. Бироқ, юк поезди келиб тўхтадими, улар дарров ўша ерда ҳозиру нозир бўлишарди.

— Қанақа юк олиб келдинг, оқсоқол?

Машинистлар елка қисишади: ким билсин?

Дарвоқе, уларга юк-пукнинг қизиғи йўқ. У ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа бориб-келаверишса бўлди.

Муртазо бу ернинг ўзига хос ғовур-ғувурини лолу ҳайрон кузатаркан, узун гудок бериб юк поезди тўхтади.

— Цемент ана шу поездда келяпти, — деди паст бўйли почапўстин кийган одам ва худди бу матоҳни у томондан ўзи жўнатгандек қўшиб қўйди. — Яхши цемент!

Сўнгра ҳеч тортиниб ўтирмай:

— Рози қилсаларингиз ҳужжатларингизда ёзилганидан ортиқчаям олиб беришим мумкин, цемент ҳамма вақт асқотади, — деди.

— Э, бошимизга урамизми ортиқчасини, — деди ўзича шивирлаб Абдумутал.

Сўнгра Муртазога кўз қисиб, бу ердан нарироқ кетишга даъват этди.

— Бораверинглар, ҳозир орқаларингиздан етиб оламан, — деди корчалоннинг сўзларидан кўзлари бежоланган Раҳмон.

Абдумутал унга ола қаради.

— Қўй, тинч кетайлик, шуни гапига учма, — деб қанча қистамасин, Раҳмон қолди.

— Лаънати, — сал узоқлашгач Абдумутал четга тупурди, — шу ерда ҳам бир нима ундириб кетмоқчи, — у Муртазо томонга ўгирилиб тайинлади: — Ҳужжатда ёзилган олтмиш қопни ортамиз бўлди, ортиқчасига қўл урмаймиз, бўптими?

Муртазо тасдиқ маъносида бош ирғади.

Кўп ўтмай ҳаллослаганча Раҳмон етиб келди. Унинг аъзойи бадани терга ботган, кўзлари ола-кула бўлиб кетган эди.

— Йигирма қопга зўрға кўндирдим, — деди у ҳаллослаб. — Отасининг омборидан берадигандек қилишади-я! Хайрият, пича пул олиб келгандим.

Абдумутал билан Муртазонинг миқ этмай туриши бирдан Раҳмонга таъсир қилди.

— Ҳа-а, ёқмадими? — деди дабдурустдан гўдайиб. — Ўзи ҳаммаларингиз шундай: борни кўролмайсанлар, йўқни беролмайсанлар.

Бу орада юк машинаси орти билан вагоннинг ланг очиқ эшигига яқинлашди. Бироқ, ўртада энсизроқ йўлак бўлгани учун машина вагонга жипс келолмади. Машина билан вагон ўртасига юкни олиб ўтиш учун тахта қўйишга тўғри келди. Тахта лопиллаб турар, айниқса, елкада қоп билан унинг устидан юрган кишининг юраги орқага тортиб кетар эди. Бир-икки қоп олиб ўтишгандан сўнг шу "пулсирот"гаям кўникишди, ҳатто тахтанинг лопиллаб туриши ҳам анча ўнғай кўринди.

Абдумутал билан Муртазо қизиб кетганидан ҳаммаёқларидан шаррос тер қуйилаётганига ҳам қарамай, олтмиш қопнинг барини ташиб бўлишмагунча дам олишмади. Оғиз очиб бир-бирларига сўз ҳам қотишмади.

Раҳмон вагоннинг ўзида қопларни уларга елкалатиб турди.

Олтмиш қоп вагондан машинага олиб ўтилди.

Абдумутал кафтларини бир-бирига уриб қоқаркан:

— Бўлди! — деб хитоб қилди. — Иш тамом!

Раҳмон унга еб қўйгудек ўқрайиб қаради. Бироқ, ўзи шу чоққача осон иш бажариб тургани учунми, индамади.

Муртазо вагон бурчагига ўтириб, ёқа тугмаларини бўшатди, ўзини елпий бошлади.

Раҳмон овқатлангани кетган шофёр қайтгунча ўзининг йигирма қопини ҳам ортиб олай, деган ўйда Муртазога қичқирди:

— Ҳей, бу ёққа ке!

Муртазо Абдумуталга қаради. Абдумутал ўзи билан ўзи машғул, унинг қарашини пайқамади. Муртазо ўрнидан турди, лекин бояги келишувни эслаб тўхтади.

— Ҳа? — савол аломати билан унга қараган Раҳмон ишшайди. — Яна йигирма марта бориб келсанг бўлди, ишимиз тугайди, кетаверамиз, сенга жин ҳам урмайди.

Унинг ишшайиши ва сўнгги гапи Муртазонинг тўнини тескари кийишига сабаб бўлди.

Яна қўшни аёл, яна Тўнка ҳақидаги ҳикоялар, яна Доти мирохўр...

Кўз ўнгидан барчаси бирма-бир ўтди.

Доти мирохўрнинг, одамнинг энг катта душмани унинг ички қўрқуви, деган сўзларини эслади.

— Болани қийнама, — деган овоз эшитилди.

Муртазо ҳам, Раҳмон ҳам бирдек ўгирилишди.

Бу Абдумутал эди.

— Қийналмайди, — деди Раҳмон Абдумуталнинг ўз ишига аралашаётганидан норози бўлиб. — Керак бўлса юз қоп ҳам ташиттираман.

Шу гап, шу оҳанг Муртазони адойи тамом қилди. У, юрагидаги тугуннинг беихтиёр тарзда, устига-устак жуда қалтис тарзда ечилиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Керак бўлса, ўзинг таши, — деди қўрслик билан.

Шу лаҳзада қайдадир ер остида илондек тўлғониб ўзига йўл тополмаётган вулқон пўртана каби отилиб ер юзига чиқди ва осмон қадар бўйлаб атроф-жавонибдаги нарсаларнинг кулини кўкка совурди, кунфаякун қилди, кўкка орзудай юксалиб бораётган дарахтга бемаҳал яшин тушиб, у бус-бутунича қўпорилиб кетди, дарёлар ўзанларига сигмай тошди, само ва заминнинг азалий мувозанатига путур етди, сабийликнинг масъум олами устуворлашмай бир сониядаёқ зулматга қоришган йироқ айёмнинг кир хотирасига айланди, бу туғён табиат ва бани башариятнинг бир узвидан нималарни юлиб олди, унга нималарни берди — ёлғиз қисмат ўйинларини тўр каби тўқиб, синовларидан ўтказгувчигина била олди, холос.

Раҳмон аввал анграйганича қотиб қолди.

Сўнг қизариб-кўкарди, пахтадек оқариб кетди.

— Нима? Нима дединг?! — дея ўкирганича Муртазога ташланиб қолди.

Абдумутал сапчиб Раҳмоннинг йўлини тўсмоқчи бўлганди, аммо улгуролмади.

Гурзидек мушт Муртазонинг қаншарига тегиб, уни эшик томон коптокдек улоқтирди. Раҳмон бир ҳатлашда ҳали ўзини ўнглаб олмаган Муртазонинг устига бостириб бориб, уни тепкилай кетди. Муртазо қорнида қаттиқ оғриқ ҳис этиб, букчайиб қолди. Бу чоқда Абдумутал Раҳмоннинг ортидан келиб маҳкам қучоқлаб олди.

Шундаям, у юлқиниб Абдумуталнинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлар ва оғзидан тупук сочганча:

— Ҳали тилинг чиқиб қолдими? Ўлдираман! — дея ваҳшиёна бўкирарди.

Муртазонинг юзи моматалоқ бўлиб кетган, шишиб-қонаган, усти боши йиртилган, афтода-абгор эди.

У, усти бошигаям, башарасининг қандай бўлиб кетганигаям эътибор бермади.

Ҳозир у умри бино бўлиб туймаган бир фароғатни туярди: бу ҳис яра-чақасига малҳам бўлиб, оғриқнинг азобини енгиллатаётгандек эди.

У, яна ўзининг ичидаги қўрқувни енганини, бундан бу ёғига қандайдир бошқача олам юз кўрсатишини англаб-фаҳмлаб қолганди.

Энди бундан бу ёғига у ўзининг ҳақини ажратиб олишга қурби етарли эканлигини пайқаб турар, барча бегона нарсалар ҳам энди уники бўлишига имони комил эди.

Доти мирохўр айтмоқчи, энг катта душманни енгди.

Йўқ, бу душман Раҳмон эмас эди.

Уни ўзининг қўрқуви эди.

Қўрқув йўқолди — энди барчаси уники, тамом!

Муртазо кета бошлади.

Ичи қувончга тўла эди.

— Тўхта, Муртазо, — деб чақирди унинг ортидан Абдумутал.

Муртазо қайрилиб қарамади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

1

Убайдилла чавандознинг тўпиғидан пасти бот-бот зирқираб огрийдиган бўлиб қолди. Умри бино бўлиб дард кўрмаган одамга бу бало қачон, қаерда, қандай ёпишди — унинг ўзиям билмайди. Кўчага чиқса, бозорга борса, учратадиган таниш-билиши билан ҳасратлашадиган нарсаси битта — оёқ оғриғи. Ҳар ким ҳар хил маслаҳат беради. Бирови курортга боринг деса, бошқаси, балчиққа тушинг, тузалмасангиз мен кафил, дейди ўзиям бир умр балчиқнинг ичида ётгандай, балчиқ зўр, оёқнинг ажали ўша. Одамларга ҳайрон қолмай илож йўқ, сал-пал дард орттиргудай бўлсанг, обдан сўраб-суришштиришади, ўзининг қайси дард билан оғриганлигию кимларга қаратиб, қайси дориларни қаерлардан топиб келиб ичганлигигача қолдирмай айтишади, шу билан ҳам мақтанмоқчи бўлишади, шекилли. Айниқса, уни кўрганда узрхоҳлик қиладиганлар Убайдилла чавандознинг меъдасига тегарди. Бай-бай, дея бош чайқашади улар, узр, узр-а, эшитиб боролмадик, тирикчилик қурсин, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳам кўтартириб юборди, насиб этса бу гал борармиз, энди шунақада, ёш ўтавергач, ҳамма дардниям бир-бир кўраверасиз, булар ҳали нима бўпти, булар ҳали ҳолваси. Шунақа пайтларда Убайдилла чавандознинг кўзига дунё тору танг кўриниб кетади, ножўя бирон гап айтиб юбормай деб ўзини зўр-базўр босиб туради, шунга айтсалар керак-да, узри гуноҳидан ёмон, деб.

Убайдилла чавандоз баъзи-баъзида зимдан остонага термилади, бошқа бировнинг келишини кутади. Шу бир-икки ётишдаям кўз тутгани келмади.

"Наҳотки эшитмаган бўлса? — дея ўйлади чавандоз. — Йўғ-э, Бошқайнардан ҳам бир-икки жўралар келишди-ку..."

Кимдир:

— Ўтган ҳафта бозорда укангизни кўргандим. Акангизнинг ётиб қолганларини эшитдим, энди бормоқчиман, деб айтдим, — дедию чавандознинг ҳалиги омонат тасаллисиям барҳам топди.

Маълум бўлдики, у атай келмабди. Вайдулла араз қилибди. Улар ота бир, она бўлак оға-ини. Вайдулла Мавлудани ўғлига унаштирмоқчи бўлиб бир-икки оғиз солганида Убайдилла чавандоз рўйхушлик бермаганди. Убайдилла чавандознинг хаёлидан "ўгай ўгай экан-да", деган ўй кечди. Вайдуллани чақириб, "аҳмоқ, бу нима қилганинг, ака-уканинг болалариям ака-сингил-да, шуни ўйламайсанми?" деб танбеҳ бериб қўймоқчи ҳам бўлди. Шаштидан қайтди. Яккаш ёлғизлигига куюнди. Тўғри, аёли, ўғил-қизлари, ёру дўстлари бор — бироқ, ака-уканинг, ота-онанинг ўрни бўлакча экан.

Чавандозни ҳоритган шу хаёллар бўлди.

"Полвонлик, чавандозлик ғалати касб экан, — дея ўйлай бошлади энди у. — Андиша қилиб ўтириш йўқ, юракни мундай ториқтириб ўйлаб-нетиб ўтирмайди одам. Бирор нарсани ўйлай бошласаям дарров чалғиб кетади, унга бошини чангаллаб ўтиришдан, ай, дея ҳайқирганча рақибини кўтариб ерга уриш осон, ҳаё ҳув, дея тўдага ёриб кириш осон. Каллангга бирор фикр келдими — тамом, бу нарса полвонниям, чавандозниям бирдек чалғитади, ёмон панд беради, энди минг кучинг бўлсин, ҳайф кетади..."

Чавандоз қўл-оёқни ҳаракатга келтирмай, яккаш фикрлашнинг ўзини кексалик нишонаси деб биларди. Албатта, у фикрловчи одамлар борлигидан хабардор эди-ю, уларнинг турли тоифалари мавжудлигини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди. Мабодо, борди-ю, фикрини сотиб кун кўришга маҳкум одамлар тоифаси ҳам борлигини билганида эса, албатта, ажабланган бўларди.

У, умрининг бу ёғи энди ортга кетиш, тикланмаслик эканлигини тенгқурлари қатори тан олгиси келмасди.

Кўпкарилардаги торт-тортларда бармоқлари бир неча марта бўғимидан чиқиб, дўмбирадек шишиб кетган, уларни Кумуш биби яна ўрнига солиб қўяверганди. Кумуш бибининг муолажасидан сўнг, албатта бирор асорат қолади, огримасаям шаклу шамойили бузилади: шу боис, Убайдилла чавандознинг бармоқлари нақ чангакнинг ўзгинаси бўлиб қолганди.

У, Муртазонинг олдида ҳар-ҳар замонда оёғидан нолиб қўяди. Куёвига шу тариқа ҳасрат қилади. У, қизининг бахт-саодатини ўйлаганда куёвининг чўрткесар, зарбли бўлишини истайди.

Муртазонинг Мавлуда билан тўйлари бўлиб ўтганидан сўнг қурилишга бормай қўйди. Иш-пиши бошидан қолсин, деди. Наздида, бу хафа бўлишга арзигулик ҳол эмасди. Бироқ, шундан буён сару калавасини йўқотганча, бетин-бетиним хаёл сурар, нималарни ўйлаётгани ёлғиз ўзигаю худога аён эди. Баъзан кечалари ўрнидан туриб кетар, бешик устига энгашганча мудраётган Мавлудага тикилиб қолар: аёлию ўғлининг борлиги ҳам қувонтириш ўрнига аксинча унинг юрагини сиқарди.

У, ора-чора лўмбозгина бўлиб қолган ўғлини мўйловлари сабза урган йигит ҳолида тасаввур этарди: ўшанда нима бўлади? Азал-абад одамзод амал қилиб келган таомил бўйича бировларни хўрлайдими ёинки хўрланадими? Худди Муртазога ўхшаб, Раҳмон айтмоқчи, ландовур бўладими? Қорнию эгнининг ғамини ўйлаб, ўйлагани билан чорасини тополмай сарсон-саргардон юрадими?

У даврларга бориб балки одамлар оққўнгил бўлиб кетишар — ўғлини кўнгилчан қилиб тарбиялайвергани маъқулдир? Балки, шу кетишда кетаверса, у чоғда Раҳмонга ўхшаганлар баттар кўпайишар, ундан ҳам баттарроқ бўлишар, одамларнинг куни фақат бир-бирини

алдаш, бир-бирига чоҳ қазиш билан ўтар — ўшаларнинг орасига Муртазонинг кўнгилчан ўғилчаси осмондан тушгандай лоп этиб тушиб қолса қалай бўларкин? Уларга худо бериб қолмасмикин? Ёки ҳам оққўнгилликдан, ҳам муттаҳамликдан оз-оздан сабоқ бериб, бир тасқара қилиб тарбиялаш жоиздир? Ким билсин, у вақтларга бориб ҳаммаёқни тасқаралар босиб кетар, уларнинг орасида дориломон, хандон-хушон яшайверадида...

Муртазонинг бу ўйларининг чек-чегараси бўлмасди.

Хайрият, Убайдилла чавандоз ётиб қолмасдан у қайнотасининг қабатида юриб эди — тоғу тошлардан, гиёҳмайсаларнинг чайқалишидан, беҳад кенг осмондан кўнгли ёзиларди.

Муртазо майсалар устида чалқанча чўзилиб ётганча кун бўйи осмонга тикилиб вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоларди.

Убайдилла чавандоз тойчоқлигидан бадани қизғиш тусда товланувчи чиройли дўнанни Муртазога минди қилиб берди.

Бу отни у Гулбодом деб атади.

— От йигитнинг қаноти, — деди у.

Қудасининг ўз-ўзидан Муртазога от ҳадя қилиши Ўрозмат акага унча хуш келмади. Бир йилдан бери боғлаб боқаётган новвосни сотиб, пулини ўғлининг қўлига тутқазди:

— Ма, муни қайнотангга бериб ке, отнинг пули дегин, — деди. — Миннати бўлмасин.

Муртазо отасининг айтганидай қилганди, чавандознинг фиғони фалакка ўрлади:

— Мен сени ўз болам деб юрсам, бу нима қилиқ? Гулбодомни сотадиган бўлганимда минг тиллогаям бермасдим, — дея аччиқланиб қолди.

Муртазо бу гапларни оқизмай-томизмай отасига етказганида Ўрозмат акаям ҳеч нарса демади, қовоғини солганча нималарнидир ўйлаб кетди.

Муртазо ҳовли ўртасига йўғонроқ ёғочдан отқозиқ ўрнатди.

Ёз тунларида улар пешайвон остидаги ер супада ётишарди. Сомон йўлига, гуж-ғуж порлаган юлдузларга, ойга термилиб ётиш Муртазога болалигидан қолган одат.

Энди уларнинг сафига Гулбодом ҳам қўшилди: у тунги қўриқчидай ҳовли ўртасида қаққайиб турар, ҳар замон-ҳар замонда олдинги оёғи билан ерни "тап-тўп" тепиб қўярди.

Бир дафъа ярим кечада унинг тап-тўпидан Муртазо илкис уйғониб кетди. Унинг нигоҳи дастлаб қаршисидаги пастак томнинг шундоққина бурчагида турган ёпёруғ, баркашдай ойга тушди — беихтиёр юраги ортга тортиб кетди. Ой унинг олдига тушиб келиб уйқуда эканлигидан фойдаланиб аллақаерларга олиб кетишни жазм қилгану улгуролмай қолган, уйғонар маҳалида том лабига чиқиб олгандай туюлди.

У кўзларини шоша-пиша уқалаб яна қаради: ой том лабидан ҳам юксакроққа кўтарилибди, кичрайибди. Гулбодом депсиниб, пишқириб қўйди.

Муртазо ён-верига қараб, ухлаб ётишган хотини, ўғлини кўриб юрагидаги ваҳмни нари ҳайдамоқчи бўлди. Шундаям, негадир ҳадиксираб осмонга тикилди. Бу гал ойни у одатдаги жойида, кўк тоқида кўрди. Лекин, ой одатдаги ҳолатида эмас, унинг атрофини юлдузлар қуршаб олишган эди. Муртазо қўрғонланган ойни энди кўриши эди. Шу боис, узоқ вақт унга термилиб ётди. Унинг хаёли чалғиб, ўзига тегишли бошқа нарсаларни ўйлаб кетганини сезмай ҳам қолди — уйқуси батамом ўчди.

2

Убайдилла чавандоз хаёлига туйқус келган фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди. У, энди қаридим, тоғбегиликка Муртазони қўйсак яхши бўларди, менинг куёвим эканлигидан ташқари раҳмдил йигит, ичи ачийди, деб ўйлай

бошлади. Аслида, Муртазонинг нигоҳи сўнгги пайтларда анча дағаллашиб, қаттиқлашиб қолганди. Бироқ, ундаги бу ўзгаришни на Ўрозмат ака, на Саноқул, на қайнотаси пайқади.

Ҳамма гап фикрда экан.

Фикр ўзгардими, одам боласининг мутлақо тескари томонга ўзгариб кетиши ҳам ҳеч гап эмас экан.

Муртазо шу кунларда ичидагини билдирмай, дамдуз бўлиб юрар, шу сабабли бир қараган одамга у ўша-ўша Муртазо бўлиб кўринаверарди.

Аслида бўлса, у ўзгараётган эди. Ундаги ўзгаришларни наинки ҳар кунда, балки ҳар соат, ҳар дақиқада биргина киши пайқаб турарди.

Бу — Мавлуда эди.

У эридаги бу ўзгаришлар билан келишолмас, чиқишолмас ва шу билан бирга унга қарши бирон-бир амалий чора кўришдан ҳам ожиз эди — шу боис, аламини вақти-вақти билан пана-панада ўтириб кўз ёши тўкишдан оларди. Қизлигида хаёлини банд этган йигит шу эканлигига ишонгиси келмасди, уни яна ўша ҳолатда, ўша феъл-атворда, ўша ҳалимликда кўришни, гапираётганда юзлари лов-лов ёниб кетишини орзу қиларди.

Ҳолбуки, унга илгариги Муртазодан энди ном-нишон қолмагандай кўринарди.

Муртазо энди сўзлаётганда ҳам илгаригидек қандайдир андишаларга борганча ямлаб-чайнаб ўтирмасди, кескин сўзлаб, чўрт кесиб қўяқоларди.

У энди бўлар-бўлмасга айтгани айтган, дегани деган бўлишини хоҳлаётгандек кўринарди.

Қайнотасининг олдига, ёввойи табиат қўйнига чиққанида у ўзини эмин-эркин ҳис эта бошларди.

У, баъзан битта-яримта сайғоқ овлаш илинжида кўнгли тоғни тусаб чиққанлар билан сўкишиб-жанжаллашиб қолишгача борарди.

Бунақа пайтларда Убайдилла чавандоз куёвим энди-энди эр йигитга ўхшаяпти, унинг юрагида яхши нар-

салар тугиляпти, деб қувончини ичига сиғдиролмай қоларди.

Чавандоз ундаги бу ўзгаришни жониворларга куюнчакликка йўйиб беҳад терисига сиғмай кетарди.

Муртазо эса оёги синибми, биқини эзилибми, ичдан касалланибми, ишқилиб, бирор-бир иллат орттириб ортда қолаётган, отиб олишга арзигулик баҳонаи сабаби бўлган сайғоқларни тинчитишга ўзимнинг ҳам қурбим етади, булар мунча уймалашишмаса, дея тишларини гижир қиларди.

Убайдилла чавандоз Муртазо эгар қошига хуноло ўнгарган сайғоқларни кўрганда негадир унга таскин-тасалли беришдан асти ўзини тиёлмасди.

— Яхши қипсиз, ўғлим, — дерди у Муртазонинг виждони қийналгандан қийналяпти-ю, шу гапни айтиб қўйишни ўзи учун фарздай билиб. — Зўр-базўр юряпти экан, денг, унақада яхши қипсиз...

Муртазо аввалига қайнотам мени койиб, уришиб-сўксаям керак, майли, нима деса деяверсин, без бўлиб тураверайман, деб ўйларди. Бора-бора, аслида шундай бўлиши керакдай тасаллиларга кўникиб кетди. Агар бошқа биров шундай қилганида-ку, қаттиққўл тоғбеги аяб ўтирмасди-я! Тўппа-тўғри кимсан, ўрмон хўжалиги бошлиғининг олдига судраб бориб, таъзирини бериб қўярди. Шунга айтадилар-да, хом сут эмган банда, деб. Буни кўпчилик пайқаса-да, Убайдилла чавандоз билмай қадам босмайди деб, ҳамма унга ишонганидан эътибор бериб ўтиришмади. Шу кунларда қоратегинлик аёли билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганидан анча вақтдан буён уйдан чиқмай ётган Зокир булбул борлигини билдириб қўймоқчи бўлгандай Бўздаланинг бўз қирида атрофига ўртақайнарликларни йиғиб олиб, яна ўз айтимларини айта бошлади. Зокир булбул одамларни қизиқтириш учун дўмбирасини созлаётиб аввал нималар ҳақида гапиришининг ҳам учини чиқариб қўярди, бу гал айтдики, мен сизларга учта нарса айтиб бераман, буни учта қўшиқ экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, буни

учта достон экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, буни учта ривоят экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, деди. Атрофига йиғилганларнинг айтар сўзига муносабатини билиб, синамоқчи бўлгандай, Зокир булбул бўлар гапни айтди десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, Зокир булбул ҳеч вақони айтмади десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, деди. Кейин сабий норасидалигида, ҳали оқ-қорани танимаган кезларида танча атрофида ўтиришганда бобоси айтган бир ривоятни эслаб қолди, мана шу айтадиганимни мен эмас боболаримнинг боболари тўқишган деди, боболаримнинг боболари кўриб-билиб тўқишганларини айтиб бериб, кейин ўзимникига ўтсам уларнинг руҳлари шод бўлади деди, бу дунё деганлари Сулаймон узугининг кўзида айланадиган бебақо нарса деганларини эшитганмисизлар, агар эшитган бўлсаларингиз менинг ҳозир сизларга айтадиганим ана шу Сулаймон ҳақида бўлади, деди. Уни эшитмоқчи бўлиб йиғилганлар соғиниб қолишган эканми, ҳеч қайсиси сўз қўшмай бош ирғаб тураверишди, шунда Зокир булбул Бўздалашнинг бўз қирида йиғилган бу одамларни маҳтал қилиш инсофдан эмаслигини пайқади.

"Шундай қилиб десангизлар, худо одамни яратар чоғи ерга барча фаришталарини юборди, ер тупроқ бермади. Кейин Азроилни юборди, ер тупроқ бермади, Азроил мен Яратганнинг буйруғини бажармасдан кетмайман деб туриб олди, ер унга қайтариб бериш шарти билан одамнинг вужуд лойини қориш учун тупроқ берди, шу-шу одамнинг жонини Азроил олиб унинг вужудини ерга ўзи топширадиган бўлди. Ана шу замонлардан буён доною нодонлар ҳам ер устидан ер остида кўп бўлди, ана шу замонлардан буён зўру нозўрлар ҳам ер устидан ер остида кўп бўлди, ана шу замонлардан буён пайғамбарлар ҳам ер устидан ер остида кўп бўлди — бу барчага ибрат бўлсин дейилди, ҳеч ким ибрат олмади. Бир куни малак ул-мавт — Азроил одам суратида Довуд саройига келди, Довуднинг устига кирди. Нега

келдинг, деб сўради Довуд уни таниб. Сенинг жонингни олгали келдим, деди Азроил. Довуд қўлига бош қўйиб ётди, Азроил унинг жонини олди, унинг мулку мамлакати ўғли Сулаймонга қолди.

Довуд ўғли Сулаймон Тенгримизнинг совчиси,
Ел улоғлиғ шоҳ эдию ҳам учар қуш элчиси.
Одамий, учқан, югурган, дев, пари ҳам ел, булут,
Оғулуғ бўлсун озиғлиғ барча анинг ишчиси.
Қузи[1] тўрт юз қангли[2] эрди кунда қушлуғ ошиға,
Борғусида кур арслон, бўри, қоплон қўйчиси.
Тупучоқ отнинг уруғи қолди андин дунёда,
Тилда ҳужжат, танда хидмат, қўлда мулкат қамчиси.
Ўзи "ниъмал абду" атанди ҳам ялавоч[3] ҳам малик,
Йўлдин озғанларга эрди ўзи ужмоҳ[4] йўлчиси.

Сулаймон отаси Довуддан подшоҳликни мерос олди. Довуд Яратганнинг пайғамбари бўлиб, ажалидан бурун, изиё, менинг ҳақимда кўп лутфу карам қилдинг, ўғлим Сулаймондан ҳам марҳаматингни аяма, деб дуо қилди. Ота дуоси ижобат бўлиб, Яратган унга битмас-туганмас мулку моликона ато этди: "аввал мулк ул эрдиким, Сулаймоннинг подшоҳлиги ичинда яхши, ёмондан хабар берган учар қушлар эди". Сулаймон, менга шундай мулк бергинки, мендан ўзга кимсага бундай мулкни лозим кўрмагайсан, барча нарсани багишлаган сенсан, деб Яратганга илтижо қилди. Унинг илтижоси ижобат бўлиб ёруғ дунёга эгалик қилиш фақат Сулаймонгагина буюрилди. Учар қушларга қўшиб югурик кийикларга эгалик қилиш ҳам унга буюрилди. Шамолни, сувни унга берди, еру кўк орасида неки мавжуд эса, ҳаммасини унга берди, уларнинг бари Сулаймоннинг қошида муте бўлиб, лаббайка, деб хизматга

---

[1] *Қузи* — паст, қуйи.
[2] *Қангли* — арава.
[3] *Ялавоч* — худонинг элчиси, пайғамбар.
[4] *Ужмоҳ* — жаннат.

шай туришди. Сулаймоннинг йўли тоғ оша тушгудек бўлса, тоғу тошлар бағрида яшириниган олтин, кумуш, забаржад, феруза тошлар, биз бу ердамиз, керак бўлса олгил, деб тилга кирар эдилар. Сулаймоннинг йўли уммон оша тушса, уммондаги барча нарсалар унга бағрини очар эдилар. Сулаймон тоғда девларга буюриб конлар очар эди. Сулаймон одамлару париларга буюриб кўркам-кўркам бинолар, кўприклар қурдирар эди. Ўн икки минг йиғоч[1] ерни майдон қилдирди. Тўрт юз йиғоч ерда қизил олтиндан бир тахт ясаттирди. Бу тахтида тўрт юз олим ўтирар эди. Сулаймон қачон келиб амр қилгудек бўлса, бир томонида одамзод наслидан тўрт минг, иккинчи томонида тўрт минг девлардан қўриқчи бўлиб турар эди, тўрт минг фаришталар унинг устида қанот қоқиб кўланка ташлаб турардилар. Сулаймон шом намозигача амру фармонини қилиб сўнгра уйига борар эди. Эртаси куни халққа таом берар эди. Қушлуқ оши — орталабки нонуштага тўрт юз арава ё етти юз арава ун харж бўлар эди. Рухо шамоли унинг ҳукмида эди, тахтини истаган жойига элтар эди. Сулаймон чексиз мулку моликонага эга бўлгач, бир куни Яратганга илтижо қилди.

"Изиё, барча халойиқни, нафас олган жонзоту жониворларни бир кун меҳмон қилишга ижозат бер".

"Менинг яратганларимни мендан ўзга ким меҳмон қила оларди?"

"Менга чексиз неъмат бердинг, рухсат берсанг уларни мен бир кун ризқлантирай".

"Барча учган ва югурганларни бир кун Сулаймон меҳмон қилишига рухсат бердик".

Улуғ уммон бўйида канорасиз кенг майдон бор эди. Шу майдонда мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибга қадар Сулаймоннинг буйруғи билан тоғ-тоғ егуликлар жамладилар, Сулаймоннинг тахтини уммон

[1] *Йиғоч (яғоч)* — тахминан олти километр келадиган масофа бирлиги.

қирғоғига қўйдилар. Бир маҳал уммондан бир наҳанг балиқ бош кўтарди.

"Бизга ёрлиқ бўлди, — деди наҳанг балиқ. — Бугун қорнимни сен тўйгазар экансан, халойиқ йиғилгунча менинг сабрим чидамайди, менга егулик бер".

"Эй наҳанг балиқ, мана бу тоғ-тоғ егуликларни сизлар учун йигиб турибман, истаганча еявер".

Наҳанг балиқ оғиз очиб Сулаймоннинг барча егуликларини бир ошам қилиб ютди.

"Эй Сулаймон, яна борми?"

"Бу егуликларни барча яратилмишлар учун йиғиб қўйган эдим, сен эса бир ошам қилиб ютдинг."

"Яратган менга ҳар куни қирқ ошам егулик берар эди. Барча йиққан егуликларинг мен учун унинг бир ошам берганичалик бўлмади. Энди бугун оч қоладиган бўлдим, қўлингдан келмас экан нега мени тўйдираман деб ваъда бердинг?"

Сулаймон беҳуш бўлиб, ўзига келди: "Худоё, товба қилдим, ризқ бергувчи сенсан, биз чиғой[1]миз".

Бўздаланинг бўз қирида тўпланганлар Зокир булбулнинг оғзидан бу қадим ривоятни эшитиб ҳайрон қолишди. Шуни дўмбира куйига солиш шартмиди, деб ўйлашди, дўмбира куйи оҳангларида улар қандайдир бошқача нарсалар эшитишга кўникишгандай эди. Қанақа нарсалар десангиз, душманни санчиб-янчиб, ўз маҳлиқоси-дилоромини қўйнига солиб, муроду мақсадига етадиган баҳодирларни пеш қилишарди, бир нарса айтингки, одамнинг ҳаваси келсин-да, дейишарди, ўзларида йўқ нарсаларни унинг айтганларидан топиб олиб оғир-оғир хўрсинишарди, қанақа одамлар бўлишган-а аждодларимиз деб ўзларининг, ким билсин, аллақайларда чувалган томирларини ўшаларга элтиб тақашни хуш кўришарди. Зокир булбул дўмбирасини тинғирлатаверса, улар ана шунақа нарсалардан эшитиш иштиёқида ёнишарди, нима бу, бошидан сал-

[1] *Чиғой* — йўқсил, қашшоқ.

лаю қўлидан тасбеҳ тушмайдиган жайдари бир мулла ҳам айтиб бериши мумкин бўлган ривоятни Зокир булбул мен сизларга учта нарса айтаман деб ваъда бериб бошлагани? Биринчиси бунақа бўладиган бўлса, иккинчиси қанақа бўларкин? Ёки ҳар хил илоҳий нақлларга муккасидан кетган қоратегинлик аёл Зокир булбулни йўлдан қайтариб, минг-минг йиллик халқ айтимларини айтиш ўрнига шунақа нарсаларни айтишга даъват қиляптимикан?

— Энди янаги сафар Бўздаланинг бўз қирида сизларга Она Бўри ҳақида гапириб беришни дилимга тукканман, қани ўша кун келаверсин-чи, — деди Зокир булбул уйига кетишга тараддудланаётиб.

— Эндигисини ўзингиз тўқигандирсиз? — дея ўсмоқчилади кимдир.

— Мен ҳали ҳеч нарса тўқимадим, — деди Зокир булбул афсусланаётгандек. — Она Бўри ҳақида ҳам боболаримнинг боболари айтиб кетишган...

— Учала айтиб бермоқчи бўлганларингиз ҳам шунақами?

— Насиб этса, учинчисини ўзим тўқисам, — деди Зокир булбул нималарнидир орзулаётгандек. — Менинг тўқиганларим ҳам Бўздаланинг бўз қирида шамолларга олашиб узоқ-узоқларга кетса, тилдан-тилга кўчса, биздан кейин келадиганлар ҳам айтиб юришса, шояд, бу ҳам ривоятга айлангай...

— Ҳозир айтиб берсангиз бўлмайдими? — Бўздаланинг бўз қирида ғир-ғир эсган шабададан ҳузурланиб, бу ерни тарк этишни истамай турганлар Зокир булбулдан илтимос қилаётгандай сўрашди.

Зокир булбул қоратегинлик аёлининг олдидан чиқмай қўйгани боис ҳозир ҳориганини пеш қилишга ийманди.

— Ҳозирча шу айтганларимни ҳазм қилиб туринглар, — дея бошқа баҳона топди. — Мен сизларга биргина Сулаймон ҳақида гапирдим-у, аммо биргина Сулаймон ҳақида гапирмадим, мен сизларга биргина ман-

манлик ҳақида гапирдим-у, аммо биргина манманлик ҳақида гапирмадим, мен сизларга биргина бойлик ҳақида гапирдим-у, аммо биргина бойлик ҳақида гапирмадим, мен сизларга... — Зокир булбулнинг туйқусдан томоғи қуруқшаб, йўтал тутиб қолди, йўтала-йўтала ўзига келиб олгач калаванинг учини йўқотиб қўйгандай, — кўрдиларингми, ҳозир шунисиям оғирлик қилганга ўхшайди, — деди.

Бўздаланинг бўз қирида Сулаймонни дунёнинг у четидан-бу четидаги доимий эврилишдаги манзилгоҳларга бир сонияда тожу тахти билан элтиб қўядиган Рухо шамоли каби ҳузурбахш юмшоқ шабада ғир-ғир эсарди. Бу шабада Зокир булбулнинг айтганларини ҳам шу қадар тез олиб кетдики, у ҳали ўрнидан турмасиданоқ Ўрозмат ака билан ўрмон хўжалигига боришга тараддуд кўриб эшакка минаётган Убайдилла чавандоз:

— Эшитдингизми? — деб сўради.

Ўрозмат ака нимадандир қойил қолгандек бошини сарак-сарак қилганича қимирлатаркан:

— Эшитдим чавандоз, эшитдим, — деди. — Эшитганда қандоқ, аммо бир нарсага бошим қотиб турипти.

— Нимага бошингизни қотиряпсиз қуда?

— Зокир булбул ҳеч қачон ҳеч нарсани ваъда бермасди, — деди Ўрозмат ака бу жумбоқнинг тагига етиш мумкин эмаслигидан афсуслангандек. — Аммо бугун Бўздаланинг бўз қирида учта нарса айтиб бераман дегани-ю, биттаси билан чеклангани мени ҳайрон қолдиряпти...

— Ҳайрон бўлаверманг, — деди Убайдилла чавандоз. — Шундай деган бўлса ҳадемай қолган иккитасиниям айтиб беради...

Убайдилла чавандоз эшакка минди, Ўрозмат ака яёв эргашди — иккаласи ўрмон хўжалиги идораси томон йўл олишди. Йўл-йўлакай кетаётиб, Ҳусния кампирнинг қазо қилганини эшитишди. Тўқсондан ошган кампир оёқдан қолмай, бировга оғирлиги тушмай рихлат этиптими, шунинг ўзи ҳам катта гап.

— Яхши кампир эди, — деди Убайдилла чавандоз.

— Яхши кампир эди, — қўшилди Ўрозмат ака, — чойни жуда хуш кўрарди.

— Қаранг-а, бир ҳафта бурун Чимкентда, қизиникида бўлиб келган экан раҳматли, — деди Убайдилла чавандоз.

— Хайрият, яна қолиб кетмаган экан, э-ҳе, олиб келишнинг ўзи қанча ташвиш бўб кетарди.

— Ҳа-а, анча ташвиш бўларди. Яна ким билади дейсиз, у ёқда бўлганида жон бермасмиди.

— Тўғри, дуч келган ерда жон бериб кетаверадиган анойи кампирлардан эмасди у.

— Қизига хабар беришдимикан?

— Беришгандир.

— Ўзи уч кун аввал кетаман-кетаманга тушиб қолган экан-да у ерда. Ўғлига телефон қилдирибди, мени опкетишсин, дебди.

— Кўнгли сезган.

— Ким билади дейсиз?

Улар сўзлай-сўзлай жанозахонага етиб келишди.

Убайдилла чавандоз эшагининг нўхтасини чопони устидан белбоғ боглаб, дўппи кийиб олган, таёқ ушлаган бир болакайнинг қўлига тутқазди. Кейин Ўрозмат ака билан эшик оғзига бориб туришди.

Ичкарида хотин-халажлар чуввос солиб, айтиб-айтиб йиғлашаётган эди. Улар пича ўтириб, марҳумнинг ортага пешинда чиқарилишини билишди ва кейин юзларига фотиҳа тортиб ўринларидан туришди, жанозахонани тарк этиб, яна йўлга тушишди. Анча вақт, қулоқларига то йиғи-сиғи товуши эшитилмагунча жим кетишди. Сўнгра бошқа гапларни гапириб боришди.

Ўрмон хўжалиги биносини чоққина олхўризор боғ деса бўлади.

Шукур тоға бу ерга қоровуллик қилаётганига йигирма йилдан ошаётган бўлса-да, олхўри ниҳоллари нетилир ҳали жуда ёш эди. Убайдилла чавандоз бунга ҳеч аҳамият бермаган экан, синчков Ўрозмат ака шуниям

эътибордан қочирмади. Қўлида кетмон, кайфи чоғ, мўйлови йилтираган, димоғида аллақандай куйни хиргойи қилиб юрган Шукур тоға билан салом-алик қилишгандан сўнг, Ўрозмат ака бунинг боисини сўраб-суриштирган эди, қоровулнинг мўйлови тўсатдан бир чимдим хашакдай пастга шалпайиб тушди, кўзлари бир нуқтага қадалди, хулласки, дову дунёси қоронғилашиб, таъби тирриқланди.

Сўнгра синиқ товушда зўр-базўр:

— Хўжайин олхўрини яхши кўрадилар, — дедию жим бўлди.

Убайдилла чавандоз унинг бу жавобига ҳайрон қолди.

Ўрозмат ака эса нималарнидир ўйлаб кетди.

Унинг нималарни ўйлаганини ёлғиз худою ўзи билади, ҳар ҳолда, унчалик қизиқарли ўйлар бўлмаса керакки, чеҳрасида диққатпазлик акс этди.

У Шукур тоғага ачингансимон қараб:

— Хўжайинингиз олхўри эктирмасдан аввал бу ерда қанақа дарахтлар бор эди? — деб сўради.

— Аввал дарахт йўқ эди, — деди Шукур тоға.

— Ие, хўжайин бу ерга олхўри экдириб савоб иш қилган эканлар-ку? Ўзингиз ҳам... кўчат-пўчат дегандек...

— Эккандим, эккандим, — дея шоша-пиша Ўрозмат аканинг огзидаги гапини юлиб олди Шукур тоға. — Эндигина қоровулликка келган йилларимда бу ерда ўзимизга ўхшаган бир одам бошлиқ эди. Эшниёз ака, дердик у кишини. Ҳамма гапга кўнардилар, ҳамма гапни қулоқ бериб эшитардилар. Ҳатто, маслаҳат ҳам сўраб қўярдилар. Шу киши билан, шу Эшниёз ака билан маслаҳатлашиб сархил кўчатлар экдик. Олма дейсизми, олча дейсизми, нок дейсизми — бари ўсиб, мева бера бошлади. Кейин Эшниёз акани ишдан бўшатдилар. Хафа бўлиб, руҳлари тушиб хайр-маъзур қиляптилар қарасам. Эшниёз ака, дедим, кўнглингизни кенг тутинг, ортингиздан боғ қоляпти-ку, дедим. Ҳа-а, шундай-куя, дедилар у киши ҳам бошқа нима деярларини билмай.

Қўлидан ҳемири иш келмайдиган фақир қоровул кўнгил сўраб ўтирса нимаям дердилар? Уларнинг ўринларига ўртоқ Мирзоеф деган бир ошно келдилар.

— Ҳа,шунақа одам бошлиқ бўлганини ҳам биламиз, — деди Убайдилла чавандоз Шукур тоғанинг гапини тасдиқлаб.

— Ҳа, яшанг, билар экансиз, — давом этди Шукур тоға ўзининг сўзи тасдиғини топганидан қувонгандай бўлиб. — Боғча у кишига маъқул тушгандай эди. Ҳатто, тузук-тузук дея бош силкиб ҳам қўювдилар. Мен аҳмоқ жим кетавермайманми? Бу савобли ишларнинг барини Эшниёз аканинг маслаҳатлари билан қилдик-да, барака топсинлар, дебман, ўз қўллари билан экканлар, шу мевани хуш кўрардилар, дебман... Аввалига индамай юрдилару кейин-кейин Эшниёз акадан сўз бошландими, дегунча бўлмай ўртоқ Мирзоеф қизариб-бўзариб, ўз-ўзларидан тутақиб кетардилар. Шундай пайтларнинг бирида кўрсаткич бармоқларини боғ томон нуқиб гилосларни кесинг, дея амру фармойиш бердилар. Илож қанча, бошлиқнинг сўзини икки қилиб кўр-чи, айтганини қилдик. Ўз-ўзидан оловланиб кетишими ёинки бошқа жиҳатларими бошқаларга ҳам ёқмапти шекилли, ўртоқ Мирзоеф тезда бўшаб кетдилар... Кегин ўртоқ Иваноф келди.

— Яхши одам дейишарди-ку уни, — деди Ўрозмат ака ҳам бунақа гаплардан хабардор бўлиб юришини исботламоқчи бўлаётгандай.

— Яхши дедингиз қўйдингиз-а, — шундай дея Шукур тоға Ўрозмат акага ғалати қараш қилиб қўйди.— Аъло одам эдилар, ўртоқ Иваноф! Чиройли кийинатурғон, чиройли гапиратурғон, сўкинмайтурғон яхши одам эдилар. Тилларини тушунмасам-да, қарашларидан, имо-ишораларидан нима демоқчи эканликларини дарров англаб олардим. Яхши одамларнинг юзи ҳам, кўзи ҳам тил-да! У киши аввалига "якши-якши" деб юрдилар. Анча вақт ўтгач, менга ўз тилларида нималарнидир тушунтира бошладилар. Тура-тура гапларидан ағнидимки, бу

дову дарахтларни қўпориб ташлаб ўрнига бошқа нарса экиш керак экан. У киши қўл силкий-силкий, хуноб бўла-бўла эртасига мева солмайдиган бир кўчат опкелдилар. Муни бизда ўрус дарахт дейдилар. Биласизлар, ҳеч ким экмайди. Эккан кишини масхара қилишадики, сенга ҳайф ер, кучини беҳуда йўқотиб шуни эқдингми, деб. Ўртоқ Иванофга тушунтирмоқчи бўлдим. Ўртоқ Иваноф, сиз ўзингиз яхши одамсиз, бу дарахтингизнинг турқи қурсин, шуям дарахт бўлдими, демоқчи бўлдим. У кишининг афтлари аввал қизарди, сўнг оқарди, сўнг кўкарди, уришиб бердилар, буюраман, дедилар, эксанг эқдинг, экмасанг туёғингни шиқиллат, дедилар. Биласизларми-билмайсизларми, бошлиқларнинг жаҳли бурнининг учида туради. Туёқни шиқиллатсам ҳам бўлаверарди-ю, аммо қаёққа бораман? Болачақани нима қиламан?

— Ўрус дарахт эқдингизми кейин? — ишонқирамайроқ сўради Убайдилла чавандоз.

— Илож қанча? — қўлларини ёзиб, афтини бужмайтирди Шукур тоға.

— Қизи-иқ, — чўзиб хитоб қилди Убайдилла чавандоз.

— Қизиғи ўртоғ Иванофдан кейин чиқди, — хўрсинди Шукур тоға. — Хабарларингиз бор, ундан кейин ўртоқ Тангриқулиев деган оға келди. Негадир у киши нуқул сўкинардилар, жой қуригандек бу ерга, олис маконга ишга тайин қилишганидан норози бўлардилар. Кела солиб, қилган ишлари менга зуғум қилиш бўлди. Унинг дунёда энг ёмон кўргани ана шу ўрус дарахт экан. Нега мунча ёмон кўрадилар десам, дарахт соҳибларига ҳам унча хушлари йўқ экан. Икки кун ўтмай текислаттириб ташладилар. Чўли биёбонга айлансин, олисларда қолган юртимни эслатиб турсин, дедилар...

— Ё, товба?! — деганича Ўрозмат ака беихтиёр қўшқўллаб ёқасини тутамлади.

— Ё, товба?! — деганича Убайдилла чавандоз ҳам қудасининг қилиғини такрорлади.

— Дунё қизиқ экан-да, — хўрсинди Ўрозмат ака.

— Шундай экан-да, — деди нималарнидир ўй суриб Убайдилла чавандоз.

Бирпасдан сўнг иккиси ҳам бирданига:

— Каттакон шу ердами? — деб сўрашди.

— Хўжайин эртамитандан районга тушиб кетганлар, — деди Шукур тоға қироат билан. — Қани, сўрига ўтинглар, чой-пой қиламиз, келиб қоладилар.

Шукур тоға айтса-айтмаса икки қуда сўри томон юра бошлашган эди.

— Ҳа-ай чавандоз, оёққа нима қилди? — Шукур тоға ҳайратланганини катта-катта очилган кўзларида аён этди. — Мундай эмасдингиз-ку?!

— Бод чалди, — деди чавандоз одатдаги жавобини қайтариб.

Улар сербар йўлакдан ўтиб бориб, қуюқ соя ташлаб турган тол остидаги пастаккина тахта сўрига чиқиб ўтиришди.

Шукур тоға кетмонини ерга ётқизиб қўйиб, ичкаридан бир чойнак чой билан иккита пиёла кўтариб чиқди. У сўри қирғоғига омонатдай чўкиб чой қайтара бошлади.

— Қалай, аёлингиз қишлоқчиликка ўрганиб кетдиларми? — деб сўради Ўрозмат ака.

Шукур тоғанинг яқинда кимгадир уйланганини, уйланганда ҳам шаҳри азимдек бир жойга ўзи маҳрам излаб топиб келганини қишлоқда ҳамма бир-бирига гапириб юришганидан Ўрозмат аканинг хабари бор эди.

— Ўрганиш нимаси? — деди Шукур тоға ўзини бироз хафаҳолдек кўрсатиб. — Ўзи асли қишлоқлик-ку! Худованднинг чалкаш-чулкаш кўчалари кўп экан, бир вақтлар шаҳарга бориб қолишган-да. Боёқиш саришта-бадастур аёл, келган куниёқ оёғи олти, қўли етти бўлиб хизматга киришиб кетди. Ҳовли-жойни ёғ тушса ялагудек супуриб-сидирди...

— Дуруст, дуруст! — Убайдилла чавандознинг юзида аллақандай шўх ифода пайдо бўлди. — Сабрнинг туби сариқ олтин деб шунга айтадилар-да! Бу-у... — чаван-

доз чайнала-чайнала сўзининг давомини айтди. — Болаларнинг ғаш-паши келмаяптими, ишқилиб?

— А, йўқ! — деди Шукур тоға илжайиб. — Шу кенжатойимиз сал-пал қовоқ-тумшуғини осилтириб юрибди. Янгангиз уйлантирсак тафти босилиб қолар деяпти.

— Зора.

Шукур тоғаям беихтиёр бош силкиб қўйди. У мамнун кўринар эди. Янги уйланган аёли ҳақида сўз кетса дамодам лабларини йиғиштиролмай илжаяр, кўзлари чақнарди.

Шу чоқ халқ вакиллари ҳам бирин-кетин, ассалому алайкум, деганча кириб келаверишди. Уларнинг осмондан тушгандай бу ерда туйқусдан пайдо бўлишганига Ўрозмат ака ҳайрон қолди.

Убайдилла чавандоз ажабланмади. Улар билан бир-бир кўз уриштириб ўтираверди.

Келганлар шунчалик собит ва ишончли халқ вакиллари эдиларки, орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, ўша-ўша кўринишда эдилар. Уларнинг усти бошлариям ўзгармаган — ўша-ўша: соқол-мўйловлари ҳам тартибга солинмаган — ўша-ўша эди. Ўшандағидек, ҳозир ҳам бири эндигина омочдан бўшаганга, иккинчиси подадан қайтганга, бошқаси хирмон совуриб келаётганга ўхшарди. Ҳали-ҳануз бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келарди. Ҳали-ҳануз "баччағар, қистолоқ" деган нутққа "зеб" берувчи сўзларини ҳар гапда уч-тўрт мартадан қайтаришарди.

Шукур тоға билан вакиллар очилиб-сочилиб, қучоқлашиб кўришишди. Қоровул ҳам ўз навбатида уларнинг атрофида гирдикапалак бўлганча сўрига бошлаб келди.

— Қалай, янгамиз хизматни қилиб юрибдиларми? — деб сўради собиқ подачи юзига аллақандай ҳомийона ифода бериб.

— Қуллуқ, қуллуқ, — қўлини кўксига қўйганча таъзимда бўлди Шукур тоға.

— Кўп ҳам эгилаверманг-да, — қудуқчи гулдирак овозда жаҳлланганини билдирди. — Биз сизга Абдусат-

тор газетчи эмасмизки, ёлғон ваъдани бериб думни тутқазмай кетсак. Айтдикми, бажарамиз! Тўғрими?

— Тўғри, — маъқуллашди бошқалар.

— Бу савоб ишга аслида чавандоз сабаб бўлди-куя, — дея томоқ қирди қудуқчи. — Ўшанда Шукур акани бошлиғи бизга қўшиб юбормаганида, у киши эса ўзларининг дард-ҳасратларини тўкиб солмаганларида хотиржам юраверардик-да.

Убайдилла чавандоз Шукур тоғанинг уйланиши ҳам вакилларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга ошганини фаҳмлади. Булар тинчишмас экан-да, деб қўйди ичида.

Улар чой ичиб, гунгур-гунгур суҳбатлашиб ўтиришди. Ниҳоят, ранг-баранг гуллардан қучоққа сигмас гулдаста кўтарганча бошлиқ кўринди. У ўтирганларнинг саломига жавобан шоша-пиша бош ирғаб хонасига йўналди. Унинг кайфияти хуш-нохушлигини юзига қараб билиш бениҳоя мушкул эди.

Анча фурсат ўтгандан сўнг сўридагилар ўринларидан туриб, бир-бирларига йўл бериб, бир-бирларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб бошлиқнинг хонасига кириб боришди.

— Битта-битта, битта-битта! — деди бошлиқ уларни таниб турса ҳам ўзини танимасликка олгандай. — Сизларнинг ҳаммаларингиз билан бир ўзим қандай гаплашаман?

— Ҳаммамизнинг айтадиган гапимиз бир.

— Хўп-хўп, унда ғовур кўтарманглар, ғовур кўтарманглар.

— Йўқ-йўқ, — мактаб болаларидай шовқин солишди вакиллар. — Бизнинг ҳаммамиз бир оғиздан сўзлаймиз, билиб қўйинг. Ҳеч кимни ёлғизлатмаймиз, яккалатмаймиз ҳеч кимни.

— Бўлди-бўлди! — бошлиқ қўлларини кўтарди. — Майли, ҳаммаларинг киринглар, фақат бошни қотирмай битта-битта сўзланглар.

— Бўпти-да, — деганича уни маъқуллагандай кўринган қудуқчи негадир чавандозни таърифлашга ўтиб кетди. — Икки оёқни бир этикка тиқиб бекор қиляпсиз, Убайдилла ака-а, — деди нималаргадир ишора қилганича. — Нимаики бўлса, сизнинг йўригингиз бўлак эди-да! Майли, нимаям дердик, фойдангиз кўп тегди, жамиятга сизга ўхшаган одамлар керак-да! — қурғур эл орасида юраверіб тили пешланиб кетган эканми, қудуқчи баъзиларга тегиб кетадиган гапларни ҳам айтиб юборди. — Ўзингизнинг кабобингизни пиширіб, ўз-ўзингизча бўлиб юрганингиз йўқ.

Бошлиқ ҳозир район марказидаги мактабларнинг бирида ўтказилган учрашувдан тикка келиши эди. Минбарга чиқволиб, тоғу тошни тушидаям кўрмаган шаҳарлик мактаб ўқувчиларининг доривор ўсимликларни йиғиш ва кўпайтириш ташаббусларини олқишлаб гапирди, омонқора бунақа бўлади, етмак унақа бўлади, дея билган гиёҳларининг ранг-тусини айтиб берди. Бора-бора буларни билиб-таниб оласизлар, билиб-таниб олмасаларингиз ҳам ҳечқиси йўқ, энг муҳими, ташаббус кўтариб чиқишда, деди. Ўқувчилар оғизларини ланг очганларича уни тинглашгани бошлиқнинг ўз билимдонлигига, сухандонлигига бўлган ишончини чандон ошириб юборганди. Энди эса... манавиларнинг олдида оғзига толқон солволгандай жим-дим ўтириб тинглашга мажбур эканлиги унга алам қилмоқдайди.

Ахийри, у чидаб туролмади. Ўрнидан дик этиб турди. У жиддий масалаларни ҳал қилаётганида икки бурчакка бўзчининг мокисидек қатнаб туриш одатини канда қилмаганди. Ҳозир ҳам қўлларини ортига қилганча юриш машқини бошлади. Ҳар-ҳар замонда девордаги харита олдида тўхтаб, унга тикилиб қолар, хаёли чалғиб кетаётгандек кўринарди.

— Чавандозга майли рухсат беринг, — деди қудуқчи, бошлиқ ҳеч нарса сўрамаган бўлса-да, унга ақл бўлгиси келаётгандек. — Бундоқ ишлаган одамга ўхшаб

нафақага чиқиб оёқни узатиб ётсинлар, у кишининг ўринларига ўтирадиган ўринбосарлари бор, ўринбосарликка хўп муносиб, биз ҳам уни деймиз, сиз ҳам унга рози бўлсангиз муносиб иш бўларди...

— Ким экан? — ҳардамхаёллик билан сўради бошлиқ.

— Уни яхши танийсиз, — қудуқчи масаланинг у ёки бу ёқлик бўлиши пайти келганидан овозини янаям баланд кўтариб қатъият билан сўзлади. — Муртазо боркку, ўша-да, яхши йигит.

— Ие, ие! — тилига калолат келгандай Ўрозмат ака типирчилаб қолди. — Бизга бир оғиз айтиб қўймайсилармики...

Халқ вакилларининг сўзлари ҳамиша бир жойдан чиқар эди. Шу сабабли, Ўрозмат аканинг гапидан сўнг бу ғайритабиий ҳолни тезроқ бартараф этиш учун собиқ подачи қамчи босди.

— Бу гапни айтар вақтида айтадилар-да! — деди у ўзини гўлликка солганича. — Мана, фурсат келганди, энди айтдик.

Бошлиқ энди халқ вакилларининг гап-сўзларига эътибор бермай қўйди. У Муртазони яхши танирди. Убайдилла чавандознинг ёнида ҳамиша ёнқозиқдай бўлиб юрганидан кейин танийди-да. Унга ҳатто Муртазонинг аллақайси жиҳатлари ёқинқирагандай ҳам эди-ю, буни эътироф этишга негадир чўчирди.

— Сал бўшангроқ эмасмикан? — деди нималарнидир хаёлига келтиргандай бўлиб.

Собиқ подачи илжайди.

— Ким айтди? — деди бу гапни биров айтиши керакдай.

— Ўзи-им... — кифт қисди бошлиқ подачига ҳайрон бўлганча қараб.

— Сизни алдашипти, — деди собиқ подачи энди бошлиқни ўзига-ўзини қарши қўйиб. — У шунақа кўринади, лекин, асло бўшанг эмас.

— Ҳа-а, дуруст, — деб қўйди бошлиқ.

Шундай демай ҳам кўрсин-чи?! Халқ деганлари бамисли дарёдай гаплигини, сал-пал бошини буриб қўйсанг, хоҳлаган ўзанингга оқиб кетаверишини, шу боис манавинақа вакиллар билан тил топишиб ишламаса бўлмаслигини бошлиқ яхши биларди. Улар ҳар балони, ҳар кўргиликларни кўраверіб, кўраверіб кўзлари пишиб кетган, ақалли, кийимларини ҳам ўзгартиришмайди зангарлар, тутган жойларини қўйворишмайди, бораман деган жойларига боришади, шундай бўлгач, беҳуда бош оғриқнинг нима кераги бор, ахир?!

3

Чол-кампирнинг уйи ҳовлининг чеккасида эди. Уйнинг бор жиҳози токчалардаги уч-тўртта сопол-чинни идиш-оёқлардан, мис обдаста ва эскигина сўзанадан иборат эди. Ўрозмат аканинг аёли сўзанани авайлаб-асрар, уни тикиш учун бутун бир қишлоқ аёллари бир неча кун овора бўлишганини доимо сўзлаб юрарди. Улар яшаётган уйнинг болорлари орасига васса ўрнида ташланган шох-шаббалар осилиб турар, дераза ўрнига эса яхлит ойна қўйилиб, унинг атрофи сомонли лой билан сувалган эди.

Ўрозмат ака ҳар-ҳар замонда ўзлари яшаётган бу уйга ишора қилиб:

— Чолнинг уйи чарвидан, кампирники қоғоздан, — деганича ҳазиллашиб қўярди.

Муртазо билан Мавлуда яшайдиган уй ҳам уларникидан фарқ қилмасди. Фақат, бу уйда Мавлуданинг келинлик сеплари осиғлиқ турар, бу либослардан аллақандай муаттар ис келар, одам умрининг интиҳоси ҳақидаги гапларни афсонадек туюлтирувчи нималардир бор эди бунда. Муртазо билан Мавлуда ухлаб қолган Ибодни кўтариб бу уйга ярим тундагина ўтишар, унгача чолу кампирникида ширин суҳбат қуришарди. Қиш кунлари намозни ўқиб бўлиб ҳали қўр солинмаган совуқ танча бурчагида кўрпани иягига тортиб Ўрозмат ака

қунишиб ўтирарди. Унинг нигоҳи доимо эшикда бўларди. У Ибоднинг келишини кутарди. Ниҳоят, фанер эшик енгилгина очилиб, туртиниб-суринганча Ибод кириб келарди. Ўрозмат аканинг юз-кўзлари ёришиб кетиб, дарҳол уни бағрига оларди, чопонининг барига ўрарди, муз бўлиб кетган қўлчаларини кух-кухлаб иситарди.

Илиқ-иссиқ кунларда-ку Ибод Ўрозмат акани ҳоли жонига қўймасди. Унинг енгидан тортқилаганича бидирлагани-бидирлаган эди.

— Бобо, юйинг магазинга, юйинг!

— Магазинда нима қиламиз, болам?!

— Йимонод ойиб бейинг, йимонод!

Ўрозмат ака эринмасди. Уни етакларди. Ибод пилдираганча бобосига эргашарди.

— Неварангни олиб келяпсанми, Ўрозмат, — дерди магазин ёнидаги тупроқ супачада ҳайкалдек қотиб ўтирган Нуъмон қиртиш. Ўрозмат ака Нуъмон қиртишни азалдан, айниқса, ўша Улғай энанинг богига оғиз солгандан буён ёқтирмасди. Яқинда Нуъмон қиртишнинг томоғидан қандайдир яра чиқди. Бир ойдирки, бу яра тинмай қонаб туради. Шу боис, Нуъмон қиртиш ҳар доим бўйнига кир-чир латталарни боғлаб юриш билан биргаликда қўлтиғига ҳам икки-учтасини қистириб олади. Бўйнидаги тоза латта қонга ботса, қўлтигидагини ўрайди. Нуъмон қиртиш шу дардга чалингандан бери Ўрозмат аканинг унга муносабати негадир ўзгарган. Ачинади, яхши гапиргиси келади, лекин илгаритдан яхши гапириб юрмаганлиги учун сўз тополмайди.

— Э, бола бўлмай қолсин, — дейди Ўрозмат ака ичида минг тавба-тазарру қилиб. — Лимонад олиб беринг дейди, холос.

— Олиб бер, Ўрозмат, — дейди Нуъмон қиртиш ҳамон ботаётган кунга қараб турганича, бўйнини қайиролмай. — Шу эсида қолади.

"Бало, бунга бир ой ичида катта ақл кирибди", деб ўйлайди Ўрозмат ака, лекин сиртида мутлақо тескари гапни гапиради:

— Қизиғакансиз, эсида қолди нимаю қолмади нима, Нуъмонбой?!

— Барибир, қолгани яхши-да!

"Ҳа-а, эсида қолгани яхши", дея ўйлаб, Ўрозмат ака ҳузурланади.

У, Нуъмон қиртишнинг одамни кўнглидаги гапларни аниқ-аниқ айтиб бераётганлигига ҳайратланади. Лекин, шундай бўлса ҳам, унинг атрофида кўп ўралашмайди, лимонадни олиб бебилиска жўнаб қолади. Уйга боргач, Нуъмон қиртишга билдирмай келганидан хижолат тортади. Лимонадни косага ағдаради. Ибод косадаги ичимлик билан андармон бўлиб турганида шишани кўтариб яна магазинга жўнайди.

— Неварангни ташлаб келяпсанми, Ўрозмат? — дейди Нуъмон қиртиш худди қулоғидаям кўзи бордек унинг келаётганини узоқдан пайқаб.

— Шишани олиб келяпман, — дейди Ўрозмат ака ва Нуъмон қиртиш унинг барча хатти-ҳаракатларини Ибод билан боғлаётганидан, шу асно қандайдир англаб бўлмас улкан ҳақиқатни лўндагина тушунтираётганидан беҳад ҳайратда қолади.

Ўрозмат ака Нуъмон қиртишга белбоғининг қатидан мева-чева чиқариб беради. У эса ейишдан аввал қўли билан кўз олдига келтириб узоқ томоша қилади. Негадир бош чайқай-чайқай:

— Эсиз, — деб қўяди.

Унинг бу тарзи ёлғиз худогаю ўзига аён.

Ибод Ўрозмат акага қандай ширин бўлса, Убайдилла чавандозга ҳам шундай. Чавандоз нуқул неварасини тўй қилишни ўйлайди. Дам курашли тўй қиламан дейди, дам улоққа дили кетиб қолади, телевизор-радиода яхши қўшиқ эшитиб қолса, Тошканга бориб зўр артистларни опкеламан, деб катта кетади. У даставвал қизнинг фарзанди шунчалик ширин бўлишини хоби хотирига ҳам келтирмаганди. Энди эса... Тили вижир-вижир Ибодни суюб-эркаларкан, унга ҳеч-ҳеч тўймасди.

Завқи келганидан:

— Ўббо, қисталоқ-ей! — деб қўярди.

— Кап-катта эркак, ёш болага шу гапни айтгани уялмайсизми? — дейди аёли.

— Мен сўкканим йўқ, мақтадим-ку, — дейди Убайдилла чавандоз.

— Мақтаганингиз қурсин...

Бироқ, Убайдилла чавандоз хотинининг гапларига парвоям қилмайди.

— Дадангни яхши кўрасанми аянгними, ё меними? — деб неварасидан сўрашда давом этади.

Ибод қайси бирини айтсам экан, дегандай унга қув кўзларини тикиб туради-да, чавандоз тилга олган одамлардан ҳеч қайсисини айтмай, кутилмаган жавобни беради:

— Бинафсани яхси куяман...

Убайдилла чавандоз беихтиёр тарзда ҳалиги мақтовини яна такрорлаб юборади:

— Ўббо, қисталоқ-ей!..

Мавлуда Ибодни кўтариб келиб кўрсатиб кетмаган кунларда Убайдилла чавандоз нимасинидир йўқотгандек бўлиб юрар, уйга кирар, кўчага чиқар, хуллас, рўза тутган носкаш каби гарангсиб қоларди. Ахийри чидолмай, бирор баҳонаи сабаб топиб Ўрозмат аканикига йўл оларди.

Ўрозмат ака пенсияга чиққан. У ҳукуматдан қирқ сўм нафақа олаётгани учун боши осмонда. Колхозда шунча йил ишлаб юриб бирор марта ҳам уч сўм ёки беш сўмдан ортиқ маош олмабман, бу пенсия деганлари ишловчининг ойлигидан ҳам чандон кўпроқ бўлар экан, деганича тез-тез ҳазиллашиб қўяди.

Убайдилла чавандоз:

— Ассалому алайкум, Ўрозмат ака, — деб кириб боради.

Ўрозмат ака уни хушнуд қаршилайди. Танчанинг икки бурчагини иккаласи эгаллашади. Чойхўрлик бошланади. Суҳбат қизийди. Бундай пайтларда Ибодга худо

беради. Қиқирлай-қиқирлай дам у бобосининг, дам бу бобосининг қўйнига бориб ўтиради.

Ҳар иккала бобонинг Ибодга берадиган саволлари битта:

— Кимни яхши кўрасан, дадангними, аянгними? Қайси бобонгни яхши кўрасан?

Ибод тийрак кўзларини уларга тикиб, гўё ҳаммаларини яхши кўришини юзидаги ифодаларда акс эттириб, сўнгра одатдагидек:

— Бинафсани яхши куяман! — дейди.

У худди Бинафшанинг номини айтишни машқ қилаётганга ўхшайди. Боболару невара орасида ана шундай бир зайлдаги саволлару бир зайлдаги жавоб такрорланар, бундан ҳеч ким чарчамас, ҳеч ким зерикмас, аксинча хандон-хушон бўларди.

— Бола дегани ҳайвонот зотига яқин бўларкан-да, — дейди Ўрозмат ака ёқасини тутамлаганча. — Мен ўзим болалигимда эшак билан бузоқни яхши кўрардим. Чунки, эшакда сув таширдик. Янги туғилган бузоқни эса молхонада совуқдан қотиб қолмасин деб уйга, похол устига боғлаб қўйишарди. Биз болаларнинг уй ичида ҳам эрмагимиз бузоқ бўлиб қоларди-да...

Суҳбат мавзулари озиқ-овқат магазинларидаги ўрусларнинг очиратидек бир-бирининг қуйруғига келиб уланаверар, эндиги навбат меники, эндиги навбат меники, дея чирқиллашиб туришар, иккала чол ҳориб қолгудай бўлсалар дўконини хоҳлаган пайтда бемалол қулфлаб кетадиган қишлоқ дўкончисидай энг қизиқ мавзунинг қоқ белидан ҳам тўхтатиб қўйишаверарди.

Ибод, ўзи айтганидек, Бинафшадан ҳақиқатан ҳам ажралолмай қолганди. У уйдан пилдираб чиқдими, ит ҳам худди шуни кутиб тургандек, қаерда бўлсаям етиб келар, боланинг оёғи остига думалаб, суйкаланар, бунга сайин Ибод қиқир-қиқир куларди. Бола ҳамиша уйда эканлиги боисданми, Бинафшанинг ҳам остона ҳатлаб ташқари чиққиси келмасди. Бироқ, Муртазо бир дўқлаб

чақирса думини қисганча чор-ночор унинг ортидан эргашарди.

Бир куни тихирлик қилиб ҳам кўрди. Бўлмади. Муртазо унга қулоқ-чаккаси аралаш аямай қамчи тортиб юборди. Ит вангиллаб қолди. Ибод чирқираб йиғлади.

— Болангни уйга опкир, — бақириб берди Муртазо Мавлудага еб қўйгудек ўқрайиб.

Хайрият, Ўрозмат бу чоқда қайгадир чиқиб кетган эди. Мавлуда ҳам буни ҳеч кимга айтмай ичига ютди. Аммо кейинчалик, Бинафша боис анча-мунча нохушликлар туғилганида бот-бот эслайдиган бўлди.

4

Муртазо кун оққанда уйга вақти хушланиб қайтди. У хуржунга бир эмас, биратўла иккита нимталанган оқ бўканни жойлаб келганди. Отдан тушиб зил-замбил хуржунни эгардан базўр елкалаб олди, ошхонагача етти букилиб, инқиллаб кўтариб келди-да, гурс этказиб ерга ташлади. Энди сўкиниб, ҳо-ой қаёқдасан, демоқчи бўлиб огиз жуфтламоққа шайланган ҳам эдики, уйдан Мавлуданинг ўзи чиқди. У эрининг музлаб қатирма бўлиб кетган ёқасига, тиканакдай ўсиб кетган соқолига, қизаринқираган кўзларига ҳам ачиниш, ҳам қандайдир норозилик кайфиятида қараб қолди.

— Нега қоққан қозиқдай қаққайиб турибсан, сув келтир, — деди Муртазо қовоғини уйиб.

Мавлуда ўчоқда қайнаб турган қумгоннинг ярим сувини обдастага ағдарди, устидан совуқ сув қуйиб, илитгач, эрининг супа четида узатиб турган қўлига сув қуя бошларкан, ҳайиқибгина:

— Уйда ҳали гўшт кўп эди, — деди.

Муртазо бирдан қаддини тиклади:

— Тўйиб қолдингми? — деди дабдурустдан.

Мавлуда нима деярини билмай тилини тишлади. Мабодо, бордию, ўзи сезмаган-билмаган ҳолда эрининг сал қитиқ патига тегадиган гап айтиб юборса у тутаб

кетади, қўлидаги сувни Мавлуданинг бетига сочиб юбориши, жанжал кўтариши ҳам ҳеч гап эмас. Оғир-босиқ йигитнинг бундай жиззаки одамга айланаётгани бечора Мавлудани ҳайратда қолдиради.

— Одамларнинг хотинига ўхшаб келтирилган нарсаларни саранжом-саришта қил, — Мавлуданинг сукут сақлаганини унинг бежо гапни айтиб қўйиб афсусланишига йўйган Муртазо баттар авжланди. — Уйда гўшт кўп эмиш. Ҳозирги замонда ким шу гапни айтади, эсинг жойидами? Жуда ошиб-тошиб кетган бўлса сот. Қўниқўшниларга сот. Килосини уч сўмдан де, икки сўмдан де. Барибир, қўй гўштини ҳам шаҳарга тушиб саккиз сўмдан олиб келишади-ку?!

Мавлуданинг ичидан нимадир қадалиб келиб, томоғига тиқилди, кўзларида ёш ғилтиллади:

— Қилмаган ишим шу қолувди, — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Қандай ишни қойиллатгандинг, нима иш қилиб қўювдинг?! — Муртазонинг фиғони фалакка ўрлаб, ўшқира кетди. — Бойвучча хотинлардай қўлингни совуқ сувга уришни истамайсан-ку?! Гўшт сотишга орланасанми? Майли-майли, ор қилиб ўтиравер, шаҳарга бориб кооперативчилар билан гаплашиб келдим, улар бир кунда минг тонна бўлсаям опкетамиз дейишди. Қўй гўшти ўрнида кабоб қилиб сотишади — қандини урсин! Сен эса ўтиравер! Устига-устак дадангнинг гапларига куяймми? Эртаю кеч ўғлингни тўй қил, юртга ош бер, кимсан — тоғбеги, у ёғи Сурхондарё, бу ёғи — лақайлару қарлуқлар, ҳаммаси йиғилиб келишади, сармоя тўпла деб бошимни қотиргани қотирган. Қаердан топаман, қаердан олиб келаман?

— Во-ой, одам тўйни шунақа ўтказадими? — деди Мавлуда. — Кучимиз етса қиламиз, етмаса йўқ...

— Қилмай кўр-чи? Отанг ўзини осар...

Мавлуда чидаб туролмади. У туйқусдан ҳиқиллаб йиғлаб юборди-ю, қумғонни ерга қўйди. Бўғзини алам куйдирди. Миясининг аллақайси пучмоғини қачонлардан

бери банд этган фикр кутилмаганда, қўққисдан тилига кўчди:

— Наҳотки, сиз шундай одам бўлсангиз?! Мен сиздан... Сиз бунақа эмасдингиз-ку, бунақа эмасдингиз-ку, Муртазо ака?!

Супа четида енглари шимариғлиғича турган Муртазо қўлларини қаерга қўйишни билолмай қолди. Юраги ториққанданториқди. Аксига олиб ҳавоям тунд, оғир эди.

"Ке, Мавлуда, ке, қўй, кўз ёшларингни тийиб ол, — дегиси келди. — Сен нимаики десанг шу-да! Ҳақиқатдан ҳам, ўзимнинг кимлигимни ўзим англолмай қоляпман. Баъзан, сезмаган ҳолда олисдан ўзимга назар солаётгандай бўламан, ўзимни ўзим танимаётгандай бўламан. Бу нимадан эканлигини ҳам билолмай калавланиб қоламан..."

Бу хориқулодда фикрларни унинг кўнглига асл Муртазо, эндигина мактабни битирган, Мавлуданинг номини эшитгандаёқ юраги ажиб ҳисларга лиммо-лим тўладиган Муртазо солди. У супа қирғоғида шу лаҳза бир калима қудрати билан ҳозир бўлганди. Бироқ, бу ҳозир бўлиш умрбод бадар кетган одамнинг ортига бир қур ўгирилиб олиши эди, холос. Бу яна қачонлардир умрининг ажиб лаҳзаларини гулга бурканган водийда ўтказиб, ўшал масъум чоққа қайтиб боришнинг умуман иложи йўқлигидан изтиробга тушган кўнгилнинг нола тўла саси эди, холос. Кўп ўтмай у яна самовотга учган фариштадай кўздан ниҳон бўлди. Орадаги масофа жуда яқин — атиги бир-икки одимгина туюлса-да, жуда узоқ — кўз илғамас эди. Бир лаҳзалик таржимаи ҳолнинг тарихида инсониятнинг тарихи, ибтидо ва интиҳоси жамулжам эди: ҳар қандай ҳодисанинг ибтидоси табиийлиги жиҳатдан қадрли ва унинг интиҳоси ана шу табиийликнинг заволга юз тутишида кўринар экан-да...

Муртазога Мавлуданинг йиғиси, унинг айтган сўзлари бениҳоя ношудликдек бўлиб туюлдию супа четида

турган қумғонни пастга, ҳовли ўртасига қараб улоқтириб юборди. Унинг миясини ғиж-биж чирмаган ўй-хаёлларнинг барига гўё шу қора хулё ҳукмрон бўлиб олгандек, нуқул алам билан: "Мен қанақа эдим? Бошқача эдимми? Бўш-баёвлигим, аллақайдаги исқиртдан калтак еб юрганим учун ҳам яхши эдимми? — дея ўйларди. — Йўқ, бу бировлар учун яхши бўлиши мумкиндир, бироқ, мен учун эмас. Мунақа эмасдингиз эмиш-а! Одамлар гапиришармиш. Уларнинг гапириш-гапирмасликлари билан неча пуллик ишим бор. Ҳаммаси бир-биридан баттар бу одамларнинг. Ўрмон хўжалиги бошлиғига ҳафта-ўн кунда бирор нарса тутқазмасанг, худди арпасини хом ўрганингдек қовоқ-тумшуғини осилтириб олади. Қурилишда-чи? Ўша бундай эмаслигим билан ўлиб кетишимга оз қолди. Раҳмонга биров миқ этмасди-ку? Ҳозир бригадир бўлиб олганмиш, қандини урсин..."

У, қалбининг аллақайси пучмоқларида ям-яшил гўшаларнинг пайҳонланиб кетганлигини англамас, ўзи ибрат олаётган кишилар ҳам кимлардандир ибрат олаётганликларини билмас, буларнинг асоси, туби қаерда, бу ҳақда ҳеч ким индамас, ҳеч ким гапирмасди.

Муртазонинг ичи сиқилиб, дунё кўзига қоронги кўринди.

5

Ёлғиз Қорабош Убайдилла чавандознинг ўтакасини ёриб юбораёзган бўлса-да, ўзи ҳам ундан кам таҳликага тушмаганди. Шу ондан бошлаб унинг ҳам қалбида ўзи учун мутлақо бегона бир туйғу оралай бошлади, бу уни нафратлантирар, ғашини келтирар — бироқ бу туйгуга бўйсунмасликнинг иложи йўқ эди. У энди ўйлаб қадам босмаса бўлмаслигини, боши оққан ҳар ёққа юриш ёмон оқибатлар келтириши мумкинлигини ғайритабиий ҳис-ла пайқаб, қўрқувга туша бошлади. Изғирин тунларда осмондан нажот ахтара-

ётгандек қўрғонланган ойга боқиб тинимсиз увлар, ўз яқинларини чорлаётгандек бўлар, кўз ўнгидан қамишзорни тарк этишга ўзи мажбур қилган қавмдошлари ўтар, энди улардан ақалли бирортасининг қораси кўриниб қолишига чандон умид боғламасин, бари бефойда эди. Боз устига бошпана топиш илинжида қидириб келиб қўним топган манави ғор ҳам негадир унга ором бермас, аллақандай шарпаларнинг узундан-узоқ тунларда бедор изғишларидан юрак олдириб қўйганди. Айни шу кунларда Зокир булбул ҳам қоратегинлик аёлининг ҳидини олиб бўлиб, уйда ўтиролмай, Бўздаланинг бўз қирида атрофига ўртақайнарликларни йиққанича яна ўз айтимларини айта бошлади. У дўмбирасини созлаётиб, мен сизларга учта нарса айтиб бераман, буни учта қўшиқ экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, буни учта достон экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар, буни учта ривоят экан десаларингиз ҳам ўзларингиз биласизлар деган эдим, ошиқ аҳли ўз ваъдасининг устидан чиқмаса ишқи абас топгай, мана мен ваъдамга биноан сизларга айтмоқчи бўлган учта нарсанинг иккинчисини ҳам бошлайман, бу энди Она Бўри ҳақида бўлади, деди.

— Она Бўкан ҳақида тўқиган эдингиз, навбат Она Бўрига келибди-да? — деди даврада ўтирганлардан бири бошқа бирон қизиқроқ мавзу йўқмиди дегандек.

— Она Бўкан ҳақидагиси яқиндаги гаплар эди, — деди Зокир булбул дўмбирасидан бош кўтармай.

— Она Бўри-чи? — деб сўради яна кимдир.

— Буниси энди қадим-қадимдан, боболаримизга боболаридан, уларга ҳам боболарининг боболаридан ўтиб келган, — деди Зокир булбул ўша қадим айёмларни кўз ўнгига келтирмоқчи бўлгандек чуқур ўйга толганча.

— Эртак экан-да? — луқма ташлади "навбат бўрига келибди-да" деган киши беписандлик билан.

— Асли бу ҳаётимизнинг ўзи эртак, — деди Зокир булбул унинг гапини эшитмагандек. — Бу воқеа Рангонтоғдаги кўҳна ғорда содир бўлган эди...

"Бу воқеа Рангонтогдаги кўҳна ғорда содир бўлган эди..." деган гапни эшитгандан сўнг барчанинг қулоғи динг бўлди. Негаки, ҳозиргина Зокир булбул тилга олган кўҳна ғор ҳақида эл орасида ҳар хил гап-сўзлар юрар, уларнинг қай бирига ишониш, қай бирига ишонмасликни ҳам билмасди киши. Баъзи бировлар бу ғорда қандайдир қувғинди руҳлар изғиб юрармиш, шунинг учун унга яқинлашиш тугул у ҳақда эслаб гапирмаган ҳам маъқул дейишса, яна бошқалар, шайтони лаиннинг ҳаммаёқдан қувила-қувила ахийри бориб ўша ғорда ин қурганини, шунинг учун уни жойидан безовта қилмаслик лозимлигини зўр берганча уқтирмоқчи бўлишарди. Уларнинг гап-сўзларига қараганда, ғор деворларига аллақандай англаб бўлмас сир-синоатлар тилсимланган эмиш. Нимаики бўлмасин, Рангонтоғдаги кўҳна ғор ҳақида халқ орасида бир-биридан ғаройиб турфа гап-сўзлар юриши чин эди, шу боис, тоққа йўли тушганларнинг барчаси у ерларга яқинлашмай, четлаб ўтишга ҳаракат қилишарди, яқинлашгудек бўлишса ўзларига бирон-бир фалокатни юқтириб олишлари аниқдек кўринар эди. "Бу воқеа Рангонтоғдаги кўҳна ғорда содир бўлган эди", дея ҳикоясини бошлаган Зокир булбул қадимги жангу жадалларнинг таъриф-тавсифини қила кетди. Ҳозирги одамларнинг тўрт-бештасиям базўр кўтара оладиган дубулғалару жавшанларни тақиб жангга кирган баҳодирларнинг қийқиригидан еру кўк ларзага келиб, қиличлар бир-бирига урилганда чақмоқдек ўт чақнашини гоҳ шеърга солиб, гоҳ қора сўз билан айта кетди. Унинг овози Бўздаланинг бўз қирида Рухо шамоли каби енгил шабадаларга илашиб узоқ-узоқларга кетар эди. Зокир булбулнинг айтишича, ўшанда Рангонтоғ этакларида азал-азалдан чорвачилигу йилқичилик билан кун кечириб, қимиз ичиб, от гўшти еб юрган чавандоз халқ устига туйқусдан душман бостириб келган эди. Сўзи билан иши бир, кўнгли очиқ бу халқнинг ҳамжиҳатлигини, юртининг ободлигини, еру сувларини, чорвасини душман кўролмас экан, очиқ-

кўнгиллигига, самимиятига ҳасад қилар эди. Ҳар гал куч йиғиб қанчалик ҳамла қилмасин, халқнинг ҳамжиҳатлигини енголмас, таъзирини еб кетар эди. Аммо бир сафар очиқ жангда енголмаслигини билган душман барча ҳийла-найрангларини ишлатиб, қуловузлар ёллади, ахийри унинг қўли баланд келди. Шунда душман сардори ўртага чиқиб, бу халқнинг бешикдаги чақалоғидан ҳассага суянган кексаларигача битта қўймай қириб юборинглар, токи улардан ном-нишон қолмасин, мабодо ном-нишон қолгудек бўлса барибир бизга кун беришмайди, қасос олиб уруғимизни қуритиб юборишади, деди. Сардорнинг айтганини қилиб душман аҳолини битта қўймай қириб ташлади. Ўн бир-ўн икки ёшлардаги бир болагина тасодифан омон қолди. Уни Она Бўри елкасига ортмоқлаб Рангонтоғдаги кўҳна ғорга кириб кетди. Ўшанда душман бу ўлкага йўл олганда тунниг қоқ ўртасида қор устида бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаётган Она Бўрининг болаларини ҳам ўлдириб юборган эди. Она Бўрининг ҳам душмандан қасоси бор эди. Она Бўри болани асраб-авайлаб, душмандан ўч олмоқчи эди. Шунинг учун у боладан юкли бўлди. Орадан тўққиз ойу тўққиз кун ўтганидан кейин ўн иккита бола туғди, шунақа қилиб Рангонтоғ этакларида қавм сақланиб қолди ва кейинчалик душмандан ўч олиб, унинг оёғини ўз заминидан қирқиб ташлади.

— Биз ўша Она Бўрининг авлодлари эканмиз-да? — Зокир булбул ҳикоясини тугатганда Бўздаланинг бўз қирида енгил шабадага кўкрак тутиб турганлардан бири нималарнидир ис олаётгандек бурнини тортиб қўйганча сўради.

— Мен буни билмадим, — деди Зокир булбул кифт қисганича.

— Сиз билмаган нарсангизни айтмас эдингиз, — дея даврадагилардан бири унинг тилидан тутмоқчи бўлди.

— Билганим шуки, — деди Зокир булбул, — қодир эгам борлиғу оламни яхлит ва ялакат вужуд тарзида яратиб қўйибди. Шунинг учун юрган ва югурган, учган ва

сузган, унган ва кўкарган барча нарсалар борки, бир-бирига ҳамполик қилади, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, суяб-суяниб яшайди. Мен сизларга Она Бўри ва бола ҳақида гапирдим-у, ўртадаги ана шу қавму қариндошликни ҳам айтмоқчи бўлдим. Мен сизларга душман ва ҳамжиҳат халқ, ҳасаду юрт ободлиги ҳақида гапирдим-у, яна бошқа нарсаларни ҳам айтмоқчи бўлдим... — шу чоқда Зокир булбулнинг наздида Бўздаланинг бўз қирида ғир-ғир эсиб турган шабадалар тўхтаб қолаётгандай бўлиб туюлдию дарҳол тилини тишлаб, — энди бу ёғини ким қандай тушунса шундай тушунсин, энди бу ёғи менинг ихтиёримда эмас, — дея, сўзини якунлаб, дўмбирасини қўлтиқлаб, ўрнидан туриб жўнаворди.

Даврада баҳс қизиди.

Бўздаланинг бўз қирида эсган шабадалар яна тилсимланган каби тилсим калитини қидира кетдилар.

Иккинчи боб

1

Максим-Махсум қишлоқда тўсатдан меҳмон каби пайдо бўлди-ю, шу-шу кетгиси келмай, ўралашиб муқим туриб қолди. Поччаси Абдусамад лакот[1] тугул ҳатто ўз опасиям бу ерда нима қиласан, кетгин, ўша жойларда бир кунинг ўтар, дея уч-тўрт бор қисталанг қилгани ҳам фойда бермади. Бу чоқда опаси анча-мунча қишлоқчиликка, анча-мунча ўзбекчиликка кўникиб, ўрганиб қолган, ён-веридаги қўни-қўшнилар унинг иззат-ҳурматини жойига қўйишар, келинг-келинг, олинг-олинг қилишар, ўз келинларидан зиёда кўришса кўришардики, кам кўришмасди. Шундай экан, у бу исқирт, устига-устак ўлгудак ароқхўр акадан ор қилишга ҳақ-ҳуқуқиям, айтиш қанчалик ножоиз бўлмасин, айтиш керак, шарт-шароитиям бор эди. Бора-бора кўрдики, укаси Максим-Махсумга унча-мунча гап таъсир қилмайди, эти ўлиб, бамисли қашқатаёқ бўлиб кетган.

[1] *Лакот (шева)* — иккиюз, мужмал.

Эри иккаласи баҳамжиҳат, бечора Максим-Махсумни қувиб чиқариб юборсак бўлмас, деган мулоҳазага боришди ва шу фикрнинг ўзиёқ демак бирининг қайниси, бирининг акаси бундан буён қаерда яшайди, деган муаммони келтириб чиқарди. Ҳовлининг этагида эскигина бир қўйхона бор эди. Ҳозир, қишлоқнинг каттакичигига ойдек равшанки, Абдусамад лакотда қўй тугул эчкиям йўқ.

Шундай қилиб, улар қўйхонанинг ич-ташидаги охурларни сомонли лой билан яхшилаб сувадилар. Суваш асносида мундай қарасалар, бу охурлар туппа-тузук токча ўрнига ўтар экан. Қўй қийлари устма-уст босилаверганидан икки қаричча қалинлашибди.

Абдусамад лакот эрталабдан кун қиёмга етгунча пишиллаб чалма чопди. У чопган чалма ҳовлининг ярим саҳнини эгаллади.

Абдусамад лакот Максим-Махсумни ичида хўп эзиб сўкди. Унинг касрига хотинидан ҳам воз кечиб юборгиси келди-ю, ўйладики, энди бу бизнинг юртга, бизнинг туриш-турмушимизга ўрганиб кетди, ўз юртига қайтиб бормайди барибир, мабодо мендан кетса, қишлоқдан чиқар-чиқмас битта-яримта беватапаблар эргаштириб кетади, ҳозир беванинг нархи қиздан қиммат бўлиб кетди, кейин ўзим қийналиб юраман, деб.

Қўлини совуқ сувга урмайдиган, Абутанбалдан қолгулик жойи бўлмаган лакот жуда-жуда малолланди. Унинг онаси эса ҳовлидаги чалмаларни кўриб хўп суюнди, ўз-ўзича, худди қаршисида бошқа биров тургандек, унга уқтираётгандек сўзланаверди:

— Во-ой, болагинам барака топсин. Ҳар йили чилланинг ярмига етар-етмас чалма тугарди, изиллаганча Кумуш кампирникига югурардим. У зиқна, бетини сиқиб қонини ялаган кампирнинг қовоқ-тумшуғи осилиб, чалмахонасида таппи-тезаклар тўлиб-тошиб ётса-ям зўрға беш-ўнта чалма бераради. Энди унинг олдига бориб ўтирмайман, садқаи суханим кетсин... Худо хоҳласа, танчам бозиллагани бозиллаган. Абдусамадгинам-

дан айланайин, парвойига келтирмасди, қалай инсоф кириб қолдийкин унга, ўтган йилги югур-югурларимга ичи ачиптимикин...

Кампиршо ўғлининг шаънига ғойибона сийлов гапларни айтишга айтди-ю, кейин рўмолининг барини тишлаганча ўйланиб қолди. Неча йилдирки, худо қарғаган бу ўғил чалма тугул тараша ёриб бермайди — шундай экан, бу хатти-ҳаракатларда бошқача, кампирнинг қишда қийналиш-қийналмаслигига боғлиқ бўлмаган сир йўқмикин?!

У бу сирнинг тагига етиш учун кўп ҳам ўйланиб, қийналиб ўтиргани йўқ. Ёдига куни кеча эру хотин тўсатдан ташвишга тушиб қолишгани — тешик-теликларга лой чаплаб, охурларни сувагани тушди. Бу барча ўзгаришларнинг асл сабабчиси Максим-Махсум эканлиги ойдек равшанлашди-қўйди.

Кампир энди уни алқай кетди:

— Илоё умридан барака топсин, Махсумжон! Бу ичи қораларнинг гапига кирмай, кетишга унамай, шу ерда қолавериб хўп иш қилибсан-да, Махсумжон ўғлим! Худонинг ўзи етказганини қара-я! Биламан-биламан, бу дангасалар қўйхонани сен туфайли уй қилмоқчи бўлмаганларида борми, чалмани ўла қолсаям чопишмасди. Бу қўйхонада ҳар қўйларим, ҳар эчкиларим ётардики... — кампир алайно ошкор кўз ёши тўкиб, мижжаларини кенг-ковул енги билан арта бошлади. — Ҳаммасини сўйиб-сўйиб, еб соплашди жувонмарглар. Мен бир тишлам ҳам гўшт оғзимга олмадим. Қандай олайин ахир?! Ичим ачийди, куяди — ўзим боқиб семиртирган қўй-эчкиларим бўлса!.. Майли, худодан кўрдим. Энди-ям сўйиб қўришсин, эндиям еб қўришсин — энди қўй тугул қий ҳам йўқ, ҳа-а...

Кампир гапира-гапира бир нарса илкис ёдига тушгандек шошилиб уй томон кетди.

— Махсумжонга аччиққина шовла пиширив қўяй, — дерди у кета-кетгунча ҳам жағи тинмай. — Дайдиб-дайдиб, ҳали итдек очқаб келар болагинам.

Кампирнинг қувончи чексиз эди.

Максим-Махсумнинг, кейинчалик, Абдусамад лакотдан ҳам, лакот нари турсин, манаман деб кўкрагига урганлардан ҳам обрўлироқ, зўрроқ бўлиб кетишига балки, айнан шу, кампирнинг дуойи фотиҳалари сабаб бўлгандир?

Ким билсин.

Ҳарҳолда, орадан анча вақтлар ўтиб, Максим-Махсумнинг пешонаси кунма-кун ярақлаб очилиб бораётган саодатли дамларда ҳам дуогўй кампир астойдил алқаганини қайта-қайта гапириб юрди. Махсумжоннинг чалмалари бўлгани учун бу йил қишда ҳузур қилиб қолдим, дея керилган чоғлари ҳам бўлди. Бу гапларга ҳеч ким ишонмасаям Кумуш кампир ишонди, унинг сўзларини тасдиқлади:

— Рост айтасиз, айланай, бизникига ўтингаям чиқмадингиз, — деди.

— Энди чиқмайман ҳам, — деди Максим-Махсумнинг дуогўйи.

— Шунга айтадилар-да туққандан тутинган авло деб, — дея бошқа бир кампир Максим-Махсумнинг фойдаси унинг чин ўғли Абдусамад лакотга қараганда кўпроқ тегаётганлигига ишора қилди.

Шунга ўхшаш гаплар бўлишга бўлди-ю, зўр ҳафсала билан супуриб-сидирилган, тозаланган қўйхонага, минг таассуфки, Максим-Махсум қадам ҳам босмади.

У, машина-трактор гаражидан бери келмай қўйди. Кечалари ҳам ўша ёқнинг ўзидаёқ ётиб қолар, баъзан битта-яримтаси меҳмон қилгани уйига олиб кетар эди.

Ўртақайнарга бир бор қадам ранжида қилган кишининг умр бўйи сўлакайи оққанча эслаб юрадигани ҳам, сирасини айтганда, шу — меҳмондорчилик. Бироқ, меҳмон бўлмиш ёинки бўлиш иштиёқидаги кимарса, албатта, бошқа ёқдан, жилла қурса, икки-уч қишлоқ наридаги қишлоқдан бўлмоғи лозим. Меҳмоннинг ташқи турқи таровати мезбонларникига ўхшамаса жуда соз, зиёфат қуюқ бўлаверади. Мабодо, борди-ю, тиллари

ҳам, урф-одатлари ҳам бошқача-бошқача бўлса, у ҳолда дастурхонда одамнинг жонидан бошқа нарсани топишга умидвор бўлсангиз бўлаверади.

Қўни-қўшниларнинг, ҳамқишлоқларнинг, қолаверса қариндош-уруғларнинг бир-бирлари билан бордикелдилари шунга яраша, номигагина холос. Қўни-қўшнида, қариндош-уруғда, ҳамқишлоқда азиз меҳмонда кўрилмиш фазилатлардан бирортаси ҳам учрамайди-да, жилла қурса, улар тилларини бураб-бураб меҳмонлардай гапиришса эди...

Максим-Махсум поччаси ва опаси ўйлаганчалик, чеккагинадаги бир уйда, уларни ор-номусга, уятга қўймай деганларидек... хилватнишин умргузаронлик қилишни хоби хотирига келтирмасди. У гаражда куймаланган-куймаланган, ёнидан беш-олтита ёш-яланг, соқоли кўксига тушган техника иштиёқмандлари аримас, у билан маслаҳатлашиб, бу билан маслаҳатлашиб, ундан сўраб, бундан сўраб, Максим-Махсум касби корининг кўп пайҳовасини олволаётган эди. Гараж ҳовлисининг саҳнида ҳаммага халақит бериб, кераксиз матоҳлардай сочилиб ётган қисмларни бир жойга тўплаб, ўша ерда қимирламасдан бир ой қора мойга беланиб ўтирди. Кутилмаган натижа: уч гилдиракли трактор ясаганди у! Ҳайдаб кўрди — бинойидек, бошқаларнинг оғзи ланг очилиб қолди.

Отақул исмли лақай тракторчи ҳам оғзини ланг очганча унинг кашфиётидан лол қолганди. Отақулнинг ҳушёрлиги шунчалик эдики, шаънига бирор ёмон сўз айтиб қўйсангиз икки кундан кейин келиб мушт ўқталарди, дўғаярди, тунов куни нима дединг, деб. Мақтаб, таърифласангиз бир ҳафтадан сўнг этагингизга ёпишиб олар, илжайган кўйи нари кетмасди. Ўша трактор намойиш қилинган куни ҳам у томоша қилиб турди-турди-да, қойил маъносида бош чайқай-чайқай кетди. Индини куни айни тушда Максим-Махсумнинг олдига келди.

— Махсумжон, икки йилдан буён раисга ялинаман, трактор бермайди, — деди у гапни узоқдан бошлаб.

— Тракторнинг ўзи йўқ-да, — деди Максим-Махсум бузуқ талаффузда.

— Тўғри, — деди Отақул тиржайганча. — Раис трактор ясашни билмайди, бошқа ёқдан олиб келишга ҳунари йўқ, қўлиям калталик қилади, ошна-оғайнисиям бўлмаса керак, лекин сен бало экансан.

— Э, мен толка собират қилдим, бу осон.

— Осон бўлса ана шу собир тракторингни сот менга, — деди Отақул дангалига кўчиб.

— Уни сенга шундай бераман, — тантилик қилди Максим-Махсум.

Отақул унга ишонқирамай қараб турди-да, сўнгра бирдан жазаваси қўзигандай ҳамсуҳбатини шарт белидан ушлаб кўтарди, чир-чир айлантирди, айлантира-айлантира унинг таърифини ёйди:

— Яша, жўра! Энди чин жўрам бўлдинг, икки йилдан бери раис ваъда қилиб топиб беролмаган трактор-ни сен ясаб бердинг! Бу трактор энди ўз-ўзимники! Хоҳласам сомон ташийман, хоҳласам гўнг!..

— Хватит, хватит, — Максим-Махсум юлқиниб, унинг қўлидан қутулишга интиларди.

Отақул шунақа қилиб тракторлик, Максим-Махсум эса катта обрў-эътиборлик бўлиб кетишди. Иккаласининг оғайни тутинишгани савоб йўлига ўтди.

Ҳализамон тракторчининг "ҳушёр"лигини айтиб одик, унинг тракторчилиги ҳам шунга яраша эди. Икки йилдан буён раисдан трактор талаб қилиб юргани билан, носвойни тилининг остига ташлаб рулга ўтиришни манзилига етгач, кабинадан тушиб носвойни тупуришни биларди, холос.

Трактор бузилиб-нетиб дала-даштда қолгудай бўлса, ўпланиқираб ўтира-ўтира, истиҳола қилаётгандек, оёғи тортмайроқ Максим-Махсумнинг олдига жўнарди. Бирор магазинга ҳам кириб, қарз-ҳавола қилиб бўлсаям, қандидиданми, оқиданми — фарқи йўқ, қўлтиғига қистириб чиқарди. Максим-Махсум мабодо товуқхонанинг олдигача ўхшаш хоначасида чой-пой ичаётган бўлсаям,

бир қўлидан ҳамиша темир парчаси тушмасди. Оғзи ошдаю қўли ишда деганлари худди шунинг ўзи эди.

Отақул кириб келарди. Қовоқ-тумшуги осилган, ҳатто кўришгисиям йўқ. Бир четга "тўп" этиб ўтиради.

— Што с тобой? — деганича Максим-Махсум унга аллақандай хавотирли нигоҳ ташлайди.

— Ичим сиқилиб кетяпти, — дейди Отақул ғамгин оҳангда.

— Ичингнинг қаери? — сўрайди Максим-Махсум унга худди трактерга қарагандай қараб.

— Ҳаммаёғи, ҳаммаёги, — Отақул бақириб юборгудай бўлади.

— Ёмо-он!.. — дейди чўзиб Максим-Махсум.

Отақул қўлтигидаги шишани олиб ўртага қўяди.

— Яхши-и!.. — дейди яна чўзиб Максим-Махсум.

Сўнгра шиша қопқоги очилиб, ҳаш-паш дегунча бўлмай яримлайди.

Отақул ҳасратини тўка бошлайди:

— Э, Махсум огайни, қандай бахтлисан-а! Ҳамма нарсани биласан, устига-устак хотининг ҳам йўқ!..

— Причем здес хоти-ин? — Максим-Махсум беҳуда гапингни қўйсанг-чи, дегандай қарайди унга.

— Жи-им!.. — Отақул муҳим сирни ошкор қилаётгандек кўрсаткич бармоғини лабига босади. — Хотининг бўлса билган нарсаларинг ҳам ёдингдан чиқиб кетади.

Максим-Махсум ўйланқираб қолади.

— Мана-а, сен ясаган тракторни мен ясай олмасмидим?! — Отақул нописанд қўл силтайди. — Бир ойда эмас, керак бўлса ярим ойда ясардим. Шу ишга бир киришмоқчи ҳам бўлдим, раисга менга трактор беринг, деб ялиниб юргандан кўра ўзим гараждаги темир-терсакларни йиғиб трактор ясаб олавераман-да, деб ҳам ўйладим. Аммо, ўйлаганим ўйлигича қолиб кетди. Хотиним қўймади. Мушайт бераверди. Ҳали уни опке, дейди, ҳали буни опке, дейди... Шу аҳволда трактор ясаб бўларканми?

Чўқиштириб, яна олишади.

— Мен бир вақтлар самолёт ҳам ясамоқчи бўлганман, — дейди дабдурустдан Отақул.

— Самолёт?! — Максим-Махсум чўчиб тушади.

— Ҳа-да, самолёт! Аммо, оғир йиллар эди. Билсан, самолёт ясаш учун катта маблаг зарур. Бизда ўша маблағ йўқ эди. Шунчалик қашшоқ эдикки, оч эдикки, уй ўйлайман десанг ҳам миянг қисирлаб оғриётгандек, бошинг уваланиб тушаётгандек бўлаверарди.

Максим-Махсум унинг барча гап-сўзларини оқизмай-томизмай жон қулоғи билан тинглар, бироқ қиёфасида заррача ҳам ўзгариш сезилмай, миқ этмай ўтираверарди. Отақул борган сайин ўз гапларидан ўзи мутаассирланиб, кўзига ёш олишдан ҳам тоймасди. Аста-секин шишани ҳам қоқлаб қўйишарди.

— Юр, бир дала айланиб келамиз, — дея таклиф қилиб қоларди Отақул, асл муддаони ҳам унутмай.

Максим-Махсум кўзларини бир нуқтага қадаганча, дала айлансам кайфдан асар ҳам қолмайди-ку, деган ўйда талмовсираб турарди.

— Магазиндан яримта олиб оламиз, — дерди илҳоми қўзиган Отақул ошнасининг нега оёғи тортмайроқ турганининг боисини тўла-тўкис англаб етмаса ҳам, беихтиёр равишда унинг кўнглидаги гапни айтиб юбориб. — Бу ҳеч нарса бўлмади-ку!

Максим-Махсум у ҳолда майли, ноиложман, дегандай елка қисиб қўярди-да, Отақулнинг ортидан эргашарди.

Отақул айтганининг устидан чиқарди. Максим-Махсум ҳам кўнгил узолмай, унинг етовида, устма-уст қалаштириб ташлаётган фикр-мулоҳазаларини эшитиб-эшитмай кетаверарди.

Шишани йўл-йўлакай бўшатиб ташлашарди.

Максим-Махсум қаерга борамиз деб сўрамайди, Отақул унинг ана шу сўрамаслиги учун ҳам чандон яхши кўриб кетади.

Ахийри трактор кўринарди.

— Бизнинг трактор-ку, — дерди Отақул ўзини ҳайрон қолгандай кўрсатиб.

— Сизники, — дерди Максим-Махсум нима гаплигини дарҳол фаҳмлаб.

Отақул тақторнинг у ёқ-бу ёғини айланиб кўраради. Нималаргадир уннаган бўлиб, сўнгра биладиган кишидай елка қисганича:

— Бўлмаяпти-ку, қисталоқ, — дея Максим-Махсумга мўлтайиб қарарди.

Максим-Махсум ана-мана дегунча бўлмай трактрни тузатиб берарди.

— Кайфчилик-да, кайфчилик, — дерди ўзини оқлаб Отақул. — Йўқса, ҳали замон бинойидек, туппа-тузук юриб турганди-я.

Сўнгра тилининг остига носвой ташларди.

— Ничево-о, — деб қўярди Максим-Махсум бепарво оҳангда.

— Тўғри, ничево, — қўшиларди Отақул.

Шунақа қилиб, Максим-Махсумнинг Отақулга ўхшаган кунда-шунда шинавандалари қишлоқда тобора кўпайиб бораради. Ўртақайнарликлар, ана-а ҳадемай наврўз келади, илгари ота-боболаримиз бундай пайтларда Бўздаланинг қирига катта дошқозон осиб чалпакпазон маросимини ўтказишган, шундан сўнг далага қўш чиқариб юборишаверган, дея бир-бирларига нималарнидир эслатиб, нималарнидир айтиб юришган кунларининг бирида Муртазо кўчада Максим-Махсум билан тасодифан тўқнаш келиб қолди. Максим-Махсум унга жуда қуюқ салом берди. Муртазо алик олиб ўтиб кетмоқчи эди, у бунга қўймади. Бизниям уйчани кўринг, бизниям гаражди кўринг, дея гапира-гапира уни ўз хонасига етаклади.

Сазаси ўлмасин, деган хаёлга борган Муртазо Максим-Махсумнинг ортидан трактор гаражининг биқинида жойлашган кулбага кириб борди. Максим-Махсумнинг хонаси шунчалик шип-шийдам эдики, илк қадам қўйган одамнинг юраги орқага тортиб кетиши

ҳеч гап эмасди. Ўртадаги қўпол, чала-чулпа рандаланган тахталардан ясалган стол усти йиғиштирилмаган — қурум босган чойнак теварагида нон ушоқлари, учтўрт бўлак оқ қанд сочилиб ётарди. Оёқ остида эса ҳеч қанақа тўшама йўқ, пол тахталарининг ҳам титиги чиқиб кетганди. Ҳаммаёқ папирос қолдиқларига тўлиб кетганди.

Муртазо ёғоч курсига омонатгина чўкди, чойга унномоқчи бўлган хонадон соҳибини тиғиз изига қайтариб, ўтиринг, деди.

Максим-Махсум гуноҳ устида қўлга тушгандай қизариб-бўзариб, энг ажабланарлиси, она сутидай ҳаққиҳалол ўз моликонасида бироз қисиниб-қимтиниб, тортиниб ўтирди.

У ёқ-бу ёқдан гаплаша бошладилар.

Бора-бора Максим-Махсумнинг қулфи дили очилаверди. Бунга сайин хонадаги қусур-камчиликлар ҳам устига ҳулла тортилгандай билинмай-кўринмай кетди.

Максим-Махсумнинг айтишича, холаваччасими, амакиваччасими — ишқилиб, бир қариндоши, юртдоши хотини билан бу ёққа сайру томошага келаётган эмиш. Уларнинг тўйлари ўтганига бир йил бўлибди эмиш, асал ойларининг ширин дамларини ўтказиб юбориб, ниҳоят, зерикишибди эмиш, Максим-Махсумни қора қилиб, бу ёққа сафарни ихтиёр этишибди.

Муртазо бу гап-сўзларнинг ўзига нима алоқаси борлигини билолмай индамай ўтираверди. Ҳамсуҳбат даромадни узоқдан бошлаган экан, сўзининг ниҳоясида, улар тоғу тошларни кўришса яхши бўларди, мен гаражддан бир кун ҳам чиқолмайман, ўзингиз бош-қош бўлиб дегандай... у ёқ-бу ёқни кўрсатсангиз айни муддао бўлармиди... нимаики бўлса, тоғларнинг каттаси, хўжайини ўзингиз, деди.

Муртазога, айниқса, унинг қисиниб, ботинмайроқ гапираётгани ёқаётганди. Ҳузурланиб эшитиб ўтирди-ўтирди-да, ҳеч кутилмаганда шарт ўрнидан туриб:

— Бўпти, келаверишсин-чи, бу ёғини тўғрилаймиз, — деди нима тўғрилашни ўзи ҳам аниқ-тиниқ билмай.

Максим-Махсумнинг қувончи еру кўкка сиғмасди. Ўтирсангиз-чи, дерди нуқул, бир магазинга ўтиб келай, юзта-юзта олайлик, нечук этиб қадам ранжида қилибсиз...

Муртазо унинг елкасига қоқиб қўйиб, раҳмат айтди. Аввал илтимосингизни бажарайлик, кейин бемалол отамлашамиз, деди. Унинг бу тарзи Максим-Махсумга ҳам жуда ёқиб тушди, техника-пехникага ишингиз тушгудай бўлса тортинмай бизга айтаверасиз, деди.

Шу тариқа улар хайрлашишди.

Максим-Махсум ташвишини чекиб юрган қариндоши хотинини қўлтиқлаб айни наврўз куни Ўртақайнарга кириб келди. Меҳмонлар пойқадами туфайли Абдусамад лакотники нақ томошахона бўлиб кетди. Қўни-қўшни кампирлар, хотин-халажлар, нималарни опкелишиптийкин, у ёқларда сим-сим кўйлак, чойнак-пиёла арзон дейишади, калишни ҳеч ким киймаганидан дўконларда чанг босиб ётади, дейишади, қўша-қўшалаб опкелишгандир, дея бир-бирларига сўзлай-сўзлай қўлтиқларига иккита-иккита чапати қистириб олишни ҳам унутмай, уникига кириб келаверишди. Улар Абдусамад лакотнинг онасини одат бўйича узоқдан мозор босиб келган меҳмонлар билан қутлаб, муборакбод этишди. Галма-галдан бизникига ҳам бир сари қадам кириб ўтсалар, бир пиёла сариқ сувимизни, бир бурда қоқ нонимизни баҳам кўрсак бошимиз кўкка етарди, дейишди. Бу гапларни ёлғонманзират қилиб эмас, чин кўнгилдан айтишдики, уларнинг юз-кўзлари ҳам шундан далолат бериб турарди. Лекин уларнинг совға-саломлар борасидаги тахминларининг бари пуч бўлиб чиқди. Меҳмонлар, улар ўйлаганчалик қўша-қўшалаб қишлоқда анқонинг уруғидан ҳам қадрлироқ нарсаларни кўтариб келишмаган экан, аксинча, икки қўлларини бурунларига суққанча қурудум бўлиб келишган эди.

Шу кунларда қишлоқда бошқа арзирлироқ томоша бўлмагани учун болалар пахса деворларга мушукдай тирмашиб чиқиб бемалол жойлашиб ўтириб олишди. Максим-Махсумни хўп алқаган кампир супурги кўтарганча, ҳа-ай жувонмарглар, йиқилиб, турмуғларинг осилиб қолмасин, дея қарғанган бўлиб, уларни девордан тушишга ундади.

Абдусамад лакот уялганидан қаёқдандир битта улоқни қарзга етаклаб келди. Меҳмонларнинг оёғи остига қон чиқазмаса, у ёқ-бу ёқда огзига кучи етмаганлар гап қилишади, қолаверса, дастурхоннинг кўрки учун ҳам шундай қилишга мажбур эди. Хотинига холаваччами, амакиваччами — ишқилиб, энди унга ҳам қариндош бўлмиш йигит нафси баъдлик қилиб хийлагина гўшт тушириб қўйди. Пичадан сўнг, ранги оқариб мазаси қочди. Уй ортидаги бадрафхонага ғит-ғит қатнайверди. Кейинчалик, шуям оғзига кучи етмаганларнинг қулоқларига етиб бориб, анча-мунча гап-сўз бўлди.

— Ҳе-е, Абдусамад лакот одам бўлмай ўлсин, — дейишди баъзи бирлар. — Келиб-келиб эчки сўйса-я.

— Асли насли паст.

— Қўйинглар-э, ўшаниям гапириб ўтирасизларми, зап одамларингни топибсанлар, — дейдиганлар ҳам учради.

Бу гап-сўзлар албатта кейинчалик бўлиб ўтганди. Ҳозир эса меҳмоннинг бу қатнаши кўпчиликни, бу ёққа уни қўйхонага кўчиртирмоқчи бўлишгандан сўнг негадир қадам босмаган Максим-Махсумни ҳам анча хижолатга солди. Кампирнинг кўзи кўп нарсаларни кўраверіб-кўраверіб пишиб кетган, унча-мунча нарсадан хижолат чекмас, дарду ғамларни теранроқ ҳис этарди. Шу боис, ичи ачиганидан:

— Во-ой болагинам-а, кинна-пинна кирдимикан-а, нима қилди-я, бехосдан нима жин урди сенгинани-я? — дея, шусиз ҳам ойдек равшан бўлиб турган нарсани бот-бот такрорлайвериб ўтирганларни ерга киргизиб юборай деди.

У исириқ тутатиб, меҳмоннинг атрофида хокандозга солиб айлантирди. Қўлим енгил, жазаваси баланд бир бахшининг фотиҳасини олганман, кимгаки кинна кирса ўзим силаб қўйганман, дея, меҳмонларни ҳайрон қолдириб бечора йигитгинани қайта-қайта силаб кетди. Барибир, бу ирим-сиримлар кор қилмади, йигит ғит-ғит қатнашини қўймади. Кампир, бу қандай бедаво дард бўлдийкин, дея, нималардандир, балки ирим-сиримларининг кор қилмаганидандир, ғудраниб, куймаланганча ҳовонча қидира кетди. Ҳовончаниям аллақайси бурчакдан чанг босиб ётган ҳолда топди-ю, ичи тўлиб, юрагидан бир армон кечди. Қандайдир ғалати хаёл билан, бир келиним бўлсаки, ҳовончани топ-тоза тутса, ҳар нени жой-жойига қўйса, дея ўйлади. Хайриятки, эсига дарҳол меҳмон тушиб, бу ҳол тез ўтиб кетди. У ҳовончанинг ичига қотган-қутган нонларни солиб туя бошлади. Кўп ўтмай толқон тайёр бўлди.

— Капалаб-капалаб е болагинам, давоси шу, — деди коса тўла толқонни меҳмоннинг олдига қўйиб.

Толқон кор қилди. Меҳмон йигит кўп ўтмай ўзига келди. Рангига қизиллик югура бошлади. Дарддан фориғ бўлганига суюниб, кулди, кампирнинг елкасидан қучоқлаб, унга ўз тилида чулдиради, нималарнидир деди, чамаси раҳмат айтди.

Сўнгра меҳмонлару мезбонлар тепаликка қараб йўл олишди.

Наврўз куни ҳеч ким қишлоқдан бирор қадам ҳам нари жилмасди. Бу куни узоқ-узоқларга сафарга кетганлар ҳам, узоқ-узоқларда ишловчилар ҳам, бошқа ёқларга бутунлай кўчиб кетганлар ҳам қишлоққа йиғилиб келишарди. Тепаликда ўтириб марҳумларни эслашарди, болалар келтирган гул-чечакларни кўзларига суртишарди. Рангонтоғ ҳақида Зокир булбул янги тўқиган қўшиқларни гоҳ шодланиб, гоҳ ҳазин хаёлларга кўмилиб эшитишарди, кампирлар сопол товоқларга солиб чиқишган сумалакларни ялашарди, тип-тиниқ

осмонга боққанча ўтган дамларини эслашарди, инсонийлик фазилатларини сақламоқ учун неки зарур бўлса, уларнинг ушбу кундаги хатти-ҳаракатларида ўз тажассумини топар эди.

Ҳаммадан ҳам чиройлиси, ҳаммадан ҳам умрбод ёдда қоладигани келинчаклар сайли бўларди. Қишлоқ аҳли — ёшу қари тепаликда ғуж бўлиб ҳў-ўв этакдаги чимзордан гулдасталар оқимидек оқиб ўтаётган, жуфтлари билан қовушганига энди бир йил тўлган ёки тўлмаган, ё куни кечагина тилла остоналардан ҳатлашган келинчаклар оқимини мароқланиб томоша қилишарди. Бу келинчакларни фақатгина шаффоф сувли уммонларнинг оппоқ нилуфарларигагина қиёслаш жоиз эди. Уларнинг қўлларида ўзлари тиккан сўзаналари бўларди. Ҳар бир сўзанани узоқ-узоқ томоша қилиб, ипаклар қатими орасидан бу нилуфарларнинг орзу-армонларини уқиш мумкин эди. Ана шу лаҳзада кексаларнинг ҳам яшаб қўйган йиллари асл гавҳар устига тортилган пардадек кўтарилиб, улар умрининг дурдона эркатошлари ял-ял ёнганча кўзларига кўриниб кетарди.

Эслаяпсизларми, эслаяпсизларми, деяётгандек бўларди оқ нилуфарлар оқими.

— Эслаяпмиз, эслаяпмиз, — пичирлашарди тишлари буткул тўкилиб битган кампиршолар, оқ соқоллари кўксини безаган чоллар. Улар кўзларидан оғир тошдек юмалаб тушаётган кўз ёшларини пайқамай жилмайишарди.

— Ана-а, янгам, янгажоним, — ирғишлаганча қичқириб қоларди болакайлардан бири оқ нилуфарлар оқимидаги аллақайси гулга кўрсаткич бармоги билан ишора қилганча. Зумраша қаёқдан била қолдийкин, ахир уларнинг ҳаммаси басма-бас ўтаётган тўлқинлардек бир-бирларидан заррача фарқ қилишмайди-ку? Йўқ, бундай ўйлаш хато: болакайлар чақирим-чақирим масофалардан ҳам ўз янгаларини савқи табиий ҳис-ла пайқаб, таниб олишади.

Сочларига толбаргаклар таққан жажжигина қизалоқ рўмолининг учини тишлаганча турган аясининг этагидан тинимсиз тортқилайди.

— Ая, ая, — дейди у.

— Нима дейсан, она қизим?

— Катта бўлсам мен ҳам келинчак бўламан-а?

Аясининг лабларига табассум ёйилади.

Қушлар ҳам маслаҳатлашиб йиғилишиб келгандай кўринадилар. Тепалик узра чарх уриб ўйнайдилар, қанот қоқишларининг товуши қулоққа яққол чалинади. Ким билсин, улар ҳам бу ерга келолмай қолган бошқа қушларга ажиб манзаралар ҳақида кейинчалик завқ-шавққа тўлганча сўйлаб беришар?

Икки кишигина — эру хотин меҳмонларгина ҳайратдан анг-танг бўлиб қолишган, етти ухлаб тушларига кирмаган бу томошанинг боисини англолмай ҳалак эдилар. Ниҳоят, тўйлари бўлиб ўтганига бир йил тўлиши олдидан турмуш ўртоғини сафарга чиқишга ундаган Анна беихтиёр ўзи билан оқ нилуфар оқимидаги гулдасталарни солиштириб кўрди ва ич-ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. Беҳузурлана бошлади. Бу ерни тезроқ тарк этиш истагида эрига нималарнидир деди. Бироқ, йигит тамоман маҳлиёланиб қолган, кетгиси йўқ эди.

Анна мажбуран ёлғиз ўзи Абдусамад лакотникига қараб жўнади. Унга ҳеч ким эътибор бермади, ҳеч ким эътибор берадиган ҳолатда эмасди.

Бундан Анна бениҳоя ранжиди.

2

Эртаси куни Муртазо Максим-Махсумнинг сазаси ўлмасин, деб, боз устига қиладиган тайинли иши ҳам бўлмагани учун меҳмонларни Абдусамад лакотникидан Рангонтоққа бошлаб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши халтасига чапати, яхна гўшт, сузма ҳам солиб олди.

"Меҳмонларга тоғни томошалатиб, чукури-пукири териб берсам хурсанд бўлишади-да", дея, йўл-йўлакай Муртазо ўзича ўй суриб борарди.

Қишлоқдан анча юқорилашгандан сўнг пастак-пастак тепалар бошланди. Муртазо мактабда рус тилига ёмон ўқимаганди, аммо негадир гаплашишга ийманарди, битта-яримта хато сўз айтиб юборсам устимдан кулишади, деган ўй ҳеч қачон уни тарк этмасди. Ҳозир ҳам оғзига мум солгандай пича олдинроқда индамай кетаверди. Анна кечаги уст-бошини буткул ўзгартириб, жинси шим, кроссовка кийиб олганди. Бу кийим- бошлар жуда ярашганини ўзиям ҳис этаётганидан бўлса керак, Аннанинг кайфияти жуда соз, бир гапириб ўн куларди.

Бир-икки тепаликдан ўтишганидан сўнг у эрини ортда қолдириб, Муртазонинг ҳам ёнидан чопқиллаганича ўтиб кетар, шу лаҳзаларда ердан бирон-бир ўт-ўланни юлиб олиб Муртазодан:

— Марат, манави ўтнинг номини сизларда нима дейишади? — деб сўрарди.

Муртазо кўп ўтларнинг номини ўзи ҳам билмаслигига шунда иқрор бўларди.

У Аннанинг хатти-ҳаракатларидан кўнгли бироз малолланиб: "Нима бало, бу Максим-Махсумнинг қариндоши ўтшуносми дейман?", дея ўйлади.

Кўп ўтмай бу машғулот Аннанинг ўзини ҳам жонига тегди шекилли, бошқа сўрамай қўйди.

Энди у бирор қалтисроқ жойдан ўтиши лозим бўлиб қолса атай Муртазонинг етиб келишини кутиб турар, Муртазо етиб бориб у ердан ўтгач, Анна ҳам табассум қилганча унга қўлларини чўзарди.

Бир гал каттароқ ариқдан қаттиқ сакраб у бутун гавдаси билан Муртазога келиб урилди, ҳатто уни йиқитиб юбораёзди, сочлари Муртазонинг юзига қопланди, унинг юраги гурсиллаб ураётгани ҳам яққол эшитилди. Шу кўйи Анна бир муддат туриб қолди, Муртазо ҳам қимир этмади.

Максим-Махсумнинг амакиваччасими, холаваччасими бўлмиш қариндоши орқада мутлақо лоқайд қиёфада, бўлди-да энди, шунча юрганимиз етар, кўрдик-билдик,

шу экан-да, дегандек истар-истамас қадам ташлаб келарди. Ҳолбуки, Рангонтоғнинг оқ қалпоғини ечиб улгурмаган ҳақиқий чўққилари, чукури[1]лар тиғиз ўсган ўнгирлар, Муртазо уларни олиб чиқмоқчи бўлган қияликдаги улкан арча остидаги "оғзи"дан кириб ялангликдан чиқса бўладиган узундан-узун ғор ҳали олдинда эди.

Яна пича юришгач, Аннанинг эри ҳарсиллаганча, шошқалоқлик билан уларга етиб олди-да:

— Мен чарчадим, шу ерда қоламан, — деди дабдурустдан.

Муртазо қулоқларига ишонмай қайталаб сўради:

— Нима дединг?

— Чарчадим Марат, кеча мазам қочгани энди билинди.

Аннанинг юзига туйқусдан қизиллик югурди. Чеҳрасидан шодон ифодалар барқ уриб ўтди.

— Вой-ой, сени қара-ю, — дея эрига меҳрибонлик кўрсата бошлади у.— Юрақолсанг-чи ахир, қара, қандай ажойиб жойлар.

— Анна, тушунсанг-чи, — эрининг товушида ўтинч аксланди. — Ўзларинг бораверинглар, мен ҳеч қаерга қимирламасдан, кўрар жойларингни кўриб келгунларингча шу ерда ўтира тураман.

— Майли-майли, жоним, — Анна истиҳолани йиғиштириб қўйиб, эрининг сочларини силаб-сийпай бошлади. — Битта гапгаям дарров хафаланиб қолдингми? Анави чўққиларни жуда-жуда кўргим келяпти-да, йўқса ҳозироқ қайтиб кетардик.

— Йўқ-йўқ, — деди эри қўрқиб кетгандек аллақандай саросимали товушда. — Сенинг тўйгунингча томоша қилиб олишингга халақит беришим инсофдан эмас, ахир.

Анна эрининг юзидан шўхчанлик билан енгилгина ўпиб қўйди ва Муртазога бош ирғаб, кетдик, ишорасини қилди.

Муртазонинг юраги ҳализамон Анна ўзини бехосдан уриб олгандаги сингари қандайдир тушуниб бўлмас

[1] Чукури (шева) — тоғ равочи.

ғалати, кишига хуш ёқувчи, айни дамда безовталик, хиралик уйғотувчи ҳис билан ҳаприқиб кетганди. У бу туйғудан боши гарангсиб, Аннанинг олдинга юришга даъват этаётган хатти-ҳаракатларини сезмагандек қақ-қайганча тураверди.

— Сен ҳам бормайсанми? — деди илкис Анна. — Сен ҳам чарчаб қолдингми дейман, Марат? — деди билинар-билинмас масхараомузлик билан ва унинг бормаслигининг ҳеч-ҳеч иложи йўқлигини билдирмоқчидай қўшиб қўйди. — У ҳолда ким менга йўл кўрсатади?

— Марат, илтимос, сен Аннага хоҳлаган жойларини томошалатиб ке, — тилга кирди аллақандай хасни тиши билан чирт-чирт узиб, бир четга тупураётган Максим-Махсумнинг қариндоши, Муртазо йўлбошловчилик қилмаса бунга ўзи мажбур бўлишидан хавотирланаётгандек. — Менга нонингдан озроқ қолдирсанг бас, осмон чиройли экан, томоша қилиб ётаман.

Муртазо беихтиёр бошини кўтариб кўкка қаради. Дарвоқе, само кўм-кўк шиша сингари тиниқ, парча-парча оқ булутчалар бу шишани артаётгандек бемалол кезиб юришарди. Қуёш найза бўйи кўтарилган, теварак-атрофга, жамики борлиққа сахийлик билан ҳароратини улашарди.

Муртазо шоша-пиша қопчиғидан битта чапати, гўшт, сузма чиқазиб уларни ажриқ устига қўйди. Уни эру хотиннинг бу тарздаги муомалаю муносабатларига ақли етмай, боши қотганди. Анна билан бораверсамми, эри нима деб ўйларкин, бормасамми, у ҳолда иккаласиям илтимосимизни бажармади дея, хафа бўлиб қолишмасмикин, деган кучли иккиланишлар қуршовида қолганди.

У бироз ўйланиб тургач, Аннанинг ортидан кетди.

Анна янада енгилроқ қадам ташлай бошлади. У учмоққа шайланган каптардек харсангтошлар устига чиқиб қўлларини кенг ёзар, ўз-ўзича нималарнидир куйлар, кўриб улгурмаган нарсаларини кўришга шунчалик ошиқардики, баъзан Муртазо катта-катта одимлаб

ҳам унга етолмасди. Анна тинмай гапирар, тоғу тошларнинг чиройли эканлигига, ҳавонинг тозалигига қойил қолар, бу ерда яшаган одамлар мингга кирса кераг-ов, дея ҳазиллашар, бирданига бу мавзудан чекиниб, Муртазонинг ҳаётига қизиқиб қолар, гоҳ-гоҳ маҳрамона сирларидан ҳам сўз очишгача борар, хуллас, ўзи учун кутилмаган боду ҳаволарданми, бошқа нарсаларданми масту мастағриқ бўларди.

Юра-юра, юриш асносида гапира-гапира, гапириш асносида ортига, Муртазога ўгирила-ўгирила ҳолдан тойди чамаси, у ортда қолиб, Муртазога тенглашиб олди. Фақат тенглашиб олганда майли эди-я, унинг қўлтигидан қўлини ўтказиб, билагига осилиб олди.

Муртазони совуқ тер босди. Билиб-билмай қадам ташлади, билиб-билмай Аннанинг баъзи саволларига жавоб берди.

У ўзининг хаёлини чалғитишга уринди. Баъзи пайтларда унинг Мавлудадан кўнгли совиб бораётгандек туюлса ҳам, ҳали ҳеч қачон хотинига хиёнат қилган эмас, бундай бўлиши мумкинлигини хаёлигаям келтирмаганди. Ҳозир Аннанинг баъзи бир самимий хатти-ҳаракатлари боис ана ўша қўрқинчли, ваҳмкор қора нарса уч бериб қолар, қизиғи шундаки, бу туфайли ўзини қанчалик койимасин, вужудини шунчалик сархушлик, сармастлик эгалларди.

— Марат, ғорга ҳали узоқми? — деб сўраб қолди унинг хаёлини бўлиб Анна.

— Анча юқорилашимиз керак, — деди Муртазо атай унинг юзига қарамай, қовоғини уйганча. — Чарчаб қоларсиз, дейман.

— О, йўқ, — учмоққа шайлангандек қўлларини кенг ёйиб хитоб қилди Анна. — Мен ҳали ҳеч-ҳеч чарчамадим. Қани энди, сен билан юраверсам, юраверсам, кундузлар кеча бўлса, кечалар кундуз бўлса, анави қорли чўққилардан ҳам ошиб ўтсак, кенг, ям-яшил ўтлоқларга етсак.

Муртазо унинг сўзларидан мутаассир бўлди. Завқ-шавқ билан сўзлаётган Аннага қаради. Анна ҳам туй-

қусдан тўхтади. Кўзлари ёнганча Муртазога тикилди. Иккови бир нафас бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди. Аннанинг кўзларидаги эҳтирос тафти юзига ҳам уриб, икки ёноғини лов-лов ёндирарди. Жувоннинг кўзларида ҳаётга ташналик, муҳаббат, қонилмаган эҳтиросларнинг бўрони — бари-бари барқ уриб турарди. Муртазонинг беихтиёр маҳлиёланиб термилиб қолганини ҳис этгач, у шарақлаб кулиб юборди-да, зипиллаганча олдинга ўтиб, бу ерларни илгаритдан биладигандек дадил одимлай кетди.

Улар ғорнинг "оғзи"га, улкан арча остига бир соат деганда зўр-базўр етиб келишди. Кела-келгунча Муртазо анча-мунча чукури териб чиқди. Тошбосди чукурилар серсув бўлади, кишининг иштаҳасини беҳад очиб юборади. Муртазо атай шунақаларини қидириб анча вақт кетказди.

Арча ости худди қўл билан ясалгандай, кенггина супадай жой эди. Улар шохлар остидан энгашиб кириб, ана шу супачага ёнма-ён ўтирдилар.

Кун қиёмига етган эди.

— Яқин кўрингани билан анча йўл экан, — деди Анна роҳатланиб чукури чайнаркан.

— Унчаликмас, — деб қўйди Муртазо қопчиғидан емишларни олаётиб, унинг қорни очиққандан-очиққан, ҳамроҳиям тоза ютоқиб турган эди.

— Анави қорли чўққиларга кечгача базўр етсак кераг-а, Марат, — деди Анна оғзини очмай нон чайнаркан, у чўққиларни ҳам бугуннинг ўзидаёқ забт этишга чоғлангандай.

Муртазо кулди.

— У ёққа етишимиз учун кам деганда икки кун йўл юришимиз керак, — деди.

Анна кавшанишдан таққа тўхтаб, кўзларини каттакатта очганча ҳайратланиб сўради:

— Шунчалик олисми-я?

— Ҳа-а, олис, — деди Муртазо арча танасига суяниб. — Мен ҳали у ёқларга бирор марта ҳам чиқолганим йўқ.

— Қўл узатса етгудек кўринади-ку, — Аннанинг ҳафсаласи пир бўлиб, шу билан биргаликда ғайрат-шижоати қайларгадир маҳв бўлгандай шўхчанлиги йўқолиб мулойимлашиб қолди. Муртазога тикилиб турган кўзлариям сузилиб кетди.

— Кўзни алдайди бу тоғу тошлар, — деди Муртазо бепарвогина.

— Қизи-иқ, — деди Анна чўзиб ва қолган-қутган нарсаларни қопчиғига қайтадан жойлаётган Муртазога яқинроқ сурилиб ўтирди ва қўшиб қўйди. — Ишқилиб, тоғликлар алдамайдими?

Муртазо нима деярини билмай кифт қисди.

— Чарчаганим энди билиняпти, — деди Анна Муртазонинг кўксига беозоргина бош қўйиб кўзларини юмаркан. — Илтимос, қимирламай ўтир, пича мизғиб олмоқчиман...

Унинг бу сўзи ортиқча эди. Муртазо шусиз ҳам қимир этмасди. Аннанинг майин сарғиш сочларидан димоғига урилаётган муаттар бўй уни арча танасига тамоман михлаб ташлагудек англаб бўлмас кучга эга эди.

Анна ухлаб қолди. Муртазонинг қалбини ажиб туйғулар лиммо-лим этди. Ҳалиги хаёллари ҳам қайгадир маҳв бўлди. У ҳозир ҳеч нарсани ўйламай қўйди — ўзини ҳам, Мавлудани ҳам, ҳаттоки Ибодни ҳам.

Аннанинг боши сурилиб тушиб кетавергач, Муртазо унинг қўлтиғидан қучоқлаб кўтариб туришга мажбур бўлди. Анна тўлғаниб, бошини туйқусдан Муртазонинг тиззасига қўйди. Ўгирилди. Унинг кўзларида ҳалиги оташ лов-лов ёнар эди. Унинг узун-узун бармоқлари Муртазонинг уч-тўрт кундан бери соқоли олинмаган, изғирин ялайвериб дағаллаштириб юборган ёноқларида сийпаланди. Муртазо барча нарсани унутиб, уни оғушига тортди...

Анча фурсат ўтгач арчанинг очиқ шохлари орасида қуёш юз кўрсатди. Анна самимиятни заррача ҳам йўқотмаган, энди Муртазо иккаласи икки четда ўтиришганда ҳам илгаригидек хандон-хушон кайфиятда эди.

Муртазо бошини ердан кўтармасди.

Анна, чамаси унинг бу тарзда ўтиришига тушунолмади ва яқинлашиб қоп-қора қалин сочларидан сийпалаб:

— Хафа қилиб қўйдимми? — деди меҳрибонлик билан. — Ёки бошинг оғрияптими?

Муртазо шундагина қандайдир тўсатдан содир бўлган ҳодиса Анна иккаласи ўртасида мусти мустаҳкам ришта ҳосил қилганини ҳис этди. Тўлиқиб бош силкиди.

Атроф говгумлашмоқда эди.

— Кетайлик, — деди Муртазо ўрнидан тураркан, энди Аннани сенсирашга ўтиб. — Буткул қоронғи тушса, юриб бўлмайди. Бу ерда қолиб кетсак, у ёқда эрингнинг ҳоли не кечаркин?

— Марат, ке, қолайлик, — деди Анна унинг бўйнига осилганча илтижоли товушда. — Унинг олдига эрталаб борсак ҳам бўлади.

Муртазо Аннани аста ўзидан нари итарди.

— Йўқ, эрталабгача кутолмайди, совуқда қотиб қолади, — деди.

Улар тепаликка тушиб келишганда кўкда бирин-кетин юлдузлар чарақлай бошлаганди.

— Мен олдинроқда юраверай, сизлар ортимдан эргашасизлар, — деди Муртазо Аннани эрининг ҳузурига йўллаётиб.

— Бирга кетаверайлик, — деди Анна норози оҳангда.

— Уни кўргим келмаяпти, — деди Муртазо кўрсаткич бармоғи билан Аннанинг эри ўтирган томонга ишора қилиб, сўнгра орқа-олдига қарамай олдинга ўтиб, тез-тез юриб кетди.

3

Муртазо қишлоқда бировнинг кўзига кўрингиси келмай, эрта тонгдан тоғ томон йўл олди. У от устида, ўз ўй-хаёлларига ғарқ бўлганча, ичини тимдалаётган қандайдир ҳислардан халос бўлишга қанчалик уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмаганидан баттар хунобланиб

бораради. Гулбодом эгасининг кайфиятини ҳамиша зийраклик билан илғаб олади: мабодо, Муртазо ошиқиб-шошиқаётган бўлса у елдек учади. Ҳозиргидек дамларда бир текисда қадам ташлайди, Муртазонинг ўй-хаёлларига халақит бергиси келмаётгандек бўлади. Шу чоқ кимдир салом берди. От қулоқларини чимириб пишқиргачгина Муртазо бошини кўтариб қаради. Уч-тўрт қадам нарида елкасига хуржун ташлаб олган Мазбут муаллим турарди. Унинг ёнида яна уч киши бор эди. Уларнинг кийинишларию турқ-тароватларидан шаҳарлик ёинки кейинчалик шаҳарда ўтроқлашиб қолганлардан эканликлари кўриниб турарди.

"Буларнинг муаллимга қандай алоқаси бор экан?" — Муртазонинг хаёлига туйқусдан шундай фикр келди ва буни билиб олмоқчи бўлгандек ҳамқишлоғига тузукроқ сиғ солганди, унинг қандайдир ийманиброқ, нимадандир хижолатланиброқ турганини пайқади.

— Ҳа муаллим, каллаи саҳарлаб бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради Муртазо меҳмонларга атай эътибор бермай, салом беришни ҳам унутгандек.

— Уч чолга чиқмоқчийдик, Муртазо, — чайналди муаллим.

— Чукуригами? — дея Муртазо кесатиброқ савол ташлади.

Мазбут муаллим унинг сўз оҳангига эътибор бермади. У Муртазони болалигидан билади, мактабда унга дарс берган, устозлик қилган. Саноқул билан ёнма-ён бир партада ўтиришгани, Муртазонинг бўш-баёвлиги, ҳаммавақт алланарсадан чўчигандай бўлиб туриши Мазбут муаллимнинг ҳамон кўз ўнгида. Ҳозир унинг атай салом бермагани кўнглига оғир ботиб, дашном бериб қўймоқчи бўлди-ю, шу заҳотиёқ бунинг ўрни эмаслигини пайқаб, индамади. Мазбут муаллим ҳам бошқа қишлоқ ўқитувчилари каби кўзи пишиб кетган, шу маънода уни ҳақиқий руҳшунос деса бўларди. "Мана сизлар ҳозир мўмин-қобилгина бўлиб менинг оғзимга тикилиб ўтирибсизлар, — деганди у бир гал дарс пай-

тида ўз ўқувчиларига. — Кунлардан бир кун келиб сизларнинг ҳар бирингиз бошқа-бошқа олам бўлиб кетасизлар, неча марта турланиб-тусланасизлар, шунақа қилиб ҳаётни ўзларингга мослаб олмоқчи бўласизлар, ўшанда менинг сабоқларим ёлғонга айланиб қолгандек бўлиб кўринса, бунинг учун айбни мендан эмас, ўзларингдан қидиришларинг керак бўлади..." Ўқувчилик пайтларида Муртазо Саноқулнинг ёнидан бир қадам жилмас, унинг ҳифзу ҳимоясига, унинг кўмагига таяниб юраради. Бу иккаласининг кандиги битта шекилли, дейишса, Мазбут муаллим қулибгина қўя қолиб, сабийлик, тозалик уларни шундай бирлаштириб турибди, бора-бора икки қутбга айрилиб кетишади, аммо қайсиниси қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур этолмай турибман, ҳарқалай, Саноқулдан хавотир олмасаям бўлади, деганди. Саноқулнинг пишиқ-пухта, ўз йўлини топиб кетишига ишонч маъносига йўйишиб, ҳамма Мазбут муаллимнинг гапини маъқуллаганди. Мазбут муаллимнинг тахмину гумонларини чиппакка чиқармоқчи бўлишгандек, Муртазо билан Саноқул мактабни битириб, қурилишда ишлай бошлаганларида ҳам ораларидан қил ўтмади. Аммо анча кейин... барибир унинг айтгани бўлди. Улар иккаласи икки ёққа кетишди, Саноқул Кўктош от заводида отасининг отбоқарлик ишини давом эттира бошлади. Муртазо унинг синглиси Мавлудага уйланди-ю, шу-шу улар кам кўришадиган, кўришишсаям ўртада айтадиган гаплари тугагандек, тезгина хайрлашадиган бўлиб қолишди. Ошнасидаги ўзгаришлардан, унда аввалари кўрилмаган қатъиятдан, ишини эплаб кетганидан Саноқул қувонаётгандек бўлиб кўринса-да, аввалги Муртазога кўникканидан бундай ўзгаришлар туфайли қандайдир бегонасираб қолгандек эди. Улар бир-биридан тобора узоқлашишиб боришар, Саноқул синглиси тушгани учун Муртазога айтмоқчи бўлган гапини ҳам айтолмас, қолаверса бу ердан анча олис Кўктошда ўз иши билан банд бўлиб кетган эди.

Мазбут муаллим айни лаҳзада Муртазонинг ўша болалик чоғларини эсга олиб, оғир хўрсиниб қўйди-да:

— Чукуригаям, ўзимиз, шундай айланганиям, — деди унга ҳисобот бераётгандек.

Муртазо Мазбут муаллимга қилган муносабатидан ўзини қандайдир ноқулай аҳволга тушгандек ҳис этди. Шу боис, кичикроқ бўлсаям яхшилик қилиб қўймоқчи бўлгандай:

— Унақада сойнинг нариги бетига ўтиб олсаларингиз бўларкан, муаллим, — деди. — Йўл ўнғай, қийналмай кетасизлар.

— Биз ҳам шуни ўйлаб, у томонга ўтолмай ҳалак бўляпмиз-да, Муртазо, — деди Мазбут муаллим.

— Ана-а, кўприк қуриб қўйибмиз-ку, — деди Муртазо бу ерларнинг хўжайини ўзи эканлигини айтиб мақтаниб қўйгиси келгандек. Аслида, у ҳали эсини танимаёқ бу кўприк бор эди. Устидан юрганда оғочлари тоб ташлаган чиғирдай ғичирлашидан завқланиб, Мазбут муаллим болалигида жўралари билан гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга ўтгани ўтган эди. Ҳозир у Муртазонинг, қуриб қўйибмиз-ку, дея дабдурустдан катта кетишига ажабланди, айни дамда ўзи айб иш қилиб қўйгандек хижолат чекиб, эсанкиради.

— Фақат манави кўприкдан ўтмай тихирлик қилиб бошни қотиряпти-да, — деди Мазбут муаллим майдачуйда ашқол-дашқоллар солинган хуржун ҳам ортилган остидаги эшакни кўрсатиб.

Муртазо отдан тушиб, унинг югани жиловини эгарнинг қошига тортиб боглади-да, сўнгра кўприк устидан сойнинг нариги бетига ўтди. Ўша ерда ўтлаб юрган эшаклардан битта урғочисини қамчи билан ҳайдай-ҳайдай, бу томонга олиб ўтди. Эгалари яйдоқ ҳайдаб юборадиган бу жониворлар санқиликка ўрганиб қолишган, уззукун у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа ўтаверишни одат тусига киритишган, унча-мунча нарсагаям оёқ тираб тихирлик қилиб туришмасди. Бу жониворни кўриб туйқусдан Мазбут муаллимнинг ҳангисигаям жон ки-

риб қолди. У, Муртазо қувиб келган эшакка қараб ҳангради. Қувиб келинган жонивор эса устига тўқим урилган қардошидан орланибми ёинки ҳакалак отган нафс билан ҳанграшидан қўрқиб кетибми, ишқилиб, ўз тўдаси томон шаталоқ отди. Буниси ҳанграш баробарида устида ўтирган муаллимни ҳам унутди. Ўтишга юраги дов бермай турган кўприк ҳам кўзига кўринмай қолди. Зинғиллаганча кўприк устидан сойнинг у бетига ўтиб кетди.

Меҳмонлар бу ҳодисага аввал жиддий қиёфада қараб туришди. Боёқиш мезбон рўйхушлик беришни асти истамаётган эшагининг жиловини тортганича уни бир амаллаб тўхтатганида, улар беихтиёр тиззаларига ураура, қотиб-қотиб кула бошлашди.

— Қойил, қойи-ил! — деган хитоблар янгради.

Шундай бўлдики, меҳмонларнинг дилхушлиги учун бу "саҳна" атай ўйлаб топилгандек таассурот қолдирди.

Мазбут муаллим миннатдорчилик маъносида қўлини кўтариб силкитаркан, овозини баланд кўтарганича, Уч чолга чиқинг, булар менинг курсдошларим, деб қичқириб қолди. Кўприкдан битта-битта яёв ўтаётган Мазбут муаллимнинг курсдошлари ҳам унга кўрган-билган воқеаларингиздан айтиб берасиз, нимаики бўлса, сиз эл орасида юрган одамсиз, юрган — дарё, ўтирган — бўйра, кўп нарсаларни биласиз, сизни албатта кутамиз, дейишлари Муртазога, айниқса, ёқиб тушди. У фурсат топиб, албатта чиқиб боришга ваъда берди.

Мазбут муаллим меҳмонларни Уч чол чўққиси томон бошлаб кетди. Мазбут муаллим бу ерларнинг тарихини яхши билади. У, ҳатто, айни дамда Ёлғиз Қорабош паноҳ топган ғорда қадим одамлар тўсатдан совуқ тушиб, ер юзини муз қоплаган даврларда яшаганларини, биргалашиб ов қилиб, ҳаёт кечиришганини, гулхан ёқишни ўрганганларини ҳам исботу далилларигача қалаштириб ташлаши ҳеч гап эмасди. Унинг айтишига қараганда, Муз давридан аввалари ер юзи совуқ нималигини билмаган, ўз-ўзидан ўсиб, ўз-ўзидан ҳосил-

га кириб ётадиган дову дарахтлар, мўл-кўлчилик барчага етарли, шу боис лунги тутиб, гулхан ёқиб ўзини совуқдан асрашга эҳтиёж бўлмаган экан. Муз даври одамзодни ҳайвонот дунёсидан ажратиб олибди, унда онгни шакллантирибди, шунинг учун одамзоднинг ҳақиқий аждодлари айнан шу даврда пайдо бўлипти. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ экан, бўлиши ҳам мумкин эмас экан. У Рангонтоғ горида Муз даври ҳақида қимматли маълумотлар сақланиб қолганини яхши билсада, халқ орасида юрган ҳар хил миш-мишлару афсоналардан нарига ўтишни негадир хоҳламасди. Аслида, иложи борича, бировнинг қадамини ғорга йўлатмаслик учун ҳар хил ваҳимали миш-мишлару юракка қутқу солувчи афсонавий гаплар Мазбут муаллим учун айни муддао эди, негаки у қадами етган жойларда одамлар ҳаёт ҳақиқатларига доир барча нарсларни кунфаякун қилишга ўчликларини яхши биларди. Шунинг учун у Рангонтоғ ғорига яқинлашган одам бирон-бир фалокатга гирифтор бўлади деган гаплар беҳуда эмас дер, бу миш-мишларга ўзини астойдил ишонгандек кўрсатар, қўйинг-э муаллим, бу сизга ярашмайди, деган кесатиқларга эътибор бермас, миш-мишлару ҳар хил руҳлар, иблислар ҳақидаги ваҳимали нақллар билан халқ Рангонтог ғорини бус-бутун сақлаб келаётгани унга ёқарди, бу тилсимни бузгиси келмасди. У аллақандай ёлгиз бўрининг ғорда қўним топганини ҳам билар, бу ҳақда сўраганларга у бўрининг бежиз ғорга кирмагани, қандайдир ёвуз нияти бўлиши мумкинлиги ҳақида лоф-қоф урарди. Зокир булбул Бўздаланинг бўз қирида ваъда қилган учта ривоятнинг иккинчиси Она Бўри ва унинг Рангонтоғ ғорида одам зотидан ҳомила пайдо қилиб болалагани ҳақида бўлганидан кейин Мазбут муаллимга қандай қилиб бўлмасин ҳозир пайдо бўлиб қолган ёлғиз бўрига ҳам зиён-заҳмат етказмаслик учун баҳона қидириш фикри тушиб қолганди. Турли-туман ривояту асотирлар инсоннинг табиат олдидаги қўрқуви туфайли эмас, бурчи сабабли тўқилганига муаллим

қаттиқ ишонарди, у тоғу тошларни, оқаётган сувларни, майса-гиёҳларни ҳам муқаддаслаштиришни истарди, шундагина улар одамзод оёғи остида топталиб кетишидан сақланиб қолиши мумкин, дея хаёл қиларди. Ҳозир ҳам собиқ курсдошларига Уч чол чўққиси ҳақида тўлиб-тошиб бировлардан эшитганларини, эшитганлари ёнига ўзининг тўқиб-бичганларини тўлиб-тошиб гапириб бораркан, Муртазо бу чоқда ўрмон хўжалиги идорасига етиб келган эди. У отдан тушиб, энгарак олдида кетмон дастасига суянган кўйи нима қиларини билмай турган Шукур тоғага салом берди.

— Ассалому алайкум, Шукур тоға, — деди Муртазо этигининг қўнжига қамчи билан шапиллатиб ураркан.

— Ваалайкум ассалом, Муртазо, келдингми?

— Ҳа, келдим. Негадир ҳардамхаёлроқ кўринасиз?

— Шу-у...дарахтларнинг остига нима эксам экан, деб ўйлаб турибман-да.

— Ҳалиям ўша гапми?

— Ҳа, ҳалиям ўша гап.

— Беда-да, — деди Муртазо туйқусдан хаёлига келиб қолгани учун. — Беда яхши!

— Жи-им!.. Оғзингизни юминг, оғзингизни юминг! — Шукур тоғадек босиқ одам ҳам бирданига шошиб қолди. — Бу гапни ўртоқ Алиматуф эшитмасинлар!

— Ие, нега?

— Ие деманг, ие деманг! Бу кишидан олдинги бошлиғимизни сиз билмайсиз, у пайтларда бу ерда ишламасдингиз. Ҳавони тозалайди, деб теварак-атрофга нуқул беда эктирардилар. Ёз кунлари хоналарига кирмасдан бедазорда ёнбошлаб ётардилар. Алиматуф у кишининг ана шундайчанги одатлари борлигини эшитганларидан кегин, шу-шу беданинг ҳидидан ҳам хунибийрон бўлаверадилар...

Муртазо, тушундим, дегандай бош ирғаб қўйди. Кейин қамчи дастасини ҳавога нуқиб Шукур тоғадан:

— Ўзи шу ердами? — деб сўради.

— Шу ердалар, — деди Шукур тоға нимадандир чўчигандек теварак-атрофга олазарак назар ташлаб оларкан.

Муртазо бошлиқ хонаси томон кетди. Бошлиқнинг нимадандир хуноби ошиб, кайфияти бўлмай ўтирган экан. У бошини кўтариб Муртазога бир зум тикилиб турди-да, сўнгра истеҳзо аралаш:

— Келинг, бек, — деди.

Унинг бу тарзидан Муртазо малолланди.

— Бек деманг, — деди шартта. — Қулоғимизга азон айтиб қўйилган исмимиз бор.

— Исмингиз дуруст, — деди бошлиқ ўзини яйраётгандек кўрсатиб. — Бироқ, беклик ҳам яхши-да! Хизматда қуллар, ҳарам тўла жононлар. У ёқ-бу ёққа қарашнинг ҳам ҳожати йўқ, тогбегилик чикора!

Муртазо ғижинди. Битта-яримта қаттиқ гап айтиб юбормаслик учун лабини тишлади. Фақат:

— Қаёққа қарамабман? — деди тўмсайиб.

— Арчаларни одамлар кесиб кетишаётган эмиш. Ҳукуматимиз одам оёғи тегишини ман этган жойларда ўз уйларидагидек эмин-эркин юришганмиш.

— Улар кўкариб турган арчаларни кесишгани йўқ, — деди Муртазо босиқлик билан. — Қуриган шох-шаббаларни олиб кетишаяпти, ўтин бўлмагач, шуям ҳарнада.

— Уларнинг ўтин-пўтинини биз кафилликка олганимиз йўқ, — тўсатдан қичқириб қолди бошлиқ, чамаси, ўзини базўр босиб турган эди. — Ёз бўйи далада тезак уюлиб ётади, териб олишсин керак бўлса.

— Тезакниям қўйишмайди, қуриб улгурмаёқ саранжомлашади, — ади-бади қилиб ўтиришнинг фойдасизлигини яхши билган Муртазо бамайлихотир сўзлади. — Кўпчилик болалари катта-катта бўлиб қолгач, бундан номус қилишади-да.

— Номус қилишса мен бориб тезак териб берайми? — бошлиқ столга қарсиллатиб мушт туширган эди, шкаф устидаги кийик шохи агдарилиб тушаёзди.

— Бўпти-бўпти, — Муртазо, ғалва-ғишаваларинг билан жонга ҳам тегиб кетдинг-ку, дегандек қўл силтади. — Одамларни энди ўтингаям қўймайман.

— Қўйманг, хўжалигимизга қарашли тоғнинг тошигаям тегишмасин, — бошлиқ шу сўзларни айтаётиб Муртазога илкис савол назари билан қаради. — Дунёнинг чорак қисмига электр энергияси етказиб бериши керак бўлган электрстанцияси бу йил қуриб битказилишидан хабарингиз бор-а?

— Ҳа, шуям жуда аччиқ ичакдай чўзилди.

— Бу сизга ўтин териш эмас, — деди бошлиқ жиддий тарзда. — Беш йиллик режада қуриб битказилиши мўлжалланган эди...

— Беш йиллик режа ўтиб кетди-ку?

— Беш йиллиги ўтиб кетган бўлса, мана энди етти йиллигида қуриб битказамиз.

— Аввал беш йил дейишувди, энди етти йилга ўтдими?

— Давр тақозоси бу, давр тақозоси, — деди бошлиқ ҳамма нарсани биладигандек. — Янги Давр денгизини бир кўрсангиз эди...

— Унинг остида қанчадан-қанча қишлоқлар қолиб кетди дейишяпти.

— Қишлоқлар бошқа жойлардан қурилаверади, аммо бунақа улкан қурилишлар ҳамма замонлардаям бўлавермайди, — бошлиқ муддаога ўтди. — Энди шуни бу етти йилликда қуриб битказиш учун жамоатчилик томонидан ҳам маблағлар жалб этилаётган экан, бизнинг ўрмон хўжалиги жамоамиз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

— Мендан нима хизмат?

— Ярим ойлик маошингиздан шунинг учун ушлаб қолинади, билиб қўйинг дегандим-да.

— Ўзи ҳаммавақт ҳам ушлаб келиняпти.

— Энди сиёсатимиз шунақа-да, сиёсатимиз шунақа, — деди бошлиқ ўзини оқлаётгандек.

Муртазо кифт қисди. Кейин кетишга изн сўради. Дағдаға билан сўз бошлаган бошлиқ мулойимлик билан бош иргади.

Муртазо бошлиқнинг олдидан нохуш кайфиятда чиқди.

Шукур тоға тахта зинапоянинг бир четида ўйланқираб, омонатдай ўтирарди. Муртазо унинг ёнидан ўтиб кетаётиб:

— Картошка экинг, — деди бошлиқнинг олдидан шу масалани ҳал қилиб чиққандек.

Шукур тоға Муртазога анграйиб қараб қолди, унинг қиёфасидан бошлиқ билан бу масала хусусида бир огиз ҳам сўзлашмаганига ишонч ҳосил қилди-да, туйқусдан безовталаниб қолганича:

— Жи-им!.. Оғзингизни юминг, оғзингизни юминг! — деди қатъий огоҳлантирувчи оҳангда. — Ўртоқ Алиматуф эшитсалар сиздан ҳам, мендан ҳам хафа бўладилар.

— Нега энди у киши шундай яхши гапга ҳам хафа бўлар эканлар? — сўради Муртазо.

— Сиз Иваноф деган одамнинг бошлиқ бўлганини, манави олхўрилар ўрнида ўрус дарахтлари гуркираган замонларни эшитганмисиз?

— Эшитганман, хўш, нима бўпти?

— Ўша Иванофнинг, падари қусурнинг жиндаккина очиқ ерга кўзи тушдими, бас, картошка эктирарди. Сунбула, мезон ойларида менга атай олов ёқтирарди. Қўрға картошка кўмдирарди. Кўрда пишган картошка Иванофнинг жон-дили эди, ҳеч тўйдим демасди, ҳеч кўрдим демасди, баъдигаям урмасди. Алиматуф у кишининг ана шундайчанги одатлари борлигини эшитганларидан кегин...

Шукур тоғанинг қолган гапларига Муртазо эътибор бермай, у билан шоша-пиша хайрлашди-да, анча нарида ўглаб кетган Гулбодом томон юрди. Унинг тушовини ечиб, узангига оёқ қўйганида ҳам бечора қоровул

сару калавасини йўқотиб қўйган одамдай ўз-ўзича нималарнидир талмовсираниб ғулдирарди...

Муртазо отнинг сағрисига енгилгина қамчи урди.

Ҳаво шунчалик тоза, мусаффо эдики, бундай чоғда киши ўзини эмин-эркин қўйиб юборгиси, тўлиб бораётган юрагини кимгадир энг яқин кишисига бўшатгиси келади. Муртазо уйдан чиқдими — тамом, Мавлуданиям, ҳатто Ибодниям ўйламайди. Ўзини ёлғиз ҳис этади — тоғларда тентиб-тентиб юраверса, юраверса. У нималарни ахтаради, нималарни истайди — номаълум. У юрагида қат-қат тўпланган аламангизликни дуч келган нарсани тит-питисини чиқариб тарқатмоқчи бўлади, оғир ва қора хаёллар исканжасидаториқиши баттар ошса ошадики, асло камаймайди. Баъзан уйда ҳам ўзини тутиб туролмайди, сал нарсага пов этиб олов олади, қўлига илинган буюмни — чойнакми у, пиёлами, косами — фарқсиз отиб юбораверади, чинни идиш-оёқлар жаранглаб синаверади, бунга сайин жаҳолати ортиб у қутургандан қутураверади. Ҳатто уч-тўрт кунлаб ана шундай ўзида бўлмай, соқоллари ўсиб, кўзлари чақнаб юргач, тўсатдан юмшаб қоладию ўксиниб овқат-повқатгаям қарамай қўяди. Бу бебошвоқлик, торикиш нимаданлигини Муртазонинг ўзи ҳам тушунмайди.

Муртазо от бошини Уч чол чўққиси томон бурди.

Мазбут муаллим жўралари билан сой бўйида ўтиришган эди. Улар хонтахтага ўхшаган ялпоқ тош устига газета тўшаб "дастурхон" тузашган, унда уч-тўртта чапати, парраклаб тўғралган яхна гўшт, саримсоқпиёз, бир даста чукури бор эди. "Дастурхон"нинг ўнғайлиги, созлиги шу ерда эдики, киши энгашиб унинг устидан ул-бул олишиям, шу асно олди-қочди нарсаларни ўқишиям мумкин эди. Яримлаб қолган ароқ шишасининг бу иккинчиси ёинки учинчиси эканлигини Муртазо пайқади. Нега деганда, оғайниларнинг кайфлари хийлагина ошиб, баъзилари қизаришган, баъзилари бўзаришган, гап-сўзларини ҳам унчалик равон деб

бўлмасди. Муртазо отдан тушишга улгурмаганди, Мазбут муаллим ўрнидан дик этиб туриб унга пешвоз юрди.

— Э, келинг-келинг! — Мазбут муаллим уни анчадан бери кутаётганга ўхшаб мулозамат қилди. — Об-бо, Муртазожон-ей!

Муртазо меҳмонларга салом бериб:

— Қимирламанглар, кўрган кўришган, — деб, давранинг бир четига, Мазбут муаллим кўрсатган жойга омонатгина чўкди.

Мазбут муаллим нимадандир ташвишланиб, дарров бир пиёла ароқ қуйиб узатди.

— Ичмаганман, — деди Муртазо бош чайқаб.

— Олинг-олинг! — муаллим пиёлани унинг нақ тумшуғига келтириб қисталанг қилди. — Буни ҳар ким ҳам ҳар куни ичиб юргани йўқ-ку! Гоҳ-гоҳ бўлиб қоладида!

— Тўппа-тўғри! — меҳмонлардан бири Мазбут муаллимнинг гапини тасдиқлаб, бош ирғади.

— Мен-ку ичмайман, ароқхўрнинг ароқдир шевааси, менга бўлса бас бир яшик жигуловский пивоси, деган шоир, — деди бошқаси.

Улар кулишишди. Муртазо беихтиёр пиёлани қўлига олди. Шундан кейингина Мазбут муаллим меҳмонларни Муртазога, Муртазони меҳмонларга қайтадан, ўзининг ибораси билан айтганда, яхшилаб таништирди. Кимлардандир ва нималардандир негадир малоллангандек ўтирган оқсоч киши даҳрий экан. Аллақайси институтда ишлармиш. Институтлари ҳам ғалати эмиш. Неча-неча савлатли тепакаллар худодан нуқс қидириш билан андармон эмишлар. Бировга айтсанг ишонмасмиш, аммо ҳақиқатан ҳам шундай эмиш. Мазбут муаллим даҳрийни таърифлаб айтаётган сўзларидан шунақа хулоса чиқарилса бўларди. Сочи тўкилиб пешонаси яйдоқланиб қолган паст бўйли кўзойнакли йигит болалар газетасида ишлармиш, ёш шоирмиш, у ўзи билган ва эшитган барча ҳайвонлар ҳақида тўрт-беш қатордан шеър ёзганмиш, бу унга анча обрў келтирганмиш, шу-

нинг баробарида ўзини ҳам тиклаб олганмиш; хулласки, эндиги нияти ҳашаротлар ҳақида ёзиш экан. Буям муваффақиятли чиқса, аллақандай ёзувчилар союзига мошин учун ариза берармиш, кейин-кейин ишниям ташлармиш, яккаш ижод билан машғул бўлармиш, кўнгилочар жойларга борармиш. Ҳоло, дала ҳовли учун югуриб юрганмишки, у ёқда шеър ёзиш хийла осон кўчармиш.

Шоир анчагина шинаванда экан. У табиатдан ҳамиша домангирдай бўлиб юраркан.

— Эй номард, бўйдан қисганингдан сўнг сочдан бер эди-да, устига-устак кўздан ҳам ёлчитмадинг, — деб, ўзининг қусурлари билан бошқаларни кулдирмоқчи бўларкан.

Бошқалар ҳам ҳеч тап тортмай, ийманиб ўтирмай кулишаверараркан. Жа-а кулгиси келиб турганлар эса думалаб қолишгача боришаркан. Шоирнинг очиққўнгиллиги, болафеъллиги Муртазода ёқимли таассурот қолдирди. Шоирдан пастроқда, оёғини бемалол узатиб ётган қовунбош, қисиқ кўз меҳмоннинг ҳам касби кори бошқаларникидан кам эмас; билъакс, ўзининг ўйлашича, номи улуғ, супраси қуруқ паст-баланд маҳкамавий юмушлардан афзалроқ, сердаромадроқ эди. У тамаки фабрикасида ишлашини намойиш этаётгандек чиройли қутидаги олий нав сигаретдан пешма-пеш тутатар, кулганда жағ тишларигача қорайиб кетганлиги аён кўринар, бу кашандалиги билан унинг бошқа бирор жойда ишлаб кун кўришини тасаввур этишнинг ўзи анчайин мушкул эди.

Муртазо уларнинг касбу корларию ишлайдиган жойларига мутлақо қизиқмаса-да, шунчаки бош тебратиб қўяқолди.

— Танишиб ҳам олдиларингиз, — деди Мазбут муаллим мамнун оҳангда. — Қани, энди оқ қилинг!

Муртазо пиёлани кўтарди. Оловдай бир нарса унинг томоғини ёндириб, ичини қириб ўтди. Кўзига лоп этиб оташ урилди. Боши айланиб кетаёзди. Зум ўтмай алла-

қандай ёқимлиликни туйди. Шу боис, иккинчи пиёлани йўқ демай олди.

— Ароқнинг кучи зўр, — деди кайфи анча ошиб қолган шоир. — Шу ҳақда бир ривоят бор, эшитганмисизлар?

— Қани, қани, — ўнғайроқ ўтириб, эшитишга қулоғини шайлади даҳрий.

— Эски ашула, — беписанд қўл силтади кашанда. — Айтмоқчи бўлсанг қисталанг қилавермай шарт-шарт айт-қўй-да, — гапнинг оҳангидан унинг шоирга яқинлиги яққол сезилиб турарди.

"Бир подшо дориссалтанатда шароб ичишни тақиқлаб қўйган экан, — деб ҳикоясини бошлади шоир. — Кимки бир томчи нўш этса, боши кетади, дея фармон чиқарган экан. Мамлакат аҳли бу фармонга қандай амал қилаётганини сарой аъёнларидан сўраганда вазири аъзам ўрнидан қўзғалиб, бош эгиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, арзим бор эди, — дебди.

— Сўзла, — дебди подшо.

— Фақат бир кўр, бир чўлоқ ва бир кар ҳамон шароб ичишмоқда экан, — дебди вазири аъзам.

— Улар ҳукми олийни бажаришмаётганлигининг боиси не экан?

— Бу ёғи бизга қоронғу, шоҳим.

— Учаласиниям саройга келтиринглар, — буюрибди подшо, — хосхонага хонтахта тузаб, қирқ йиллик шаробдан қуйинглар. Улар ичишдан қандай маъни топишларини бир кўрайлик-чи.

Кар чўлоқни елкасига кўтариб, кўрни ортидан эргаштириб саройга кириб келишибди. Хонтахта атрофида чордана қуришибди. Чўлоқ косагул бўлибди. Май ичишга киришишибди. Подшо уларни махсус туйнукдан кузатиб турибди. Учовлон маст-аласт бўлишиб, бир-бирларига гал бермай суҳбатга киришибди.

— Бай, бай, — дебди кўр. — Шоҳимизнинг саройини пештоқлари ял-ял ёниб, кўзни қамаштиради-я!

— Ташқарига қулоқ тутинглар, — дебди кар сергакланиб, — боғдаги булбулларнинг чаҳ-чаҳи эшитилаётибди.

— Беҳуда гапларни бас қилиб, шаробдан қуйинглар, — дебди чўлоқ. — Йўқса иккалангни ҳам тепиб-тепиб ҳазратимнинг саройларидан қувиб чиқариб юбораман".

Даврадагилар қаҳ-қаҳ отиб кула бошлашди, айниқса, даҳрий ҳаяжонини босолмай нуқул:

— Зўр, зўр! — дея такрорларди.

— Майнинг кучи ана шунақа, — ўз ҳикоясига якун ясади шоир. — Одамнинг танасида кўмилиб ётган булоқларнинг кўзини очиб, уни яйратиб юборади. Қани, олдикми?

— Олдик!

Муртазо тишининг оқиниям кўрсатмай пиёланинг тубигача сипқорди. У шоир нималар деганини ҳатто эшитмадиям, қулогига узуқ-юлуқ чалинган гапларнинг унчалик фаҳмига бормади. Даҳрий буни пайқаб, ғаши келди. Муртазога юзланиб:

— Тогбеги укам, таркидунё қилган одамга ўхшамай мунда-ай кулишиб ўтиринг, — деди.

Муртазо унга очиқ нафрат билан қаради: нега, нима учун куларкан? Кулиш-кулмаслигига нега бу оқсоч худосиз хўжайинлик қилар экан? Муртазонинг тишлари ғижир бўлиб кетди. Пиёлани чангаллаб, кўтариб унинг башарасига отмоққа шайланган эди, Мазбут муаллим билагига маҳкам тармашиб олди. Даҳрийнинг ранги бўздай оқариб кетди. Бошқалар ҳам вазиятни янада чигаллаштириб юборишдан қўрқишиб, миқ этмай қолишди.

— Менга аввал димог билан қарашган художўйлар ҳам кейин салом беришган, — даҳрий тили базўр айланиб негадир даврага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган гапни айтди.

Унинг бу даъвоси тоғбегини баттар қутуртириб юборади, деб ўйлаган даврадошлари тилингни ютиб ўтир-

санг бўлмайдими, дегандай алайно ошкор норозилик билан унга қарашди.

Муртазо индамай ўрнидан турди-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб Гулбодом томон юрди.

— И-и-и, Муртазо, қаерга? — Мазбут муаллим каловланиб шунчаки кўнгил учун сўради.

— Ҳали тузук-қуруқ гаплашолмадик ҳам-ку?! — шоирнинг сўзида самимийлик мавжуд эди.

Даҳрий ҳам нималардир дея ғудранди. Муртазо эшитмади. Унинг боши ғувиллаб, кўз ўнгидаги нарсалар чирчир айланди. Эгарга беҳол суяниб қолди. Гулбодом безовта кишнади. Муртазо амаллаб эгарга ўтирди. Отнинг биқинига оёғи билан ниқтади.

У от устида чайқалиб-чайқалиб бораркан, бутун борлиғини қандайдир қора куч забт этаётганидек бўлар, қамашиб кетаётган тишлари орасидан:

— Ҳеч ким йўлимни тўсолмайди, ҳеч ким, — деган узуқ-юлуқ сўзлар уваланиб тўкиларди.

Яна хаёлига шу лаҳзада Раҳмон, ўзининг мўминқобиллиги келди.

— Энангни, — деб сўкинди.

Гулбодомнинг сағрисига аччиқ қамчи ботди. От елдай учди. Кўнгли ағдарила-ағдарила уйига зўрға етди. Отни боғлашга ҳам ҳоли келмай, аёлини ўғлининг номини олиб чақирди:

— Ибо-од! Ай-й, Ибо-од!..

Тўзгиб кетган сочларини дуррасининг остига тиқатиқа Мавлуда калишчан югуриб чиқди. Эрининг бир сару ҳол бўлиб, оёқда зўрға турганини кўриб эсхонаси чиқиб кетаёзди.

— Сизга нима бўлди, Ибод? — дея олди.

— Отни боғла-а, — Муртазо фармойиш бераётганида Мавлуданинг димоғига гуп этиб қўланса ҳид урилди, кўнгли ағдарилиб, оғиз-бурнини рўмолининг учи билан пана қилди.

— Ҳа-а, ёқмадими? — пишиллади Муртазо. — Ичдим! Ичиб келди-им...

Мавлуда индамай Гулбодомни таблага етаклади.

Муртазо чайқала-чайқала уйига кириб кетди. Этигинигина базўр ечиб, кўрпа устида узала тушиб ётдию тарашадек қотди.

Мавлуда отни боғлаб, охурга бир қучоқ қуруқ хушбўй беда ташларкан, тўлиқиб келаётган кўз ёшларини тиёлмади. У охур ёнидаги устунга суянганича йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари юзини беркитган кафтлари орасидан сизиб чиқар, мўъжаз елкалари силкинарди. Гулбодом катта-катта кўзларини йилтиратиб унга қараб қолганди. Мавлуда узоқ вақт шу кўйи туриб қолди. От депсинди, кишнади — у охурдаги бедага қайрилиб ҳам қарамаганди.

Аёл кўзларини енгига артиб, отнинг ёлини бармоқлари билан таради: "Гулбодом айт, нега бундай бўлиб қолди? Биласанми, Гулбодом менга азоб берсаям, урсаям, мен уникиман. Уники бўлиб қолишни истайман. У эса... у эса... Нега бундай бўлиб қолди, Гулбодом? Кўзларининг туб-тубида ҳамон ўзимга таниш Муртазони баъзан кўргандай бўламан-у, у дарров қаёққадир йўқолиб қолади. Чунки, ҳозиргиси илгаригисига ўрин бермайди. Ёвуз бўлишни, қаҳри қаттиқ бўлишни мақсад қилиб олгандай. Шуни сен ҳам биласанми? У мени ҳам, Ибодни ҳам, сени ҳам ўйламаётгандек. Зора, айтаётган гапларимнинг тескариси бўлса эди. Унинг фикри ёди ёвуз бўлишда, ёвуз бўлишда. Оҳ, қанчалик қўрқинчли-я?!"

Гулбодом ҳамон қимир этмай турарди. Мавлуда кўз ёшларини арта-арта уйга кирди. У усти бошиниям ечмай ётган Муртазога бир муддат тикилиб туриб, раҳми келди. Нега энди у ўзини шу кўйга соляпти? Қанийди, кўнглидаги борини худди илгаригидек кўзлари айтиб турса эди.

Мавлуданинг ёноқларидан ёш думалаб эрининг устки кийимларини зўр-базўр ечиб ола бошлади. Муртазо уйқусираганча уни силтиб ташларкан, қовжираган товуш билан:

— Сув келтир, — деб буюрди.

Муртазо яна юмилиб кетаёзган кўзларини базўр очиб, илкис чўчиб тушди. Унинг ҳозир кўргани гўёки ўша, қиш куни булоқдан сув олиб чиқаётган Мавлуда эди! Қизнинг юзлари ловиллаб турар, яхшироқ ўраниб олинг, деяётгандек бўларди.

Муртазо у Мавлудани аниқ кўрди, бироқ, ўзига қайтолмади, зум ўтмай:

— Нималарни ўйлаб ўтирибман, — дея гудрандию ютоқиб-ютоқиб сув ичгач, яна ўрингa ўзини таппа ташлади.

Мавлуда тиззаларини қучоқлаб анча ўтирди. Сўнгра унинг ҳам кўзи илинди.

Муртазо уйғонганида ярим тун эди. У бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслай бошлади. Қандайдир қора хаёллардан безовталаниб, ўрнидан туриб кетди. Зирқираб оғриётган бошини чангаллаганича тўшак устида ўтириб қолди.

Мавлуда Ибодни багрига босганича ухлаб қолган, нафас олаётгани ҳам сезилмасди. Шу лаҳза Муртазога дераза рафида кимдир биров ўтиргандек туюлди. Бошини туйқусдан кўтариб қарадию қўрққанидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Дераза рафида, дарҳақиқат, от юз, қирра бурун, кўзлари чақчайган бир кимса бемалол ялпайиб ўтирарди. Унинг усти боши ҳам, чамаси, қуюқлашган зулматдан бичилган, кўзга ташланмас, гавдаси тун билан қориштириб юборилгандек эди. Муртазонинг тилига калолат келганча нафаси ичига тушиб кетди. Унинг бу ҳолига син солиб турган ҳалиги кимса оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди:

— Қўрқма, Муртазо, — деди унинг номини атаб, шу билан бирга кўнглига таскин берувчи аллақандай бир оҳангда. — Юрагинг чиқиб кетишини ўйламаган эдим.

— Кимсан? — Муртазонинг тили базур айланди.

— Исмоилман.

— Қайси Исмоил?

— Сенинг ҳамкасбинг, овчи Исмоилман. Она Бўкангга ўқ узиб, бадар кетганимча ҳеч кимнинг кўзига кўринмаганман...

— У ҳолда нега бу ерда ўтирибсан? — Муртазо ўзини Исмоил деб таништирган кутилмаган меҳмоннинг тахтакачдек юзини қоплаган чуқур-чуқур ажинларгача аниқ-тиниқ кўра бошлади.

— Шубҳанг ўринли, — деразанинг эни базўр бир қарич келадиган рафига янада ўрнашиброқ ўтириб олган киши бу сафар ниҳоятда осойишта, одамнинг кўнглидан ҳар қандай шубҳа-гумон, ҳадикларни қувиб юборадиган бир оҳангда сўзлай бошлади. — Тўғрироғи, мен Исмоилнинг вужудида вақтинчалик маскан тутган Ёвузлик Руҳиман.

Ҳукмдай янграган сўнгги жумла Муртазони сескантириб юборди. Гап нимада эканлигини қалбининг бир четида ғира-шира англаётган бўлса-да, индамасликка қарор қилди.

— Юрагингдаги хуфиёна ниятларингдан анчадан буён хабардорман, — учириқ қилди Ёвузлик Руҳи.

— Менинг юрагимда ҳеч қандай хуфиёна ният йўқ, — тўнғиллади Муртазо унинг беандишалигидан жаҳли чиқиб, Ёвузлик Руҳи шу лаҳзада Мавлуда Гулбодомга айтган сўзларни бошқачароқ тарзда такрорлади:

— Шошма, шошма, — деди бамайлихотирлик билан. — Мен ҳам ошиққанга ўхшайман. Дарвоқе, юрагингда тош бўлиб ётган нарсанинг нима эканлигини ўзинг ҳам яхши билмайсан-ку? Бироқ, ҳамма сенга бўйсунишини исташингни, шаънингга айтилган бир оғиз ҳам ортиқча сўзни кўтаролмаслигингни тан олмай шложинг йўқ.

— Мен... — Муртазо энди оғиз жуфтлаётган эди, киши гапиргани қўймади, қоқшол қўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Сен бўйсунишнинг, буйруқларнинг, ортиқча сўзларнинг жаврини хўп тотигансан, айниқса, Раҳмонни унутолмайсан.

— Раҳмонни ҳам танийсанми? — ҳайратдан анг-танг бўлиб қолган Муртазо ўзини тўхтатолмади.

Киши хириллаб кулди.

Унинг кулгиси ёғли оғочга солинган арранинг товушига ўхшаб чиқди.

— Нега танимай? — деди ажаблангандек кифт қисиб. — Сенинг тақдирингга уни йўлиқтирганим учун мендан миннатдор бўлишинг керак.

— Аблаҳ!.. — Муртазонинг тишлари гижир бўлиб кетди, нафрат билан секингина пичирлади, бироқ ўз шаънига айтилган номуносиб сўзни тунги меҳмон эшитганди, унинг кўзларидан ноаён тусдаги учқунлар сачради.

— Эҳ-ҳа! — деди пихиллаб. — Раҳмону Раҳмонга ўхшаганлар сингари сен ҳам бунчалик майда, пасткаш бўлмасанг. Мен улардан фақат ўз ниятимга эришиш йўлида фойдаланаман, холос. Бу сенга ғалати туюлар. Лекин, тузукроқ ўйлаб кўрсанг, ҳеч қандай ажабланарли томони йўқ. Бундай робиталарда юрак бўлмайди. Менинг номим қанчалик мудҳиш бўлмасин, юраксизларни сариқ чақага олмайман. Э-ҳе... не-не султон-салотин, хоқон-ҳавоқинларни измимда тутганман, уларни буюк ишларга ундаганман. Сени қара-ю, қандайдир Раҳмон туфайли мендан аччигланиб ўтирибсан-а.

— Гапларинг рост бўлса, — деди Муртазо беихтиёр унинг суҳбатига берилиб кетиб. — Наҳотки, ўша улуғ ишларни амалга оширганлар ҳам Раҳмонлардан жабр кўрган бўлишса?!

— Албатта-да, — деди Ёвузлик Руҳи бу хитобни ҳам босиқлик билан айтиб. — Инсон юрагида ўч туйғуси бўлмаса, у мукаммалликка эришолмайди.

Муртазо ўйланиб қолди.

Қайгадир маҳв бўлган қўрқув ҳисси бу оғир сукунат аро яна унинг юрагини чирган тумандай чулғай бошлади.

— Мендан нима истайсан? — деб сўради у овози қалтираб.

— Сенинг вужудинг ва юрагинг ҳориқулодда куч-қудрат билан йўғрилган. Буни қисқа муддат мобайнида анча-мунча муваффақиятларга эришганингдан ҳам билса бўлади. Кечагина саломингга алик олмай, назар-писанд қилмай юрганлар бугун соянгга қуллуқ қилишаяпти; бунинг боисини наҳотки англамасанг? Буларнинг барчаси юрагингда ниш урган ёвузлик туфайлидир! Ёвуз бўл, ёвуз бўл! Янада қудратвор юксакликлар маснадингга айланажак. Замину зироат, ҳаттоки, само пойингга тўшалажак! Хотининг ва ўғлинг юрагида меҳр-муҳаббат, шафқат шунчалик тўлиб-тошиб ётибдики, ростини айтсам, ҳатто менинг ҳам уларга раҳмим келади. Кучсиз муҳаббат ва шафқатнинг кули кўкка соврилиб кетмаслиги учун ҳам ёвуз бўл. Бора-бора улар ҳам сендаги улуғ ҳаёт нашидасидан сура бошлайди. Ўшанда кун билан туннинг, оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг, эгри билан тўғрининг фарқи қолмайди. Ахир, нима кераги бор бундай фарқ-сарқларнинг? Тўғримасми? Баъзан мунаввар қуёш порлаб, мен зулматга эриб кетаётгандай бўламан. Ўша лаҳзаларда тўкин-сочин шуълалардан масту мустариқ кимсалар аслида бунинг сароблигини қайдан билишсин?

Унинг қатъият билан айтаётган сўзларини эшитишга Муртазода ортиқ тоби тоқат қолмади.

— Шошма, — деди унинг кўнглидагиларни ўз вақтида илғаб олаётган Ёвузлик Руҳи. — Мен бошинг устида қузғундай кезаётган бало-қазоларни даф айлагувчи бир гап айтаману кетаман.

— Айт, айтарингни.

— Сен ўзингдан, илгариги занчалиш, эзмачурук Муртазодан ўч олиб яшасанггина ҳаётинг маъно-мазмун касб этади...

— Нималар деяпсан?! — хитоб қилди бирдан Муртазо тунги меҳмоннинг бунақа мулоҳазалари қаршисида лол қолиб. — Барибир...

Муртазо оғзидаги гапини тугатишга улгуролмади. Уйғониб кетган Мавлуда беихтиёр чинқириб юборди. Уни

эрини ойнинг заиф шуъласи тушиб турган деразага қараб тинимсиз сўзлаётгани, ҳеч қандай овоз эшитилмаса-да, баъзан қулоқ солаётгани ҳаддан ташқари қўрқитиб юборганди.

Муртазо сапчиб тушиб ўгирилди.

— Нага додлайсан? — деди зўргатдан, томоғи қуруқшаб.

— Қўрқиб кетдим.

— Ие, нимадан қўрқасан?

— Ўзингиз билан ўзингиз... гаплашаётибсиз...

— Босинқирабман, — деди қаҳр билан Муртазо. — Шунга шунчами?

Шундай дея, дераза рафига кўз қирини ташлади. Дераза рўпарасига келиб қолган ой хонаға мўл-кўл шуъла сочарди. Муртазо бошини ёстиққа ташлаб, кўзларини юмди. Унинг юраги кўксини ёриб чиққудек тепарди. Бир зумдан сўнг у қаттиқ уйғуга шўнғиди. Тушпуш кўрмади. Ҳаммадан ҳам ажабланарлиси, эртаси куни тунги меҳмон ҳам, у билан бўлиб ўтган суҳбат ҳам ёдидан буткул кўтарилиб кетди.

Учинчи боб

1

Қиш охирлай бошладими, бас, Рангонтоғнинг ортидан маччойилар[1] тепаликлар оша сурув-сурув қўй ҳайдаб келаверишади. Маччойилар ўз урф-одатларини, удумларини қаттиқ ушлаган, таваллуд топган юртларидан бир қадам ҳам жилишни хоби хотирига келтирмайдиган халқ. Улар тоғ ёнбағирликларидаги девори тошдан тикланган, томига чим бостирилган ғарибгина кулбаларда тугилиб, бандаликни ҳам шунда бажо келтиришади. Йўқ, йўқ, уларни ўз ҳаётларини яхшилашга

[1] *Маччойилар* — мастчоҳликларнинг бузиб талаффуз этилиши. Мастчоҳ — мачити чоҳ, яъни пастдаги, қуйидаги мачит деган маънони англатади.

интилмайдиган дангасаю худо урганлардан экан-да, деган хулосага келиб қолувчи мулоҳазага изн бермаслик керак. Бир гал, маччойиларга ҳам сон тегсин, мундай одамга ўхшаб яшасинлар, дебми ёинки бошқа мақсад-муддаони кўзлабми, ишқилиб, уларни чўлга — пахтакор районларга кўчирадиган бўлишди. Кўп андишаю мулоҳазалардан сўнг маччойилар йўқ дейишга ҳар томонлама ҳуқуқ бермайдиган бу таклифга базўр кўнишди. Шундаям, худди тогу тошларини биров ўғирлаб кетадигандай асосий халқ ўз қўналға-мўлтажоларида қолишиб, бир қур қариндош-уругларини у ёққа жўнатишди.

Аёнки, чўл деган жойда одамларнинг юртиниям, уларнинг қаёқдан келишганиниям, инсоний расм-русумларини ҳам билиб бўлмайди. Шунга қарамай, ҳукумат қуриб берган оппоқ бинолар, ҳовлилар бинойидек эди. Маччойилар аввалига бу гамхўрликлардан жуда мутаассир бўлишди, умрлари ит ётиш, мирза туришда ўтган битта-иккитасининг ҳатто кўзига ёш ҳам қалқди. Улар силлиқ деворларни қўллари билан пайпаслаб кўришди. Бу уйларда икки-уч кун яшагандай ҳам бўлишди. Тўртинчи кун улардан ном-нишон ҳам қолмади, ҳай бор, ҳайдар йўқ, жуфтакни ростлашибди. Тош кулба бўлсаям, совет ҳукуматининг муборак пойқадами тузук-қуруқ етиб келмаган бўлсаям, киндик қонлари тўкилган ёнбағирликлар тузук экан. Оч қолишмайди, қўй боқишади, мол туёғини кўпайтиришади, кунларини бир амаллаб ўтказишади. Энг муҳими, кўнгиллари тўқ.

Маччойилар икки-уч кишилашиб Бошқайнар, Ўртақайнар, Яккабулоқ, Галабулоқ, Кўрбулоқ деб юритилувчи адирлардаги қатор қишлоқларга йилда бир марта сотгани қўй-қўзи олиб келишади. Ўртақайнарга ҳар гал Шомамат ва Шосаид исмли йигитлар келишарди. Уларнинг ёшлари ҳам бир-бирларидан фарқ қиладиганга ўхшамас — чамаси, ўттиз бешларни қоралашган эди. Қовоқларининг чуқур-чуқурлиги, ёноқларининг

ичига ботганлиги ҳам бир хилда эди. Уларнинг ҳар иккаласиям оғиркарвон, ҳар иккаласиям кетмоннусха соқолларини беҳад ғовлатиб юборишгани боис қирқ-қирқ бешларни уриб қўйгандай кўринишарди. Бир кўзи тушган одамда дунё кўрган оқсоқоллардай таассурот уйғотиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Убайдилла чавандоз тогбегилигида уларнинг қўйларини одамларга сотиб берар, икки-уч кунлаб қолиб кетишганда ҳам ҳеч малолланмай уйга олиб бориб меҳмон қиларди. Кетар чоғларида улар ҳам тантилик қилишарди, чавандознинг унамаганига қўймай, текинга иккита-учта қўзи ташлаб кетишарди.

Бир гал чавандоз Муртазони олиб уларнинг қишлоғига меҳмондорчиликка борди.

Шомамат ва Шосаидларнинг уйлари ёндош экан, боз устига қариндошликлари ҳам бор экан, бир-бирларига холавачча бўлишаркан.

Ўртақайнарда-ку меҳмон деса одамлар жониниям беришга тайёрлиги бор гап.

Шундай бўлса ҳам, маччойиларнинг меҳмондўстлик одат-удумлари Муртазони тамоман ҳангу манг қилиб қўйди.

Улар меҳмоннинг ёшию насл-насабини фарқлаб ўтиришмас, ким келсаям уйнинг тўрига, қалин кигиз гилам устига ўтқазишиб ўзлари ундан пастроқда жой олишарди.

Бу удумни соқоли кўксига тушиб, ёши юздан ошган маччойи ҳам бузмасди, меҳмон эварасининг тенгтўши бўлсаям ундан пастда ўтирарди. Мабодо, борди-ю қавми қариндошларидан битта-яримтаси сал ҳаяллаб кириб келиб қолса, мезбонларнинг ҳаммаси ўринларидан туришиб меҳмон қаршисида — пойгаҳда тик ҳолда тизилишади. Шундаям меҳмонни қимирлашига йўл қўйишмайди. Мезбонлар икки букилишиб:

— Хуш кўрдик азиз меҳмон! — дейишгандан сўнггина ҳаяллаброқ келган одам меҳмон билан қўшқўллаб кўришади.

Ўша борганларида Убайдилла чавандоз билан Муртазони Шомамат ва Шосаиднинг қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари уй-уйларига судрашиб бир ҳафтагача қўйиб юборишмаган эди. Уларнинг деярли барчаси кўп гапирмас, диққат билан индамай тинглаб ўтиришар эди.

Муртазо тоғбеги бўлганидан буён Шомамат билан Шосаид энди қўй ҳайдаб келишлари эди. Қўйларни тоғ этагидаги эски қўтонга қамашди.

Қишлоқдан қўй-қўзилардан харид қилиш учун одамлар чиқиб кела бошлашди.

"Беш-олтита қўчқор бўладиган қўзилардан олиб қўйсам зиён қилмас, — деб ўйлади Муртазо. — Янаги йил Ибоднинг тўйига асқотади. Оқ бўканлар гўштидан маърака қозонига солиб бўлмас. Оғзига кучи етмаганлар шуниям гап қилишади".

Шомамат унга саккизта қўзи ажратиб берди. Муртазо қўярда-қўймай уларнинг пулини тўлагач, яна иккита қўзини ўзларининг ҳисобидан қўшишди.

Муртазо қўзиларни ҳовлига ҳайдаб келганида Ўрозмат ака хурсанд бўлди.

— Бу ишинг дуруст, — деди юзидаги мамнунлик ифодасини яшириб ўтирмай. — Оқ бўканларни энди отмасанг ҳам бўлади.

Кейинги сўздан Муртазонинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.

— Мен отмасам ҳам барибир йиртқичлар қийратиб кетишади, — деди тўнғиллаб.

— Сен йиртқич эмассан-ку, — Ўрозмат ака уни ўйиб олди. — Йиртқичнинг насибаси одамга озуқ бўлолмайди.

Муртазо индамади. У фақат ичида негадир ғижиниб қўйди. Мавлудага дарвоза ёнидаги қўйхонани тозалашни, унинг кўча томонидаги туйнугини беркитиб, шувоқ қўйишни тайинлаб чиқиб кетди.

Кечқурун Шомамат билан Шосаид Муртазоникида меҳмон бўлишди.

... Муртазонинг нияти катта эди.

У эски-туски, олдинма-кейин қурилганидан бир-бирига ёпишмай, кўзга хунук кўриниб турган уйчаларни бузиб, ўрнига уч-тўрт хонали, пешайвонли, киройи кўрса-кўргулик уй солишни мўлжаллаганди.

Бу ҳақда отасига сўз очганди, Ўрозмат аканинг туси ўчиб кетди.

— Сенинг кўзингга хунук кўринаётган уйларни минг азоб билан тиклаганман, — деди у. — У вақтларда бу ерга сув чиқмаганди, эшакмиядан бўлак ўсимлик ҳам ўсмасди. Булоқдан мен эшакда сув ташиб, лой қорганман.

Муртазо буни биларди. Аммо айни дамда отасининг муддаоси не эканлигини англолмади. Нимадир демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаётганида Ўрозмат ака ўзининг кўнглидагини бир оғиз сўз билан айтди-қўйди:

— Чеккан машаққатларим зое кетганини кўзим тириклигида кўриш мен учун қанчалик огирлигини ўйламабмидинг, болам?!

— Ибоднинг тўйини шу каталакларда ўтказаверамизми? — деди Муртазо шанғиллаб, бу сўзлар Ўрозмат акага қанчалик оғир ботишини ўйлаб ҳам ўтирмай.

Ўрозмат ака кўкариб кетди:

— Ўзинг қайси кошонада туғилиб, бир думалаб одам бўлиб қолгансан? — деди бўғиқ товушда. — Тўйни таомил бўйича уйда эмас, кўча-кўйда ўтказиш керак аслида.

— Бир камим шу қолувди.

— Чамаси сен тўйдан ҳам кўра қўноқларга уйингни кўз-кўз қилиб қолишни истаяпсан, шекилли.

— Ҳа, шуни истаяпман! — Муртазо бақириб юборганини сезмай қолди.

— Бас!

Ўрозмат аканинг ана шу кескин товуши уни тўхтатиб қолди.

— Янги уй солмоқчи бўлсанг, солавер! — Ўрозмат ака ваража тутгандай қалтираркан, бирор кори ҳол юз беришидан қўрқиб, нуқул калимаи истиғфор ўгирар-

ди. — Ана-а, ҳовли кенг, жой етиб ортади. Иморат дегани оғизнинг ҳоври билан битадиган иш эмас. Ҳали ёғоч керак, ҳали тош керак... Устаям бир-икки айтган билан келавермайди, нархиям осмонда.

Шундай деб, Ўрозмат ака нари кетди. У ўз-ўзича бош чайқаб, нуқул:

— Афсус, афсус, — деганича бир сўзни ғайриихтиёрий равишда қайта-қайта такрорлагани такрорлаган эди.

...Муртазо барибир ўзининг айтганидан қолмади. У аллақаёқлардан ит азобида бир-икки мошин ёғоч топиб келди. Пойдевор учун тоғдан тош келтириш ҳам осон кўчмади. Унинг соқоллари ўсиб, кўзлари кириб кетди. Ёноқлари ўпирилиб тушди.

— Ҳа-ай болам, ўзингни аягин, — деди аяси бир гал куюнганча. — Кўпчилик бўлганларингда ҳам бошқа гап эди, ёлғиз ўзингсан, бир йил ул-булларини олиб йиғингин, янаги йил қураверасан.

— Янаги йил тўй қиламан, тўй, — бақириб берди Муртазо. — Ўттиз йилдаям тузукроқ бирорта уй солиб қўймаганларингдан сўнг албатта мен қийналаман-да!..

Онанинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. У, ўғлининг қалбини ўзига ҳам, эрига ҳам нисбатан мудҳиш бир хаёл чулгаганини элас-элас ҳис этди.

Муртазо бир-икки ҳафтадан сўнг уста Аҳмадникига борди. Бу устанинг ўзига яраша бойғозилиги, инжиқлиги, шунча фазилатлари камлик қилаётгандек устига-устак мужмаллиги Муртазога беш қўлдай аён эди.

Начора?

Ўртақайнарда бундан бўлак қўлига теша ушлаб ақалли битта михни ёлчитиб қоқадиган мардумни кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Бу касбу корнинг этагидан тутаман деганлар албатта уста Аҳмаднинг оқ фотиҳасини олмоқлари даркор. Уста Аҳмад қурғурнинг тилидан эса негадир фотиҳа ўрнига ҳамиша қандайдир сўкиш ёгилади. Шу боисданми, бировнинг этагидан тутишга эҳтиёжмандлар ундан нари юришади. Битта-

яримта билмай туриб унга яқин келиб қолганлар эса фотиҳанг ўзингга сийлов дегандай жуфтакни ростлашади.

— Бу лаънатиларнинг қуйруғи бир тутам, — тутақади уста Аҳмад. — Тутқазмайди, тутқазмайди! Сал қийнасанг қорасини кўрсатмайди. Булутнинг сояси юк бўлиб, остона тепа бўлиб кўринади-ёв бу лаънатиларга! Ҳе-е сенларни туққанни...

Бошқа қишлоқнинг усталари Ўртақайнардан халфаликка одам олгудай бўлишса, уста Аҳмад атай боради. Бора-боргунча чарчайди, асаблари ҳам оби-тобига келиб бузилади, шундан сўнг бағри кенг устознинг энасини нақ Учқўрғондан кўрсатиб юборади.

Бошқа қишлоқларнинг усталари ҳам Ўртақайнарга уй солишга келишолмайди. Келишади-я, келишади! Қани, келишсин-чи? Уста Аҳмад Бўздаланинг қоровултепасига чиқволиб, Мутал жарчидек овозини баралла қўяди:

— Қишлоғингда нон топилмадики, энағар, бегона жойга келасан, — деганича бегона устани ўз ишини ташлаб кетишга мажбур қилади.

У овозини пешлашни ҳовлисидаям давом эттиради:

— Уста Аҳмаднинг бетига оёқ қўйгунча ўл қўй-да, сийнингни...

Айюҳаннос солавериб ахийри ўзи ҳам ҳолдан тояди. Келганниям қочириб юборади.

Муртазо кириб келганида у кафтдеккина ҳовли ўртасидаги эшак олма остидаги сўрида кўк чой ичганча ёнбошлаб ётарди. Салом-аликдан сўнг Муртазо таклифни кутиб ўтирмай сўри қирғоғига омонат чўкди. Гапни чўзмай индаллосига кўчиб қўя қолди. Уста Аҳмад, кутилганидек, Муртазога ҳам одатдаги нозини қилди.

— Устадан кўпи борми, мунча менга ёпишасизлар, ука-а, — деди кўзини подадан қайтган сигир кириб келаётган дарвозадан узмаган ҳолда. — Ҳо-ой, лаънатилар, сигирни боғлаб қўйингла-ар, — деб бақирганига

уйдагилари парво қилишмагач, Муртазо ҳам унинг нозу истиғноларига бепарво қарашга аҳд қилди.

— Йўқ, Аҳмад ака, сизга уй солдираман деб ният қилиб юрувдим, — деди, кўнглидан, сендай итга куним қолиб ўтирибди-я, деган фикр кечди.

— Сизлар шунақа, вақти бор-йўқлигини ҳисобга олиб ўтирмайсизлар, ўзларингча ният қилиб қўяверасизлар, — деди уста Аҳмад башарасини тириштириб.

Муртазонинг вужудига ўт туташиб кетгандай бўлди. Бироқ, начора — ўзини босишга мажбур!

— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Энди-и Аҳмад ака, — деди Муртазо, — биз ҳам қараб турмасмиз, бирор оғир кунингизга ярармиз.

Уста Аҳмад унга олайиб қаради:

— Аввалоси, у кунлар келмасин, ука, келсаям худога шукр ярайдиганлар бор, — дея сасигач, сал-пал юмшагандай бўлди. — Одамни ҳоли жонига қўймайсизлар-да.

Муртазонинг чеҳраси ёришди.

— Айтинг, асбоб-анжомларингизни олиб кетаверай, — деди ўрнидан туришга чоғланаётиб.

— Ҳо-ой лаънатилар, халтани олиб чиқинглар, — деб қичқирди уста Аҳмад.

Ўн икки ёшлардаги рангпаргина бола теша, ранда, арра ва яна қандайдир ашқол-дашқоллар солинган халтани анча ҳаяллаб судраб чиқди.

— Олиб кетавер! — деди уста Аҳмад Муртазога халтани кўрсатиб. — Эрталаб оқ чой[1]ни сеникида ичамиз.

— Албатта, — деди Муртазо халтани кўтараётиб.

Унинг бу тарзи уста Аҳмадга ёқинқирамади:

— Насиб этса, — деб қўйди қовоғини уйиб.

Хайрият, эртаси куни уста Аҳмад ваъдасига вафо қилиб Муртазоларникига кириб келди.

У тезда ишни бошлаб юборди. Ёғочларни бир-бир кўздан кечираркан:

[1] *Оқчой (шева)* — сутчой.

— Булар қанақа ёғоч ўзи? — деди назари илмай. — Молхонагаям етмайди буларинг, уй нари турсин.

Муртазо индамади.

Икки-уч кундан сўнг уста Аҳмад яна:

— Атай серкўз ёғочларни териб келганмисизлар дейман, — деб сасиди.

— Серкўз бўлса нима? — Муртазонинг оғзидан беихтиёр шу гап чиқиб кетди.

— Ие? — уста Аҳмад ажаблангандай унга қараб қолди. — Буни ахир рандалаш керак, кома чиқариш керак.

— Маҳоратли уста ҳар қандай ёғочдан нақш ясай олади дейишган-ку, Аҳмад ака, — деди Муртазо гапни бурмоқчи бўлиб.

Уста Аҳмад қулоқларига ишонмаётгандек ағрайиб қолди. Сўнгра у ранда борми, арра борми, исканаю парма борми — аламини шулардан олмоқчидай дуч келган томонга улоқтириб, ўзи ортига ўгирилиб бир тупурдию жўнаб қолди.

Шу кетганча бир ҳафта араз уриб, уйдан эшикка чиқмай ётди.

Муртазо уникига бош уриб борганди, афтингни кўрмай дея қувиб солди. Унинг шу қилганига Муртазо нариги дунёдан бўлсаям бошқа уста топиб келиб ишлатмоқчи эди, Ўрозмат ака уни йўлдан қайтарди.

— Биринчидан, ўзларининг удуми бўйича ҳеч қайси уста аввалгисининг розилигисиз чала ишни давом эттирмайди, — дея Муртазони ўтирғизиб қўйди. — Иккинчидан, бошқа бировга оғиз солганингни эшитса, уста Аҳмад ўла қолсаям қайтиб келмайди.

— Э, қайтиб келмаса асти келмасин, — қизишди Муртазо ноиложлигини ич-ичидан ҳис қилиб турсаям.

— Ҳай-ҳай, битта уйни ёлчитиб тиклаб ололмади, деб элу юрт сенинг устингдан гап қилади.

— Элу юрт гапираркан деб унинг товонини ялашим керакми?

— Мен сенга бундай деётганим йўқ-ку? — Ўрозмат ака ижирғаниб, Муртазо айтган сўзни оғзигаям олгиси келмай, шу асно унга олайиб қаради.

Муртазо индамади. Отасининг қони бир қайнагудек бўлса у ёмон кўпириб-тошиб кетишини яхши биларди. Айни дамда Ўрозмат ака ҳам ўзининг ана шу феъли хўйини ўйлар, Муртазонинг бир маҳаллар мўмин-қобилгина бўлганлигини кўз олдига келтирар: э, тавба, одам дегани бора-бора барибир ўз қонига тортар экан-да, мева дарахтдан узоққа тушмайди деганлари шу экан-да, дея ҳайрон бўларди.

Ўрозмат ака ана шундай ҳардамхаёл бўлиб ўтирганида Убайдилла чавандоз келиб қолди.

— Келмадими? — деди у кўз қири билан чала-чулпа ишларга ишора қилиб.

Ўрозмат ака бош чайқади:

— Келмади.

Убайдилла чавандоз бир зум сукут сақлади:

— Йўқлаш лозимдир?! — деди сўнгра.

Ўрозмат ака ўрнидан қўзғалди:

— Ҳа-а, йўқлаш лозим...

— Бормайман дедим, бормайман, — ҳовликди уста Аҳмад уларни кўриши биланоқ. — Сиз ўғлингизга, сиз куёвингизга айтинг, ўша ёғочлардан ўзи нақш ясайверсин! Ҳа-а, айтинглар, айтинглар! Ҳаммани қойил қолдирсин! Ҳа-а, қойил қолдиради-я, қойил қолдиради! — уста Аҳмад бирданига ўз мулоҳазасидан тонди. — Қўлига тешани ушлаб, битта михни эплаб қоқолса мен одам эмасман!

— Қўйинг уста, қўйинг, — негадир ўнгайсизланди Убайдилла чавандоз.

— Нега қўярканман? Айтяпман-ку, битта михни эплаб қоқолса бу қишлоқдан кўчиб кетаман!..

— Ундай қилманг, уста Аҳмад, — деди қўрқиб кетган Ўрозмат ака устанинг билагидан ушлаб, чунки қурилишда ишлаган Муртазо мих қоқишда чапдастлигини у яхши биларди. — Биламан, биламан, у бу ишни эп-

лолмайди. Лекин, мунақа шарт қўйманг, биров эшитса олди қолиб кети билан кулади.

— Кулса нима?

— Яхшимас-да.

Убайдилла чавандоз бу орада уста Аҳмаднинг таклифини ҳам кутиб ўтирмай, калишини ечиб, сўрига чиқиб ўтиргач:

— Қани, Ўрозмат ака, бу ёққа чиқинглар-чи, бир дуо қилиб юборайлик, — деди томоқ қириб.

Уста Аҳмад Убайдилла чавандозга қовоғини солиб қаради, шундаям мезбонлик одатини унутмай, истар-истамас Ўрозмат акага ўгирилиб:

— Қани, қани, — деди уни сўрига таклиф қилиб.

— Ё, бисмилло, — дея Ўрозмат акаям сўрига чиқди.

— Омин, шу хонадондан файзу футур аримасин, — деди Ўрозмат ака юзига фотиҳа тортиб, қолганлар ҳам унга қўшилишди.

— Бугун устанинг олдига ўтасизлар деб, Ўрозмат ака элу юртнинг оқсоқолларидан уч-тўрттасини уйларига чақириб қўйган эканлар, — деди Убайдилла чавандоз бундай жўяли, нишоннинг нақ марказига тегадиган гап топганидан мамнун бўлганлигини яширолмай.

Аммо, бу ўзи кутганчалик натижа бермади.

— Устанинг олдига?! — Уста Аҳмаднинг катта-катта очилиб кетган кўзларида ҳам ҳайрат, ҳам ажабсиниш, ҳам қувонч ва аксинча нафрат — хуллас барибари мужассам эди. — Уста йўқ деб айтинглар ўша оқсоқолларга!.. Уста ўлган денглар!..

— Худо сақласин-а! — деб юборишди келганлар бараварига.

— Устанинг устига тириклайин қора тупроқ тортишди денглар! — ҳовридан тушмасди уста Аҳмад.

Шу маҳал сира кутилмаган ҳол содир бўлди.

Убайдилла чавандоз ўртадаги хонтахтага мушт уриб:

— Э, бас қилинг-э! — деди ёноқлари пир-пир учганча. — Қанақа одамсиз ўзи? Ёш-ялангнинг бехос ай-

тиб юборган битта гапи деб на элу юртни, на оқсоқолларни назар-писанд қилмай қўйдингизми? Йўқлаб келибсизлар, одаммисанлар ҳам демайсиз. Димоғингиз жа-а осмонга кўтарилган бўлсаям ўзингиз сал пастроққа тушинг, ҳо-ов уста! Кўп ҳам андишанинг номини қўрқоқ деб билаверманг. Туринг, Ўрозмат ака, кетдик. Чала қолса қолсин ўша уй, садқаи сухан кетсин.

Уста Аҳмад нима деярини билмай, ранги пахтадек оқариб анқайиб қолганди.

Суҳбат бу тарзда, мутлақо тескари томонга айланиб кетишини сира кутмаган Ўрозмат аканинг ҳам туси ўчиб кетди.

У нуқул:

— Э чавандоз, э чавандоз, — дерди холос.

Убайдилла чавандоз эса ён-верига қараб ўтирмай сўридан шиддат билан тушиб калишини кийди-да, жўнаворди.

Ўрозмат ака устага бирор оғиз гапирсам энди бутунлай олов олиб кетади, деган ҳадикда, қўлини ювиб қўлтиққа урган кўйи чавандозга эргашди.

— Яхши иш бўлмади-да, — деб ғўлдиради у ўз-ўзича.

— Ҳа-а, яхши иш бўлмади, — хўрсинди пичадан сўнг Убайдилла чавандоз ҳам.

Кудалар беш-олти қадам жим-дим кетишди.

— Ёки қайтиб бориб узр сўрасакмикан, қизишиб кетибмиз, ўзингиздан қолар гап йўқ... десакмикан?! — деб қолди бир маҳал Убайдилла чавандоз.

— Э, қўйинг-э! — Убайдилла чавандоз ҳозирнинг ўзидаёқ уста Аҳмаднинг олдига бориб узр сўраётгандек, Ўрозмат ака қўрқиб кетди. — Айб сиздамас. Унинг ўзи одамни қонига ташна қилиб юборди-да.

Улар бир-бирларига бошқа сўз қотишмади. Уйга келиб, энди нима қилиш кераклигини ўйлашиб, хомуш ҳолда ўтиришарди. Шу маҳал сира кутилмаганда уста Аҳмад кириб келди. У орадан ҳеч қандай гап-сўз ўтмагандай пешайвонда туриб олиб бақирарди:

— Ҳо-ой, ким бор, қўлга сув олинглар!..

Қудаларнинг чеҳраси ёришиб, бир-бирларига маънодор қараб олишди.

2

Муртазо Гулбодомга эгар уриб, яна унинг белига ўтирди. У суви қуриб қолган сой бўйидан тепага қараб кета бошлади. Сой ўртасида кимдир самосвал машинага шарақлатиб тош ортарди. "Ким бўлсайкин, — деб ўйлади Муртазо қизиқсиниб, кейин шу заҳотиёқ қўл силтаб, — э, ким бўлсаям, менга нима?" деган хаёлга борди. Муртазо унга эътибор бермай ўтиб кетмоқчи эди тўсатдан қандайдир фавқулодда фикр келиб қолганидан чеҳраси ўзгариб, от жиловини дарҳол сойга олиб тушадиган йўл томон бурди.

Тошлоқ сойда от қийналиб-қийналиб қадам ташларди. "Падарига лаънат, сойнинг тоши тош эмас! — хаёлидан кечди Муртазонинг. — Сип-силлиқ, устига-устак ялпоқ-ялпоқ, буни бирор жойга ишлатиш ҳам қийин".

Муртазо яқинлашаётиб тош ортаётган заҳматкашни таниди. У Муртазодан икки-уч синф юқорида ўқиган Иброҳим эди. Иброҳим мактабда ўқиб юрганидаёқ текканга тегиб, тегмаганга тош отиб ҳаммани безорижон қилиб юборган урушқоқ, валакисаланг бола эди. Мактабни битириб ҳам ўша-ўша туришича қолди: на тайинли бирор ишнинг этагидан тутди, на ўқишнинг — сандироқлаб юраверди.

— Бу жувонмарг тезроқ армияга бориб одам бўлиб келмаса, ҳамманинг бошини ейди, — дейишарди қўшнилари.

Дарвоқе, у армияга борди-ю, икки йил орасида жа-а унчалик бўлмаса-да, ҳарқалай, ўзгариб қайтди. Ўзгаргани шунда кўриндики, Иброҳим аскарликда ҳайдовчиликни ўрганган экан, келибоқ шу касбнинг этагидан тутиш пайидан бўлди. Елиб-югуриб ана шу шалоқ машинага эга бўлди. Мўмин-қобилгина бўлиб отасининг олдига келганди, у дарров бошини жуфтлаб, бор, кўрар кунингни кўравер, деди.

Шу-шу Иброҳим кўрар куни кўйида қўли рулдан бўшамайди.

— Шуям машинами? — дерди у бурнини жийириб. — Бизни колхоз — колхоз эмас, отхона! Армияда бундан тўртта келадиган яп-янги мошин ҳайдардим. Ўру қирми, тоғу тошми назар-писанд қилмасди, қўрқмай суриб кетаверардим. Бензинми?! Э-ҳа, хоҳлаганча топиларди. Қисмимиз яқинидаги одамларга яшириқча пуллардик. Чўнтак ҳамиша қаппайган бўларди. Бу дардисарга эса баъзан ёнимдан бензин сотиб оламан.

Ўз иши билан машғул Иброҳим Муртазонинг келганини пайқамади.

— Ҳормасинлар, — деди Муртазо беписанд оҳангда, айни дамда Иброҳим ўзининг қулоғи остида бир-икки марта шовла қайнатгани туйқусдан ёдига тушиб, ғалати аҳволга тушди.

Иброҳим қад ростлади. У Муртазога бир муддат ажабсиниб тикилиб турди-да:

— Э, бор бўлинг, — деди ва шу заҳотиёқ қандайдир мулоҳазага бориб, сўз оҳангини ўзгартирди. — Бор бўлинг, Муртазобой.

— Бу дейма-ан, сизларнинг дастингиздан тош ҳам қолмайди-ёв, — Муртазо ана шу нарсаларга ҳам ўзи хўжайиндек, Иброҳимнинг олдига атай уни тергаш учун келгандек муносабатда бўлди.

— Қолган-қутганларидан оляпмиз-да, — Муртазонинг тергаш оҳангида айтган гапидан Иброҳимнинг жон-пони чиқиб кетган бўлса-да, пичингдан нарига ўтолмади. — Молхонамизнинг бир томони ўпирилиб тушганди. Деворини ким урган бўлсаям қўлига тирсак чиқсин, остига ақалли битта тош ҳам қўймаган.

— Молхона сизники бўлса, деворини ким урарди?

— Ким бўларди, отамиз-да! Чекишдан борми?

— Мен чекмайман.

— Чатоқ Муртазобой, чатоқ, чекмасангиз, ичмасангиз — бу дунёнинг нима қизиғи бор?

— Чекиш-ичишнинг нима қизиғи бор экан?

— Озгина бўлсаям бу қўтир дунёни унутасиз, шу-да. Мен ҳайронман Муртазобой, бу қисталоқ одам дегани нега дунёга келаркан-а? Тирикчилик учунми, Муртазобой? Бу лаънати тирикчилик деганлари кундан-кунга оғирлашса-оғирлашяптики, асти енгиллашай демайди. Нега бундай-а, Муртазобой? Дунёнинг ўзи шундай қурилганмикин ё? Катталар халқнинг бошига чиқиб олиб, ундай қиламиз, бундай қиламиз, деб гапиради-гапиради-ю, ўзининг кабобини пишириб, маишатини қилиб кетаверади. Уларнинг мана бу шалдироқ аравасини судраб юрганимга берадиган ойлиги нону чойга етса ўлиб кетай.

Иброҳимнинг кўзларида ғазаб учқунлари сачради. У бошқа гапиролмай қолди. Муртазо унинг чуқур-чуқур ажин тушган пешонасига, барвақт оқарган сочларига, ҳар жой-ҳар жойига ранг-баранг ямоқ солинган усти бошига бирсидра назар ташлаб чиқди.

— Беҳуда гапларни қўйинг, Иброҳим ака, — деди.

— Нима-а? — Иброҳимнинг кўзлари олайиб кетди. — Сизнингча, булар беҳуда гаплар бўлдими?

— Ундан кўра фойдали бир иш қилайлик, — деди Муртазо Иброҳимнинг аланга олаётган ғазаб олови устига сув сепмоқчи бўлаётгандек.

Иброҳимнинг қулоғи динг бўлди.

— Э, иш дейсиз, иш одамни ўлдирармиди? — деди ўзини ўлим ёқасида тургандек кўрсатиб.

— Шундай дейсиз-да.

— Ярим чақалик фойдаси тегадиган бўлса нариги дунёга десангиз ҳам бориб келаверамиз, парво қилманг.

— Мен айтаётган иш кўп қийин эмас.

— Иш деганнинг осони бўларканми? — Муртазонинг қандайдир фойдали ҳамкорликка ундаётганига ҳамон Иброҳимнинг ишонгиси келмаётган эди.

— Мен билан қилинса осон-да.

— Сиз билан?

— Ҳа.

— Унда айтинг, нима иш экан?

— Сайгоқлар галасини ҳеч учратганмисиз? — деб сўради Муртазо мақсадга кўчиб.

— Э, падарига лаънат уларни, — Иброҳим "чирт" эткизиб тупурди. — Оламда булардан аҳмоқроқ ҳайвон йўқ. Кўрсам, юрагим зириллайди.

— Нега? — Муртазо, сайғоқни отаётганда қўлга тушиб, жазосини тортган бўлса керак-да, деган ўйда унга қаттиқ тикилиб сўради.

— Мошинни кўришдими бас, токи олдимдан кесиб ўтишмаса кўнгиллари тинчимайди. Кечасими-кундузими — фарқи йўқ. Ҳатто мошин билан ёнма-ён кетаётган бўлишса ҳам қувиб ўтиб олдини кесаман дейди-я. Битта-яримтасини босиб олмайин деб жоним ҳалакда бўлиб туради-да, Муртазобой.

Муртазо ўйлаган ниятига осонгина эришдим, деб ўйлаганди, ишнинг бу тарзда тескари айланиб кетиши эсхонасини чиқариб юбораёзди.

Секин ўсмоқчилашга тушди:

— Мабодо босиб олсангиз нима қилади?

Иброҳим унга хавотирланиб қаради.

— Сизларга худо беради-да, — деди сўнгра. — Оқдан олиб қорага, қорадан олиб оққа соласизлар.

Иброҳимнинг қўрқуви ўзи боис эканлигидан Муртазонинг кўнгли сал-пал жойига тушди.

— Облваҳима[1] экансиз-ку! — деди ҳазиллашиб. — Биз ҳам одам эканлигимизни ёдингиздан чиқармангда! Ёки қандайдир бошқа нарсадан қўрқасизми?

— Ҳа-а, Муртазобой, мен сизлардан эмас, бошқа нарсадан қўрқаман, — кўзларини бир нуқтага тиккан кўйи хаёлчан товушда сўзлади Иброҳим. — Бошқа нарсадан қўрқаман, Муртазобой.

Муртазо буни кутмаганди. Шу сабабли:

— Нимадан экан? — деб сўради.

— Мошинни баллонига қон тегиши ёмон, билсангиз. Бир марта сал сачрасаям тамом, охири бахайр бўлмайди.

[1] *Облваҳима* — область миқёсидаги ваҳимачи (ҳазил тариқасида айтилган сўз).

— Э, сизни қаранг-у, ювасиз ташлайсиз-да.

— Қонни ювиб бўлмайди, Муртазобой, — деди ўзича маҳмадоналик қилиб Иброҳим. — Мана, мисол учун битта-яримта менга одамни босган "Волга"ни берсаям олмасдим.

— Одам бошқа, сайғоқ бошқа, — деди Муртазо овозини кўтариб.

— Тўғри, гапингиз дуруст. Энди ўйлаб кўринг, ҳар куни нечтасининг кўзи баллонга тушади. Сал-пал қизил доғ кўринсаям шивир-шивир бошланади. Қарабсизки, кетяпмиз-да.

— Жа-а юракдан бор экан-ку.

Иброҳим, бу гапни Муртазо менга айтдими-а, менга-я, дегандек бир муддат серрайиб қолди. Ҳолбуки мактабда ўқиб юрган чоғларида аксинча бўларди, шундай дея бот-бот такрорлаб, ҳуда-беҳуда бошқа болаларни, айниқса, Муртазони таҳқирлашни унинг ўзи хуш кўрарди.

— Ҳа-а, намунча тикилиб қолдингиз? — кўнглига малол олиб тўнғиллади Муртазо. — Нима бало, илгари мени кўрмаганмисиз?

Иброҳим негадир хўрсинди.

— Сиз жуда бошқача бўлиб кетгансиз, Муртазо, — деди сўнгра. — Мен эса ... негадир кундан-кунга аёлмижоз бўлиб бораётгандекман. Баъзан ҳаммаси жонимга тегиб кетади, қўй-э, шу туриш-турмушдан кўра ўлиб кетганим минг марта авло-да, деб ўйлайман.

— Унақа ёмон ниятларни кўнглингиздан чиқаринг, Иброҳим ака, — деди Муртазо ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўбдан тотиган одамлардай насиҳат йўсинда. — Келинг, яхшиси, мен билан овга чиқинг.

— Овга?! — Иброҳимнинг кўзлари ҳайратдан каттакатта очилиб кетди, ов тугул ўтин-чўпга ҳам қўймайдиган тоғбегининг бу таклифи уни бениҳоя ажаблантирган эди.

— Э, товба, мунча шангиллайсиз? — норози қиёфада унга чақчайди Муртазо, сўнгра ён-верига олазарак на-

зар ташлаб оларкан, — қўрқманг, сиз рулдан тушмайсиз, — деди.

— Мошин билан ов қиламизми? — яна беихтиёр овозини баралла қўйиб юборди Иброҳим.

— Эй инсон, секинроқ дедим-ку, — дашном берди Муртазо. — Фақат мен кўрсатган жойга ҳайдайсиз, бўптими?

— Қўйинг, мени мунақа ишларга аралаштирманг.

— Фойдадан қуруқ қолмайсиз, қўрқманг, — деди бамайлихотирлик билан Муртазо. — Ахир, ўйланг, қачонгача этагингиз-этагингизга етмай, итнинг сўнгги оёғи бўлиб юрасиз. Шартта-шартта ҳаракат қилиб ўзингизни тиклаб олинг-да.

Иброҳим ҳеч нарса демасдан ўйланқираб қолди.

Муртазо ўнғай вазиятни қўлдан бой бермади:

— Мошинамнинг баллонига қон тегади деб ҳадиксираб ўтирманг, — деди унинг кўнглидагини дарҳол пайқаб олгандек. — Саккиз-тўққиз метр келадиган кетмон дастасидек йўғонликдаги темир топасиз.

— Темир нимага керак?

— Топиб келаверинг-чи, керак-да.

— Бунақа темир тополмасам керак, — деди очиғига кўчиб Иброҳим.

— Унда темир топишни менинг ўзимга қўйиб беринг, — деди Муртазо беихтиёр Максим-Махсумни кўз ўнгига келтириб. У, ҳали-ҳануз холаваччасими, аммаваччасими келганида Муртазонинг яхшилик қилиб, эру хотинни тоғда ўйнатиб келганини унутолмас, қачон кўрса, хизматлар борми, деб бирор яхшилик қилгиси келиб юрарди.

— Хўш, кейин-чи? — дея бош қашиди Иброҳим.

— Кейинни қўйинг, келасизми-келмайсизми, менга шуни айтинг.

— Қачон дейсиз? — сўради Иброҳим, вақти жуда зиқ-у ўйлаб кўриши керакдек бир оҳанда.

— Чўзиб юрамизми, эртага-да.

— Келсак келаверамиз-да, — деди Иброҳим ҳозир қатъий йўл тутмаса, Муртазо айниб қоладигандек шоша-пиша розилик билдираркан.

— Мана бу бошқа гап, — деди Муртазо. — Мен ҳозир Максим-Махсумнинг олдига бораман, унинг менга бир иши тушиб эди.

Муртазонинг оғзидан бу гапни эшитиб Иброҳим ҳайрон қолди, унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмади. Бот-бот бузилиб турадиган мана шу машинаси туфайли у ҳам Максим-Махсумнинг олдига қачон бормасин, ўз-ўзича бўлиб юрадиган бу "темир жиннис" ҳатто унинг афтига ҳам қарамай, ер мойига белангган қоп-қора қўлидаги омбирнинг учи билан моторни очишга ишора қилган, сигаретини оғзидан қўймай мотор устига бир энгашганча анча фурсат бош кўтармай чатоқ жойини бип-бинойидек тузатиб берган эди. Максим-Махсум ишини битириб бўлгандан сўнг ҳам бировнинг қўли тугул афтига ҳам қарамас, лабига яқинлашиб куйдиришни бошлаган сигаретни туфлаб ташлаб унинг ўрнига янгисини қистириб кетаверар, коржомаси чўнтагига пул-мул қистириб кетувчилар томонга ҳам лоақал бирров қараб қўйишни ҳам лозим топмасди. Шундай одамнинг Муртазога қанақа иши тушиши мумкин? Иброҳим ҳарчанд бош қотириб ўйламасин, буни бовар этолмай, ахийри сўрашга мажбур бўлди:

— Уста Максим-Махсумни айтяпсизми?

— Ҳа, унинг бир илтимосини бажаргандим, — деди Муртазо, шу онда беихтиёр кўз ўнгида Анна жонланиб, у билан арча остидаги супада маҳрамона сирлашганини эслади.

Иброҳим кифт қисди.

— Эртага эрталаб бизникига келинг, — деди Муртазо ва шу заҳотиёқ отаси нима қилмоқчи бўлаётганини сўраб-суриштириб қолиши мумкинлигини хаёлига келтириб, — йўқ, яхшиси, ўзим хабар бераман, — деди.

Иброҳим, ўзинг биласан, дегандай кифт қисиб қўйди.

Муртазо Гулбодомнинг сагрисига енгилгина қамчи уриб, жўнаворди. Иброҳим унинг ортидан нималарнидир ўйлаганича қараб қолди.

Муртазо фурсатни бой бермаслик учун ҳозироқ Максим-Махсумнинг ҳузурига бориб, ундан Иброҳимнинг машинаси олдига ўрнатишни мўлжаллаган, сайгоқларни чалги каби "ўриб" йиқитадиган темир топиб беришни сўрамоқчи эди. Ҳатто, шу чоқда Максим-Махсумни эслагани учун ўзининг қувваи ҳофизасига ўзи қойил қолиб, ҳар бир ишни ўз устаси қилсагина муваффақият келтириши мумкинлиги ҳақидаги қадимги донишмандлардан қолган гапларни эслаб, буни мўлжаллаган ишининг омадли келишидан бир белги, деб ўйлади. Мингта тадбирсиз, уқувсиз анқовдан Муртазога ўхшаган битта тадбирли авло экан, илгари замонлардаям қолган тўққиз юзу тўқсон тўққизтасини четга суриб қўйишган экан, сал бўлмаса у ҳам ўша тўққиз юзу тўқсон тўққизтанинг ичида қолиб кетар эди, тақдир унга иноят кўрсатиб ёрлақабдими, бундан у фойдаланиб қола билиши керак-да, агар шундай имкониятдан ҳам фойдаланмаса унинг тўққиз юзу тўқсон тўққизта махлуқни ўзига жо этган оломондан ажралиб турадиган жиҳати қайда қолади? Муртазо ана шундай ўй-хаёлларга берилган кўйи Максим-Махсумнинг гаражига етиб келганини ҳам пайқамай қолди. Гараж этагидаги кулбада гира-шира нур кўриб, унинг кўнгли янаям ёришиб кетди. Унинг бу кайфияти бежиз бўлмай, ҳамиша темир-терсаклар орасида нималарнидир қидираётгандек бўлиб ўралашиб юрадиган Максим-Махсумнинг кейинги пайтларда қишлоқда обрў-эътибори ошгандан ошиб кетиб, аллада азиз, тўрвада майизга айланиб қолган, шу боис, унга иш-юмуши тушиши эҳтимоли бўлганлар Эйнштейн номини етти ухлаб тушларида кўрмаган бўлсалар-да, эҳтимоллик назариясига амал қилган ҳолда Максим-Махсумни қўярда-қўймай уйларига меҳмон-

дорчиликка олиб кетишар, хўроз, товуқ каби парранда-лардан тортиб қуён, улоқ каби майда жониворларигача ундан дариғ тутмай сўйиб, унинг олдига дастурхон ёзишар, унинг ҳурмати учун деб айниқса ароқни мўл-кўл оқизишар, баҳонада ўзларининг ҳам хўп битлари тўкилар эди. Каттароқ иш-юмуши тушиши эҳтимоли бўлганлар эса эчки, қўй каби каттароқ жониворларни қурбон қилиб юборишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. Бунақа жойларга Максим-Махсум бир ўзи бормай аҳён-аҳёнда поччаси Абдусамад лакотни, трактор-чими-шофёрми бўлган таниш-билишларини ҳам эргаштириб бораради. Кейинги пайтларда қўлига тушган темирдан мўъжизалар ясай оладиган Максим-Махсумни район катталари ҳам яхши таниб қолишган, ҳаттоки унинг номзодини депутатликка ҳам кўрсатмоқчи бўлишган, аммо у кескин бош чайқаб, бунақа ишларга тоби тоқати йўқлигини очиқ-ойдин айтиб қўя қолган эди. Энди бунақаси бўлмаган эди, пичоғи ёғ устида бўлишидан дарак берадиган бундай нақдина таклифларни рад қила оладиган марди майдонни бу яқин ўртада кундуз куни чироқ кўтариб қидирганда ҳам топиш амримаҳол эди, шу туфайли Максим-Махсум ҳақида кўпчилик мажнунсифат бир банда-да, деган хулоса чиқаришган бўлса-да, ҳарқалай, иззат-ҳурматига у қадар путур етмаган эди. Бу "темир жинниси" бир нарсалардан бохабар бўлса керакки, ўйлаб-нетиб ўтирмай рад жавобини бериб қўя қолган, дея унинг тарафини олиб, ёқлаганлар ҳам бўлди. Бу ёги энди элу юртчилик, кимки нимаики деса ўзича ҳақ бўлади, бировнинг пешонасига нуқиб, сен ноҳақсан, дейиш учун эса ҳаётга камида бир кўза суву битта арпа нон билан қирқ кун чиллага кириб кетган авлиёзоданинг ҳорғин нигоҳи билан қарашга тўғри келади, эндиликда бунақа авлиёзодалар ҳам кўз нурларини беҳуда-бемаъни нарсалар учун сарф қилиб юришгани инобатга олинадиган бўлса, бировнинг бировга ақл ўргатишига ҳам, гап уқтирмоқчи бўлишига ҳам ҳожат йўқ.

Муртазо от жиловини гараж ўртасида қўққайиб турган трактор кабинаси эшигининг дастасига боғларкан, Максим-Махсум билан кўпам ош-қатиқ бўлиб юрмагани учун нималарнидир ёдига туширмоқчи бўлгандай қулоғига у ҳақда унда-бунда чалинган гапларни хаёлидан ўтказди. Ҳарқалай, унинг олдида Максим-Махсум ўзини қарздордек ҳис этиб, қачон кўрса қуюқ салом бериб юрарди. Мана энди ўша қуюқ саломларга ишонган ҳолда Муртазо унинг кулбаси томон йўналди. Эшикни тақиллатган эди, ичкаридан:

— Киравер, — деган Максим-Махсумнинг ўктам товуши эшитилди. Чамаси, у бунақа ташрифларга кўникиб-одатланиб қолган эди.

Муртазо қўпол тахта эшикни секин итариб очди. Максим-Махсум каравот устида ўтирар, ўртадаги тахта столга ёйилган газета устида яримлаб қолган ароқ шишаси, чоракта қора буханка ва аллаким унга атаб уюштирган зиёфат чогида унинг номига, бизнинг комимизга бўлиб кетмасин деб уялганидан қовуриб қўлига тутқазиб юборган гўшт тўла банка бор эди. Столнинг бошқа бурчагида эса гайка, ключ, аллақандай майда-чуйда темир-терсаклар уюлиб турарди.

— Нима гап? — деб сўради Максим-Махсум эшик томонга ўгирилиб ҳам қарамасдан.

Муртазо унинг бу тарзидан ҳайрон қолиб, салом берди.

Максим-Махсум шундагина меҳмон томон қарадию қиёфасини аллақандай кутилмаган шодумонлик эгаллади.

— Э, братан! — деб хитоб қилди алланечук шошиб қолгандай, унинг ана шу хитобида Муртазога нисбатан муносабати алайно ошкор намоён бўлиб турарди.

Максим-Махсум дарҳол у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлиб ўрнидан турди ва қучогини кенг очганича Муртазога пешвоз юрди. Улар иккаласи қучоқлашиб кўришишди. Максим-Махсум Муртазони қўярда-қўймай ўз ўрнига, каравот устига ўтқазиб, ўзи унинг қаршисида-

ги тахта харрақдан жой олди. Муртазо Максим-Махсумнинг кулбасига қуруқ қўл билан кириб келгани учун қандайдир иймангандек бўлиб, йўл-йўлакай магазинга кириб ул-бул олволмаганига афсусланди, кейин энди-ги гал келганимда ҳаммасининг ҳиссасини биратўла чиқараман, деб ўзига-ўзи тасалли берди. Максим-Махсум кружкага қуйиб узатган ароқни унинг кўнгли учун қўлига олди. Кулба мезбони меҳмонни кўриб боши кўкка етганини, ундан жуда миннатдор эканини, ўшанда холаваччасими, амакиваччасими келганида қўшилиб ўзи ҳам тоққа чиқмаганидан ҳали-ҳануз афсусда эканлигини, лекин Муртазо унинг ўрнини билдирмай эру хотинни тогларни айлантириб жуда хурсанд қилганини, айниқса, Анна ундан жуда миннатдор бўлганини сўзлар экан, Муртазо гуноҳ устида қўлга тушгандай тезроқ у гапини тугатишини кутарди. Максим-Махсум ўз кружкасини Муртазонинг кружкаси билан чўқиштириб:

— Олдик, — деди.

Кейин лабини кафтининг орти билан артаркан:

— Мен ҳам ёмон одам эмасман, — деди кимдир уни ёмонлаши мумкинлигидан гумонсираётгандек. — Мен ҳам сиз каби табиатни ниҳоятда севаман, менга аслида одамлар оламидан жониворлар олами яқинроқ, — Максим-Махсум бу тарзи билан ўзининг Муртазога яқинлигини аён қилиб қўймоқчи бўлгандай билиб-билмай дилидагиларни тўкиб сола бошлади. — Билсангиз, бизнинг Тайга томонларда одамлар ёвузлашиб кетишган, уларнинг табиатга муносабати ғирт ёвузликнинг ўзгинаси...

— Нега? — кўнгли қандайдир нохушликни сезгандек Муртазо беихтиёр унинг гапини бўлиб савол ташлади.

— Нега бўларди, — Максим-Махсум бу нарсаларни эслагиси ҳам келмагандек қўл силтади. — Ахир, ўзингиз айтинг, айиқда нима гуноҳ бор? Ахир, айиқ жонивор биз рус халқининг тимсоли-ку? Мени армияда айиқ деб чақиришса аччиғим чиқмай, аксинча фахрланар-

дим. Айиқ деганда куч-қудрат, сабр-тоқат тушунилади бизда. Мана, сизларда ҳам уни "полвон" деб аташаркан. У ерлардаги ноёб қоплонларни ҳамма битта қўймай қириб юборишяпти, мен бундай қилиш керак эмаслигини айтиб катта жанжал қўзғандим, тарафимни олиш ўрнига қайтанга ўзимни талаб ташлашди, — Максим-Махсум ўзи учун қандайдир нохуш бўлган воқеа-ҳодисаларни эслаётгандек бир зум маҳзун ўй суриб қолдида, кейин сўзида давом этди. — Сизлар ҳамма нарсага бўлгани каби табиатга нисбатан ҳам раҳм-шафқатли, мўмин-қобилсизлар, мана сиз тоғу тошдаги барча нарсаларни қўриқлаб, тоғбегилик қилиб юрасиз, бу ишингиз мақтовга лойиқ, милтиқ кўтарган бирорта ҳам номардни у ерларга яқинлаштирманг, ана шунда табиат ўз ҳолича асраб қолинади... Ахир, бу келажак авлодларнинг ҳам бойлиги эканлигини ҳамма ҳам сизу бизга ўхшаб тушунавермайди-да...

Максим-Махсумдан бунақа гаплар чиқиши мумкинлигини хоби хотирига ҳам келтирмаган Муртазо ҳайрон бўлиб қолди. Ие, бу ёғи қандоқ бўлди? Назарида, унинг йўлига ғов бўлиши мумкин бўлган энг қаттол душмани қаршисида тургандек эди. Муртазо бу ерга нима мақсадда келганини ўзича мулоҳаза қиларкан, "темир жинниси" деб ўйлагани "табиат жинниси" ҳам бўлиб чиққанидан боши қотган, унга илтимосини айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай қолганди. Мабодо, асл мақсадини айтмай илтимос қилсаям, Максим-Махсум унга керак бўлган темирларни тайёрлаб бериши мумкин, бироқ, кейинчалик бўлсаям бу ҳақда билиб қолгудай бўлса, бошида ёнгоқ чақиши мумкинлигига ҳам Муртазо унинг гап-сўзларини эшитгач, шубҳа қилмай қолди. Шунинг учун эси борида этагини йиғиб, унга ҳеч нарса демагани маъқул. Ким билсин, унинг ўз туғилган юртидан воз кечиб бу ерларда мана бунақа ит ётиш, мирза туриш бўлиб юриши бежиз эмасдир? Эҳтимол, айиғу қандайдир қоплонларга ўзини қавму қариндошдай ҳис этган бу девона Тайгани ҳимоя қила-

ман дея ҳуда-беҳуда чиранавергани учун бадарга этилгандир? Ахир, бунақа сўфилар кимнинг ҳам кўзига яхши кўринарди? Айиқлару тоғ қоплонларини деб қавму қариндошларидан юз ўгиришнинг ўзи бўладими? Қолаверса, Муртазога жуда серсалом бўлиб юришининг сабаби ҳам уни табиат ошуфтаси, тоғу тошларнинг ҳимоячиси деб билганидан экан. Ана-а, жуда одамини топган экан-да! Агар унинг кўнглидагиларини била олганида, ўшанда амакиваччасими, холаваччасими бўлмиш қариндошини унга ишониб топширганидан сўнг арча остидаги супада Муртазонинг қилган хиёнатидан хабар топганида Максим-Махсум қай аҳволга тушган бўларди? Нега у келиб-келиб Муртазога ишонар экан? Ёки қўшни аёлга ўхшаган қишлоқ лақмаларининг Муртазонинг оққўнгиллиги, бўш-баёвлиги ҳақидаги бўлмағур ғийбат-машваратлари Максим-Махсумнинг ҳам қулоғига етганмикан? Максим-Махсум ҳам уларга ишониб қолдимикан?

Муртазонинг туйқусдан нафрат аралаш ғазаби қўзиб кетди. Она-табиатнинг ажойиботлари ҳақида ҳамон нималарнидир сўзлаб бошини қотираётган Максим-Махсумнинг латтачайнарлиги боис, ундан бирон нарсани илтимос қилишни ўзини пастга уриш деб билди, Иброҳимнинг машинаси олдига боғланадиган темирни ҳам ўзи топишни дилига тугди ва шундан сўнг бу ерда бир дақиқа ҳам ортиқ қололмаслигини ҳис этиб, Максим-Махсумнинг увалло ялинишларига қарамай ўрнидан турди.

...Эртаси тунда пайғамбарнинг ҳижрати чоғидагидек, ой ўроғи тўлқинлар устидаги кемадек қалқиб-қалқиб гоҳ булутлар қабатига кириб йўқолар, гоҳ кенг осмон саҳнига сирғалиб чиқиб кезинарди. Ёлгиз Қорабош ойга тумшуғини чўзганича узоқ увлади. У йўл устидаги тасодифий тўқнашувдан кейин қалбини тарк этмаётган қўрқув туйғуси аллақандай сарсари руҳлар кезинган бу ғорда ҳеч қачон ўзига тинчлик бермаслигини ҳис этди. Ёлғиз нажот — у, албатта, ўзининг аза-

лий ҳаёт тарзига қайтиши лозимлигида эди, бунинг учун тоғдан адирга эниб сайгоқларни учратиб қолишига умид боғлади. Унинг кўзлари ёнар, вужуди дастлаб овга чиққанидаги каби қоришиқ ҳислар исканжасида дағ-дағ титрар, ё ҳаёт, ё мамот, дея боёқиш бўри гардкам ташлашга маҳкум этилган эди. У адир томон эна бошлади... Бу чоқда қоришиқ ҳислар исканжасидаги бошқа бир зот, буниси одам наслидан бўлган Муртазо ҳам кундуз кунидагидан кўра ҳам ҳушёрроқ, барча сезгилари бедор ҳолда қулоқлари динг бўлганча сой бўйида чопонига ўраниб ётганча ниманидир интиқ кутарди. Ниҳоят, узоқдан бир жуфт чироқ балқиб кўринди. Муртазо бугун кундуз куни ўз ҳовлисида телевизор антеннасини тўрт йиллар чамаси вақт давомида кўтариб турган йўғонлиги кетмон дастасидек келадиган олти метрлик қувурни олиб, Иброҳимнинг машинаси кузовига йиғиб қўйган сим-гайкалар, калит-омбирлар билан қўшиб ортиб юбораётганида ваъдасини яна бир бор олган бўлса-да, унинг келиш-келмаслигига ҳамон гумони бор эди. Узоқдаги машина чироқлари унинг гумонларини тўзгитиб юборди. "Келаяпти,— ботинини қуршаб олган оғир ва нохуш нарсадан сўз ва нафас ёрдамида халос бўлмоқчи бўлгандай Муртазо чуқур нафас олганича овоз чиқариб ғўлдиради. — Хайрият...келмай қолганда энасини кўзига кўрсатардим-да!"

У интиқ кутаётганига пешвоз чиқиш учун чопонини қоқа-суқа ўрнидан турди. Машина унинг олдига келиб тўхтади. Иброҳим кабинадан тушиб унинг ёнига келди.

— Келдингизми? — деб сўради Муртазо, гарчи бундай саволнинг ҳожати бўлмаса-да.

Иброҳим индамади. У индамай, машинанинг орқа томонига қараб юрди. Муртазо унга эргашди. Иброҳим кузовдан керакли лаш-лушларни олди. У, Муртазонинг топшириқларини сўзсиз бажо этаётганидан ўзи ҳам ҳайрон қолар, аччиқланар, лекин тоғбегининг иродасига қарши боришга ботина олмасди.

Тўрт йилдан буён дунёнинг ажойиб-ғаройиб воқеаларини ҳаво тўлқинлари орқали ойнаи жаҳонга тутиб берадиган антеннани кўтариб турган темир қувур бугун энди ўзи кўз кўриб қулоқ эшитмаган фавқулодда ҳодисани амалга оширишга бевосита хизмат қилиши керак эди, бу ҳодисанинг қонли ва аянчлилиги билан чоғиштирилганда, ҳар қандай одамнинг меъдасига тегадиган ёлғон-яшиқлар, бемаъни-тутуриқсиз нарсаларни кўрсатадиган ойнаи жаҳонга хизмат қилиш, албатта, афзалроқ эди. Иброҳим билан Муртазо терлаб-пишиб қувурни сайғоқларнинг оёғидан уришни мўлжаллаб, ердан бир қарич баландликда машинанинг олдидаги темирларга мустаҳкам боғлашди, узоқдан қараган одамга машина машина эмас, чўлнинг мўйловли кўнғизига ўхшаб кўринар эди. Қувурни ҳам энди оддий қувур эмас, беда ўримига шайлантирилган чалғига қиёсласа бўлар эди.

Ишни ниҳоясига етказгунча улар худди келишиб олишгандек бир-бирларига чурқ этиб ҳам оғиз очишмади. Ниҳоят, Муртазонинг кўнглидагидек "ов қуроли" тайёр бўлди. У кафтларини бир-бирига уриб қоқди-да, ишчан қиёфада кабинага чиқиб ўтирди. Ортидан Иброҳим ҳам чиқди.

— Аста-секин жилаверамиз, — деди Муртазо бепарво. — Тулпорингизни қачон қичаб ҳайдаш кераклигини ўзим айтаман.

Муртазонинг сўнгги гапини истеҳзога йўйиб, Иброҳимнинг дили хуфтонлашди. У бир оғиз ҳам сўз демай моторни ўт олдирди. Сукунатга кетган даштнинг ўртасига боришганда Муртазо машинани тўхтатишни буюрди.

— Чироқларни ҳам ўчиринг, — деди. — Сайғоқлар ҳеч нарсадан гумон қилмай яқинлашишганда тўсатдан чироқларни ёқиб юборамиз, ўтакалари ёрилиб ўзларини чироққа қандай уришганини ҳам билмай қолишади...

Иброҳим чурқ этмай, унинг айтганини қилди. Орадан анча вақт ўтди. Иброҳим қайсидир идорага кириб

кетган хўжайинни кутаётган ҳайдовчидек рулга суянганча енгил пинакка кетди. Муртазо кабина ойнасини тушириб ноёб нарса топмоқчи бўлгандек, ярим туннинг зимзиё сирли пардасини нигоҳи билан ечиб олмоқчи бўлгандек номаълумлик манзил-мароҳиллари томон тикилгани тикилган эди. Бир маҳал у кабина ёнидан қандайдир ёлғиз шарпанинг лип этганча машинанинг олди томон ўтганини пайқаб, ҳайрон қолди. Бу асло гала-гала бўлиб юрадиган сайғоқлар шарпасига ўхшамасди. Менга шундай туюлган бўлса керак, деган хаёлга борган Муртазо Иброҳимнинг елкасидан секин туртди.

— Келишдими? — деб сўради Иброҳим бепарво оҳангда, ҳаммаси аввалдан режалаштирилгандек бўлиши табиийдек.

— Чироқни ёқинг-чи, — Муртазонинг овозида ҳам шубҳа бор эди.

Машина чироқлари туйқусдан ҳаммаёқни ёриштириб юборганда Иброҳим билан Муртазо кўзлари машина чироғиникидан кам бўлмаган ҳолда ёниб турган баҳайбат бўрининг сўйлоқ тишларини иршайтирганича ўзлари томон ириллаб турганини кўриб, иккаласиям хавфдан ҳоли кабина ичида эканликларига қарамай беихтиёр ўзларини ортга ташлаб юборишди. Ёлғиз Қорабош кескин ўгирилди-ю, қуйругини ликиллатганча қоронғи дашт қўйнида туйқусдан пайдо бўлиб қолган ғалати бу балодан ўтакаси ёрилганча қоча бошлади.

— Газни босинг! — деб тўсатдан бақириб қолди ўзига келган Муртазо.

— Бу бўри-ку? — ҳайрон бўлди Иброҳим.

— Бу ерларда бўри нима қилади? — деди Муртазо негадир юраги ортга тортиб кетгандек бўлиб, кейин ҳозир ҳайрон бўлганча мулоҳаза юритиб ўтиришнинг фурсати эмаслигини пайқаб, — у кетган томонга юринг, газни босинг, тезро-оқ!

Иброҳим унинг айтганидай қилди. Муртазо бўрининг бу ерларда беҳуда изғимаётганини, у ҳам ов илин-

жида, у ҳам сайғоқлар ортидан келганини савқи табиий ҳис-ла пайқаган, энди бўридан эпчилроқ ҳаракат қилиб қолиш кераклигини фикридан ўтказганди. Кўп ўтмай бўрининг қораси кўринмай қолди, аммо улар кутганчалик чироқ ёруғини кўндалангига кесиб ўтишга уринаётган сайғоқлар галаси кўринди.

Муртазо:

— Ана-а топди-ик! — дея қичқириб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди, бўри ҳам хаёлидан кўтарилиб кетганча. — Газни босинг, газни, кетиб қолишмасин! — деганича кабина ичида ўтирганини ҳам унутиб олдинга талпингани талпинган эди.

Муртазонинг важоҳати қўрққулик эди. Гарчанд Иброҳим ҳам унча-мунча нарсадан ҳайиқишни хаёлига ҳам келтирмаса-да, кескир сўзларнинг дамига дош бериши қийин бўлди. Унинг айтганларини сўзсиз бажара бошлади.

— Тўхтанг! Машинани тўхтатинг деяпман! — Муртазо енгидан тортиб бир-икки силтаб ташлагачгина Иброҳим ўзига келиб, оёғини тепкидан олди.

У сайғоқларнинг жайноқланган кўзларидан шуури музлаб қолгандай карахтланган эди.

Машина бир қалқиб тўхтади.

— Ҳаммасининг абжағини чиқариб юборишимизга бир баҳя қолди-я, кейин кооперативчилар пулга тугул текингаям олишмасди, — шундай дея, Муртазо пастга сакраб тушди.

Иброҳим ҳам унинг ортидан пастга тушди. Машинанинг чироғи ёруғида бўлиб ўтган ҳодисанинг натижасини аниқ-тиниқ кўраркан, унинг ўтакаси ёрилаёзди. У бундай бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмагандек эди. Машинага ўрнатилган темир қувур машина чироқларига ўзларини уриб, унинг олдидан кесиб ўтмоқчи бўлган сайғоқларни чалги каби ўриб ташлагандек эди. Сайғоқларнинг баъзилари оқсоқланаоқсоқлана қочиб қолишга ҳаракат қилишар, баъзилари тўрттала оёғидан ақалли бирортасиниям қимирлата

олмай онтарилган кўйи ётарди. Муртазо машинадан туша солиб ҳеч нарсага қарамай, уларнинг бўғзига пичоқ тортиш билан овора эди.

У, чамаси, йигирматача сайғоқни ҳалоллагач, қаддини тиклаб, Иброҳим томонга кескин бурилди.

— Нега қаққайиб турибсиз, буларни машинага юкланг! — деди.

Иброҳим бездай бўлиб тураверди. Борди-ю айни дамда унинг юзини кўриш имконияти бўлганида эди, қиёфасининг беҳад ўзгариб кетганлиги, ёноқларининг пир-пир учаётганлиги, кўзларининг шокосасидан чиқ-қудек қон талашиб турганлиги аён кўринарди.

— Мен кетаман, — деб қолди ҳеч кутилмаганда Иброҳим.

Муртазо қўлида пичоқ, ўрнидан сакраб турди. У Иброҳимга ташланмоқчидек бир важоҳатга кирди, қўлларини икки томонга ёзиб, оёқларини кериб турди. Лекин осойишта, босиқ овозда, яккаш ҳайрон қолганлигини ифодаламоқчи бўлгандек:

— Ие, нега?! — деди, сўроғи замирида аллақанча оғу силқиб турганини ўзиям сезиб. — Бемаҳалда қаёққа?

— Кетаман-да, — Иброҳим, уйга, дейишга истиҳола қилди, бундай деса нариги кўчада адашиб қолган ёш боланинг ҳолатидек бир ҳолатга тушишини айни вақтда тасаввур этди.

— Булар-чи? — Муртазо ҳамон ўша-ўша хотиржам кайфиятда, кифт қисиб пичоқнинг учи билан сайғоқлар уюмини кўрсатди.

— Билмади-им, мен буларни ортмайман, — юрагининг тубидан чиққан бу хитоб Муртазодан ҳам кўра Иброҳимнинг ўзини кўпроқ ҳайратда қолдирди.

— Ие, бунақа деманг-да энди-и, — Муртазонинг сўз оҳангида Иброҳим ҳеч қачон бу ердан ўз-ўзича кетолмаслигини англатувчи алланималар бор эди.

Буни шубҳасиз, Иброҳим ҳам ички сезим билан сезди. Шу боисдан бўлса керак, бошқа гап қайтаришга у ўзида куч тополмади. Устига-устак ярим тун, ким-

сасиз ваҳмкор дала-тузда бир оғиз сўз учун азиз жонини дорилбақога жўнатишни ҳам истамади. Ноилож, яна Муртазонинг буйругини бажаришдан ўзга иложи қолмади.

Бир соатлардан сўнг улар катта йўлга чиқиб олишганди. Иброҳим оғиз очмас, рулни маҳкам сиққанча йўлдан кўз узмай борарди.

— Ёвонга ҳайдайверинг, — деди Муртазо чорраҳага етай деб қолишганда, — ёвонлик бир қассоб билан гаплашиб келганман. Калласи ишлайдиган одам. Уч-тўртта ёру биродари билан кооператив очишган. Сомса дейсизми, шашлик дейсизми, шўрваю палов дейсизми — минг турли овқат пиширишади. Аста-секин Ёвонни ўз қўлларига олишмоқчи.

— Ёвон узоқ, — деди Иброҳим унинг гапларига мутлақо эътибор бермагандек.

— Тўғри, — тасдиқлади унинг сўзини Муртазо. — Ёвон узоқликка узоқ, бироқ қассоб килосига уч сўмдан рози бўлган. Бошқа ҳеч қайси кооперативчи бундай тўламайди.

— Мошинни мазаси йўқ, — баҳона қидиришга тушди Иброҳим. Унинг айтилган жойга боргиси келмаётгани сўзининг оҳангидан алайно ошкор намоён бўлиб турарди.

— Мошин — темир, — деди Муртазо қатъий тарзда. — Бути йиртилиб қолмайди. Сизни жаҳаннамга ҳайданг деганим йўқ-ку. Ёвон нима деган гап?

Муртазо бу билан, агар айтган жойга ҳайдамасанг жаҳаннамга ҳам жўнатвораман, демоқчи бўлганди.

— Бола-чақа, уй-рўзғор ташвишлари сизга шусиз ҳам етиб ортса керак, — деб Муртазо ўйлаган ўйининг хулосасини айтиб қўя қолди.

— Ҳаммасининг падарига лаънат, — деди алам билан Иброҳим. — Ўзимга қолганида худо ҳаққи уйланмасдим ҳам.

— Эркак одам уйланмаса бўлмайди, — деб қўйди Муртазо.

— Одамлар жамики разил қилмишларига оиласини, бола-чақасини орқа қилишига ҳайронман, — деди Иброҳим.

Бироқ, бу орада у барибир машинани Ёвон йўлига буриб олди.

Муртазо шу боис, кайфияти хушланиб, ўзига текизиб айтилган гапга парво ҳам қилмай, суҳбатни бажону дил давом эттирди.

— Ҳукуматимиз болапарвар-да, — деди истеҳзоли кулганча. — Ана шунақа баҳонаи сабаблар бўлса тез кечиради.

— Биз айтамиз-қўямиз-да, ҳукумат кечирмайди, — деб хўрсинди Иброҳим.

— Униям йўриғи бор, — деди Муртазо сирли қилиб.

Иброҳим оғир хаёл оғушига чўкиб, бошқа сўз қотмади.

Муртазо ухламасликка қанчалик уринмасин, кўзи илинганини пайқамай қолар, машина ҳар силкинганида чўчинқираб кўзини очар ва Иброҳимга илкис нигоҳ ташларди. Иброҳим рулга худди қапишиб қолгандай, кўзларини йўлга диққат-ла қадаган куйи ўтиргани ўтирган эди. У, Муртазонинг ухлаган-ухламаганига мутлақо эътибор бермаётган бўлса-да, Муртазо ўзича, ухлаб қолсам кўнглига келар, деган андишада эди.

Улар қассобнинг уйига эрта тонгда етиб келишди.

Кўк темир дарвозани тақиллатишди. Ичкаридан иккита-учта итнинг йўғон-йўғон товушда вовиллагани эшитилди.

— Итбозми дейман, — деб кесатди Иброҳим.

Муртазо елка қисиб, яна дарвоза тақиллатишга тушди.

Бир маҳал ичкаридан бировнинг кетма-кет йўталгани ва:

— Ким у? — деган таҳликали товуши эшитилди.

— Мен — Муртазоман, Ўлмас ака-а.

Эшик очилиб, йўл-йўл матодан тикилган тунги кийимдаги, жингалак сочли, узун бўйли қотма киши кўринди.

— Яхши келдиларингизми? — деб сўради у, кўришиб бўлгач дарвозанинг иккала табақасини ҳам кенг очди.

Унинг хатти-ҳаракатларидан атай кутиб турганлиги аён бўлди.

Иброҳим машинани дарвозахонага олиб кирди.

Қассоб ҳали сайғоқларни кўрмай, Муртазодан:

— Нечта? — деб сўради.

— Ўттиз бешта, — деди Муртазо. — Аслида ўттиз еттита-ю, майли иккитасини сизга ташлаб берамиз.

Қассоб англамай турди.

Сўнгра ўз қусурини дарров бўйнига олмаса келганлар билан келишиб бўлмаслигини тушуниб етди, шекилли:

— Бу-у сал-пал оғирроқ, — дея Муртазога қулоғини силкитиб кўрсатди. — Яқинроқ келиб, қаттиқроқ айтаверинг.

Муртазо унинг қулоғи супасидан ушлаб, микрофонга гапираётгандек айтган сўзларини яна такрорлади.

Қассоб иккала қўлини баравар юқори кўтарди.

— Йўқ, ташлаб бериладигани бизга керакмас, — деди у, ҳалолу покиза яшашни ўзига шиор қилиб олгандек, бировнинг ҳақига жиндеккина хиёнат қилса тешиб чиқадигандек. — Ўттиз еттитами, ўттиз еттита-да! Биттаси неччи килодан?

— Йигирмадан, — яна унинг қулоғига қичқирди Муртазо.

Қассоб, эшитдим, дегандай бош ирғади. Сўнгра у машина ғилдирагига оёқ қўйиб чиқди ва кузовга назар ташлади. Кузовга бирпас қараганича ўйланқираб турди-да, пастга тушиб кафтларини бир-бирига урганча қоқди.

— Тушираверинглар, — деди сўнгра Муртазога қараб қатъий оҳангда. — Ўн бешдан келишганимиз бўйича оласизлар. Нақд тўлайман. Даллол-паллолсиз, ширинкомапиринкомасиз. Ҳа, десаларингиз — шу, йўқ, десаларингиз ўзларингиз биласизлар.

Муртазо қассобнинг бундай ноинсофлигидан ранжиб, ўзича ғудраниб сўкинди. Аммо бошқа иложи йўқ эди. Бошқа қаёққаям борарди? Борди-ю, айни дамда бу Ўлмас ака деганлари ҳар бир сайғоққа ўн килодан вазн қўйсаям кўниб кетаверишдан ўзга иложи йўқ эди.

— Бўпти-да, — деди Муртазо қассобга эмас, негадир Иброҳимга қараб. — Қаёққа туширамиз?

— Бу ёққа, — қассоб ҳовли ўртасидаги чуқур ёнини кўрсатди.

Этакдаги панжара ортида хўтикдек-хўтикдек келадиган учта ит ириллаб туришарди.

— Ҳаром аъзоларини увол қилмайлик деб сақлаганмиз буларни, — деди қассоб Муртазо ва Иброҳим итларга ҳайрон бўлиб қараб туришганини кўриб.

Машина юкхонасидаги чала сўйилган сайғоқлар ҳаш-паш дегунча чуқур лабига келтирилди. Бу орада ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги бир ўғлон ўнг қўлидаги пичоқни чап кафтидаги силлиқ тошга қайрай-қайрай, уйдан чиқиб келди. Чамаси, синглиси бўлса керак, ўн бир-ўн икки ёшлардаги қизалоқ велосипед ғилдирагига дам берадиган насос кўтариб унинг ортидан чиқди. Боланинг эгнида спорт кийими, қизча эса мактаб формасида эди. Улар уйқусираганча эснай-эснай чуқур лабига келишди-да, одатдаги ишни бажараётгандек сайғоқлардан бирини сал четга судрашди. Ўғлон энгашиб чала сўйилган бу жонзотнинг калласини бир пичоқ тортишдаёқ танидан мосуво этди. Сўнгра уни чалқанчасига ағдариб, орқа оёғининг пойчасини кесиб, дамлашга ҳозирлади. Қизча қўлида насос найчасининг учини тери ичига тиқиб, ип билан уни чандиб боғлади. Беш-олти марта дам берганди, сайғоқ дўмбирадек шишиб кетди. Ана-мана дегунча бўлмай, у ён-бу ёнга ағдариб, бола сайғоқнинг терисини шилиб олди ва иккинчисига ўтди.

— Болалар ҳам ёнимизга кириб қолди, — деди қассоб мамнун оҳангда. — Саккизинчини битириши биланоқ ўғилчани мактабдан чиқариб олмоқчиман. Керак-

ли нарсаларга ўзим ўқитаман. Ҳисоб-китобга балодекман. Калла қурғур шунга келганда жа-а ишлаб кетади.

— Тўнғичингиз бўлса керак-а? — Муртазо сайғоқларнинг терисини шилиш билан машғул бўлган болага ишора қилди.

Қассоб кафтини қулоғининг ортига қўйиб, қимирлатди:

— Нима дедингиз, англамай қолдим.

— Тўнғичингизми? — бақирди Муртазо унинг қулоғи остига.

— Ҳа-а... — қассоб унинг саволини эшитганлигини билдириб, чўзиқ хитоб қилди. — Йўқ, йўқ, бу тўнғичимиз эмас. У... бир, икки, уч... — қассоб бармоғи билан нималарнидир ҳисоблай кетди ва ниҳоят топди шекилли, — у ўнинчида ўқийди, — деди. — У бунақамас, юракдан бермаган, қондан қўрқади. Унинг онасиям ўғлим катта шаҳарларда ўқисин, деб орзу қилади. Майли, ўқиш бўлса ўқийди-да, дейман, битта бола эканку, ўнта бўлсаям ўқитиб оламан, дейман. Танишлардан сероб. Ижроқўм раисининг ўзлари билан ҳам жа-а ошу қатиқ бўлмасак-да, борди-келдимиз бор. Бир куни дўконга ўзлари келиб қолсалар бўладими? Шопирлари мошинни тўхтатиб кутиб турибди-ю, у киши пойу пиёда, битта-битта қадам ташлаб келяптилар. Ўзи бизнинг дўконнинг ёнидаги чойхонанинг чойхоначиси ернинг тагида илон қимирласа олдиндан сезади — йили сичқон-да! Эртаматан ҳаммаёққа сув сепиб, салқинлатиб бадастир қилиб қўйганди. Бир ўйладимки, ижроқўмимизнинг раиси чойхонага келаётгандир, деб. Дарров ташқарига чиқиб, қўлини кўксига қўйганча эгилиб турган чойхоначи Мамаюсуфнинг ҳам кўзлари йилтирайди, зора, у киши чойхонага кириб бир чойнак аччиқ чой сўрасалар, дегандек қарайди. Йўқ, у кишининг мунақа ниятлари йўқ шекилли, тикка дўконга қараб келяптилар. Ноқулай бўлмасин деб ташқарига чиқиб турдим. Олдимга келиб кўришгани қўл узатдилар. Тахта бўп қолибман. Мамаюсуф чойхоначи бўлса нуқул атрофим-

да айланади, узоқдан туриб кўз қисади, имлайди, чойхонага бошласанг-чи, галварс, деётгандай бўлади. Ахийри базўр тилга кирибман. Тилга кирмай мен ўлай, хўш, хизмат, деб юборсам бўладими? У киши жилмайдилар. Жилмая туриб, Ўлмасжон, сиз ҳурматга лойиқ одамсиз, дедилар. Ё товба, исмимни қаёқдан билиб олибдилар экан. Шундоқ-шундоқ, нақ Московдан бир оғайнимиз келиб ўтирибди, дедилар. Келса келар, ўнтаси келмайдими, юзтаси келмайдими — сояи давлатингизда мундо-оқ одамга ўхшаб дам олиб кетишади-да, дедим. Ҳар куни келишади, дедилар у киши чиройли жилмайиб. Аммо, буниси жуда анов-манов одаммас. Унинг келганини ҳатто областдаям билишмайди, билишса борми, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборишади, оёгини ерга теккизмай олиб кетишади. Шунақа дейди, денг. Мен денг, оғзимни ланг очганча тураверибман. Шу меҳмон хурсанд бўлиб кетсалар биз ҳам хурсанд, дедилар ижроқўмимиз раиси. Албатта-албатта, дея у кишининг гапларини маъқуллайман-у, ичимда дардини тезроқ айта қолмайдими, деб ўйлайман. У кишининг шамаларига Мамаюсуф чойхоначи тушуниб, бу пайтда менга кўз қисаётган, имлаётган, имо-ишоралар қилаётган экан — нима дейсиз, чойхоначи кўринармиди кўзга?! У киши талмовсираниб турдилар, кейинчалик ўйлаб қарасам, анча хуноб ҳам бўлибдилар. Ахийри тоқатлари тугади чоғи, гапнинг пўсткалласини айтиб қўяқолдилар. Бизга шашликбоп, димламабоп, шўрвабоп, паловбоп қилиб тўрт-беш килодан алоҳида-алоҳида гўшт тортинг, дедилар. Ишонасизми, суюниб кетдим! Қаранг-а, мендан гўшт сўраб келибдилар-у, мен галварснинг хаёлим қаёқларда юрибди. Айтганларини тўртта халтага, тўрт-беш килодан қилиб, алоҳида-алоҳида солиб бердим. Шофёрлари зипиллаб ташияпти. Бир маҳал қарасак, у киши чўнтакларидан партбилетларини чиқардилар. Жуда яхши тутилган, бирор жойига доғ тегмаган. Орасида бир даста бели синмаган юз сўмлик кўриниб турибди. Мамаюсуфнинг ранги пага бўлиб кет-

ган, жойидан жилолмай, михлангандек қотиб қолган. Рости гап, мен парвойимга ҳам келтирмадим. Ахир, у чойхоначи Мамаюсуф эмас — беш тийинга қараб ўтирадиган! Ижроқўм раиси-я! Катта-катта олади олгандаям! У киши битта юзталикни менга узатяптилар қарасам. Қўйинг-қўйинг, дедим, у кишининг қўлларини астойдил қайтариб, хафа бўламиз-а, дедим. Қуллуқ Ўлмасвой, деб кетдилар у киши. Бизга ана шу бир оғиз ширин сўз катта давлат! Ўзиям у гўштларни олтита қўйдан тергилаб чиқдим-да. Битта қўйдан чиқса бир кило-икки кило шўрвабоп, шунча димламабоп гўшт чиқади-да. Қолгани похолга ўхшаш лаҳм бўлади. Гўштнинг мазасини билмайдиганлар ўзларини ана шу лаҳмга урадилар. Шу-шу ижроқўм раиси ҳам ҳурмат қиладилар. У кишининг ошнолари кўп. Улар билан ҳам оға-инилашиб қолганмиз. Яхшининг шарофати-да. Сал томоқ қирсалар тушунамиз, дарров кўнгилдагидек қилиб уйларига етказамиз. У кишининг ошноларидан биттаси катта шаҳарда, институтда ишларкан, танишиб олдик. Ўлмасвой, ўнта ўғлингиз бўлса ҳам ўқитиб бераман, дейди. Занғарнинг боласи мард кўринади, аммо жа-а тўзғитиб ичар экан. Катта ўғилчани ўшанинг олдига юборамиз. Майли, ўқисин. Онасиям хурсанд бўлади. Буни ўқитмаймиз, — қассоб сайғоқларнинг ярмисини терилаб бўлган ўғлонни кўрсатди. — Бунинг онаси ҳам тошбагирроқ. Дадажониси, ўғлимиз мактабни ҳозир ташласаям майли дейди ит эмган.

Қассоб алжидими ёинки янглиш эшитдимми, дея ўйлаб, ҳайрон қолган Муртазо:

— Тўнғичингизнинг онаси бошқаю кенжасиники бошқами? — дея сўради.

— Лаббай?! — қассоб кафтини қулоғининг ортига қўйди.

Муртазо саволини деярли бақириб такрорлади.

— Бу кенжамиз эмас, ўртанчамиз-ку! — деди қассоб алланечук ишшайиб. — Кенжамизнинг онаси бошқа. У билан ҳам бир-биримизга меҳримиз тушиб тур-

муш қурганимизга саккиз йил бўлиб қолди. Тўғри, менинг кенжатойим унинг учун аслида тўнғичвой, — қўққисдан айтиб юборган ўз ҳазилидан нашъаланиб, қассоб хириллаб кулди.

Муртазо кифт қисиб:

— Тушунмадим, — деди.

— Лаббай? — қассоб кафтини яна қулоғининг ортига қўйиб, бутун диққат-эътиборини бир ерга жамлаб, сўради.

Муртазо айтган сўзини такрорлади.

— Э-ҳа! — қассоб негадир суюниб кетди. — Тушунмайдиган жойи бор эканми? Бу ишларнинг бари учала янгангизнинг ҳам ўз рози-ризолиги билан бўлган. Никоҳдан ўтганмиз.

— Биз биттасини базўр эплаймизу учтаси билан қандай кун кечирасиз?

Қассоб энди кафтини қулоғининг ортига қўйиб Иброҳимнинг олдига келди:

— Қаттиқроқ гапиринг, қаттиқроқ!

— Оғир бўлса керак дейман, рўзгорчилик ахир, — Иброҳим негадир жигибийрон бўлиб қичқирди.

— Ие, нимаси оғир? Худога шукр, учаласиниям боқишга қувватимиз етарли.

Уларнинг суҳбатлари шу ерда узилди. Тонг ёришиб келмоқдайди. Ҳисоб-китоб қилишди.

— Бир минг олти юзу олтмиш беш сўм, — қассоб бор-йўғи учинчи синфни тугатган бўлсаям бунақанги ишларга пухта бўлиб кетганлиги рафторидан кўриниб турарди. — Килосига уч сўмдан бўлди. Баракаларингизни берсин. Бу гал ҳам олиб келаверинглар. Қанча бўлсаям нақд пулини тўлаб олаверамиз. И-и, майли, тонналаб опкелинг-да! Шу бугун бозорга олиб чиқсак, шу бугун талаб кетишади. Ўзи кейинги вақтларда бозорга тупроқни олиб чиқсанг ҳам талаб кетадиган бўлишди. Одамлар оч-да, кўзиям оч. Бетингга қарашмайди. Баҳудо, бетингга қарашмай қўлингга қарашади. Халтангда смиш-пемиш кўришдими, бас, дарров, қаёқдан олдинг,

а-а, қаёқдан, деб сўраб-суриштириб қолишади. Очиратми-очиратмасми, а-а, очиратми, деб қизиқишади. Нимаики бўлса, ҳаш-паш дегунча талаб кетишади, айтишади-ку, кўз очиб қарасам ҳай бор, ҳайдар йўқ , деб. Оч сичқон мушукни ейишдан ҳам қайтмайди, дейишгани ҳам рост.

Муртазо эшитса-эшитмаса, унинг гапларини бошини тебратган кўйи тасдиқлай-тасдиқлай, пулни қайтадан яна бир карра санаб чиқди.

Сўнгра улар қўл ташлаб хайрлашишди. Кейин улар яна изларига қайтишди. Ярим соатлардан кейин кенг дала йўлига чиқишгач, Муртазо Иброҳимдан бирпас машинани тўхтатиб туришни сўради. Иброҳим унинг айтганини қилди.

Муртазо Иброҳимнинг олдига бир даста пул қўйди.

— Саккиз юзу ўттиз сўм, — деди у энг яқин кишисига гапираётгандек мулойим товушда, айни дамда улкан марҳамат кўрсатаётгандек. — Теппа-тенг арра қилдик, ҳали кўраверасиз, шерикчилик масаласида биз номардлик қилмаймиз.

Иброҳимнинг кўкрагини рулга берганча қандайдир ўйга ботиб тургани Муртазонинг кўнгли тинчимади, шекилли, пулни олиб унинг чўнтагига солди.

— Уч-тўрт соат уйқуни ҳаром қилганимизнинг ҳақи чиқди-кетди-да, — деди қандайдир жўяли кўринган гапларни жуда-жуда гапиргиси келиб турган Муртазо. — Одамлар мунча пул учун йиллаб, кечаю кундуз тиним билмай ишлашади. Ё гапим нотўғрими? Оғзининг ҳовури билан мунақа пулларнинг минг-мингини топадиганлар ҳам бор, аммо, биласиз уларнинг кимлигини — каттаконларнинг арзандалари. Брежнев бобонинг бир қизи бўлган экан, фақат тиллани тан олган экан, қоғоз пулларга кетиниям артмаган экан, унинг уй-жойлари, дачалари сон-саноқсиз бўлган экан, қанчадан-қанча завод-фабрикаларни ўзиники қилиб олган экан — гўрига опкетармиди, давлатнинг нарсаси бир кунмас-бир кун тешиб чиқади-да. Мана энди Брежнев бобо ўлиб кетга-

нидан кейин аллақайси чет элларда юрганмиш. Энди Горбачевнинг хотинини гапиришяпти, унинг эгнидаги битта пальтосига бир районни бир йил боқса бўлармиш, унинг бунақа пальтолари сон-саноқсиз эмиш, — Муртазо қизишиб кетиб, анча-мунча гапларни гапириб юборгач, бу сўзлардан фойда йўқ дегандай қўл силтаб қўйди. — Ўртақайнардаям, Бошқайнардаям ейишга нон тополмайдиган оилалар ҳам тўлиб-тошиб ётибди, — деди. — Шунақа бўлгач, парво қилманг, сизу бизнинг бу ишларимиз пешволарнинг ишлари олдида тирноқчаям эмас...

Иброҳимдан садо чиқмади.

Муртазо сўзлай-сўзлай пинакка кетди. Қай маҳал қишлоққа етиб келишганини у ҳатто пайқагани ҳам йўқ.

3

Тақдир шамоли чўлу биёбонлар бағридаги тупкагаям лақайларнинг бир уруғларини элтиб ташлаган. Уларнинг ўша бир уруғлари бора-бора ўн бўлди, йигирма бўлди — кўпайишди, сузоқликлар билан уруғ-аймоқлашиб қўшилишиб кетди. Раҳматли Ҳусния кампирнинг жанозасида Убайдилла чавандоз, Чимкентдан кечагина келган экан, деганида ҳам унинг ўша Сузоқдаги қизиникига бориб келганини назарда тутганди. Қозоқлару лақайлар қайнатса қони қўшилмайдиганлардан эмас, энди ўртақайнарликларнинг ҳам кўнгли ўша томонларга бот-бот тортиб турадиган бўлди. Убайдилла чавандоз илгари ҳам ўзи у ерга кўп борган. Уруғдошларидан бу гал хабар олишда Сузоққа Муртазони ҳам етаклади. Муртазо йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юришдан зерикди. Ер юзи жуда кенг экан-да, дунёнинг нариги чеккасига чиқиб кетдик-ов, деб ўйлади. Бироқ, у ўйлаганчалик бу жойлар жуда ҳам нариги чекка эмас экан. Аксинча, ўрус оғалар, Черняюф деган туманбоши Тошкентни босиб олгунча бот-бот Сузоққа чекиниб турган

экан. Тошкентликлар ҳам бу туманбоши дунёнинг нариги чеккасига чиқиб кетди, энди қайтиб келмайди, деб кўнгиллари хотиржам бўлиб, ортидан боришмас экан. У бўлса, нафақат қайтиб келибди, ўз номини абадул-абад қолдириб кетибди. Маҳалламас, қишлоқмас, бус-бутун шаҳарни унинг номи билан аташипти, шу туманбошиям мундай унутилиб кетмасин, бот-бот ёдга тушиб турсин, қон тўккани-тўкмагани учун Оллоҳнинг даргоҳида жавоб берар, аммо ўз даври учун нималарнидир қилган-ку, дейишипти.

Муртазога бу ерлар ёқди. Далаларнинг кенглигини кўз илғамас эди. Уфққача бир текис жинғилу саксовулзор дашт ястанган. Чаппор уриб дайдибадал шамоллар ўйнайди. Баъзи-баъзида ўркачларини лўкиллатиб, тумшуқларини олдинга чўзиб туялар галаси кўриниб қолади. Туялар мозий бағридан чиқиб келаётганга, ўркачларида ўтмиш ҳақидаги барча ҳақиқатларни яшириб келажакка қараб олиб кетаётганга ўхшаб кўринишади. Сузоқда уларни қўярга жой тополмай қолишди.

— Боврларим-ей, бир пияла чой ичмасаларинг бўлмайди, — деб, ҳар ким ҳам ўзининг уйига уларни олиб боришга ҳаракат қиларди.

Уч-тўрт кун меҳмондорчилик жуда авжига чиқди. Раҳматли Ҳусния кампирнинг қизиникига ҳам боришди. У кўз ёши билан уларни қаршилади.

— Аямнинг қабри у ёқдаю меники бу ёқда қолаверармикин, нариги дунёда ҳам дийдор кўришиш йўқмикин?! — дея ўксиниб, дили хуфтонланиб, ахийри мезбонлик юмушларига андармон бўлди.

Қайтишда Муртазолар Чимкентгача автобусда келишди. Олдинги ўриндиқда қотма юзли бир қария оёғи тахтакачланган бургут ушлаб турарди. Қариянинг чайир қўллари нечукдир бургутнинг оёқларига ўхшаб кетар, чуқур-чуқур ажин-ла қопланган юзига, оппоқ соқолига нисбатан кўзлари чақноқ ва тийрак эди, олис-олис йилларни эслатаётгандек бўлиб турарди.

Бургут эса бошини кескин-кескин ҳаракат-ла буриб ён-верига қаранар, унинг ана шу қарашининг ўзиёқ кишининг баданини жунжиктириб юборарди. У ҳар замон-ҳар замонда қанотларини ёзмоққа шайланар, бунинг уддасидан чиқолмагач кўзларидан олов сачратарди.

Қария ҳам, бургут ҳам Муртазони мафтун этганди.

— Қанот қоқолмаяпти-ку? — деди у қариянинг мардона юзига илкис назар ташлаб.

Қария бургутнинг калта қанотларини кафти билан силаб-сийпаб:

— Ўрганиб кетгунча деб буларни кесгандим, энди аста-секин ўсяпти, — деди.

— Илгари ҳам бургут тутармидингиз? — деб сўради Муртазо қизиқиши тобора ортиб бораркан.

— Нега тутмай, эллик йилдан буён бургут билан ов қиламан-ку? Фақат эҳтиёт бўлиб муомала қилмаса бўлмайди. Бургут ўз номи билан бургут-да.

Қария бургутни қандай тутишу қандай ўргатиш ҳақида эринмай сўзлади. Муртазонинг хаёли бошқа ёқларга оғиб, чолнинг сўзини бўлиб баъзи бир нарсаларни қайтадан сўраб оларди. Уч чол чўққиси тепасида гоҳ-гоҳида улкан қанотларини силкитиб учиб юрадиган бургутни у кўз ўнгига келтираркан:

— Буни менга сотмайсизми? — деб сўради қариядан.

— Э, йўқ, — деди қария Муртазо худди ундан тортиб олиб қўядигандек, бургутни багрига босди. — Баҳоси йўқ-ку бу жониворнинг, сотинг эмиш; меҳмонга ўхшайсан, бир айтдинг, иккинчи оғзингдан чиқаза кўрма бу гапни.

Муртазо узр сўради. Кейин бургутни қандай тутиш, қўлга ўргатиш ҳақида сўраганди, у қувониб бажонидил сўзлаб берди.

— Бу ишлар ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, — деб қўшиб ҳам қўйди.

— Нега? — деб сўради Муртазо.

— Қуш тутиш иши қонда бўлиши керак, — деди қария маъноли қилиб.

— Сизнинг ҳам қонингизда бор экан-да? — дея ишонқирамаётгандек сўради Муртазо.

— Албатта-да, — деди қария фахрланаётгандек. — Илгарилари советнинг ҳозирги бу фалон, бу пистон деган чегаралари бўлмаган, Сузоқ ҳам Қозоғистонда экан деб биров ўйламаган, Қўқон хонлигига қараган; бу хонлик ерларида яшайдиганлар бир-бирларига қавму қариндош, уруғ-аймоқ-да, мана атай сен-менга боришсин, деб совет ҳукумати хонликни бўлиб-бўлиб, бу фалон, бу пистон жой деб юборган-да...

— Тарихни яхши биларкансиз, — деди Муртазо.

— Бор гаплар шу-да, — деди қария хўрсиниб. — Бизнинг ота-боболаримиз Қўқон хонининг қушбегилари бўлишган, билмасак ҳам уят-да...

Убайдилла чавандоз ҳам бу гап-сўзларга қизиқиб қолиб, кутилмаган янгиликларни эшитаётгандек жон қулоғи билан тинглар эди.

Муртазо Ўртақайнарга етиб келган кунининг эртасигаёқ Ёвонга бориб пишиқ тўр сотиб олиб келди. Йўл-йўлакай уч-тўртта жўжа ҳам келтиришни унутмади.

Мавлуданинг, буларни нима қиласиз, дея тергай-веришига жавобан бепарво қўл силтаб:

— Ишинг бўлмасин, — деб қўя қолди.

Унинг кўнглига қариянинг бургут ҳақидаги гап-сўзлари қутқу солган, негадир ўзининг ҳам ўшандай қўлга ўргатган бургути бўлишини, у қуш унинг айтганларини сўзсиз амалга оширишини жуда-жуда хоҳлаб қолганди. Шунинг учун орадан икки-уч кун ўтмаёқ Муртазо тонг саҳардан белбоғига иккита чапати, яхна гўшт тугиб, хуржунга жўжаларни, тўрни ва дон-дун солди-да, Гулбодомнинг белига ўтириб тоққа йўл олди.

Кеч кузнинг ҳавоси анча изғиринли эди. Шу сабабдан бўлса керак, дала-даштда доимо санқиб юрув-

чи жониворлар ҳам кўзга ташланавермас, сукунат ҳукмрон эди. Муртазо Уч чол чўққисининг остига етиб келганида аста-секин кун ёриша бошлаганди. У Гулбодомни пастда қолдирди. Хуржунни елкасига ташлаб ўзи юқори ўрлай кетди. Чўққининг тепасига чиққач ниятини амалга ошириш учун қулайроқ жой излаб, у ён-бу ёнга олазарак назар ташлай бошлади. Нигоҳи ногаҳон чоққина ҳовуздек келадиган бир чуқурликка тушди. Қулай жой экан, деб қўйди ўзига-ўзи, шу лаҳзада юзида мамнунлик ифодалари барқ уриб ўтди. Чуқурнинг тубига пича дон сепиб жўжаларни ўша ерга қўйиб юборди, сўнгра унинг устига тўрни ёпди. Тўрнинг атрофига тош бостириб чиқди. Муртазо ўзи бажарган ишларни бамайлихотирлик билан бир-бир кўздан кечирди. Қаноат ҳосил қилгач, анча қуйироқдаги арчанинг остига бориб ёнбошлади. Арчанинг остига ёнбошлагани баҳона бўлди-ю, лоп этиб эсига Анна тушди. Унинг ёқимли ислари беихтиёр димоғини қитиқлагандай бўлди.

"Лаънати-е! — дея қандайдир энтикиш билан хаёлидан кечирди. — Ҳеч ёдимдан чиқай демайди-я! Ёинки Максим-Махсумга айтиб уни чақиртирсаммикин? Йўқ, бу тўғри келмайди, одамлар ҳар хил гап-сўзларни тарқатиши мумкин". Туриб-туриб яна ўзига-ўзи: "Э, одамларнинг гап-сўзлари билан неча пуллик ишинг бор, Муртазо, — деганича овоз чиқазиб, ҳаттоки кулимсираб ҳам қўйди, — ҳали бу кўҳна дунёга кўп одамлар келиб-кетади, милён-трилёнлар туғилади, аммо Муртазо қайтиб туғилмайди. У — танҳо! Неча-неча Муртазо аталмиш исмлар бордир, бироқ улар ҳам бу Муртазога қайтишмайди. Қайта туғилмагач, бу дунёда бир марта яшагач, бировларнинг гап-сўзларини ўйлаб ўтириш чикора?"

Муртазонинг бутун вужудини ғалати бир кайфият чулғаб олди. У, ҳатто ўша Анна билан қачонлардир тасодифий тарзда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг қайта так-

рорланмаслигини, такрорлансаям ўшандай бўлмаслигини алам-ла фикридан ўтказди. У ҳардамхаёллик билан белбоғини олдига ёзиб, чапатининг бир четидан ушатди, гўштга қўшиб кавшай бошлади. У, мана шу ҳолатда, гоҳида нима еяётганлигини ҳам унутиб, осмону фалакка парвоз этар, бу ерга ҳам ана шу парвоз учунгина келгандек эди.

Нариги чўққиларни оппоқ қор қоплаб ётарди. Уларнинг ортидан кўтарилган қуёш ҳам анча юксалди. Жўжаларнинг бетиним чирқиллаши элас-элас эшитилиб турарди. Ногаҳон Муртазонинг қулоғига ҳам чалинди бу товушлар. Шундагина қушбеги авлодидан бўлган бургутбоз чолнинг барча гап-сўзларини ёдида олиб қолган бўлсаям, бирон-бир нарсани унутмадимми, дея ўйлаб, у билан бўлган суҳбатни яна хотирларкан, унинг қушбегилик қонда бўлиши керак, деган сўзини истисно қилганда, барча айтганларини кам-кўстсиз бажараётганига ишонч ҳосил қилди. Ёввойи бир қуш бўлса, қонингни сўраб ўтирармиди, қуш жўжаларнинг чирқиллашини эшитмаётибди-да, йўқса дарҳол етиб келарди, ўзини мақташ учун томирини қушбегига тақайверди-да, деб ўйлади Муртазо. У ҳар эҳтимолга қарши қўшоғизини отишга шайлаб, яна кутаверди.

Ярим соатлардан сўнг бўз тепаликда улкан соя пайдо бўлди. Бу Муртазо зориқиб кутган қуш — бургут эди. У ошиқмай, бу тоғу тошларнинг ўзидан бўлак хўжайини йўқлигига, бўлиши ҳам мумкин эмаслигига қатъий ишонгандек бамайлихотирлик билан чуқурлик устидан айлана бошлади. У, шубҳасиз, чирқиллашиб турган жўжаларни кўрган, шунда ҳам шошилмай, бу тасодифий ўлжаларига ишонқирамаётгандек улар тепасида кезинарди, холос.

Муртазонинг юраги гурс-гурс урарди. Унинг кўз ўнгидан оёғи тахтакачланган, қаноти қирқилган, бошига қора чарм қалпоқ кийдирилган бургут ўтар, унинг соҳиби деб ўзини тасаввур этар, ҳаприқиб кетарди.

— Учиб-учиб қайтиб кетса-я! — хавотирланиб шивирлади у ўзига-ўзи. — Мунча эҳтиёткор бўлмаса, яна бургут эмиш-а!

Улкан қуш худди шу лаҳзада Муртазонинг ўйлаган ўйини ҳис этиб, бундан номус қилгандай ўзини жўжалар устига ташлади. Муртазо сапчиб ўрнидан турди. Бургут тўрга ўрала-ўрала жўжалардан иккитасини ғажиб ташлашга улгурганди. Қолган иккитаси эса чуқурнинг бир бурчагига биқиниб, томоқлари силкиниб-силкиниб ҳарсиллаб турарди.Муртазо уларга эътибор бермади. У ўз ўлжасидан масрур эди. Қолган барча нарсалар унга арзимасдек, аҳамиятсиздек кўринарди. Бургут жонҳолатда типирчилар, тўрни тилкапоралаб узиб ташлашга уринар, алоҳа, тобора тутқунлик домига тушиб бораётганди. Муртазо унинг хатти-ҳаракатларини анча вақт кузатиб турди. Бургут ҳали-вери ҳолдан тоядигандек кўринмаса-да, бошқа қимирлашга имкони ҳам қолмаганди. Муртазо унинг қанотларини шу заҳотиёқ қирқиб ташлади. Бошига бир илож қилиб чарм қалпоқ кийгизгач, тўр-пўри билан қопга тиқди.

Муртазо ҳовли этагидаги эски қазноқни бургут учун ажратди. Бу қазноқнинг на туйнуги, на тешик-телиги бор эди. Уваланиб қолаёзган қамишлар шифтдан осилиб турарди. Тоб ташлаган пастқам эшик ҳар очилиб-ёпилганда ғичирлар, шунда бургут бошини кескин ҳаракат-ла бурганича теварак-атрофга сергак нигоҳ ташларди. Бургут ёш эди. Кўзига қон тўлиб, ўзини қанчалик у ёқ-бу ёққа урмасин, Муртазога аста-секин ўргана бошлади. У қанотларини мана шу одам кесганлигини, мана шу одам уни сарҳад билмас осмонлардан, шамоллардан, шуълалардан мосуво этганини чамаси энди унута бошлаб, уни қорнини тўйгазиб, меҳрибонлик кўрсатувчи ҳомий сифатида янгитдан таний бошлади. "Ана энди бургутбоз қария айтганидек тўпга ўтқазаверсам бўлади", деб ўйлади Муртазо. Қушбеги авлодидан

бўлмиш чол бургутни узоқ вақт хотиржам қўйиб бўлмайди — мабодо у лоқайдликка кўниккудек бўлса гўнг титиб юрган жайдари товуқдан фарқи қолмайди, деганди. Ахир бургутнинг бургутлиги унинг шижоатида да! Ҳатто, ана шундай шиддатвор қуш ҳам егани олдида, емагани ортида бўлиб турса, патларини биров силаб-сийпаб турса, шалвираб, қатъиятини йўқотаркан.

Муртазо бугун хурсанд ҳолда уйга қайтди. Унинг анчадан буён кўзлаб юрган ови ўнгидан келганди. У эркак сайғоқни отганди. Ҳамробой Муртазога сабабини айтмаган бўлса-да, мана шунақа сайгоқнинг бошини келтирсанг, айтган пулингни бераман, деганди. Муртазо Ҳамробойни қойил қолдириб, ундан анчамунча пул ундиришини ўйлаб, сайғоқнинг бошини чопиб олиб, бир парча латтага ўради ва хуржунга солди. Унинг танасини қазноққа ташларкан, терисини кейин шиларман, деб ўйлади. У Гулбодомни миниб Ўртақайнарнинг четида жойлашган Ҳамробойнинг қўрғони томон кетди. Ҳамробойнинг елкасидан хуржун, эгнидан барчага таниш чакмону бошидан дўппи тушмай ёзин-қишин бир хил тарзда, бирон-бир тайинли ишнинг этагидан тутмай авваллари кўзмунчоғу игнатугма, ҳозир нималигини биров билмайдиган алламбалоларни сотиб юрса-да, унча-мунча нарсага тан бермайди. Шундай одам Муртазодан бир чеккаси бурчли бўлиб турса, яхши-да. Унинг қўрғони шунақа ерда жойлашганки, қишлоққа буткул қўшилиб ҳам, ажралиб ҳам кетмасди. Эгасининг феъли ҳўйиям қўрғонига қараб белгиланганми, Ҳамробой ҳам керак пайтлардагина кўриниб қолар, кейин қайларгадир гумисиё бўлиб кетарди, қайга кетганини биров билмасди, у ҳақдаги гаплар ҳамиша сирлар пардасига ўралган, аллақандай шубҳали бўлар эди. Унинг ташқи қиёфасига қараган одам қирқ-қирқ бешлардан ошмаган дейди. ўзиям ҳақиқий ёшини яширади, айтмайди, айтсаям

камайтириб, неччига кирганга ўхшайман, деган оҳанжамали сўзлар билан қисталанг қилиб айтади. Аслида, у олтмишларга бориб қолган. Миш-мишларга қарагандa, Ҳамробой иккала хотинининг нақ ўртасида ётармиш. Унисиям, бунисиям бир-биридан дилгаш бўлмасмиш. Саодатманд Ҳамробой у ёнига ағдарилсаям қиқир-қиқир, бу ёнига агдарилсаям қиқир-қиқир эмиш. Саодатманд Ҳамробой орқа ўгириб ётиш деган бахтсизликдан маҳрум, у ҳамиша ўнг ётар эмиш. Ҳамробой Муртазони ҳар кўрганда ҳоли жонига қўймай оқ бўқаннинг шохидан бўлсин, хурсанд қиламиз, деб илтимос қилса-да, шохнинг нимага кераклигини айтмасди, Муртазо ҳам буни қисталанг қилиб сўраб ўтирмасди.

Ҳозир у дарвозаси оғзида елкасига чакмонини елвагай ташлаб, куймаланиб юрган экан. У Муртазони кўриб турган жойида қотди. Унга билдирмай синчков назар ташлади ва ўз-ўзича ҳеч нарсани англаб ололмай, одатдагидек салом-алик қилишга мажбур бўлди.

Тағин ўша-ўша эски гапини такрорлади:

— Муртазобой, бизнинг илтимос нима бўляпти?

Муртазо хуржундан тугунчани олиб унга ирғитди:

— Мана калласи, шохини ўзингиз чопиб оласиз.

Ҳамробой шошиб қолди.

— Чопиб оламиз, чопиб оламиз, — у паёпай сўзлаганча тугунчани ечиб, сайғоқнинг ҳали қони буткул қотиб улгурмаган бошига чексиз қувонч-ла тикилди.

Сўнгра шошганича дарвозадан ичкарига кириб кетди. У қайтиб чиққанида қўлидаги бошнинг ўрнида бир даста пул бор эди.

— Муртазобой, буни олиб қўйинг, — деди у пулни узатиб.

Ҳамробой дарров жиддий тортиб, юзидаям унга савлат-салобат бахш этувчи қандайдир ифодалар зоҳир бўлганди. Муртазо аслида ана шу пулни олиш ниятида

келганди. Бироқ, Ҳамробойнинг ҳолати негадир уни ниятидан қайтарди, кескин равишда, айни дамда менсимаётгандек:

— Яқинда тўй қиламиз, ўшанинг тўёнасига қўшиб қўйинг муни ҳам, — деди ярим ҳазил, ярим чин билан.

— Албатта, — деди Ҳамробой жиддийлиги яна қайгадир маҳв бўлиб, пулни дарров липпасига қистирди. — Қани, тушинг, билла-билла чой ичайлик.

— Бошқа вақт, — деди Муртазо унинг жилпанглаётган кўзларидан нигоҳини олиб қочиб. — Вақт йўқ.

— Об-бо, шошиб қайга бордингиз? Бу дунёнинг ишлари ҳали сизу биздан ҳам қолиб кетади.

— Бормасам бўлмайди, — деди Муртазо хаёли бошқа ёқларда кезинганича. — Ов бургутимни сал-пал ишга солай девдим.

Ҳамробой анг-танг бўлганча Муртазога қараб қолди. Сўнгра тўсатдан:

— Э, яшанг-е! — дея хитоб қилди. — Қачондан бери ов бургути асраяпсиз?

— Анча бўлди-ку.

— Ул-бул олдими?

— Ҳали йўқ.

— Илгари замонларда бургутлар ҳатто бўриниям олишган, — деди Ҳамробой ўша илгариги замонларни эслаётгандек бўлиб бир кўзини қисганича. — Кейин овчилар бўрининг мурдасини аравага ортиб чўпонларнинг сурувларини айланиб чиқишган экан. Ҳар сурувнинг чўпон-чўлиғидан биттадан қўй олишган экан, қадимдан шунақа удум бўлган экан, кимки бўрининг ўлигини сурувма-сурув олиб юрса, унга ҳеч гап-сўзсиз қўй берилиши керак экан...Ана-а, кўрдингизми, ҳозир энди бўрилар йўқолиб, улардан ҳеч ким хавотир олмай қўйган бўлса-да, мана шунақа гап-сўзлар қолганда.

— Шунақами? — Муртазо ўзини бундай урф-удумлардан хабари йўқдек кўрсатиб Ҳамробойга тикилди.

— Ҳа-да, — деди Ҳамробой кулли ишонч билан.

— Сиз оқ бўканнинг шохини нима қиласиз ўзи? — деб сўради Муртазо ўзини ўйлантириб юрган муаммонинг ечимини топмоқчи бўлгандек.

Ҳамробой талмовсираниб қолди. Одатдагидек бу саволга жавоб беришдан ўзини олиб қочаркан:

— Ҳа-а, энди-и... — дея ғўлдиради.

Муртазо отнинг сағрисига қамчи босди. Гулбодом пишқириб силкинди-да, елдек учди.

— Тентак! — Муртазонинг тишлари орасидан шу сўз уваланиб тушди.

— Аҳмоқ! — дея ўзича кулимсираб қўйди Ҳамробой.

Шох ҳақида ўйлаб ўтиришга ҳозир Муртазонинг вақти йўқ, унинг хаёлини буткул бургут эгаллаган эди. У бургутни аввал тўп устида аста-секин асабийлаштириш йўлини ўрганди. Кейин уни дала-даштга олиб чиқиб ул-бул нарсаларни келтиришга ўргата бошлади. Бошига чарм қалпоқ кийдирилган бургут тўп устидан тушиб кетмаслик учун ҳаракат қилар, бунга сари тўп ҳам у ёқ-бу ёққа юмалар, бургутнинг хатти-ҳаракатлари кескинлашар, умуман, у йиқилиб тушса, майиб бўладиган бир алпозда уринар, шунга сайин асаби ўйнаб, кўзлари қизариб, ундаги ёввойи шиддат кучайгандан-кучайиб борарди. Дастлабки кунларда Муртазо уни кўп асабийлаштирмай далага олиб чиқди. Унинг хуржунининг бир кўзида албатта бирорта ажали етган жўжами, товуқми бўлар, уларни қўйиб юбориб, асабийлашган бургутни чанг солдирарди. Бургут бақувват панжаларида "ўлжа"сини келтириб, Муртазонинг оёғи остига ташлаганда, унинг боши қувончдан кўкка етарди. Бургут шунақа қилиб бир-икки қуён ҳам ушлаб келди. Шу-шу Муртазо тушидаям бургутни, унинг ов пайтидаги ҳолатини кўриб чиқадиган бўлди. Бу шиддатвор қуш билан ов қилишнинг гашти бўлакча эди.

Қор тушдими, бас, каттаю кичик алоҳида-алоҳида йиғилишиб, қишлоқ аҳли гап-гаштакни бошлаб юборишади. Бу йилги қор анча зориқтирганди. Кексалар, шунга яраша энди пешма-пеш ёғаверсин-да, дея ният билдиришиб, эски мачит биносига йиғилишди. Анчайин дид ва меҳнат билан қурилган бу биноям "мачит" номидан минг-минг пушаймонлар еб, вайрон-валангор ҳолга келиб, яқинига йўлаган кимарсага афюн тутгулигиям қолмаганди. Ахийри, кексалар мажбур бўлишганидан, бу ерда намоз ўқимаймиз, гап-гаштак ўтказамиз, наҳотки шундай бахтиёр, ҳур, одил замонда гап-гаштакка ўрин берилмаса, дея алдаб-сулдаб ўрнашиб олишганди. Қизиғи шундаки, улар бу гаплар билан шарти кетиб, парти қолган бироз девонафеъл қоровулни аврашганди. У, аввалига, бўлмайди, очилмайди, билдирмай намоз ўқиб юборасизлар, деб, икки оёгини бир этикка суқиб туриб олди. Кейин худо кўнглига инсофу имон солдими, фақат ўйин-кулги шарти билан эшикни очиб берди. Кексалар ваъдага вафо қилишмади, шу девонанинг сўзига кирамизми деб, тоат-ибодатни дарров бошлаб юборишди. Муртазонинг тенгтўшлари эса Соли чиноқнинг дарвозахонаси ёнидаги уйчага йиғилишди. Муртазо илгари бунақа жойларга бормасди. Битта-иккитаси борасанми-бормайсанми, дея сўрайвергач, ке, мендан нима кетти, борсам борай, қайтанга маишат қилганим қолади, деб ўйлади. Йигирма чоғли гап-гаштакхўр йиғилади. Ҳафтада икки марта ош қилишади. Навбат кимга етса бозор-ўчар ўшанинг гарданида. Бунақа жойларни Ўртақайнарда "меҳмонхона" дейишади.

— Илгариги меҳмонхоналарнинг файз-футури бўлакча эди, — кексалар таассуф-ла бош чайқашади. — Қиссахонлигу шеърхонликлар бўлиб турарди.

Уларнинг куюнганича бор эди. Лекин, начора, тирикчилик тошдан қаттиқ, ҳар ким ўзимга енгил йўлни топармиканман, деган илинжда бозор-ўчар, нарх-наво,

нон-сувдан сўз очишни истайди. Муртазо бундай суҳбатларга деярли қўшилмай ўтиради. Бир сафар Муртазо меҳмонхонадан ярим тунда қайтди. Дарвоза ёнидаги дўнгликда каттакон бир ит чўнқайиб ўтирган экан. "Қаёқдан келиб қолдийкин, — деб ўйлади Муртазо ундан қўрқишни хоби хотирига келтирмай. — Қўни-қўшнилардаям мундай катта кучук йўқ эди, шекилли".

У ана шу ўйда овоз чиқариб, итни нари ҳайдамоқчи бўлди:

— Тур, тур кет-э, падарлаънат!.. Тур, дейман сенга-а!..

Ит қимир этмади.Фақат улкан бошинигина буриб кўкиш ўт ёнаётган кўзларини Муртазога қаттиқ қадади. Муртазонинг ичи шувиллаб кетди. Умри бино бўлиб бунақа танг қолдирувчи, даҳшатга солувчи нигоҳни учратмаганди. Қотиб қолди. Унинг миясига бир сўз урилди: "Бўри!"

Ёлғиз Қорабош Муртазонинг иродасини синамоқчи бўлгандек анчайин муддат қараб турди-турди-да, сўнгра секин қўзғалди. Осойишта қадам ташлаб кета бошлади. Муртазо унинг бу қадар безбетлигига, қишлоққа бемалол кириб келаверганига ҳайрон қолди. Кейин, қолаверса, кўпчилик аллақачонлар бу ерлардан бўрининг қадами узилиб кетганига қаттиқ ишонишарди. Муртазо айни дамда бўрининг қандайдир адашиб келиб қолганига ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўлди, ҳолбуки, Ёлғиз Қорабош кўпам узоққа кетмасдан бирон-бир кўнгилсизликни келтириб чиқариши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади. Муртазо бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилиб, ҳовлига кирди. Унинг ёнига пешайвоннинг аллақайси бурчагидан думини ликиллатганча Бинафша чиқиб келди. Муртазо Бинафшага қандайдир эркаловчи сўз айтмоқчи-ю, шу сўзни тополмаётгандек уйга кириб кетди. У алла-паллагача безовта тўлғона-тўлғона, у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа ағдарила-ағдарила ухлолмай ётди. Тунги чироқ ўрнига Мавлуда ҳамиша

ёғчироқ ёқади. Ким билсин, қайси замонлардан қолган бу ёғчироқнинг тубида не-не ҳодисалар, не-не сиймолар, не-не муқаддас нарсаларнинг сувратлари томчи-томчилаб томиб, қотиб қолган бўлсайкин. Борди-ю, Сеҳргар хотира номли сеҳрли таёқчасини ишлатиб ана шу томчиларга жон бағишласа, улар бутун бошли хонадоннинг тарихини рўй-рост сўйлаб берган бўларди.

— Бу ёғчироқ ота-боболаримиздан қолган, — дейди Ўрозмат ака кўзлари алланечук ёлқинланиб. — Уни кўрганимда болалик чоғимни эслайман. Кечалари танча атрофида ғуж бўлиб ўтирганча бобомнинг ҳикояларини эшитганларимиз ёдимга келаверади, шундай танти, жўмард одамлар ҳам бир келиб, бир кетаверар экан-да, буюм қолар экану одам қолмас экан-да, — Ўрозмат ака чуқур хўрсиниб, ўзига-ўзи гапираётгандек сокин товушда давом этади. — Ўша маҳалларда одамлар бунчалик серташвиш эмасмиди, ишқилиб, бизнинг боболаримиз ҳам худди қадим-қадим замонлардан буён яшаб келишаётгандек бамайлихотир тирикчилик қилишарди, ҳозиргилар қанчалик кўп ҳаложак уришса, умри бебақолари ҳам шунчалик тез поёнига етиб қоляпти. Бунинг боиси, биласанми, нимадан? — шундай деб, Ўрозмат ака ўзининг саволига ўзи жавоб бераради. — Ўша ҳаложак ураётганлар ҳам ўзларидан бўлак ҳеч кимни ўйлашмайди. Дарровдан дунёнинг чек-чегараси бор деб ўрганишган, уни қамраб оламан, дея хомхаёл қилишади. У чоғларда эса, э-ҳа, ҳар ким ўзининг молини боқиб, экинини экиб юраверарди; керак бўлганда, барчасидан воз кеча ҳам оларди. Шунинг учун улар одамнинг кўзига жуда кўп яшагандек, бу дунёнинг мағзини чақиб олгандек кўринишарди...

Муртазо отасининг гапларини хаёлидан бир-бир ўтказиб, қачон уйқуга кетганини пайқамади. У эрта тонгда деразанинг тақиллашидан чўчиб уйгонди.

— Ҳо-ой кели-ин, ҳо-ой Муртазо, туринглар, тезроқ ташқарига чиқинглар! — деганича Ўрозмат ака серташвиш безовта товушда уларни чорларди.

Мавлуда дик этиб туриб кетди. У саҳархез эди. Қайнота-қайнонасининг чақиришини кутиб ўтирмай, ҳамиша ўзи уйғонарди. Бугун Ўрозмат аканинг овоз берганидан у уят иш устида қўлга тушгандай чинакамига хижолатланган, андек қизаринқираган юзларида ташқарига чиқайми, чиқмайми деган ўй; чиқсам уларнинг кўзларига кўзим тушиб қолади, деган қўрқув; чиқмасам уларнинг ниғоҳига кейин қандай қарайман деган андиша кезинмоқда эди. У ана шундай иккиланишлар аро, ғафлатда қолганидан ўзини ўзи койиб турган маҳал Муртазо елкасига чопонини ташлаб, кўзларини уқалай-уқалай ҳовлига чиқди.

Ўрозмат ака супадан пастда ташвишланган кўйи турарди.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради Муртазо чопонининг енгларини кияётиб, қалбининг пинҳоний пучмоқларида қандайдир кўнгилсиз ҳодиса рўй берганини ҳис этганича.

— Тунда қўйхонага бўри тушибди,— деди Ўрозмат ака.

— Бўри-и?! — Муртазонинг кўз ўнгида дарҳол кеча тунда дўнгликда бамайлихотир ўтирган бўри гавдаланди.

— Томни тешиб тушибди, — деди Ўрозмат ака. — Қўйларни бўғизлаб кетибди.

— Ҳаммаси ҳаром ўлди денг? — Муртазо бу ҳодиса учун отасидан иддао қилаётгандек сўрагани учун ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Йўқ, — Ўрозмат ака бош чайқади. — Ҳаммасини эмас, учтасини ҳалоллашга базўр улгурдим.

Муртазо отасининг гапини давомини эшитмай қўйхона томон чопди. У ёқдаги даҳшатли манзара Муртазонинг эсхонасини чиқариб юбораёзди. Ҳаммаёқ халқоб-халқоб қон, бўрдоқи қўйларнинг кўзлари бақрайиб қолган, ўлиб ётишарди. Қўйхонанинг икки четида жун аралаш икки бўлак думба ётарди. Гарчанд

бўлиб ўтган ҳодисадан Муртазо эсини йўқотгандай ҳардамхаёл турса-да, бу ҳол унинг эътиборини тортмай қолмади.

— Йиртқичларнинг одати шунақа,— деди Ўрозмат ака. — Аввал жондорларни жонсиз қилиб, кейин сиққанича еб кетишади...

Бўрининг бу қилиғи содир бўлмиш воқеани бутун даҳшати-ла Муртазонинг кўз олдида гавдалантириб қўйди.

— Падарига лаънат! — эшик кесакисига муштлаб ғазабдан қутургудек бўлса-да, ожиз-нотавонлигини тан олишга бўйни ёр бермаётган Муртазо ўкирди. — Топмасам қўймайман уни, ўлдирмасам қўймайман уни! Пишакка ўхшаган итниям отиб ташлайман, ақалли вовилламаптиям!

— Ит йўқ, нимани отасан? — тўнгиллади Ўрозмат ака.

— Бинафша-чи? — Муртазонинг тани негадир сесканиб кетди.

— Бинафшаям жайдари бир ит эди-да, — Ўрозмат ака бепарво қўл силкишга уринса-да, беҳад қайғу чекканлиги юз-кўзларидаги ифодаларда аён бўлди. — Чамаси, у ҳам кўп олишгану кучи етмаган кўринади. Бинафшанинг жасади ташқарида... уни Бўздалага кўмиб келсаммикан, деб турибман.

Муртазо шу куниёқ милтиқни олиб, бўрининг изидан бормоқчи эди, Ўрозмат ака уни бу йўлдан қайтарди.

— Бўри мазахўрак бўлган бўлса яна қайтиб келади, — деди у аламини қандай олишни билмай, ўзини қўярга жой тополмаётган Муртазога. — Яхшиси, қопқон қўйиб кўр.

Муртазо отасининг айтганини қилди. Қопқонга ҳаром ўлган қўйлардан бирининг карт думбасини қўйди. Эртаси куни ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмади. Аммо, индини куни кўрган ҳодисаси Муртазони батамом ангтанг қилиб қўйди. Бўрининг орқа оёгидан қопқонда бир қаричча кесилиб қолган, қонли из тикка Рангонтоғ

томон судралганди. Муртазо бўрининг бу қадар шижоатига лол қолди.

Ўрозмат ака ҳам бош чайқаганича:

— Об-бо баччағар-ей, ўзининг оёғини ўзи ғажиб узгач, пойчасини ташлаб кетибди-я, — деди.

Муртазо яна милтиқни олиб, қонли изнинг ортидан жўнамоқчи эди, Ўрозмат ака ҳам яна рўйхушлик бермади.

— Нима қиласан, оладиган жазосини олди-ку, — деди у тўнғиллаб. — Бўри барибир бўри-да!

Муртазонинг қалбида, ўша бўрини барибир топмасам қўймайман, деган хунхор ҳис жўш уриб турарди. У энди бу жангга бургутни ҳозирлаш пайти етиб келди, дея хаёл қилди, бутун диққат-эътиборини бургутнинг асабларини қайрашга сарф эта бошлади. Ости сомонли лой билан силлиқ қилиб сувалган совуқ қазноқдан ҳамма нарсани йигиштириб ташлаб, ўртага кўпток қўйди, коптокнинг бир томонини ип билан боғлаб, уни ошиқ-мошиқли қазноқ эшигининг дастасига боғлади. Бургут панжалари билан коптокка маҳкам чирмашиб олди. У йиқилиб тушмаслик мақсадида қанотларини ёйди. У яна асабийлашиш сабоғини ўтай бошлади. Эшик ортидан туриб Муртазо коптокка уланган чизимчани ҳар замонҳар замонда бир-бир тортиб қўяркан, хаёлидан турли фикрлар чарх уриб ўтарди. "Буни шундай асабийлаштирайки, бўри нари турсин, шерниям оладиган бўлсин, — деб ўйларди у. — Қани, кўрамиз, кўрамиз..." Бир неча кундирки, бошига чарм қалпоқ кийдирилган бургут каттакон тарвуздек таранг коптокнинг устида ҳаловат билмай, йиқилиб кетмаслик ҳаракатида тинмай қимирлагани қимирлаган эди. Ахийри, Муртазонинг ҳам, бургутнинг ҳам сабр-тоқати тугади.

Муртазо ярим тунда Гулбодомга миниб, бошидан ҳали чарм қалпоғи олинмаган бургутни эгарнинг қошига ўтқазди. У Бўздаланинг қоровултепаси томон жўнади. Оппоқ қор қоплаган Бўздала бу ердан кафтдагидек кўриниб турарди. Ҳаво тоза ва совуқ эди. Муртазо чўлоқ


бўриними, бошқасиними, ишқилиб бирорта бўрини кўриш, кўрган заҳотиёқ танасидаги қони пўртана отиб ловуллаётган бургутни унинг устига қўйиб юбориш орзусида ёнарди. Бу қуш энди аямайди. Асаб торлари куну тунларда қайроқтошда чархлангандай чархланди, қилдай ингичка тортиб кетди — ушлаган жондорини тилка-пора қилиб ташлайди. Тепаликда елкасида бургут билан турган Муртазонинг остидаги Гулбодом ҳар замон-ҳар замонда безовталик билан депсиниб қўярди. Туйқусдан пастда, Бўздалада оқсоқланиб кетаётган Ёлғиз Қорабош кўринди. Ойнинг сутдек тўкилаётган шуъласи унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини яққол кўришга имкон берарди. Боёқиш бўри оёғини қопқонда қолдириб яна ўша Рангонтоғдаги ғорга қайтганидан сўнг ўзининг жонини бунчалик қийнаб, хатога йўл қўйганини, энди унинг уқубатларига ҳеч ким шерик бўлмаслигини, бўла олмаслигини, бу совуқ ва қўрқинчли, ким билсин, ер юзини қачонлардир муз қоплаган даврларда одамзод бошпана ахтариб маскан қилган ғорда машъум шарпаларнинг тазйиқи яна-да кучайганини ҳис этиб, увлаб юборди. Тақдирида ёлгизлик пешонасига битилгани учун ҳаммадан кўра ўзини ўзи айблаш лозим эканлигини Ёлғиз Қорабош фаҳмлармиди-йўқми, буёғи номаълум, аммо қалби ва вужудининг дўзах азобидаги оғриқлари, тушми-ўнгми эканлигини аралаштириб юбораёзган алоқ-чалоқ кечаётган лаҳзалари хиралашиб бораётган хотирасининг қайсидир қоронғи пучмоқларида ялт-юлт қилиб ўша қамишзорни, ўзи бирин-кетин қувғин қилган ҳамжинсларини, кимнингдир номаълум кучларнинг касратида ёниб кул тўзонига айланган она бўри ва икки жуфт бўриваччани эсига солиб қўяр, у ҳатто уларнинг узун-узун увлашларини эшитаётган бўлар, бу нолалар фалак абадиятининг самовий оҳанглари каби бардавом ва шафқатсиз туюларди. Деворларида тақдир ҳукми каби чўқмор ва калтак кўтариб қандайдир номаълум махлуқнинг ортидан қувиб бораётганлар охир-оқибат

топган бошпанасининг унга тегишли эмаслигини, бу муваққат масканга ҳеч ким эгалик қила олмаслигини, қилиши мумкин ҳам эмаслигини, қолаверса, бу лозим ҳам кўрилмаганини, яратиш ва кул тўзонига дўндириш фурсат измида эканлигини, фурсат — Яратган, Яратган — фурсат, барча нарсаларни супуриб оқаётган долғали тўфонли дарёлигини кўрга ҳасса каби кўрсатиб туришгандек эди. Шу боис, Ёлғиз Қорабош ўз жонига жабр қилиб қопқондан ўзини ўзи қутқариб қолгани билан барибир буюк тоғларни-да бағрида оқизиб абадиятнинг ҳудуду манзиллар, манзилгоҳлар тушунчаларини рад этувчи самовий бўшлиқлари сари оқизиб кетаётган фурсат оқимига қарши чиқа олмай, қайтанга унинг исканжасига баттарроқ тушиб қолганини ҳис этар, бу оқим қасирғаларининг ваҳмаси муваққат шодмонлигу хуррамлик, завқ-шавқу айш-ишрат, манманлигу худбин истаклар ҳисларини батамом ювиб кетиб, ёлғиз ажал шарбатигина дардларга дармон, кўнгил ва вужуд малҳами эканлигини уқтириб қўймоқда эди — бу жуда соз, бу ожиз ингроқларнинг нажоткор фариштаси эди. Ёлғиз Қорабош судралганча Рангонтоғ бағридаги гордан чиқиб ўзини тақдир ҳукмига топширмоқдан ўзга илож йўқлигини фаҳмлади. Унинг сезгиси қайси томонда ҳаёт, қайси томонда ажал борлигини бехато ажрата оларди — мана, энди ўша сезгиси бир жиҳатдан ўз вазифасини бажариб бўлди, унинг етовида Ёлғиз Қорабош яйраб-яшнади, ўйнаб-кулди, азоб-изтироб чекди, ёниб кетган қамишзорга қўшилиб бари кулга дўнди, энди кейинги сезгисининг ҳукмига ўзини батамом топширмаса, лаззатли туюлган аччиқ хаёл-тушнинг оғриқ-изтиробларини татиб юраверишга унинг тоби тоқати қолмаган эди. Шу сабабли, у бежиз Бўздала томон кетмаётган эди. Унинг ёлғиз умиди ўзи каби ёлғизлик исканжасидаги яна бир жонзотнинг ўзига бўлган нафрати комига тушиб ором топиш эди. У тепаликда от устида турган Муртазони кўриб сақланиб қолган ягона сезгиси алдамаганини

ҳис этиб, қандайдир фахрланиш ҳиссини туйди. Гўёки шу овозининг сас-сабарлари ўзи босиб ўтган йўлларда қолишига орзуманд бўлгандек, чўзиқ-чўзиқ увлади. Гулбодом ҳам безовта кишнади. У ҳам шу лаҳзаларда қандайдир нохушлик рўй беришини пайқагандек ўзини ортга ташлагани-ташлаган эди. Муртазонинг ҳувиллаб ётган шуурида, бу бўри ўз ҳақини олган-ку, деган фикр илкис чақмоқдек чақнади-ю, шу заҳотиёқ маҳв бўлди. У эндигина янги ҳаётнинг бўсағасига қадам қўяётгандек негадир қаттиқ ҳаяжонлана бошлади. Шоша-пиша бургутни оёғидан бўшатиб, унинг бошидаги қалпоқни олди. Қуш бир-икки қулоч чамаси тепага кўтарилди ва кўз олди чарм қалпоқ билан узлуксиз тўсиб қўйилгани учунми, кўзолди қоронғилашиб яна эгаси томон қайтмоқчи бўлди. Бу қуш айни лаҳзада само ҳукмига эврилди, айни чоқда қуруқ қайтиш ўзи учун даҳшатли бўлишини, азоб ичра копток устида беҳаловат туриш эканлигини ҳис этиб, ҳомий сифатида янгитдан таниб, меҳр қўя бошлаган Муртазони унутди — у чаппа уриб, қийгиллаганча айланиб келди-да, эгасининг кўзига чанг солди. Бутун диққат-эътибори Ёлғиз Қорабошда бўлган Муртазо аросатда қолди. Бургутнинг ўткир тумшуғи унинг кўзини ёриб, миясининг қабатларига кириб кетгандек туюлди, оловдай жаҳаннамий оғриқ оқиб кирган тубсиз ва ҳудудсиз зулмоний бир маъвони у оний лаҳзаларда кўриб қолишга улгурди, холос. Узоқлардан эшитилаётган Ёлғиз Қорабошнинг увлаши фалак абадиятининг самовий оҳанглари бардавомлиги қаърида нест-нобуд бўлди — бу энди Зокир булбул Бўздаланинг бўз қирида атрофига тумонат одамларни йиғиб олиб айтиб беришга ваъда қилган учта ривоятдан биринг, у ҳам бўлса, ўзи тўқимоқчи бўлган охиргисининг дебочаси эди, холос.

1989 йил.

КАЙВОНИНИНГ МАНГУ МАКОНИ



Эртак-қисса

Инсон ўзини тараққиёт жараёнида, инқилоблар тўфонида, жамият буҳронлари силсиласида табиатнинг бошқа яратилмишларидан ажратиб олди — шу тариқа ўз юксаклигига ишончи комил бўлди.

Бир замонлар ҳайвонот олами, деган тушунчанинг ўзи йўқ эди.

Бир замонлар ўсимликлар дунёси, деб ҳам юритилмасди.

Худо ўзи яратган катта-кичик, ранг-баранг мавжудотга бир хил меҳр кўзи билан қарагани учун янаям улуғланарди.

Бир кичик хасниям, худо олий хилқатни асрагани каби, ўз паноҳида асрай олишига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Бир замонлар худонинг барча яратганлари ўртасида бегоналик туйғусининг ўзи бўлмаганини эътироф этиш лозим.

Бегоналик туйғуси пайдо бўлганидан сўнг, инсон худога яккаш ўзинигина тегишли деб ҳисоблай бошлади. У, ҳатто, чексиз худбинлиги туфайли худони ўзиники қилиб олишга ҳам интила бошлади.

Бу бўлиниш шу билан тўхтаб қолгани йўқ.

Худони ўзиники қилиб олганига тўлиқ ишонган инсон қавмларининг ҳар бири, энди, худо бизники, дея айюҳаннос сола бошлади; шундан сўнг бундай қавмлар орасидан, худо меники, дея кўкрак яланғочлаб чиққан авбошлар бошқаларни худо сари етаклаш иддаосидан ҳам чекинишмади. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари худога тескари туришарди.

Шу тариқа, инсон бош-адоқсиз йўлларда сарсари кезар экан, уни энди тинимсиз равишда янги ҳис — қўрқув ҳисси таъқиб этарди.

Бу туйғунинг қайдан пайдо бўлганини тафтиш этишга инсон фурсат топмади.

Шунда, у ўзига-ўзи тасалли бериш учун, мудҳиш кўринган ҳодисаларнинг барини ўтмишга ағдариб қўя қолди.

Бироқ, чексиз қўрқув уйғотган мудҳишликнинг нафаси унинг ёнгинасида сезилиб турарди.

У, узоқроқдан юришни ёинки ёнидан ўтишга тўғри келса, айланма йўллардан кўзини юмиб ўтишни маъқул кўрди.

Боғда ўйнаётган болакай бир маҳал онасига:

— Ойи, ойи, дарахтлар йўқ бўлиб қолди, — деди.

Онаси, ҳайрон бўлиб, яқин келиб қараса, болакай кўзини юмиб олган экан, кўзига кўринмаётган, аммо бу билан мавжудлигига путур етмаган дарахтларни у шунинг учун, йўқ бўлиб қолди, деб айтаётган экан.

— Кўзингни оч, дарахтлар пайдо бўлади, — деди онаси ўғлини хафа қилмаслик учун.

Болакай кўзини очди: дарахтлар кўринди.

Болакай, онасининг гапига ишониб, кўзини юмса дарахтлар чиндан ҳам йўқолади, деб ўйлади.

Бу — шубҳасиз, ёлғон эди.

Энди ўша болакай қопағон итга дуч келиб қолсаям, шартта кўзини юмиб турар, кўз юмишим билан итни йўқотдим, деб ўйларди.

Болакай кўзини юмиб олганида дарахтлар ва ит йўқ бўлиб қолмаганидек, инсон мудҳишликнинг ёнидан кўзини юмиб ўтаётганида ҳам барибир унинг домига тушиб қолаверади. Аксинча, кўзни юмиб мудҳишликнинг қиёфасини янаям бўрттирилган ҳолда тасаввур этади.

Модомики, инсон ўзини олиб қочса-да ёинки кўзни чирт юмганча кўрмаганга олиб ўтса-да, барча офатларни ўзида мужассам этган мудҳишлик барибир йўқолиб қолмас экан, янаям қаттиқроқ ваҳм исканжасига тушгандан кўра, яхшиси, кўз юммай, ҳар қандай қўрқувни писанд этмай, инсон сергакликни ўзига шиор қилиб олгани маъқул.

Фақат шундагина у кўз юмиб катта хатога йўл қўйгашини, ўзини даҳшатга солган зулмат қанчалик маҳобатли бўлмасин, қайлардадир эзгулик нурлари милтираб тур-

ганини ҳам илғаб қолади. Ана шу ногаҳоний илғанган нур нақадар ожиз, нақадар нотавон кўринмасин, зулматга пешвоз юраётган инсон қўлига исфаҳоний қилич тута олади, дубулғалар, гурзилар, совуту жавшанлар совға қилади, ҳимоясиз инсонни тишидан тирноғигача қуроллантириб қўяди. Яна, милтираб кўринаётган ўша олис-олис манзилларида инсон ҳимоясига ташланиб, унинг ичидаги душмани — қўрқуви илдизига найза улоқтиради, унинг мўлжали бехато тегиб, қўрқувни батамом бўлмаса-да, қўпориб ташлай олади. Инсонга чексиз қудрат, енгилмас ирода бахш этишга қодир бўлади. Мусти мустаҳкам қурилгандай кўринган Эреб зулмати салтанатининг тахтини-да, ўша элас-элас милтираётган нур ағдара олишига ишонгандагина Инсон барча тушкун кайфиятларига барҳам бера олади — бунинг учун, такрор бўлса-да айтаман, оламга кўзни очиб қараш керак, кўзни очиб қараганда кўнгилсиздай туюлган ҳодисалар аслида кўнгилсиз эмаслигини англамоқ нақадар зарурдир.

Фақат, очиқ кўзгагина нур инади.

Фақат, очиқ кўзгангина нур таралади.

Инсон нималар билан ёнма-ён турганини, нималар уни қўллаб-қувватлаётганини, улуғлаётганини; гуллар — сингилларидан, жониворлар — укаларидан ўзини ажратиб олиб хатога йўл қўйганини англаб етади.

Шояд, унинг иддаолари барҳам топса!

Замонлар масаласига келганда, мудҳишлик фақат кечаги кунгагина хос эмаслигини инсон фаҳмлаб олади. Негаки, унинг нигоҳи сергак тортиб, қаршисидаги ёвни яққол кўриб туради — бу ёв мутлақо кечаги эмас, бутун борлиғи билан бугунникидир.

Қаттол ёғий инсонни келажакда ҳам интиқ кутиб, унга қандай даҳшатлар солиш режасини тузаётгани ҳам эҳтимолдан узоқ эмас; инсон ўзини борлиғу олам билан ялакат тарзда ҳис этиб унга пешвоз борсагина, курашга яраб, ғалаба туғини баланд кўтара олади.

Муаллиф

Тез очинг зиндонниким, зулмат босибдур беомон!

Жалолиддин РУМИЙ

Юмалоқ ер устида, осмон гумбази остида бир қишлоқ бўлган экан.

Тоғнинг шундоққина этагида экан.

Кўчки хавфи остида қолган экан.

Қадимда бу қишлоқда беш том бўлган экан, шундан унинг Бешкапа номи қолган экан.

Кўчки хавфи туғилганида томлар кўпайган экан.

Одамларнинг феъли ўша-ўша экан: қадимдагидек.

Қаердан бир катта чиқса ўшанинг томирини ўзларига олиб келиб боғлашар экан: қадимдагидек.

Ҳаминқадар қариндошни тан олгилари келмай, кўриб кўрмасликка олиб ўтишар экан: қадимдагидек.

Қадимда ундоқ эди, қадимда бундоқ эди деб, ўз кемтикларини хаспўшлаб ҳам қўйишар экан.

Ўшанда қишлоқ хавф остида қолиб, аҳолини шошилинч тарзда бошқа жойларга кўчириш зарурати пайдо бўлипти.

Кунботар томондаги баланд тепалик нақ ўртасидан узилиб тушиши мумкин экан.

Бу гап кимдан чиқди, ҳеч ким билмапти.

Шундай ҳол рўй бергудек бўлса, қишлоқни уч-тўрт газ лойқа бор бўйича босаркан-қўяркан.

Бундай чоқда, ёшми-қарими, бировнинг қочиб қутулиши ҳақидаги гап фақат хомхаёл бўлиб қоларкан.

Қишлоқни ташлаб чиқиб кетишга уч кун муҳлат берилган экан.

Ким томонидан берилган экан, биров сўрамапти.

Сўрасаям, аниқ жавоб олиши гумон экан.

Бу муҳлатда улар иморатларини бузиб, чўп-ёғочларини, эшик-деразаларини териб олишлари керак экан.

Иморат бузиш қийин иш экан: бировларнинг жойу жалоли ота-боболаридан қолган, бировлар ўзи тиклаган — қийинлиги шунда экан.

Шу қишлоқда бир кайвони бор экан.

Товуқнинг катагиниям бузиб бўлмайди, деб айтиб юргувчи экан.

Суйган матали шу экан.

Ана шу кайвониям... ўпкаси тўлганича уй томига чиқиб сардеворга кетмон урипти.

Товуғининг катагига тегинмапти.

Кўчиб кетишгандан кейин қор-ёмғирга дош беролмай, бир йилга қолмай катак ҳам нураб тушипти.

Уч кунлик муҳлат уч кунлик муҳлат бўлмапти.

Уч кунлик мотам бўлипти.

Ошини ошаб, ёшини яшаган қариялар, айниқса, барчани хит қилиб юборишипти.

Пешонамизда ёзилганини кўраверамиз, шу ерда туғилдик, ўсдик-улғайдик, энди устимиздан осмон боссаям шу ерда боса қолсин, кўнглимиз тинч бўлади, дея икки оёқни бир этикка тиқиб олишипти.

Ҳар не бўлганидаям, хотин-халажлар чинакамига уввос солмасин экан. Уларнинг ҳар турлик жаноза-маъракалардаю ўқтин-ўқтин бўлиб турадиган жанжаллар пайтидаги овоз солишлари бари беҳуда, шунчаки хўжакўрсингагина қилинадиган арзи ҳол экан. Агар, улар чинакамига фарёд уришса, қиш чилласида боласидану ов майдонидан ажраб, совуқ ойга қараб улиётган бўриям нағмасини йиғиштириб, боши оққан томонга қочаверар экан.

Шунақа бўпти.

Уввос солишиб, кўз ёш тўкишиб, бундан бу ёғига энди нима қиламиз, мусофир ерларда улоқиб қандоқ яшаймиз, дея нолаю фиғон чекаверишипти.

Уларнинг, мусофир ерлар, дея ваҳима қилишаётгани, нари борса, уч-тўрт чақирим келаркан, холос.

Шунақа бўпти.

Нафасларидан ўт пуркаб, айтганларини қилдириб юришган эркаклар ана шу маҳалга келганда аҳли аёлининг олдида ёш боладай бўлиб қолишипти.

Ҳамиша тирсаги тўзғиб, йиртилиб юрадиган бир доно айтганидек, фожианинг нечоғли кўламлию нақадар чуқур эканлигини англашипти.

Қанчалик кўп англашса, кўзлари шунчалик мўлтираб қолаверипти — қўлларидан ҳеч бало келмаскан-да.

Ўшанда туну кун ҳеч ким мижжа қоқмапти.

Ақалли биронта ҳам мўрида тутун кўринмапти.

Мол-ҳолларга қараш, уларнинг олдига ем-хашак ташлаш каби тирикчилик ташвишлари ёддан кўтарилгандай экан.

Ўқтин-ўқтин сигирларнинг мўълагани, қўй-қўзиларнинг маърагани, эшакнинг ҳанграгани, отнинг кишнагани, итларнинг акиллагани қулоққа чалинар экан.

Подажойда, кўча-кўйларда тўп-тўп бўлволишиб, барча гап билан овора экан.

Йиллаб аразлашиб, юзкўрмас бўлиб кетганлар ҳам гина-кудуратларини унутганча, апоқ-чапоқлашиб, бир-бирларини ялаб-юлқашаркан.

Улар ўзларини қандай қисмат кутаётгани ҳақида фол кўриб, ана шу ҳақда гаплашишаркан.

Қудратли ва шафқатсиз душманга қарши барча бирлашиб, ялакат вужудга айлангандай бўлипти.

Бу душман кўчки хавфи экан.

Милён йиллик эски ўчи бор экан ёғийнинг.

Хунталаб экан у.

Бироқ, бешкапаликлар буни тасодиф деб қабул қилишипти.

Уларнинг эски гаплардан хабарлари йўқ экан.

Эҳтимол, дум қисганча бурчак-бурчакларда ғингшиб юрган итлар нималарнидир пайқашган бўлса.

Қўни-қўшнилар, қавму қариндошлар янги жойга кўчиб борилса, кимнинг кимга яқинроқ жойлашиши зарурлигини қизғин муҳокама қилишаркан.

Бировлар тепаликни бир неча марта айланиб кўриб, ҳар қаричини кўздан кечиришганини, баъзи бир жойлари жиндаккина ёрилганини ҳисобга олмаганда, унинг чўрт узилиб тушиш хавфи йўқлигини айтишаркан.

Бошқа бировлар, шу аниқми деб сўрашса, ўзларини четга олиб, яна худо билади дейишаркан.

Энг аввал мактаб кўчипти.

Шу тариқа кўчиш муқаррарлашипти.

Қишлоқда қолишдан умид узмаганлар ўзларига таскин бераётгандек, болалар ўқиди нимаю ўқимади нима, пешонасида бўлса, ўқимай туриб ҳам бирон кунини кўриб кетар, дейишаркан. Бунга мисол қидириб кўп ҳам узоққа бориб ўтиришмас, фалончининг ўқий-ўқий ҳеч косаси оқармаганини, писмадончининг алифни калтакдан ажратолмай омади юришиб кетганини, тўйлар қилганини, уйлар қурганини, мошин минганини пеш қилишаркан. Айни қизғин паллада, чорак имтиҳонларини топшириш маҳали мактабнинг ёпилганидан болаларнинг қувончи ичига сигмаскан. Улар барча юмушларини йиғиштириб қўйиб, чиллак ўйинига берилиб кетишипти. Ярим тунгача зув-зувлашиб, ёқалашишиб, кўчаларда бақир-чақир қилишаркан.

Мактабдан кейин ҳукуматга қарашли идоралар кўчипти.

Энди... илож қолмапти.

Ўқитувчилару идораларда ишловчилар кўч-кўронларини кўтаришганидан сўнг, уларнинг қавму қариндошлари, яқинлари ҳам бўхча тугаверишипти.

Оҳ-фарёдлар, норозиликлар бир томон бўлипти.

Бу ёқда... жон ширинлиги иккинчи томон бўлипти.

Муҳораба бошланипти.

Икки томон жангу жадалга киришипти.

Ахийри, жон ширинлиги устун келипти.

Уч кун муҳлат ўн кунга чўзилиб, деярли барча аҳоли кўчиб бўлипти.

Қулоғи оғирроқ бўлгани учун бундай гаплардан бехабар юрган Аваз подачини уч-тўрт киши келиб, кейинроқ олиб кетипти.

Унга бу гапларни тушунтириш анча мушкул бўлипти.

Қулоғи остига:

— Тепалик кўчармиш! — деб бақиришса:

— А-а, тепаликка чиқамизми? — деб қувонар экан.

Бешкападаги гувала ва пахсали уйларнинг фақат томинигина бузиб, шифр ва ёғочларини териб олишипти. Чўпкори-синчлик уйларнинг девориям бузишга тўғри келипти.

Кўчки ваҳмидан эмин бўлишипти.

Кетишипти.

Ким қандай улов топган бўлса, куч-қуронини ўшанга юклаган экан. Ҳаммасининг қўлида ё елкасида нимадир бор экан.

Бўйинларига арқон солишиб, ҳарчанд судрашсаям, сигир-бузоқ, эчки-улоқ, от-эшаклар тихирлик қилиб, юришни исташмас эмиш.

Шунда эгалари:

— Кўчки остида қолгурлар, юрмайсиларми, — дея жаҳлланишар эмиш.

Янги жойгаям келишипти.

Яшамаган, кўникмаган еринг ғалати бўларкан.

Меҳмондорчиликка келиб, қолиб кетгандай.

Уй-уйларини согинишгандай, уй-уйларига кетолмай қолгандай хўрсинишаркан, қўллари ишга бормай, бир-бирларига:

— Би-ир қизиғ-а! — дея, нималаргадир ишора қилишаркан.

Шунақа бўпти.

Бир-икки киши эмас, бир-икки ҳовли эмас, бутун бир қишлоқ аҳли ўз уйи — ўлан тўшагини тарк этиб, бошқа бир жойга кўр ташлапти.

Эчки-улоқ, қўй-қўзи... тошдан-тошга сакраб, ўтнинг гулини териб еб юрган шу жониворлар ҳам янги жойга кўниколмай, маъраб-баърашаркан.

Уларнинг олдига ким ҳам тоғу тошларини келтириб берарди?

Улардан беш-олтитасининг кутилмаганда ҳаром ўлиб қолишининг сабаби шунда экан.

От-эшаклар тутқундаги каби нукул арқон узишга уринишаркан, аллақайларга кетиб қолмоқчи бўлишаркан, тинмай кишнаб, ҳанграшаркан.

Улоқиб кетган итларни айтмайсизми?

Уларнинг айримларини эски қишлоқ ўрнида кўришганини айтишипти.

Товуқниям катагини бузиб бўлмайди, дегич кайвонининг ҳам бир кучуги бўларкан.

Уни эркак деб, ҳали шабкўрлигида чўпонлар кайвонига ташлаб кетишган экан.

Кайвони чўпонларни дуо қилиб, алқаган, боқиб-тараб кучуквaччани оёққа қўйган экан.

Кўча-кўйда дайдиган санқи итларниям эргаштириб юраверишидан кейинчалик маълум бўлишича, чўпонлар кайвонини лақиллатишиб, бир қанжиқни ташлаб кетишган экан.

Кайвони гуноҳкор бўлишдан қўрқсаям, жаҳл устида илгариги дуоларидан тонибди. Чўпонларни орқаворотдан ношоён сўзлар билан хўп сийлапти, ҳатто, уларнинг ўлиб кетган уруғ-қаёшлари, ота-боболарининг гўрига ғиштлар қалапти.

Кайвонининг шундай қилишга ҳақи бор экан.

Жа-а меҳр билан сийлаб, ўзининг овқатиниям дастурхон четига қўйиб, бўрибосарга беринглар, бўрибосарга беринглар, менинг егим йўқ, бўрибосар есин, деб илиниб турадиган одам кутилмаганда... туйқусдан алданганини билиб қолганида қай аҳволга тушади ўзи?

Ҳалиям кайвонининг художўйлиги бор экан.

Йўқса...

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида гадойтопмас ўнгирларда қўй боқиб юрган чўпонларни қидириб кетаркан.

Излай-излай уларни топаркан.

Топмаса қўймаскан.

Топиб, уларни тавбасига таянтираркан.

Сурув орасидан танлай-танлай, яхши бир қўйни товон деб отига ўнгараркан, шундаям тафти босилмай, иягини тутамлаб, ҳали кўрасизлар, дея қайтган бўларкан.

Шундай қиларкан.

Ёинки аксинча бўларкан.

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида қанжиқнинг эвазига сурувдан қўй оламан деб, чўпонларнинг ҳақиқий бўрибосарларига таланиб, қочгани жой тополмай қолишиям мумкин экан. Ёки чўпонларнинг ўзлари уни қашқатаёқ қилганча тиғиз изига қайтариб юборишлариям эҳтимолдан ҳоли бўлмаскан.

Ҳар нарса бўлиши мумкин экан.

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида бирон-бир кори ҳол юз бериши аниқ экан. Кучукваччани ташлаб кетган чўпонлар буни яхши англаб, бошқа бир одамни эмас, айнан кайвонини танлашган экан; уларнинг бу ишлари ҳар томонлама дуруст бўлгандай экан.

Аммо-лекин, кап-катта одамлар ҳам шунақа қилишадими, бировни лақиллатишадими, дея чўпонлардан ҳам ёзғирмаслик керак экан. Тузукроқ ўйлаб қаралса, уларгаям қийин экан.

Етти-саккизта янги туғилган кучукваччаларнинг орасида битта-яримта дўнгпешона эркаги бўларкан, қолгани урғочи бўларкан.

Қанжиқ кучук чўпон учун ғирт дардисарнинг ўзи экан.

Итларнинг ўзи-ку майли, аллақайларга йўқолиб кетган бўрилар ҳам ис олиб келаверараркан, илакишаркан, сурувда парокандалик бошланаркан, кўнгил майлига сотилган бир қанжиқни деб ўнлаб, юзлаб қўйлар ҳаром ўларкан.

Шунақа бўларкан.

Ургочи кучукваччаларни ўлдириб бўлмаскан, бирон-бир чуқурга ташлаб кетиб бўлмаскан — ҳарқалай, тирик жон, одамнинг ичи ачиркан, уволиям бор экан. Шундай-шундай маҳалларда чўпонлар мажбур бўлгани

учун кайвонига ўхшаган анойиларни бир-бир алдаб кетиб қоларкан. Бундан виждонлари қийналиб, анча вақт ўзларига келолмай ҳам юришаркан. Бир-бирларига, шу ишни бекор қилдик-да, дейишаркан. Айрим пайтларда айбни бир-бирларига тўнкаб, жанжаллашиб ҳам кетишаркан.

Ўзи, шу ишлари бўлмаса, чўпонлар жуда яхши, ҳалол одамлар экан. Ҳар нарсага аралашиб, бурун суқаверишмаскан. Ўзлари билан ўзлари бўлиб, ўша ўзлари қўй боққан тоглардай вазмин хаёлларни кўтариб юраверишаркан. Уларга ҳамма ишонаркан. Шу ишончни деб аҳён-аҳёнда кайвонига ўхшаганлар чув тушганликларини пайқамай қолишаркан, сизларга ишонибман-а, дея домангир бўлишаркан кейин.

Кучукваччанинг афт-тусига қараб, кайвони уни Оқтош деб эркалаган экан.

Бўрибосар деб, уни улуғлаган экан.

Кайвони ўқтин-ўқтин кучугининг жудаям донолигидан ҳайрон қолиб, нимабало, ҳиндий ромчининг ҳангомасидагидай, илгари замонларда яшаган битта-яримта алломанинг ақли адашиб шунинг калласига кириб қолганмикан, деяр экан, ёқа тутамлар экан. Аммо кўп ўтмай, чўпонларнинг гапига ишониб кўнгли хотиржам юрган кайвони не хаёлда итнинг жинсини ўзи текшириб кўрибдию ҳафсаласи пир бўлибди, чўпонларнинг айтганига ишониб, эркак бўлса эркак-да, деб хотиржам юравергани учун ўзини ўзи янибди, буни бировга ҳам айтиб бўлмас экан, бировга айтса қайтанга унинг ўзининг устидан кулишиб, галварслик ҳам шунчалик бўладими, дейишлари мумкин экан.

Хуллас, урғочилиги маълум бўлгач, итнинг барча фазилатлари кулдай тўзиб кетипти. Ундан кайвонининг кўнгли бирдан совипти.

Бу ҳол янги жойга кўчиб ўтишаётганда рўй берипти.

Кайвони энди уни шўртумшуқ деб атай бошлапти.

Ҳар замон-ҳар замонда оч биқинига тепиб, таёқлапти, овқат бермай, емак-ичмакдан қисипти.

Ҳатто, барча қулфатларга ана шу итни сабабчи қилиб кўрсатадиган бўлипти:

— Шу шўртумшуқ пайдо бўлдию касофат аримай қолди-я. Нима, аввалари тепаликлар йўқмиди? Бор эди. Тепалик кўчармиш деб биров хаёлига келтирармиди? Келтирмас эди. Касофат, касофат, шўртумшуқнинг касофати тегди.

Кучукваччалик давридан ўтиб, росмана улғайган ит янги жойга кўниколмай, бир-икки кун учраган деворлар ортида бировдан пана бўлаётгандек, қунишиб-гингшиб юрипти. Бегона жой, эгасининг феъли бузилгани, ҳаммаси бир бўлипти, уни бош олиб кетишга мажбур қилипти.

Оқтош бир кечада гумисиё бўлипти.

Уни тезда эсдан чиқаришипти.

Кайвонининг бир супрақоқдиси бор экан.

Кўзни шамғалат қилиб, мишиғини оқизганича эски деворлар остига ўрмалаб борадиган, кесак топиб ейдиган, қорни думалоқ, оёқлари ингичка бўлиб қолган бола экан.

— Шунингиз хўп зийрак-да, — деб, қўни-қўшнилар негадир уни кайвонига мақташгани мақташган экан.

Қариб, ақли тўлишган пайтида топгани учунми, кайвонининг ҳам ана шу супрақоқдисидан умиди катта экан. Ажойиб кунларнинг бирида, келажакда унинг катта одам бўлиб кетишига, юрт сўрашига ишончи комил экан. Кайвони унинг ариллаб йиғлашини-да, вақт-бемаҳал иштонини ҳўллаб тўлғазишини-да, фазилатга йўяр экан, мақтар экан.

Қўни-қўшнилар ҳам уни қўллаб-қувватлашиб:

— Шунингизда бир хислат бор, — деганча болага тикилишгани тикилишган экан, ўзлари айтган хислатни қидиришар экан.

Уларнинг нигоҳларида, афсус, мана шу шалтоқвой юрт сўраб турганида биз бўламизми-йўқми, деган ифодалар барқ уриб тураркан.

— Шунақалардан чиқади-да ўзи, — деганларича, хўрсиниб қўйишаркан.

Ана шу супрақоқди хархаша қипти.

Оқтош, Оқтош, деганича ариллаб йиглайверипти.

— Падарига лаънат ўша Оқтошнинг, мен сенга Кўкёл олиб келиб бераман! — депти уни овутмоқчи бўлган кайвонининг жаҳли қўзиб.

Хислатли бола эмасми, бўш келмай:

— Кўкёл, Кўкёл! — деганича изиллапти.

Кайвони қутулмаслигини билиб, ўзида бор нарсани мўлжаллаб айтипти:

— Кўкёлни нима қиласан, мен сенга конфет олиб бераман!

Алдовга учган супрақоқди Кўкёлниям эсдан чиқарганича:

— Конфет, конфет! — деб, ариллашини қўймапти.

Кайвони бунинг иложини топиб, супрақоқдининг оғзига урипти.

Энди супрақоқдининг кўнгли конфет тилагудай бўлса, дарҳол Оқтошни соғинишни бошлар экан.

Бундан хуноб бўлган кайвони:

— Уф, ўша қанжиқни менга эслатиб нима қиласан, конфетнинг ўзини сўраб қўя қолсанг бўлмайдими? — дер экан, лекин келажакда юрт сўрайдиган хислатли боланинг қулоғини чўзишга ботинмас экан.

Шунақа экан.

Аммо-лекин, одам меҳнат қилиб, тирикчилигини ўйласа, ҳамма ергаям кўникаркан. Қўли қадоқ, ҳаммавақт ўз томига ёққан қорни ўзи кураб келган одамлар юмалоқ ернинг қайси пучмогида бўлсаям, эсанкираб қолмаскан.

Шунақа бўларкан.

Кўникар экан-у, ичида бир армон билан кўникар экан.

Юраги доим куйиб турар экан.

Ичинг куйса бир коса сув билан таққа тўхтаркан, аммо юракнинг армон билан куйиб туришини ҳеч тўхтатиб бўлмас экан.

Буни билган бор экан, билмаган бор экан.

Бирови ундай, бирови бундай, янги ҳовлиларни обод қилиш пайига тушишипти.

Бешкапада эпчил бўлгани эпчил бўлипти.

Бешкапада ялқов бўлгани ялқов бўлипти.

Қадимда қандай бўлса, шундай бўлипти.

Ит важҳидан алданганини унутиш учун бўлса керак, кайвони товуқ катаги қуришга киришиб кетипти.

Бешкападаги ҳовлисидагига қараганда бу катак анча бинойи чиқиб қолипти.

Кайвони суюниб кетипти.

Яна илгариги, товуқнинг ҳам катагини бузиб бўлмайди, деган гапини бот-бот такрорлайдиган бўлипти.

Шунақа бўпти.

Ҳар ким ўз ҳолига яраша, шукр қилиб яшайверипти.

Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб зикр қил, деган матални ўрганиб олишгани уларга жуда-жуда асқотипти.

Э, маталдаям гап кўп экан-ку, дея матал тўқигич бир ҳамқишлоқларини излаб қолишган экан, уни топишолмапти.

Топишолмас ҳам экан.

Неча йиллар бурун уни жиннига чиқариб, сиғдиришавермагани учун, ҳайт дея, қаёқларгадир кетиб юборган экан.

Қаёққа кетгани маълум эмаскан.

Аҳён-аҳёнда у ёқ - бу ёқдан овозаси чиқиб қоларкан, лекин ўзи қорасини кўрсатмаскан, қаттиқ хафа бўлган экан.

— Энди орамиздан шунақа матал тўқигич пайдо бўлса жиннига чиқармаймиз, — дебди улардан бири чинчалоғи билан бурнини кавлай туриб.

— Оқсоқоллар қаторида эъзозлаб юрамиз, — дебди бошқаси чирт этказиб тупураркан; киноя қилиптими, дилдан айтиптими — англаб бўлмай қолипти.

Ғала-ғовур бошланиб кетипти:

— Оқсоқолларга унинг нима алоқаси бор?

— Тузук матал тўқисаям, такаббур эди.

— Инсон эмас эди.

— Матални бошингга урасанми?

— Шуям иш бўптими?

— Ҳамма нима ғамда-ю...

— Ўша матал тўқигич улоқиб юрса юраверсин, уникидан минг марта зўрларини ўзимиз ҳам тўқийверамиз, — деганича огзидан нортуядек кўпик сачратипти аллаким.

Бу гап кўпчиликка маъқул келипти.

Ишга киришиб кетишипти.

Қанчадан-қанча қалам-дафтарларни ишдан чиқаришипти.

Каллаларида жудаям зўр, қойилмақом матал тургандай бўларкан-у, шоша-пиша уни қоғозга тушириб, бировга ўқиб бергудай бўлишса, тутуриқсиз сўзлар чиқиб тураверарқан.

Йўқ, бунақа эмасди, унақайди деб нималарнидир огзаки тушунтириб беришга уринишаркан.

Чандон ҳаракат қилишмасин, юз-кўзларидаги аҳмоқона ифодалар қуюқлашиб, сару калавани йўқотиб қўяверишаркан.

Унингдек бўлиш у ёқда турсин, қайтанга ўзларининг ҳақиқий жиннига айланишларига бир баҳя қолипти.

Шундан сўнг бу ишдан қўл силташипти.

Бўлмаскан, дейишипти.

Бунақа матал тўқишларга шайтон аралашади, шекилли, деган хулосага келишипти.

Жодугарлигини ўзим кўрганман, деганлари ҳам бўлипти.

Сеҳр-жодулар билан одамларга ёқадиган матал тўқигандан тўқимаган дуруст, деб ўз юмушларига андармон бўлишипти.

Экин экишипти: қадимдагидек.

Гўнг ташишипти: қадимдагидек.

Еб-ичишипти: қадимдагидек.

Энди у ёқ-бу ёқда битта-яримта матал эшитиб қолғудай бўлишсаям, буни қайси жодугар айтди экан, деб анча вақт жойларидан силжий олмай ўйланиб қолишар экан.

Ариқлар қазишипти, ерлар ўзлаштиришипти — шу тариқа Бешкападан тўрт-беш чақирим олисда бинойидек янги қишлоқ пайдо бўлипти.

Шунақа бўпти.

Кўчки ваҳмиданми, ўзлари унутиб юборишиптими — ишқилиб, эски қишлоққа ҳеч ким қадам босмапти.

Юмалоқ ер устида, осмон гумбази остида Бешкапа деган қишлоқ бўлган экан.

Энди у қишлоқнинг ўзи йўғу ўрни қолган экан.

Эгаси кўчиб кетган уйнинг ҳувиллаб қолишидан ёмонроқ нарса йўқ экан дунёда.

Аҳолиси кўчиб кетган қишлоқдан гўристон авлороқ экан.

Аҳолиси кўчиб кетган қишлоқнинг кўчалари ҳувиллар экан.

Тутунсиз осмонлари ҳувиллар экан.

Ҳаволар нафасни соғинар экан.

Нафас такбир экан.

Ҳаволар такбирни соғинар экан.

Ёмғирлар зерикар экан.

Шамоллар ижирганар экан.

Ой беҳуда тўлғанар экан.

Капалак япроқда ухлаб қоларкан.

Булоқлар кўзини қайтадан юмаркан.

Чивин ғинғиллаши йўқолар экан.

Булутлар ёғишга эринар экан.

Шунақа бўларкан.

Чўпон-чўлиқлар ҳам сурувларини бу жойдан четлаб ўтиб, ҳайдаб кетишар, шу ердан ўтиб олишлари биланоқ кўчки остида қолишдан қутулгандай, юзлари ёришар экан.

Томи бузиб кетилган уйларнинг деворлари бора-бора қор-ёмғирлар таъсирида уваланиб тушавериб, тупроққа қоришипти.

Яна тупроқ бўлипти.

Аммо-лекин, эски деворларнинг тупроғи унумдор бўларкан.

Қишлоқ ўрнида ёввойи ўтлар шунақа баравж ўсиб, ҳаммаёқни эгаллаб олиптики, одам зўрға юрар экан.

Дарахтлар ҳам ёввойилашиб кетипти.

Олма, узум, олчалар айқаш-уйқаш ўсиб, чангалзор ҳосил қилипти.

Айниқса, ток новдалари дарахтларнинг учларигача чиқиб кетипти.

Айниқса, тут пишиғи маҳалида қадам босиб бўлмаскан, илонлар бу ерларни ўзларига маскан қилиб олишипти.

Бу ерларда ўқтин-ўқтин бир одамнинг қораси кўриниб қолар экан.

Бу, ўша — тепалик кўчармиш, дейишганда, тепаликка чиқамизми, деб суюнган Аваз подачи экан.

Содда, дўлвор йигит экан.

Кўчиб борган жойлари — янги қишлоқда пода боқишга ҳожат қолмапти.

Экин-тикин кўпайиб кетипти, озгина очиқ ерни ҳам қизғанишаркан. Эсини таниганидан бери пода боққани учун, Аваз подачи бошқа юмушнинг этагидан тутолмабди, қилар иши у ёқ-бу ёққа санқиб, айланиб юриш бўлиб қолипти.

У санқий-санқий ўзларининг эски ҳовлиларига қандай келиб қолганини пайқамай қолар экан.

Уларнинг уйлари ўрнида кичкина дўнглик пайдо бўлипти.

Кекса тут ҳам шох отиб, жуда улканлашиб кетипти. Шу тут улар учун жуда азиз бўлган экан.

Тут пишар-пишмас болалар унинг шохига танда қўйиб олиб, ҳеч-ҳеч тушишмас экан.

Аваз подачи ўша дамларни эслапти.

Катталар пастдан туриб таёқ ўқталишар, мушт дўлайтиришар, амал-тақал қилиб уларни тушириб олишар экан, қулоқларини ҳам чўзишар экан.

Аваз подачи беихтиёр қулоқларини пайпаслаб қўйипти.

Ичида, қанийди ўша қулоқ чўзишлар бўлса, қулоғимни узиб олишсаям майлийди, деб ўйлапти — беихтиёр кўзларидан дув-дув ёшлар оқипти, беихтиёр ҳўнг-ҳўнг йиғлапти; беихтиёр,беихтиёр...ҳаммаси беихтиёр бўлипти, беихтиёр.

Аваз подачи қачон келмасин, ана шу тут остида ўтириб-ўтириб кетаркан. Ирғай таёғининг учи билан ер титкилаганича нималарнидир қидираётгандек бўларкан, нимани қидираётганини ўзи аниқ билмас экан.

У носвой ҳам отаркан.

Носвойни отиб олиб, тутнинг тепа шохларига қараркан, қарашида, мунча узоқлашиб, қўл етмас бўлиб боряпсан, деган маънолар бўларкан, лекин унинг ўзи буларни айтиб беролмас экан.

У кафтини пешонасига равоқ қилганича узоқ-узоқларга тикиларкан. Қияликларга сочилиб кетган уй-жойлар жуда гўзал экан. Томлар бир-бирига мингашиб, бир-бировининг устига чиқиб олгандек кўринаркан. Кўмкўк осмон қирлар учига, чўққиларга ёнбошлагандек, оппоқ булутчалар кўчаларда сайр қилаётгандек кўринаркан; олисдан томоша қилаётган киши тасаввурида у ерларда энг бахтли, саодатли кишилар яшаётгандек бўларкан. Аслида... аслида ундай эмаскан: аслида у бечоралар ўз кўчаларидаги булутлар сайридан гофил эканлар; аслида у бечоралар ўз қиру чўққиларига ёнбош урган осмонни жуда-жуда йироқда деб билишар, шу сабабли, осмон йироқ — ер қаттиқ деб айтишар экан;

аслида у шўрликлар ўзлари-ўзларига бироз чеккароқдан назар ташлаш мумкинлигини, наинки мумкинлигини, шундай қилиш кераклигини, албатта, шундай қилиш кераклигини ўйлашмас эканлар, бунга қурблари ҳам етмаскан, бунга имконлари ҳам йўқ экан.

Шунақа экан.

Аваз подачининг ота-онаси ўлиб кетган экан.

Унинг ўзи сўққабош, салтисивой экан.

Бир маҳаллар унинг бошини жуфтлаштиришган экан, ўнг келмаган экан — аёли ташлаб кетган экан.

Аваз подачи янги қишлоқда алоҳида ҳовли қилмапти.

Укасиникида тураркан.

Келини баъзан қовоқ-тумшуқ ҳам қилиб тураркан, у буни кўриб кўрмасликка оларкан, лекин ичи торийиб, чиқиб кетгиси келаркан, қайтмас бўлиб кетсам, деркан.

Отасидан қолган ҳовлида унинг улуши бўлган экан, шунинг учун уни сиғдириб юришган экан.

Чўп-ёғочи, эшик-деразасига меросхўрлигини пеш қилмаскан.

— Ҳамма уй-жойли бўлиб кетди-ю, сен шўрлик беватан қолдинг-да, — деб қўйишаркан унга ичлари ачиган қариялар.

Аваз подачи бу нарсани ўйламаскан.

Унинг назарида, одамлар бу ерда омонат туришгандай экан.

Хавф-хатар ўтиб, яна ҳаммалари ўз қишлоқларига қайтиб кетишади, қайтишгани учун тўй қилишади, яна болалар оши ҳалол айтишади, яна пода йиғилади, яна чалпакпазонлар ўтказилади, яна тўй-маъракаларда подачини йўқлаб, унинг ҳақини олиб қўйишади — хаёлида мана шунақа гаплар экан.

Ҳақиқатан ҳам, тупроқ кўчкиси хавфи туғилган тепаликнинг ёнбағирларига экилган дарахтлар бора-бора қуюқ ўрмон ҳосил қилипти. Уларнинг илдизлари чуқур кетиб, кўчки хавфи йўқолипти.

Бироқ, ҳеч ким ортга қайтмапти.

Шунақа бўптими, тепалик энди кўчмасканми, деганча бошларини сарак-сарак қилишаркан, холос.

Тепалик энди кўчмасканми, лекин, барибир, бизнинг кўчганимиз дуруст бўлди, бир кунмас-бир кун ўша тоғу тошлар орасидан кетишга мажбур бўлардик-да, мана, худога шукр, бу жойда шароитларимиз кенг, деганча қўл силтаб бепарво кетганлар ҳам бўлипти.

Биров у депти, биров бу депти.

Ўламан саттор, Бешкападан бўлак ер менга ҳаром деганлар ҳам пилдирпис, қайтиб боришни хаёлларига келтиришмаскан.

Кайвони анча фурсат мутафаккирона ўй сурипти.

Икки қоши ўртасини бодомчадай тугун қилипти.

У ёқ-бу ёққа қадам ташлапти.

Хаёл билан бўлиб, юпқа лабларини чапиллатиб ҳам қўйипти. Аслида, унинг бундайчанги одати йўқ экан. Яна у ёқ-бу ёққа қадам ташлапти-да, бир ерда тўхтаб, барча жумбоқларни бир ҳимо билан ечиб юборадигандай, ҳа-а, дея хитоб қилипти. Сўнгра дунёда товуқнинг ҳам катагини бузиб бўлмаслиги ҳақида шунақа доно гапларни айтиптики, бундай гапларни улоқиб кетган матал тўқигич ҳам ҳарчанд айтолмаскан; жуда қойилмақом ҳикматлар экан, уларни эшитгандан кейин дунёдаги барча хумбош алломаларнинг товуқбоқар бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмаскан.

Аваз подачининг оёғи остидан ўқтин-ўқтин вишиллаб, ўт-ўланларни шарт-шурт қамчидай уриб ҳар хил илонлар чиқиб қолар экан.

Подачи уларга парво қилмаскан.

Одам қўли тегмагани учун бу ерлар тезда ёввойилашиб кетипти. Мабодо, минглаб йиллар парвариш қилинса-ю, оз вақт ўз майлига ташлаб қўйилса, табиат дарҳол инсондан юз ўгираркан.

Уни унутаркан.

Унинг қўли билан бунёд этилган нарсаларни барбод этишга тушаркан.

Ўсимликлару дарахтларни ёввойилаштираркан.

Турфа жониворлару қурт-қумурсқаларни чорлаб, ўз қўшиғини куйламоққа чоғланаркан.

Мана шу жойда ҳам қишлоқ бўлганини, одамлар яшаганини фақат нураган деворлару ёввойлашаётган дарахтларгина билдириб тураркан, холос.

Кўзга яққол ташланавермайдиган бу белгилар юз йиллар аввалги ҳаётни эслатиб тургандай кўринар экан.

Одамлар минглаб, милёнлаб йиллар билан ўлчайдиган, абадият деб атаб-улуғлайдиган вақт тушунчасига ҳам табиат ўқин-ўқтин масхаралаб қараркан.

Шу тариқа асл ва сохталикни, ҳақ ва рўёни ажрим қиладиган ҳакам вазифасини ўтаркан.

Бундайчанги олди-қочди, олифта гапларни ўша, улоқиб кетган матал тўқигич айтар экан.

Шунақа экан.

Аваз подачи тез-тез келиб тургани учун ёввойилашиб бораётган мана шу жойга қаттиқ боғланиб-кўникиб, ўзининг ҳам одамовилиги тобора ошиб бормоқда экан. Бу ердаги ўзгаришлар уни ажаблантирмай қўйган экан.

Бир куни тонг маҳали Аваз подачининг кўзи бешолти қадам нарида, гулхайри ортида турган аллақандай жониворга, тўғрироғи, жониворнинг нигоҳига тўқнашиб қолипти.

Подачининг юраги «шиғ» этиб кетипти.

Гулхайри барглари орасидан унга тикилган кўзлар ниҳоятда тиниқ, ярқироқ экан; шунинг баробарида ҳуркиб ҳам турар экан.

Аваз подачи ўзи билан ўзи бўлиб юраётгандек кўринса-да, қачонлардир ўтган йўлларини дарҳол таниб олар экан.

Қўли теккан нарсаларни ҳам унутмас экан.

Пода боқиб юрганида бирор ёвшаннинг қуриган шохини синдириб олган бўлса, орадан йиллар ўтиб, ўша ёвшан гуркираб ўсиб кетсаям, барибир, дарҳол танир экан. Анави ёвшаннинг шохидан ўт ёқиб, чой

қайнатиб ичганман, деяр экан, қайноқ чой ичаётгандай афтини буриштириб қўяр экан.

Гулхайри ортидаги жонивор бурилиб, жуфтакни ростлаётганида, Аваз подачи унинг думини кўриб қолипти, дарҳол танипти, ўзини тутолмай:

— Ие, Оқтош-ку! — деб юборипти.

Аваз подачи адашмаган экан.

Бу, ўша — кайвонининг аввал олқишини, урғочилиги аён бўлгач, қарғишини олиб юрган ит экан.

Аваз подачи унинг думидан таниб қолиши бежиз эмас экан.

Оқтошнинг қулоғию думини унинг ўзи кесган экан.

Ўшанда кайвони кучукваччани унга кўрсатиб:

— Манави бўрибосарнинг қулоқ-думини кесиш керак-да, Аваз, — деган экан.

Аваз подачи кучукваччанинг урғочилигини дарҳол сезган экан. Кайвонининг сўзига ажабланган экан. Бироқ, бу ҳақда оғиз очмаган экан.

— Кесиш керак, — дея, кайвонининг сўзини тасдиқлаган экан.

— Энди-и... шуни сен кесақол, — деган экан кайвони. — Ўзим кесардиму...қўлим бормаяпти...

Аваз подачи ўшанда Оқтошнинг қулоқ-думини кайвонининг уйи остонасига қўйиб кесган экан.

Расми шу экан.

Шунақа қилинса, юрак олдирган ит остонадан ичкари ҳатлашга ботинмас экан.

Остона кўзига алламбало бўлиб кўринар экан.

Қиш-қировли тунларда совуқдан тўнгиб қолсаям, жазирама иссиқда тангадек соя жой тополмасаям, нажот излаб, остонадан ўтмас экан.

Очликдан ўлса ўларкан-у, бироқ нариги томондаги озиқ-овқатларга тегинмас экан.

Аваз подачи кайвонининг итини шунақа қилиб таниб олган экан.

Таниб, суюнган экан.

Аваз подачи Оқтош билан топишиш қийинлигини билар экан.

Ўша, остонада тортган азобидан сўнг Оқтош ҳамон ундан қўрқиб-ҳайиқиб, ўзини олиб қочиб юрар экан.

Аваз подачи бўлса... Оқтошнинг кўнглини топишдан умидини узмабди.

Ҳар гал келганида ул-бул емиш олиб келиб, кўринарли жойларга қўйиб кетадиган бўлипти.

Эгаси йўқ, тайинли жойи йўқ, Оқтош қийналади, деб ўйлапти.

У, илгарилари ҳам кўчага чиқариб ташланган итларни кўп кўрган экан.

Зоти қанчалик тоза бўлишига қарамай, бундай пайтларда итлар сур-бетамиз, ўгри-қароқчи, ялтоқ бўлиб кетишар экан.

Зоти тозалик ҳақидаги гаплар уларнинг тўқликлари туфайли келиб чиқадиган сафсаталар экан.

Шунақа экан.

Аваз подачи олиб келган нарсаларига Оқтошнинг тегинмаётганига ҳайрон бўпти. У ўзи қўйган емишлар олдидан ўтиб кетган итнинг изларини кўрипти, Оқтошнинг емишга қараб қўйганча индамай кетаверганини тасаввур этипти.

Жунлари ялтираб, гавдасиям каттариб, чиройли бўлиб бораётган Оқтошнинг тирикчилиги нимадан эканлиги уни қизиқтириб қолипти.

Итнинг изидан тушипти.

Ўт-ўланлар орасидан пайпаслаб юриб, дуч келган нарсаларига Аваз подачи ёқа тутамлашга мажбур бўлипти. Агар, у ўз кўзларига ишонадиган бўлса, Оқтошнинг ўт-ўланларни, уларнинг томирини кавлаб ейиши маълум бўларкан.

Аваз подачи ҳамқишлоқларига Оқтошни кўрганини айтипти.

Кўрган-билганларини оқизмай-томизмай етказипти.

Сен энди у ёқларга бориб юрма, дейишипти ҳамқишлоқлари унинг сўзларини тинглаб, кўзингга ҳар балолар кўринадиган бўлиб қолипти, дейишипти.

У ёқларни унут, дейишипти.

У ёқларда жойу жалолинг, молу мулкинг қолибмиди, дейишипти.

У ёқларда жойу жалоли, молу мулки бўлганлар ҳам энди ҳаммасини эсдан чиқаришган, дейишипти.

У ёқлар энди бизга бегона, дейишипти.

Шундай-шундай гапларни айтишга айтишипти-ю, кўзлари ғилтиллаб, томоқлари бўғилиб қоладигандек туюлаверипти — ўзларига нималар бўлаётганини, бахудо, ўзлари фаҳмлашмапти.

Одам яшамаганидан кейин нимаям бўларди, ажиназор бўлади-да, ватанлиги қолармиди, дейишипти.

Итнинг ўтхўр бўлганини кўрганимиз йўқ эди, ҳойнаҳой, ўша кўзингга Оқтош бўлиб кўринган махлуқ ҳам ажинадир, дейишипти.

Кейин аллакимнинг хотинини аллақайси замонда ажина чалганини, лабини қийшайтириб, кўзини ғилай қилиб кетганини айтиб беришипти.

Аслида, ўша хотиннинг ўзи ҳар қандай ажинаю шайтонни бир чўқишда қочирадиганлар хилидан экан.

Ажинаю шайтоннинг ҳам макри-кайдини ўрганиб олган экан.

Ўзиникини уларникига қўшиб учига чиққан экан.

Ўртада аллақандай келишмовчилик рўй бериб, ҳамтовоқлари уни шу аҳволга солиб қўйишган экан.

Тоғдаги гап боққа, боғдаги гап тоққа бориб уланипти.

Бир-бирларига гал бермай, бир-бирлари билан тортишиб-суришиб туришганида, кўчанинг муюлишида бир хотиннинг қораси кўриниб қолиптию ҳаммалари тумтарақай бўлишипти.

Шунақа бўпти.

Бешкапада деворлар нураб, ҳовлилар ўртасида ҳеч қанақа тўсиқ қолмаган бўлса-да, Аваз подачи фақат бир

пайтлар ўзларининг ҳовлиси бўлган жойга борар экан. Кўчалиги қолмаган кўчаларда юрар экан.

Подажойлиги билинмайдиган подажойга бориб хаёл суриб ўтирар экан.

Унинг кўзига ажабтовур нарсалар кўринар экан.

Подажойнинг ҳозирги кўриниши йўқолиб, илгариги ҳолати пайдо бўлар экан.

Пода-пода қорамоллар, сурув-сурув қўй-қўзилар, уюр-уюр йилқилар ўтаверар экан ана шу подажойдан.

Осмонни бўлса... гала-гала қушлар эгаллаб оларкан.

Оппоқ-оппоқ соқоллари кўксига тушган боболар пайдо бўлиб қоларкан.

Кенг-ковул енглари орасида невараларига нималарнидир илинишган, бошларига оқ рўмолни елвагай ташлашган, юз-кўзларидаги меҳр ҳар қандай одамни ийитиб юборадиган момолар кўринишаркан.

Боболару момолар навбаҳорда қиёқ тилини чиқарган гиёҳларни тавоф қилиб ўтаверишар экан.

Боболару момолар қаро туфроқ тафти товонларига уриб турганидан суюна-суюна ўтаверишар экан.

Боболару момолар қийғоч-қийғоч гулга кирган дарахтлардай ўтаверишар экан.

Боболару момолар дувва-дувва мева туккан дарахтлардай ўтаверишар экан.

Боболару момолар гурас-гурас хазон тўккан дарахтлардай ўтаверишар экан.

Боболару момолар гур-гур ёнган дарахтлардай... ўтаверишар экан, ўтаверишар экан.

Изларида даста-даста гуллар қолиб ўтаверишар экан.

Изларида гурас-гурас хазон қолиб ўтаверишар экан.

Изларида куллар учиб, туфроқ қолиб — боболару момолар ўтаверишар экан.

Ўтаверишар экан.

Ўтаверишар экан.

Ўтаверишар экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Аваз подачининг мижжаларида милт-милт ёш кўринар экан.

У бунга парво қилмас экан.

Боболару момоларни яна, яна, яна... кўрмоқ истар экан.

Бехос эсган шабада ҳовуч-ҳовуч кулларни тўзғитар экан.

Аваз подачининг қулоқларига ажабтовур садолар эшитилар экан. Бу садолар остида унинг қалби аллақандай ғалати бўлиб кетар экан. Кўм-кўк ўтлоқлар, лолақизғалдоқларга бурканган қир-адирлар кўзига кўринар экан.

Аваз подачининг кўзига кўрингани кўриниб ётаберсин экан, Аваз подачининг қулоғига эшитилгани эшитилиб ётаберсин экан — ай, ай; бир кун келиб дунё шу боёқишнинг пойига йиқиларкан, шу жабрдийданинг пойини тавоф этаркан; ай, ай; фақат бир кун экан, бир кунгина экан.

Сур ноласи янграган бир кун —
узун-узун янграркан;
даъватли-даъватли янграркан;
кутилгани
кутилаётгани — бир кун экан, фақат бир кун экан.

Ҳамма қатори, ўша бир кун сари елиб бораётган бошқа ёқлардан ҳам энди сўз эшитасиз экан; бошқа ёқлардан бошқача сўзлар эшитасиз экан.

Қанақа, деб сўраманг экан.

Сўрасангиз-сўрамасангиз, мана бунақа экан:

юмалоқ ер устида, гумбазли осмон остида каттакон шаҳар бор экан.

Кўчалари шовқинли экан: қадимдагидек.

Бозорлари гавжум экан: қадимдагидек.

Ўйин-кулги авжида экан: қадимдагидек.

Одамлари шошқалоқ, қанчалик шошилишмасин, вақт қандай ўтиб кетаётганини, умр қандай ўтиб кетаётганини пайқайвермайдиган ғофилу сўқир экан; ҳами-

ша зўр бир ишни дўндирмоққа ўзларини чоғлаб юргандек кўринишгани билан кўп ҳолларда қўлларидан ҳемириям келмаскан, буям қадимдагидек экан.

Ҳаво етишмас экан ... ҳаво!

Қадим-қадимлардан эсмиш ажиб бир насимлар, қадим-қадимлардан келмиш нафис бир ҳаволар қайларгадир йўқолмиш — ҳеч ким эслолмасмиш, эслашни ҳам истамасмиш; аслида ўтган ҳар лаҳзани, ҳар дам, ҳар нафасни эслаб туриш жуда-жуда зарур экан, албатта, зарур экан.

Эслагандаям муҳаббат билан эслаш зарур экан.

Эслагандаям кўзда ёш билан эслаш зарур экан.

Кўз ёшлар кўнгилга йўл очар экан.

Кўз ёшлар кўнгилга оламни танитар экан.

Кўнгилсиз ҳеч вақт ҳеч нарсани эсламаслик керак экан.

Кўнгилсиз ҳеч вақт ҳеч нарсани баҳоламаслик керак экан.

Кўнгилсиз ҳеч вақт ҳеч нарсани муҳокама қилмаслик керак экан.

Кўнгилсиз кўз очмаслик керак экан.

Кўнгилсиз нигоҳ ташламаслик керак экан.

Кўнгилсиз лаб жуфтламаслик керак экан.

Кўнгилсиз қадам ташламаслик керак экан.

Кўнгилсиз кафт ёзмаслик керак экан.

Кўнгил шоҳ экан.

Подшоҳ экан кўнгил.

Кўнгил улуғ экан.

Шарафларга тўлиқ экан кўнгил.

Кўнгилсиз ҳеч вақт ҳеч нарса ҳақида хулоса чиқармаслик керак экан.

Чунки, эрта бир кун бундай хулосаларнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмаскан.

Чунки, бундай хулосалар бир томчи кўз ёш олдида ҳеч нарса бўлмай қоларкан.

Чунки, эртами-кечми, нигоҳлар эрир экан;
дунёни танир экан;

ўзини танир экан —
сўқир дунёларнинг кўзини очар экан!
Ана шунақа экан.
Шунақа бўларкан.

Хуллас, ўша шаҳар ҳавосининг уфунатидан одамнинг боши айланар экан. Шаҳарнинг казо-казо одамлари навбаҳорда мана шу тоғ этагига келиб қолишипти. Кўзни яшнатадиган бу жой, сув-ҳаво уларни лол қолдирипти, шунақа жойларниям ташлаб кетадими одам, дейишипти. Кейин сўраб-суриштиришипти, бир пайтлар кўчки хавфи бўлганини, энди у хавф йўқолганини билишипти. Тепаликка чиқволиб, у ёқ-бу ёқни ўбдан назардан ўтказишипти, булоқларнинг сувини шишачаларга олиб текширишипти, у сувларнинг шифобахшлигини аниқлашипти.

Бешкападан сал нарироқда уч-тўрт гектар очиқ майдон бор экан.

Ишланмаган, бўз ер экан.

Янтоқзор, шувоқзор бўлган экан.

Коврак, оқтикан ўсар экан.

Туятаппон, ковул ҳам бўлар экан.

Муштдай-муштдай тўрғайларнинг чулдираши ҳар қандай одамни сел қилиб юборгудай бўларкан.

Ана шу чулдирашнинг ўзидан шувоқ бўйи анқир экан.

Ана шу чулдирашнинг ўзидан ковул таъми келар экан.

Сойнинг ҳў-ўв нариги томонида ҳам анча-мунча қишлоқлар сочилган экан. Улар хавфсиз жойларда бўлгани учун бошқа ёқларга кўчмай, муқим туриб қолишган экан.

Шаҳардан келганлар очиқ майдонда дала ҳовлилар қура бошлашипти.

Қишлоқлардаги муқимбойлар қурилаётган дала ҳовлиларни кўришиб, оғизлари очилиб қолипти. Қишқировли кунларда оч бўриларнинг одамларнинг ҳовлисигача кириб келаверишидан ажабланмаган, сойдаги

кўприкни тўсатдан келган сел бузиб, оқизиб кетганига ҳам бепарво қарашган одамлар энди ёқа тутамлашипти. Айтмоқчи, ўшанда кўприкнинг устида подадан қайтаётган иккита эчки, битта сигир ва чамаси, хашак тополмагани туфайли эгаси ҳайдаб юборган битта эшак бўлган экан; ана шу жониворлар ҳам пирпирак бўлиб кетишипти; эчкилару сигир асфаласофилинга жўнаган, эшак қутулиб қолган экан.

Муқимбойларнинг ҳайратга тушганининг сабаби шунда эканки, уларнинг орасида умр бўйи тўрт деворни тиклолмай, тикласаям томини ёполмай, лой чайнаб юрганлари талайгина экан. Ҳаш-паш дегунча бўлмай қад ростлаётган икки-уч қаватли дала ҳовлиларнинг эгалари ҳақида ўйлашиб, улар мунча дову дастгоҳни, мунча пулни қаердан топишаркин-а, мана, биз ҳам эртаю кеч ҳаложак урганимиз билан этагимиз этагимизга етмай юрипмизку, деган хаёлга боришипти. Улар бундай хаёлга боришмасаям бўлаверар экан, чунки хом каллаларини қанчалик қотиришгани билан бунинг тубига етишлари гумон экан, нега деганда, бунинг туби йўқ экан, йўқ нарсага етиб бўлмас экан, йўқ нарсага етаман деганнинг ўзи бор нарсасидан ажраб, йўқолиб кетиши ҳеч гапмас экан.

Дала ҳовлилар қурилаётган жойда илгари яйраб-яшнаб ўсган ўсимликларни машиналар босиб ўтаверганидан қовурғалари синиб кетипти, қум-шағал тўкилаверганидан нафас ололмай қолишипти, уларга қирон кепти, улар учун қиёмат бўпти, илдизлари чуқур кетганлари ҳаёт учун курашипти, ўзларини тиклашга ҳаракат қилишипти, барибир, илгариги гуркирашлар йўқ экан, барибир, илгариги бўй таратишлар йўқ экан, барибир, илгариги сархуш қилишлар йўқ экан, барибир, илгариги сархуш бўлишлар йўқ экан.

Барча шохлари синиб тушиб, фақат битта шохчаси сақланиб қолган янтоқ ёнида эгилиб тушган оқтиканга ҳасрат қилипти.

— Шу кунимдан кўра мен ҳам анави акаларим қатори қуриб қолганим яхши эди, — дебди янтоқ шохчаси

саҳар чоғи кўзига ёш олиб, машина босиб кетганидан ёнида қуриб ётган шохларини кўрсатганча; бу шохчанинг ўзи қандайдир тасодиф рўй бериб омон қолган экан.

Оқтикан инқиллаб қаддини тикламоқчи бўлипти. Бунга қурби етмапти. Чуқур уҳ тортиб юборипти-да, жаҳл аралаш:

— Бу нима деганинг? — депти.

Кейин насиҳатомуз бир тарзда:

— Ношукр бўлма, ношукрчилик қилма, — депти. — Мана, мендек белинг синиб, ер бағирлаб ётганинг йўқку! Ёшсан, яйраб-яшнаб турибсан, шукр қил.

— Гапинг тўғриликка тўғрику-я, — депти янтоқ шохчаси. — Лекин, кўпчилик акаларим бу оламни тарк этган бўлишса, теварак-атрофимда майиб-мажруҳлар сенга ўхшаб инқиллаб-синқиллаб, оҳ-воҳ қилиб ётишса-ю, мен бирон ёрдам кўрсатишга имкон тополмай, шукр қилиб яшайверсам, шу адолатдан бўладими? Ахир, барча ўт-ўланлар гуркираб ўсиб ётишган дориламон бир замонларда адолат, ҳақиқат ҳақида жуда кўп гаплар бўлар эди-ку? Қани, ўша гаплар?..

Шундай дея, янтоқ шохчаси жим бўлиб қолипти.

Оқтикан жуда қадимги ўсимлик экан.

Уни кўзтикан ҳам дейишаркан.

Шу боис, уни не-не саройларнинг, кошоналарнинг пештоқига осиб қўйишар экан.

Ёмон кўзлардан асрасин, дейишаркан.

Бундан оқтиканнинг ўзи ҳайрон бўлар экан.

Мени кошонаю саройларингизнинг пештоқига осиб қўйганларингизнинг ҳеч фойдаси йўқ, қилмиш-қидирмишларингизга яраша барибир оладиганларингизни олаверасизлар-да; бу кошонаю саройларингиз бир баҳона билан лаҳзада кунфаякун бўлиб кетади, уни ҳеч ким — мен тугул, ўзларингизнинг шону шавкатингиз, шопу шалопингиз ҳам асраб қололмайди, демоқчи бўлармишу айтолмасмиш; айтгани билан одамлар оқтиканнинг тилини тушунишмасмиш, у-ку бир ўсимлик —

ўсимлик тили нари турсин, бир-бирларининг ҳам тилларини тушунолмай, дилларини англолмай самоларни кўзлашармиш, шундан улар ғофил банда аталармиш, қанчалик кўп нарсаларни билгандай бўлиб кўринишмасин, ҳеч нарсани билолмай, шунчалик ғофиллашиб бораверишармиш.

Оқтикан жуда кўп нарсаларни кўрган, ҳаётнинг паст-баландини билар экан.

Жуда кўп нарсаларни кўргани, ҳаётнинг паст-баландини билгани билан ҳозир янтоқ шохчаси айтгани каби гаплар хаёлига келмагани учун у ўзини ожиз, нотавон ҳис этипти.

Токи хулоса чиқарилмас экан, минг йиллик, милён йиллик умр ҳам ярим чақалик бўлиб қолаверар экан-да, деган ўйдан ваҳми келипти.

Унга жуда-жуда қадим замонлардан буён Сабр деган бир сабоқни ўргатиб келишаркан.

Сабр[1], сабр, сабр, дея шамоллар ғувулларкан.

Сабр, сабр, сабр, дея қуёш қиздираркан.

Сабр, сабр, сабр, дея бўронлар қутураркан.

Сабр, сабр, сабр, дея жонзотлар нола чекишаркан.

Сабр, сабр, сабр, дея барқ урган дарахтлар хазонга дўнаркан.

Сабр, сабр, сабр, дея умрлар йўқликка дўнаркан.

Сабр, сабр, сабр, дея тупроққа эвриларкан.

Тупроқ сабр экан.

Тошлар сабр экан.

Кўклар сабр экан.

Юртлар сабр экан.

Халқлар сабр экан.

Боболар сабр экан.

Момолар сабр экан.

Оталар сабр экан.

Оналар сабр экан.

---

[1] *Сабр* — орзу ниқобидаги кўрқоқлик (Р. Акутагава)

Фарзандлар сабр экан —
туғилган ва
туғилажак сабр экан.
Ўтмиш сабр экан.
Келажак сабр экан.

Оқтикан ҳозир ҳам янтоқ шохчасига:

— Сабр қил, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — демоқчи бўлипти-ю, сўз бошлашга улгуролмай қолипти.

Теварак-атрофни туйқусдан зулмат қоплапти. Янтоқ шохчаси оқтиканнинг "уҳ" деган ноласини эшитипти.

— Ҳо-ой! — тўсатдан тушган зулматдан ҳам кўра оқтиканнинг ноласидан кўпроқ хавотирланган янтоқ шохчаси ташвишли овоз чиқарипти.

Бироқ, унинг чақириғига жавобан ҳеч қандай овоз эшитилмапти.

— Нима бўлди, тирикмисан? — қўрқувдан янтоқ шохчасининг юраги тарс ёрилай депти.

Жавоб бўлмапти.

Оқтикан бу ерга келтириб қўйилган вагоннинг темир тиргаги остида қолиб жон берган экан.

Бу вагон қурувчиларники экан.

Буни янтоқ шохчаси тепадаги тапир-тупур оёқ товушларидан тахмин қилипти. Ғўлдираган овозлар унинг тахмини тўғри эканлигини тасдиқлапти.

— Жуда соз, тўртовимизга етади, — шамоллагандай хириллаб чиқаётган овозда аллақандай ҳукмфармолик ҳам мужассам экан. — Столни мана бу ерга, ўртага қўямиз, — столнинг сурилгани эшитилипти. — Мен анави бурчакда ётаман. Хўжайин, дала ҳовли қурилиб битмагунча ўша ердан келмайсизлар деганлар...

— Мунақа жойларга мунча катта уй қуриб нима кераги бор экан? — аллақандай чийилдоқ товуш нимадандир койинганнамо бўлиб, кейин уҳ тортиб қўйипти.

— Каттами-кичикми, сену мендан сўраб ўтиришармиди, билганларини қилишаверади-да, — учинчи овоз эгасининг кўп нарса жонига текканини унинг сўзлари оҳангидан билиб олса бўларкан.

Уларнинг тўртинчиси бу гап-сўзларга, бўлаётган ишларга ўзининг ҳеч алоқаси йўқдек, димоғида аллақандай куйни хиргойи қилиб турган экан.

Куй бўлиб куйга ҳам ўхшамас экан.

Кўнғлидан чиқаётган, нималигини ўзи ҳам билмайдиган аллақандай садоларни ўзича минғирлаб турган жойи экан.

У, ҳатто, синиқ товушда қўшиқ ҳам бошлаб юборипти.

Унинг нималар деяётганини янтоқ шохчаси аввалига англамай турипти.

Кейин-кейин сўзлар аниқ-тиниқ маъно касб эта бошлапти.

Синиқдай туюлган овоз шира боғлапти.

Янтоқ шохчаси берилиб тинглапти.

Қўшиқда шундай сўзлар бор экан:

Ватанимда хон эдим,
Хонларга фармон эдим,
Дардларга дармон эдим,
Мискинга макон эдим,
Жонсизларга жон эдим,
Найлай, энди бечораман.

Кўзсизлар кўзи эдим,
Гунгларнинг сўзи эдим,
Элимнинг юзи эдим,
Маъшуқлар нози эдим,
Ҳотами Тай ўзи эдим,
Найлай, энди бечораман.[1]

Янтоқ шохчасини қўшиқ жуда мутаассир қилипти.

Оқтиканни ёдга олипти.

Бечора оқтикан!

Қанақа ажойиб эди-я!

У, ўқтин-ўқтин хўрсинганича:

— Менинг асл юртим дашту биёбонлар, — деб, ўз юртини ёдга оларди, хаёлларга бериларди. — Дайди

[1] Туркман шоири Махтумқули сатрлари.

шамоллар бу ерларга уруғимни учириб келмаганида, ўз юртимда яйраб-яшнаб ўсар эдим, — дер эди.

Ахийри, армон билан кетди.

Ахийри, ўкинч билан кетди.

Ахийри, яйраб-яшнолмай кетди.

Ахийри, соғинч билан кетди.

Бегона тупроқ девона тупроқ экан.

Ўкинтирар экан.

Соғинтирар экан.

Ўкина-ўкина борар ери қайда экан?

Соғина-соғина борар ери қайда экан?

Турли ҳиссиётлар оғушида қолган янтоқ шохчаси оқтиканнинг нобуд бўлганига ич-ичидан ачинипти.

Қўшиқ янтоқ шохчасини тўлқинлантириб юборипти.

Олис-олис ўтмиш замонларни қўмсашга ундапти уни.

Назарида, унинг ота-боболари ҳам бу ерлардан узоқларда, даштлар қўйнида гуркираб ўсишгандай бўлиб туюлипти.

Чек-чегарасиз янтоқзорларда нортуялар уммонда сузган кемалардай юришган эмиш хаёлида; оғизларидан оппоқ кўпиклар сачратиб, ўкиришар эмиш.

Қандайдир тараққлаган овоздан чўчиб, ўзига келган янтоқ шохчасининг юраги бир қалқиб, энтикиб кетипти; ҳозиргина у ўзини сарин еллар кезган кенг дашт бағрида ўсаётгандай ҳис этган бўлса, ўзига келгач, аллақандай бўёқлар, занг иси келиб турган вагон остида яшашга маҳкум этилганини ҳис қилипти.

Шунақа бўлипти.

Дод, деб юбораёзипти.

Бироқ, минг дод десин, минг вой десин, минг фарёд урсин — фойдаси йўқ, пешонасига битгани шу экан.

Шунақа экан.

— Э, тузукроғидан айтмайсанми? — деган, ҳукмфармо овоз эгасининг танбеҳи туфайли янтоқ шохчаси чўчиб тушган экан.

Ҳукмфармо овоз эгасига бу қўшиқ ёқмаган экан.

Унинг ҳам ёдига нималарнидир тушириб юборган экан бу қўшиқ.

Ёқмаганининг сабаби шунда экан.

Янтоқ шохчаси тахайюлотининг ғира-шира ёришганидан галати ҳолга тушган бўлса, у ториқиб, нима қиларини билмай қолган экан, шу боис танбеҳ берган экан.

Қўшиқ айтган хўрсиниб қўйипти.

"Э, тузукроғидан айтмайсанми", деган гапга жавобан, бошқа бир қўшиқни айтиб берипти:

Мен найлайин, қўлим боғли,
Юрагим ҳам юз минг доғли,
Бўйним занжиру сиртмоғли,
Кўнглимда минг армоним бор.[1]

Бу гал ҳеч ким унга ҳеч нарса демапти.

Янтоқ шохчаси ўзининг тортган азоб-уқубатларини қўшиқ айтаётганникининг олдида арзимас деб ҳисоблапти.

У, қўшиқдаги ҳамма сўзларнинг фаҳмига унчалик етавермаса-да, бечора қандай чидар экан, деган хаёлга борипти.

Бундай сўзларни тўқиш-ку тўқиш, бундай сўзларни айтиш-ку айтиш, эшитмоқнинг ўзи ҳам жуда эзиб юборар экан-да!

Янтоқ шохчаси, раҳматли оқтиканнинг берган насиҳатлари тўғри экан, дея пичирлапти.

У, ўзига-ўзи бундан буён ношукрчилик қилмасликка, тақдир буюрганича яшайверишга сўз берипти.

Янтоқ шохчасининг анча-мунча нарсалардан хабардор бўлиб қолишига раҳматли оқтикан билан қурган суҳбатлари, унинг айтиб берганлари сабаб бўлган экан.

Бундан ташқари, янтоқ шохчасининг томири жуда-жуда чуқур кетган экан.

Шунинг учун ҳам у аждодларидан қанчалик фахрланса арзиркан!

---

[1] Махтумқули сатрлари.

Боболари кўпни кўришган экан.

Боболари узоқни кўзлашган экан.

Кўпни кўрган, узоқни кўзлаган донишманд боболар фақат томирга куч беришган экан.

Томирдан бўлак ҳеч нарса абадий эмаслигини улар англашган экан.

Дашт узра енгил-енгил одимлар ташлаб кезган қамғоқ ўзига хас-хусларни илаштириб, борлиғу оламнинг соҳибидай нечоғли тамтамланмасин, илаштирган нарсалари ҳисобига қанчалик баҳайбат тус олмасин, озгина шамол қўзғалса инон-ихтиёрини йўқотар экан. Ана шу шамолнинг етовида кетар экан. Қайга боряпти, манзил-мароҳили қайда, билмас экан, билолмас экан — сўрашга журъати етмас экан, дайди шамол унинг устидан кулар экан, масхаралар экан. Жинтўполонлар уни чирпирак қилиб осмонга ҳаволар экан, ерга топтар экан, ахийри бирон номаълум пучмоққа тиқиб ташлар экан — томир бўлмаса ана шундай қисмат кутар экан.

Томир асраб қолар экан.

Бу оламда яшайман деган қолган икки олам билан ҳам мусти-мустаҳкам алоқада бўлмоғи лозим экан.

Икки оламнинг ўртасидаги учинчи олам экан бу!

Шу боис, томири мустаҳкам бўлганлар дунёга қайтиб келаверар экан.

Дунё уларники бўлар экан.

Шунақа экан.

Томирнинг чуқур кетишида гап кўп экан.

Томири чуқур кетган мулоҳазакор бўлар экан.

Томири чуқур кетса ўткинчи нарсалар билан абадий ҳодисаларни фарқлай биладиган бўлар экан — ўткинчи нарсалар ҳам абадийлик бахш эта олиш қудратига эга бўлар экан.

Ер остида, пастга қараб кетаверса-кетаверса, шовиллаб оққан дарёга етар экан.

Дарёнинг гувиллаши ернинг қаро бағрида эшитилиб турар экан.

У дарёга етгунча баъзи ўсимликлар томирининг сабри чидамас, баъзисининг юраги бетламас экан.

Юраги бетламаслигининг сабаби шунда эканки, ер қаърига қанчалик чуқур кириб боргани сайин ҳар хил кутилмаган манзараларга дуч келаверар экан.

Бу манзаралар уюм-уюм бош чаноқлари экан.

Ҳар чаноқда бир илон кулча бўлиб ётар экан.

Бу манзаралар тахлам-тахлам суяклар экан.

Ҳар суякда милён қурт яна милёнларга айланиб турар экан.

Бу манзаралар ҳисобсиз қилич-шамширлар, совутлар, жавшанлар экан. Улар бир маҳаллар ўзларини дунёнинг устуни деб ҳисоблаган не-не шаҳаншоҳлар салтанатини қудратли кўрсатиб турган экан; улар бир маҳаллар зўравонликларнинг, хиёнатларнинг гувоҳи бўлган экан, қанчадан-қанча олтин бошларни чўрт узиб улоқтиришган, гавҳар юракларни суғуриб олишган экан.

Ер остида уларнинг барчаси Занг деган ҳукмдорнинг қўл остига ўтган экан.

Бу манзаралар ялтир-юлтир тошлар, олтину забаржад, зумраду гавҳарлар экан. Уларнинг ҳар бири учун бир маҳаллар ота боладан, ака укадан ажраган, хотин эрни заҳарлаган, шоҳлар кўзи ёниб, қилар ишини унутган экан, тўғрироғи, Чий-чийвой ўзини уларнинг эгаси деб ҳис қилар экан. Ҳар куни қорни очганда уларнинг устида диконглаб рақсга тушар, кейин ер устига ўғриликка чиқиб кетар экан; Чий-чийвойнинг қўрқмас ўғри эканлигига ҳамма лол қолар экан.

Шунақа экан.

Бу манзараларнинг барчаси одамларнинг ўтмиши экан.

Одамларга эса орқада ҳаёт йўқдек кўринар экан.

Одамларга эса орқада макон йўқдек кўринар экан.

Орқадаги замонларни одамлар кўришолмас экан.

Аслида, ҳаммаси бор экан.

Аслида, ҳеч нарса йўқолмаган экан.

Аслида, ҳеч нарса йўқолмас экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Орқадаги нарсаларнинг барчаси ер остида тўпланган экан.

У ерда қушлар сасининг соялари изғир экан.

У ерда она алласининг нолалари янграр экан.

Капалак қанотлари мангулик ридосини кийган экан.

Чивин мағрур ўйга чўмган экан.

Бурга ўз саройида неларнидир эсламоққа уринар экан.

Қурт ҳамон яшар экан.

Йўлбарс сочилиб кетган экан.

Фил ўз суякларини қидирар экан.

Ажаб дунё экан ер ости дунёси!

Зилолдай тиниқ, ҳаётбахш экан ер ости сувлари!

Ер юзини яшнатган ўсимликларнинг, дову дарахтларнинг илдизлари ана шу дарёлар қирғогида учрашишар экан.

Учрашиб, сўзлашишар экан.

Учрашиб, ер юзида бўлаётган гаплардан гапиришар экан.

Қурувчилар вагони келтириб қўйилганидан кейин осмоннинг тўсилиб қолгани янтоқ шохчасини қайғуга солипти.

Энди у очиқ осмонни кўролмай қопти.

Шунда ер ости сувларидан симираётган томири унга балда бўлипти.

Шу боис, умидини узмапти.

Қачонлардир, бир кун келиб, албатта, озод бўлажагини ич-ичдан ҳис этипти.

Озодлик унинг орзусига айланипти.

Озодлик унинг аъмолига айланипти.

Ҳозирча у қурувчиларнинг туни билан нималарнидир гўлдир-гўлдир гаплашишларига беихтиёр қулоқ тутиб вақт ўтказаркан.

Бора-бора бундай суҳбатларга шу қадар ўрганиб-кўникиб кетиптики, мободо, товуш чиқмаса ичи сиқиладиган бўлипти.

Қурувчилар баъзан гап-сўзсиз ухлаб қолишар, янтоқ шохчаси шунда иш қаттиқ бўлганини, уларнинг ҳолдан тойишганини пайқар экан.

Янтоқ шохчаси одамларга кўникипти.

Одамлар...

Улар жуда галати-я, деб ўйлар экан янтоқ шохчаси.

У одамларни илгариларим бир-икки кўрган экан.

Уларга ҳавас қилган экан.

Бизга ўхшаб бир жойда кўкаришга маҳкум эмас, хоҳлаган жойларига боришаверади, деб ўйлаган экан.

Энди билса, жуда ҳам у ўйлаганчалик эмас экан.

Чамаси, уларнинг томирлари йўққа ўхшайди.

Томири бўлмагач, қайдан озиқланишади?

Қанча ўйламасин, янтоқ шохчаси бу саволга жавоб топишга ожиз қолаверар экан.

Янтоқ шохчаси қурувчиларнинг гап-сўзларидан яна бир муҳим нарсани фаҳмлаб қолипти. Унинг назарида, қаёққа борсаям бўлаверадиган бу одамларнинг томирлари ер ости дарёларидан озиқлана олмасликлари туфайли бир-бирларининг қўлига қараб қолишган экан.

Дунё пайдо бўлиптики, ўсимликларда бунақаси бўлмаган экан.

Шу чоқда янтоқ шохчаси янтоқ шохчаси бўлганидан фахрланиб-ғурурланиб қўйипти, ўзини кучли ҳис этипти.

Қурувчиларни анави хўжайин деганлари озиқлантирар экан-да, деб ўйлаган янтоқ шохчаси ҳайрон бўб қопти.

Нима бало, ўша хўжайин деганнинг томири чуқур кетганмикан?

Унақа дейдиган бўлса, хўжайин деганлари ҳам у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа юрипти-ку, уям бир жойда томир отмаган-ку?

Янтоқ шохчаси қанчалик бош қотирмасин, бу сирсиноатнинг тагига етолмапти.

Етолмас ҳам экан!

Нега деганда, янтоқ шохчасидан минг бора ақлли, донишманд саналганлар ҳам бунинг тагига етишолмаган экан!

Ҳатто, бундай ўйлашнинг хавфли томонлари ҳам кўп экан.

Агар хўжайин деганлари янтоқ шохчасининг шундай ўй ўйлаётганини пайқаб қолса борми, айюҳаннос солиб юборар, барча янтоқларни битта қолдирмай чоптириб ташлаттирар экан.

Янтоқ шохчаси ўй ўйлашнинг хавфли томони бўлиши мумкинлигини хоби хотирига келтирмагани учун, ўзи истаса-истамаса ҳам турфа ўйлар қора қуюндек бостириб келаверипти.

Аслида, у кенг дашт қўйнида ўз-ўзича яйраб-яшнаб ўсганида ўй ўйлаш деган нарсалар тушига ҳам кирмаган бўларкан.

Ҳаммасига анави вагонни унинг тепасига келтириб қўйишгани сабаб бўлипти.

Ҳаммасига унинг тепасига анави вагонни келтириб қўйишганидан ҳам кўра кўпроқ одамларнинг гангур-гунгур суҳбатларини англай бошлагани сабаб бўлипти.

Ҳаммасига одамларнинг гангур-гунгур суҳбатларини англай бошлаганидан ҳам кўра кўпроқ улардан бировининг дардли оҳангда қўшиқ айтгани сабаб бўлипти.

Озодликни қўмсаган янги ҳаёти сабаб бўлипти.

Сарин елларни соғинган ҳаёти сабаб бўлипти.

Гуркираган янтоқзорларни эслаган ҳаёти сабаб бўлипти.

Ўқтин-ўқтин янтоқ шохчаси оқтикан қатори ҳалок бўлиб кетмаганига пушаймон қила бошларкан, у пушаймон қила бошладими, қаердандир дайдибадал шабада келиб, ғув этганча вагон остидан айланиб ўтар экан.

Дайдибадал шабада олислардаги ҳаёт нафасини олиб келаркан.

Унга канорасиз даштларни эслатиб қўяр экан.

Унга юксак тоғларни эслатиб қўяр экан.

Унга қир-адирларни эслатиб қўяр экан.

Унга ўнгирларни эслатиб қўяр экан.

Унга тик кесилиб тушган жарликларни эслатиб қўяр экан.

Унга ёлғизоёқ сўқмоқларни эслатиб қўяр экан.

Гўзал айём экан баҳор айёми: бинафшалар, ҳулволару булбуллар хониши ҳамроҳ экан.

Ажаб айём экан ёз айёми: бўтакўзу сариқбошлар, шудринг тушган бедазору сарғаяётган ажриқзорлар, шувоқ ҳидию тўрғайларнинг чулдираши ҳамроҳ экан.

Ўйчангина, маъюсгина айём экан куз айёми: жингилзорлару янтоқзорлар, саксовулзорлар, абрўк ҳидию қушчаларга айланиб куйлаётган ариқчалар ҳамроҳ экан.

Донишманд, залворли айём экан қиш айёми: арчаларнинг шохлари ларзон-ларзон, шовушлар жарангию сукунат хиргойиси ҳамроҳ экан.

Дайдибадал шабада шошилганча яна қаёқларгадир жўнаркан. У қайга бормасин, мудраётган шуурларни туртиб, уйғотиб кетавераркан. Уйғоқ шуур ҳаётни ўзи топиб оларкан, ҳаёт бутун салобатию қудрати билан уйғоқ шуурга ёпирилиб келаркан, унга жо бўларкан.

Янтоқ шохчаси, қанақадир жуда улкан, қанақадир жуда муҳим воқеа юз беришини кўнгли сезгандек бир энтикиб қўйипти.

Аслида, ҳаёт деганлари шу экан.

Гоҳ ўнг экан, гоҳ терс экан.

Гоҳ унақа экан, гоҳ бунақа экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўпти.

Энди сўзни Аваз подачидан эшитинг.

Аваз подачига ҳамқишлоқлари Оқтошни эмас, ажинани кўргансан, дейишипти. Ўзлари ўйлаб топган гап-

ларга уни ишонтирмоқчи бўлиб кўп уринишипти, барибир, ишонтира олишмапти.

Оқтошни ажина деб аташаётганидан Аваз подачи хафа бўлиб кетипти.

Уни ишонтиролмаган ҳамқишлоқлари ўзлари ўйлаб топган гапларга бора-бора ўзлари ишониб қолишипти. Шуниси қизиқ бўлипти. Шу даражага бориб етиптики, ўзлари бошлаган гапниям Аваз подачига тўнкаб, бир-бирларига ваҳимали гапларни айта бошлашипти.

— Аваз подачининг айтишига қараганда, — дейишармиш улар бир-бирларига. — Бешкапада жин-ажиналар уя қуриб олишганмиш. Битта ажина Аваз подачининг кўзига Оқтош бўлиб кўринипти. Аваз подачи унга кесак отсаям, тош отсаям, таёқ ўқталсаям кетмасмиш, безрайиб қараб тураверармиш.

— Дуосини ўқиб юбориш керак эди-да! — дейишармиш билағонлар. Бундай билағонлар Бешкапада яшашганида ҳам бор экан-у, янги жойга кўчиб ўтишганидан сўнг янаям кўпайиб кетипти.

Одамларга ҳаво таъсир қипти — билағон бўлишипти.

Одамларга сув таъсир қипти — билағон бўлишипти.

Одамлар киндик қони томган тупроқдан узоқлашиб, билагон бўлишипти.

Кўнгил буюрмаса шундоқ бўлар эмиш.

Меҳр кетаверса шундоқ бўлар эмиш.

Эй, ажал фариштаси, демиш бир маҳаллар харобатий дарвеш унинг ҳузурига жонини олгани келган Азроилга, туя туя-ку, Аллоҳ буюрса, нина тешигидан бутун бир олам ҳам ўтиб кетаверади.

Йўқса, нина қайдаю туя қайда экан.

Шуни у бовар этган экан.

Шуни у кўра олган экан.

Кимки, оёғи остидан нарини бовар этолмаса, билағон бўлар экан.

Тумшуқ кўтариб, гўдаяр экан.

Бовар этолса, билмаслиги билинар экан.

Шу боис, қайсар ақлдан ҳардамхаёл тасаввур устун экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўларкан.

Шунақа бўпти.

Кайвонининг қулоғига юримсак миш-мишлар етиб боргач, ранги гезариб, бир зум ўй ўйлаб турипти-да, туйқусдан:

— Билар эдим! — деб юборипти.

Унинг бу эътирофи яшин тезлигида тарқаб, овоза бўпти:

— Кайвони билар экан!

— Кайвони билган экан!

— Кайвони билар экан!

— Кайвони билган экан!

Кайвонининг нимани билиши ҳам, нимани билгани ҳам ҳеч кимни қизиқтирмапти, бир-бирларидан сўрашни ҳам хаёлларига келтиришмапти.

Оқтош илгариги жойида, кайвонининг Бешкападаги ҳовлисида бузилмай қолган ўз катагида яшай бошлаган экан. Буни Аваз подачи кўп ўтмай билиб олипти.

Бу катак илгаригисига ўхшамас экан.

Кайвони ҳар йили бир-икки суваб, итнинг ялоғини тўлдириб қўйган кезлардаги катакни ҳозиргисининг олдида бемалол шоҳона эди, деса бўларкан.

Кайвонининг қўли тегмагач, шўра, ёввойи супургиларнинг яшириниб ётган уруғлари дарров ниш уриб, ўсишни бошлашган экан, ҳаш-паш дегунча бўлмай катакни кўздан пана қилиб қўйишган экан.

Аваз подачи ўйлай-ўйлай, Оқтошга халақит бермасликка, унинг ўз ҳолича яшашига қўйиб беришга қарор қипти.

Шундай қилса, тузук экан.

Шундай қилса, Оқтошниям, ўзиниям ташвишдан қутултирган бўларкан.

Оқтошнинг турмуш тарзига аралашиб, унинг учун тузукроқ бир шарт-шароит яратиб беролмаганидан кейин, яхшиси, аралашмай қўя қолгани дуруст экан.

Бироқ, бу Аваз подачининг Оқтош билан иши бўлмай қолди, дегани эмас экан.

У бир маҳаллар Оқтош билан бир қишлоқда яшаганидан Оқтошни кўрганида қишлоқ бошқа жойга кўчмаган, ўз ўрнида тургандек бўлиб туюлар экан.

У, Оқтошни ҳамқишлоғим, деяр экан.

Оқтош унга ҳампо бўлиб юрар экан.

Шундай-шундай бўлиб, Оқтошнинг ортидан қаёқлардандир итлар эргашадиган бўб қопти.

Оқтош ҳам санқи бўб қопти.

Босар-тусарини билмай қопти.

Уятсиз бўб кетипти.

Ўл-а, дермиш Аваз подачи қиқирлаб.

Оқтошнинг кўзлари янаям мулойимлашиб қопти.

Икки биқини тўлишипти, қорни дўмпайиб чиқипти, ўзиям касалхона ҳовлисига шамоллатишга олиб чиқилган ёстиқдай бўб қопти.

Ёз ўтипти.

Куз ўтипти.

Хазонлар тўкилиб, дарахтлар сўппайиб, атроф-жавониб яйдоқланиб қолгандай бўпти. Жамийки борлиқда, ўзи нима гап, ўзи нима бўлувди, кечаги қанақа шовқин-суронлар эди, деганга ўхшаш саволлар изғиб қопти.

Бундай саволларнинг сон-саноғи йўқ экан.

Жавоби битта экан: тарк этиш тадориги экан.

Қамчисини яланғочлаб қиш кепти.

Бир саҳарда кайвонининг келажаги порлоқ супрақоқдиси ўрнидан туриб, дераза ойнасига Аёз бобо солиб кетган ажабтовур гулларни кўрипти, қўлини чўзиб, анавини олиб беринглар, деб хархаша қипти, ер тепкилабди, кайвони унга арзон конфет тутқазиб, амаллаб хаёлини чалғитипти, кейин деразага ўзи тикилиб қопти, тикила-тикила ўзлигини унутипти, тикила-тикила кайвонилигини унутипти, тикила-тикила ақлидан мосуво бўлипти, тикила-тикила ғаройиб бир дунёга тушиб қопти, бу дунё қайтмас бир дунё бўлган экан,

бу дунё армон бир дунё бўлган экан, бу дунё сабий экан, сабий экан, сабийлик экан, валлоҳ, ундан-да улуғи йўқ экан, валлоҳ ундан-да покизаси йўқ экан, валлоҳ, у... у... у... таъриф билмас экан — кайвони беихтиёр қўлини дераза томонга чўзипти, ўзини унутган кайвони деразага солинган гулни олмоқчи бўпти, кўзларига беихтиёр ёш қалқиб чиқипти, ажинлари орасидан томчилар думалапти, бу томчилар барча ажинларни ёйиб юбормоққа жаҳд қилгандай кўринишаркан, кайвонига дераза ортидан Оқтош кўрингандай бўлипти, кайвонининг юраги ҳаприқиб кетипти, шоша-пиша чиқиб қараса, ҳаммаёқ оппоқ қор, бironта ҳам из тушмаган экан.

Оқтош унинг кўзига кўринган экан.

Кайвони йиғлаганини билипти.

У йиги нелигини унутиб юборган экан.

Туйқусдан келган йиғи уни қандайдир ўзгартириб юборгандай бўлипти.

— Бекор қилган эканман, бекор қилган эканман... — бир хил сўзларни қайта-қайта шивирлапти унинг лаблари. —Бир жониворнинг уволига қолган эканман-а, бекор қилган эканман-а...

Кейин ҳалиям кеч эмаслиги ҳақидаги хаёл калласига келиб қопти. Бу хаёл уни шу қадар қувонтириб юбориптики, одам қўрқинчли туш кўраётганда тўсатдан уйғониб кетиб, ваҳимларнинг бари туш эканлигини фаҳмлагандагина шундай қувониши мумкин бўлар экан.

Кайвони дарҳол уйга қайтиб кириб, оёғига пайтава ўрай бошлапти — Бешкапада қор қалин тушган экан.

Махсисини кияр экан, ёнига келган супрақоқдисига:

— Худо хоҳласа, бугун Оқтошни топиб, уйга олиб келамиз, — депти, буни эслаб қол, дегандай бўлипти.

Болапақир Оқтошни унутмаган экан, эсига тушиб қопти, суюниб-ҳовлиқиб кетганидан бўлса керак, сабри чидамай:

— Оқтош, Оқтош! — дея чирқиллайверипти.

Унга яна конфет тутқазишга тўғри кепти.

Кайвони кўчага чиқипти.

Теварак-атроф шу қадар оппоқ эканки, кўзни қамаштириб, одамни мўлжалдан адаштириб ҳам қўяр экан.

Тарновларда шовушлар осилган экан, дарахт шохларида шовушлар ларзон-ларзон экан, пичан ғарамлари чўккалаб уйқуга кетган айиққа ўхшашар экан.

Ҳали бирон-бир из ҳам тушмаган экан, одамлар дарвозаларининг оғзини кураб қўйишга ҳам ҳали улгуришганича йўқ экан.

Кайвонининг юраги нимадандир ҳаприқиб кетипти, негадир шошиб қопти, саросимага тушипти негадир, саросима ичида қор кечиб, ҳарсиллаб-ҳансираб Аваз подачининг укасиникига етипти.

Дарвозани итариб кўрипти — очилмапти.

Дарвозани тортиб кўрипти — очилмапти.

Итарсаям, тортсаям — барибир, очилмас экан, нега деганда, ичкаридан тамбалаб қўйилган экан.

Кайвони ҳаросат ичида дарвозани ура бошлапти.

— Ҳози-и-ир... — деган уйқу аралаш овоз чиқипти.

Овоз ортидан уйнинг эгаси — Аваз подачининг укаси чиқиб кела бошлапти. У шошилганидан этикни қулантаёқ кийиб, тўнини елвагай ташлаб олган экан.

— Тоза ёғипти-ку! — деганича ғўнғиллаб, тамбани ола бошлапти. Тамбани олиб бўлиши биланоқ дарвозанинг бир табақаси ўз-ўзидан очилиб кетипти, ташқаридаги қалин қор босим ўтказиб турган экан.

Аваз подачининг укаси дарвоза оғзида қаққайиб турган кайвонини кўриб ҳайрон қопти.

Кўзларида бир маъно акс этипти: нечук?

Унча-мунча одамнинг дарвозаси ёнидан ўтишга ҳам ор қиладиган кайвонининг каллаи саҳарлаб мундай туриши... эшик қоқиши... нимадан экан?

Аваз подачининг укаси дарҳол ана шулар ҳақида ўйлапти.

Бемаҳал ташрифнинг боисини англолмай, талмовсираб қопти.

— И-и-и, келинг, — дея олипти, холос, салом беришни ҳам унутганча, тўғрироғи, салом берай деса, ҳали бет-қўлини ювмаган экан, шу боис, ўзини атай унутгандай кўрсатипти.

— Авазбек уйдами? — деб сўрапти кайвони.

Аваз подачининг укаси кифт қисипти. Воқеан, у акасининг уйда бор-йўқлигини аниқ билмас экан. Ҳовли этагидаги, Аваз подачи ётиб-турадиган уйчага қараб қўйипти. Уйчани қор босган, унга минг қараган билан ичида одам бор-йўқлигини билиш қийин экан.

— Қараб кўрай-чи, — депти Аваз подачининг укаси.

Шундай деб, ҳовли этагига қараб йўл солипти.

Уйчанинг деразасини қоққан экан, ичкаридан Аваз подачи чиқиб кепти.

— Шу ерда эканлар-да! — депти укаси ҳайрон қолгандек.

— Ў-ҳў! — депти Аваз подачи теварак-атрофга қараб олиб. — Роса ташлапти-ку!

Укаси кўча эшигига ишора қилиб:

— Чақиришяпти, — депти.

Аваз подачи ҳайрон қолиб, ўзини ким ҳам чақириши мумкинлигини ўйлаб, ўйлагани сайин ўйининг тагига етолмай, дарвозага етиб бориб қарасаки, ташқарида кайвони турган экан.

Уни кўриб, Аваз подачининг дастлаб хаёлига келгани, кайвонининг сигир-бузогими, эчки-улогими йўқолиб-неттимикан, деган фикр бўлипти; кўнглига хавотир оралаган экан, ўзининг неча замонлардан буён пода боқмаслигини эслаб, хавотири арипти.

Кайвони қаёққадир ошиқиб-шошиқаётгандек депсиниб турганмиш.

— Оқтошни сўраб келувдим, — депти у гапни чувалатиб ўтирмай.

Аваз подачи кифт қисиб:

— Мен невлай, — депти.

Кайвони элангудек бир товушда:

— Авазбек, укам, биламан, унинг қаердалиги сенга маълум,— депти.— Оқтошни уйдан қувиб юборганим учун айтмаяпсан, нима қилайки, қариганда худо мени уриб қўйипти, имондан ажратипти, ҳо-ой, сен, нима қиляпсан, дейдиган бўлмапти, айтган бўлсаям қулоғимга кирмагандир, ўзи шунақа бўлар экан, имон қочса, кўз кўр, қулоқ кар бўлиб қолар экан Авазбек укам; бугун эрталаб Оқтошни ҳовлимда, дераза остида кўргандай бўлдим, кўргандай бўлдим-у, кўнглимга ғулғула тушди, саҳар демай олдингга чопдим, юр, қаерда бўлсаям топайлик, зора ийиса, олиб келайлик, ҳовлимнинг эгаси бўлсин, у дунёю бу дунё уволига қолиб юрмай, Авазбек укам.

Шу сўзларни айтаётиб, кайвонининг кўзларида ёш ғилтиллапти.

Аваз подачининг укаси кайвонидек отдан тушсаям, эгардан тушмайдиган бир одамнинг ёш боладек мўлтираб туришини кўриб, алланечук бўб кетипти.

Беихтиёр ўзини, акасини ўйлапти, раҳматли ота-онасиниям кўз ўнгига келтирипти, улар, кўрдингми, кайвони бир итга шунчалик қиляпти, сен-чи, ўз жондай аканг устидан эшик ёпилиб қолсаям ишинг йўғ-а, дея домангир бўлгандай бўлишипти.

Уканиям кўнгли тўлиб:

— Боринг, ака, — депти, овози қалтираб чиқипти.

Аваз подачи ҳанг-манг бўб қопти.

Шу чоққача укаси уни ака демаган экан.

Эй-ҳей, дея чақириб юрар экан.

Баъзан, подачи бова, деб мазах аралаш айтар экан.

Укасининг ака дегани Аваз подачининг кўнглини алғов-далғов қилиб юборипти.

— Кийиниб чиқай, — деганича уйчасига қараб кетипти.

У, уйчасида кийинар экан-у, кўз ёшлари шашқатор бўлиб, юзини ювар экан.

Аваз подачи кийиниб, ирғай таёғини қўлига олиб чиқипти.

Укасиям ташқарида тайёр турган экан.

— Мен ҳам бораман, — депти у.

Учаласи йўлга тушишипти.

Улар қишлоқдан чиқишаётганда, саҳархез чоллар ҳам кўчага чиқиб улгуришган экан.

Учаласини кўриб ҳайрон бўлишипти.

— Аваз подачи-ку, майли, кайвонига нима жин урдийкин, — дейишипти.

— Аваз подачининг укаси ҳам мунақа қилиб юрмасди, — дейишипти.

Буларнинг учаласигаям бирданига жин-пин теккан кўринади, дейишипти.

Саҳархез чоллардан бири, жин-пин теккан кўринади, деган гапдан сўнг қадимги сирларидан бирини очиб қўйипти. Айтиптики, Бешкапада жин борлиги чин гап, депти. Бўлгандаям, каттаси бор, депти, ўша эски қабристон томондан илгариги вақтлардаям гоҳ бузоқ бўлиб, гоҳ эчки бўлиб чиқиб келарди, депти. Уларнинг ҳақиқий бузоғу эчкидан фарқи бўлмасди, депти. Фақат, син солиб қараган киши уларнинг оёқлари ерга тегмай бораётганини кўради, жинлигини шундан билиб олса бўлади, депти. Саҳархез чоллар саҳархез чолнинг бу сўзларини эшитиб, анграйиб қолишипти, сўнгра улардан бири, сиз ярим тунда қабристон томонларда нима қилиб юрардингиз, деган экан, ҳалиги чўпчак айтгич саҳархез чол қизариб-бўзариб аллақачонлар асфаласофилинга жўнаворган бир бева билан дон олишиб юрганларини эслаб қопти, ҳалиги савол берганни менинг сирларимдан огоҳ экан-да, деб ўйлапти, туйқусдан жини қўзипти, димоғидан эшакқурт ёғилганча, менинг ўша пайтлар ярим тунлар қилиб юрган ишларим билан сизнинг нима ишингиз бор, мен сизнинг тонг саҳарлаб қаерлардан чиқиб кетишларингизни эсламадим-ку, депти. Савол берган саҳархез чол томдан тараша тушгандек тўсатдан айтилган бу гапдан талмовсираб, эсанкираб

қопти, ўзини базўр қўлга олиб, хў-ўш, очиғини айтинг, қаерлардан чиқар эканман тонг саҳарларда, қани, жавоб беринг, сизнинг эшигингиздан чиқмасмидим ишқилиб, депти. Бу гап ажина кўрган саҳархез чолга чунонам алам қилиб кетиптики, тонгкезар саҳархез чолнинг ёқасига тармашиб, унга калла қўйиб юборипти. Бир зумда қий-чув кўтарилиб, жанжал-тўполон бошланиб кетипти.

Саҳармардондан фалончи-писмадончи чолнинг кўзи кўкарипти, боши қонапти, деган гап-сўзлар қишлоқ узра тарқалгач, бош кўтаришга эриниб ётган гардани равс йигитлар, норғул эркаклар бет-қўлларини қор билан чала-чулпа ишқаб, шу билан уйқулари очилган бўлиб кўчаларга югуриб қолишипти. Таънавозлигу ур калтак-сур калтаклар бошланиб кетипти, оппоқ қор қизарипти, вой-дод, шунқоримдан айрилиб қолдим, деган нолалар янграпти. Буларнинг барига илгариги замонларда кўзга бузоғу эчки бўлиб кўринадиган, ҳозир кўринмайдиган жин-ажиналар сабабчи бўлипти. Буни шундан билса бўлар эканки, талатўпда ука аканинг, ака уканинг жағига мушт тушириб қопти, қавму қариндошлар бир-бирларининг қулоқлари остида шавла қайнатипти — нафсиламрини айтганда, ўртада бегонанинг ўзи йўқ экан.

Бу машмашаларнинг бари Аваз подачию унинг укаси, кайвони ҳали йўлда эканликларида рўй берипти.

Олдинда Аваз подачи бораётган экан.

Қор қалин ёққани, йўл очилмагани учун юриш қийин экан.

Улар ўқтин-ўқтин куртикка кириб кетишиб, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, терга ботишибди, лекин тўхтаб дам олишни хаёлларига ҳам келтиришмас, бир қадам бўлса ҳам олдинга интилишган экан.

Шундай қилишга уларни нимадир ундаб турғандай экан.

Бир-бирларига миқ этиб оғиз очишмас, кўнгиллари нимадандир хавотирда экан...

Мана шу лаҳзаларда янтоқ шохчаси қурувчиларнинг уйғониб, бир-бирлари билан ғўнғир-ғўнғир гаплашаётганини эшитиб қолипти.

— Ўҳ, совуқ! — депти сўзлаш оҳангидан ҳамма нарса жонига текканлиги билиниб турадиган овоз эгаси.

— Қор ҳам ёғиб юборди, энди хўжайиннинг эсигаям тушмасак керак, — аллақандай чийилдоқ товуш нималардандир койингандай бўлиб, хўрсиниб қўйипти. — Илгариям айтувдим-а, бу ердан кетиш керак деб.

Кейинги кунларда хўжайин деганлари қурувчиларни унутиб қўйганга ўхшаркан. Улар кетишларини ҳам, кетмасликларини ҳам билолмай, аросатда қолишган экан.

Мана, энди бугун уйқудан уйғонибоқ шу мавзуда сўзлашишаётган экан.

— Кетиб қаерга ҳам борардик, — депти ашула айтгич қурувчи. — Шунча ишлатиб, бизга ҳали бир чақаям пул беришмади-ку. Кетишга йўлкирамиз ҳам йўқ, шу ерда кутаверамиз.

— Кутаверамиз, кутаверамиз, — депти ҳукмфармо овоз эгаси аччиқ қилиб. — Қанақа қилиб кутаверамиз? Очдан ўлиб қоламиз-ку, мана, уч кундан бери туз ҳам тотганимиз йўқ, қорин ўлгур таталаб кетяпти...

Ҳаммалари жим бўлиб қолипти.

Ҳукмфармо овоз эгаси ҳақ гапни айтган экан. Кўзни тўрт қилиб кутавериш билан иш битмас экан. Бир товуққа ҳам дон керак экан, ҳам сув керак экан. Булар бўлса, тўрт мучаси соппа-соғ, оғзи жодидай, иштаҳаси карнай одамлар экан. Қўр-қутлари тугаб, еб-ичишларига ҳеч вақолари қолмагач, улар сойнинг нариги томонидаги қишлоқларгача боришга, бетларининг сувини тўкиб ташлаб, нон сўрашга мажбур бўлишипти.

Эшикма-эшик юриб ким нон сўрар экан?

Майиб-мажруҳлар, лўлилар эшикма-эшик юриб нон сўрар экан.

Норғул-норғул эркаклар ҳам эшикма-эшик юриб, нон сўрар эканми?

Зўр келса сўрар экан-да!

Ҳаммаёққа гап-сўз ҳам бўлиб кетар экан.

Улар ҳам келиб-келиб кимдан сўрапти экан?

Мастон бувидан сўрапти экан.

Мастон буви деганлари кувда айрон пиширган, бир туюр ёғни чалпакка ўраб туширган, тишдан қолса ҳам гапдан қолмаган, кўздан қолса ҳам гапдан қолмаган, етти маҳаллани кезиб гап излаган бир кампир экан.

У нон сўраб борган қурувчиларга битта қотган шапарак берипти. Кейин у ёққа ўтсаям шуни гапирипти, бу ёққа ўтсаям шуни гапирипти.

— Ҳамманинг ҳам нон ейдиган тиши бор, — деркан у гапни узоқдан бошлаб. — Ўл, қўй-да! Биз бечоралардан нон сўраб кепти. Ўзи қишга ғамлаб қўйганим икки қоп буғдой бўлса, уни тишимнинг кавагида асраб, есамми-емасамми, деб юрган бўлсам-у, яна мендан нон сўраб келса-я! Мол-ҳолларимиз ўтлайдиган жойларни эгаллаб олиб, қават-қават иморатлар солиб ётишипти-ю, яна ейишга нонлари йўқ эмиш. Иморатга пул топишар эмиш-у, нон ейишга келганда... бир ғариб кампирга кунлари қопти!

Мастон буви ўзини ғариб деб атапти.

Кейин кўнгли тўлиқиб йиглаб ҳам юборипти.

Ана шунақа гап-сўзлар ҳам ўтипти.

Гап-сўзлар-ку майли, қишлоқдан бир-икки марта олиб келган нонлари қурувчиларга урвоқ ҳам бўлмапти. Қайтанга қоринларини баттар очқатиб юборипти. Уларнинг еган сари егилари келар экан. Бунга ўзлари ҳам ҳайрон қолишипти. Бизга ўзи нима бўлди, ичимизга юҳодай бир бало кириб олмадимикан, ишқилиб, деб ҳам ўйлашипти.

Мана, энди шунча кўргиликлар озлик қилаётгандай, қор ҳам ёғиб юборипти.

— Товба, — деб қолипти шу чоқда қўшиқ айтгич, ҳукмфармо овоз эгасининг, очдан ўлиб қоламиз-ку, деган гапидан у қаттиқ таъсирланиб кетипти. — Одам деган ўт-ўланларни еб кетаверса бўлмасмикан? Ҳатто,

анави ерларда юрадиган оқ кучук бор-ку, ўшаям қўй-қўзиларга ўхшаб, ўт-ўланлар билан кун кўрармиш.

— Бўлмаган гап, — депти аллақандай чийилдоқ овоз. — Кучукнинг ўтхўр бўлгани афсона!

— Шуни айтаман-да! — депти қўшиқ айтгич унинг сўзини қувватлаб.

— Ҳозир битта қўзи бўлса-ю, бутунича пиширib есанг-а! — ҳукмфармо овоз эгаси шундай деб, ютиниб қўйипти, йиғлаб юборгиси ҳам кепти, қорни жуда таталаб, уни тубсиз чоҳга судраётгандек бўлипти.

— Қанийди, шундай бўлса, — қолганлар ҳам унинг иштаҳа қўзговчи орзусини эшитиб баттар очқаб кетишипти.

— Жаҳлим чиқса, ўша юрган оқ кучукниям сўйиб юбораверaман, — депти ҳукмфармо овоз эгаси.

— Нима қипти? — депти бошқаси, бунинг жаҳл қиладиган нимаси бор, дегандай. — Кучукни сўйиб еса бўлади. Кучукнинг гўшти даво.

— Қўйсанг-чи, — депти қўшиқ айтгич.

— Ўтхўр кучук экан, қўзидай гап-да! — ҳиринглапти чийилдоқ овоз эгаси.

— Кучукнинг гўшти оёқ оғриқ, бел огриққа даво, — депти табибликдан хабари бори. — Шоликорлар шунинг учун доимо кучук сўйиб ейишади. Корейслар ҳам доим кучук сўйишади.

— Корейслар ҳам шоликор халқ-да! — ўзи ҳам билмай қолиб беихтиёр уларнинг сўзига қўшилипти қўшиқ айтгич.

— Шу кунимиздан шолипояда кучук еб юрганимиз минг марта авло эди, — депти аллақандай чийилдоқ овоз эгаси койингансимон.

— Кучук ейиш учун шолипояга бориб ўтиришнинг кераги йўқ, — тўнгиллапти ҳукмфармо овоз эгаси. — Ана ўша ўтхўр кучукни тутиб келиб сўйсак ҳам бўлаверади.

— Кучук сўйиш осон эканми?

— Юрак керак.

— Отнинг калласидек юрак керак.

Бу гап-сўзлар ҳукмфармо овоз эгасини баттар ҳовлиқтириб-жўштириб юборипти.

— Ўша ўтхўр кучукни олиб келиб сўйсам, қанча берасилар? — ҳозирги аҳволини унутиб қўйгандай, унинг гаров ўйнагиси келиб қопти.

— Қўйсаларинг-чи! — уларни йўлдан қайтармоқчи бўпти қўшиқ айтгич.

Унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмапти.

Иш бошланиб кетган экан.

— Хўжайин берадиган пулнинг тўртдан бир қисми сеники бўла қолсин! — депти аллақандай чийилдоқ овоз эгаси.

— Айтсанг-айтмасанг, хўжайин берадиган пулнинг тўртдан бир қисми меники бўлади-да, — депти ҳукмфармо овоз эгаси. — Майли, ўша пулнинг ярмига розиман!

— Агар айтганингдан чиқолмасанг сенга бир тийин ҳам йўқ! — депти ҳамма нарса жонига теккандай кўринадиган овоз эгаси.

— Бўпти! — дея розилик берипти ҳукмфармо овоз эгаси.

Улар насия пулга шу тариқа гаров боғлашипти.

Ҳукмфармо овоз эгаси пахталигини кийиб вагондан чиқиб кетипти.

Унинг ғарч-ғурч қор босиб кетаётган қадам товушларини янтоқ шохчаси эшитипти.

Мана шу қадам товушлари унинг бутун борлиғини чулғаб олипти.

Янтоқ шохчаси бу қадам товушларидан ваҳимага тушипти.

Ваҳима билан кута бошлапти.

Теварак-атрофнинг оппоқлигидан кўз қамашар экан, қалин қор кечиб олдинга силжиш қийин экан, устига-устак қор тобора қалинлашиб бораётган экан, паст-баландни, ўр-қирни ажратиб олиш ҳам ниҳоятда мушкул экан. Аваз подачию унинг укаси, кайвони ҳар-

силлаб-ҳансираб ҳамон йўл босишаётган экан. Бешкапагача бўлган беш-олти чақиримлик масофа жудаям узоқ, ҳеч етиб бўлмас бўлиб туюлаётган экан.

Қуёш бўзариб чиқипти.

Битта-яримта лайлакқор ерга тушишни унутиб қўйгандай ҳавода учиб юрганмиш.

Учовлон ғарқ терга ботганча ҳамон йўл босар экан.

Ахийри Бешкапанинг қораси кўринипти.

Бешкапалиги қолмаган Бешкапанинг қораси кўринипти.

Сўппайган дарахтлар кўринипти.

Қорга бўккан Бешкапанинг қораси кўринипти.

Кайвони Бешкапа томонга қараганча, сеҳрлангандек киприк қоқишга ҳам ботинолмай анграйиб қолипти.

Ақлу ҳушини йўқотипти.

Бешкапани кўраман, деб ғайрат отига миниб келаётган кайвони Бешкапани кўргач, тиззаларидан мадор кетиб, қор устига ўтириб қолипти.

Йиғлапти.

— Бешкапа ўшами? — деб йиғлапти.

— Қишлоғим, эсизгина қишлоққинам ўшами? — депти юзидан оқаётган кўз ёшларини артиб олишни ҳам ўйламай. — Жигарларим, бу қишлоқдан нега кетдиг-а? — депти. — Чўксак, шу қишлоқда чўкиб ўлсак бўлмасмиди? — депти. — Тоғ босса, шу қишлоқда тоғ босиб ўлсак бўлмасмиди? — депти; кайвони негадир жуда бошқача бўлиб қолган экан, ўзига ўхшамас экан, илгарилари у мундайчанги гапларни ҳеч гапирмаган экан.

Аваз подачию унинг укаси нима дейишларини, нима қилишларини билолмай, кайвонига қулоқ тутиб туришдан ўзга илож топишолмабди.

— Эсларингиздами, улоқиб кетган, ўзимиз улоқтириб юборган матал тўқигичдай матал тўқиймиз деб, буни ҳеч ким эплолмовди, — депти кайвони негадир тўсатдан матал тўқигич ҳамқишлоқларини эслаб қолиб. — Ўшанда уни жодугарга, сеҳргарга чиқариб

қўйипмиз-а?! Ҳақиқий одам ўша экан-ку, жигарларим. Унинг мана бу ери, — кайвони кўкрагига, юрагининг устига қўлини қўйипти, — бошқача экан, шундан ажаб-ажаб сўзларни топиб гапирар экан, шундан куюниб-куюниб гапирар экан, матал, матал деган билан маталнинг ўзи бўлмас экан-да, жигарларим. Шундан уни сиғдирмай, бош олиб кетишга мажбур қилган эканмиз-а; ана-а, нега бизни ўл, дейдиган одам йўқ; ана-а, нега биз устимизга кул тортилиб ўтирипмиз; ана-а, нега биз устимизга тупроқ тортилиб ўтирипмиз; бундан-да баттар бўлсак ҳам бўлар эди, йўқолиб кетсак ҳам бўлар эди, элу юртнинг кўзига кўринмасак ҳам бўлар эди; ўзи нега кўриниб юрипмиз...

Кайвони бирпас тин олиб, бугун саҳармардонда Оқтошни кўрганини айта бошлапти.

— Аввалига мана бу қорда Оқтош емиш тополмай келдимикан, деб ўйлабман, — депти. — Ташқарига чиқиб қарасамки, из-пиз кўринмайди. Очдан ўлса ўлар экан-у, қайтиб келмас экан-да, деган хаёл калламга келдию бирданига кўнглим ғалати бўлиб кетди...

Кайвони яна бир талай гапларни гапириб ташлапти. Унинг сўзлари пойинтар-сойинтар, олди-қочдидек туюлса-да, Аваз подачию унинг укасининг кўнглини тўлдириб юборипти. Улар йиғлаб юбормаслик учун ҳовуч-ҳовуч қор олиб юзларига суришаётган экан.

— Қишлогимнинг қорасини кўрдиму адо бўлдим, — депти кайвони. — Энди у ерга боришга юрагим бетлармиди? Қайси юз билан кириб бораман у ерга? Нима дейман унга? Ҳў-ўв анави тераксорда битта терак қопти. Отам эккан тераклардан биттагинаси қопти.

Кайвони шуларни айтиб, мана шу ернинг ўзида кутиб турмоқчи бўлипти.

Аваз подачию унинг укаси Оқтошни олиб келгани кетишипти.

Бу чоқда Оқтошнинг танидан узилган боши вагон остида, янтоқ шохчасининг олдида ётган экан.

Янтоқ шохчаси қўрқувдан шалпайиб қопти.

Унинг ер ости сувларига етган томири жуда кўп ваҳимали нарсаларни кўрган бўлса-да, улар ер устидаги бу манзарадай даҳшатли туюлмаган экан.

Жуда даҳшат экан.

Хайрият, оқтикан буни кўрмапти экан.

Вагоннинг ёнида қурувчилар олов ёқиб, Оқтошнинг гўштини кабоб қилиб пиширишаётган экан.

— Ўзиям жа-а бақувват бўлиб кетган экан-да, — деркан ҳукмфармо овоз эгаси гулханга этигини тутиб қуритганча. — Арқон олиб бормаганимда эплолмас эканман, хайрият, арқон олиб борганим.

— Арқон олиб бор деб мен айтувдим-да, — депти аллақандай чийилдоқ овоз эгаси мақтангансимон.

Ҳукмфармо овоз эгаси унга парво қилмапти.

Қараб ҳам қўймапти.

Ўз қаҳрамонлиги билан мақтанишга маҳлиё бўлиб кетипти.

— Бир қўлимдаги таёқ билан унинг жиғига тегиб, иккинчи қўлимдаги арқон ҳалқасини бўйнига солиб олдим-ку, — давом этипти ҳукмфармо овоз эгаси чапдастлиги билан барчани қойил қолдирмоқчи бўлаётгандай. — Кейин ўзимга қараб тортавердим, мен ўзимга қараб тортсам, у ўзини ортга ташлайди — ақли бўлса шундай қилармиди, ана шунақа қилиб ўзини ўзи бўға бошлади-ку. Ўша яқин ўртада бир тут дарахти бор экан, баландроқ шохидан арқоннинг учини ўтказиб олиб, ҳавоза-пишангда томга лой кўтараётгандек арқонни торта бошловдимки, аввал унинг олдинги оёқлари кўтарилди, кейин орқа оёқлари ердан узилиб, гавдаси осилиб қолди...

— Ҳалолладингми, ишқилиб? — сўрашипти ундан.

— Ҳалолламай нима, мени аҳмоқ деб ўйлаяпсизларми? — аччиги чиқипти унинг. — Бўғзига пичоқ тортиб, қонини чиқардиму кейин судраб келавердим...

— Кабоб пишди! — ҳамма нарса жонига теккандай туюлган овоз эгасининг қайтадан жони киргандай экан. — Қани, жаноблар, марҳамат, бу ёққа келинглар!

— Бай, бай, қўзининг гўшти бунинг олдида ип эшолмайди, — депти аллақандай чийилдоқ овоз эгаси, оғзини чапиллатиб гўшт чайнаганича.

— Қайт қилгим келиб кетяпти, — депти қўшиқ айтгич.

— Мана, энди хўжайинни уч-тўрт кун бемалол кутаверсак бўлади, — депти бошқаси.

— Келиб қолса, хўжайинга ҳам едирамиз, — депти яна бошқаси.

— Хўжайин емаса керак.

— Нега емайди, ейди.

— Қон ичганини ўзим кўрганман.

— Мен ҳам кўрганман. Мол сўйилаётганда қон ичиб, бу одамни ёшартиради деганди.

— Аввал келсин-чи.

— Ўзимиз боришимиз керак.

— Шунча асбоб-аслаҳаю анжомларни қаровсиз қолдириб келавердиларингми деб бошимизга бало бўлади. Қўйинглар, ўзининг келишини кутайлик, бу ерда бирон нарса йўқолса ҳам бизга товон тушади. Ундан кўра, қўй, оч қорним — тинч қулоғим...

Шунақа гап-сўзлар билан қурувчилар Оқтошнинг гўштидан кабоб қилиб еб, қолганини тузлаб олиб қўйишипти. Кўнгиллари тўқ бўпти, энди очдан ўлмаймиз, дейишипти.

Оқтошни излаб келаётган Аваз подачию унинг укасини ҳайрон қолдирган нарса қорга чуқур-чуқур ботган этик излари бўлипти. Ўзиям бу этик изининг ҳар бири нақ ярим метр келаркан, шунақа катта экан. Қадамиям шунга яраша экан.

Кайвонининг илгариги ҳовлисигача келган қадам излари аниқ кўриниб турган экан, қайтишида эса бу изларни алланима супургига ўхшаб супуриб кетган экан, лекин, асло супурги эмас экан, кейинчалик маълум бўлишича бу насия пулга гаров боглаган қурувчи судраб кетган Оқтошнинг, Оқтошгинанинг думи, думгинаси экан.

Тут остида Оқтошнинг жуни тўкилиб ётганини, қорнинг топталганини, топталган қор бетида қип-қизил қоннинг ҳалқобланиб турганини кўриб, Аваз подачию унинг укаси дарров нимадир бўлганини, қандайдир хунук воқеа рўй берганини фаҳмлаб олишипти.

— Энди Оқтошни кўришдан умид ҳам қилмаса бўлади, шекилли, — депти Аваз подачининг укаси йиғламсираб.

Аваз подачи тамоман карахтланиб, нима деярини, нима қиларини ҳам билмай қопти. Унинг кўзлари бир нуқтада қотиб қолган экан.

Укаси секин уни туртиб:

— Ака-а! — депти, шундан Аваз подачи ўзига келгандек бўлипти.

Улар бориб катакни кўришсаки, тўртта оппоқ-оппоқ кучукчача совуқдан қунишганча, бир-бирларининг пинжига тиқилиб, винг-винглаб туришганмиш.

— Ноинсофлар! — хитоб қилипти Аваз подачининг укаси. — Кимки шу ишни қилган бўлса, гўри куйсин...

У ғазабланиб, Оқтошни олиб кетганларни топишга, уларнинг таъзирини бериб қўйишга жаҳд қилиб турган экан, Аваз подачи нимадир ёдига тушиб қолгандек тўсатдан сергакланиб, укасини шошира бошлапти:

— Юр, кучукваччаларни тезроқ олиб кетайлик, йўқса совуққа чидолмай ҳалок бўлишади, тезроқ бўл, Оқтошни олиб кетганларни топамиз деб, манави кучукваччалардан ҳам ажраб қолмайлик; худога солайлик, Оқтошга жабр ўтказганларнинг жазосини худонинг ўзи берсин, худога солайлик, манави жониворларнинг уволига қолмайлик...

Уларнинг ҳар бири иккитадан кучукваччани авайлабгина кўтариб олиб, бағирларига босганча, ортга қайтишипти.

Йўл-йўлакай улар кайвонига нима дейишни, унга қандай тасалли беришни ўйлаб бораверишипти.

Бешкапага боришга юраги чидамай ёлғиз ўзи қолгач, кайвони қор устида у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у

ёққа бориб келаверипти, бориб келаверипти; ўқтин-ўқтин тўхтаб қолиб, узоқ-узоқларга тикилганча нималар ҳақидадир чуқур-чуқур, оғир-оғир ўйларга толипти — нималарни ўйлагани ёлғиз худогаю ўзигагина аён экан, холос.

Кейин беихтиёр қор устига ўтирипти.

Ҳатто, чопонига ўраниб, озгина ёнбошлапти ҳам.

Ана шу ёнбошлаган вақтида хиёлгина пинакка кетиб, бир-икки дақиқагагина, балки, ундан ҳам оздир... киприк жуфтлапти.

Шу лаҳзада, шу киприк жуфтлаганида ненидир кўрипти. Туш деса тушга, ўнг деса ўнгга ўхшамасмиш кўрган нарсаси.

Туш деса ўнги эмиш.

Ўнг деса туши эмиш.

Тепаликдан, қабристон томондан онаси тушиб келаётганмиш.

Бошдан-оёқ оппоқ кийимда эмиш.

Юзи ҳам оппоқ эмиш.

Кўзлари ўша-ўша эмиш.

Оёғи оппоқ қорга тегиб-тегмай, енгилгина одимлаб келаётганмиш.

У кайвонининг тепасига келипти.

Кафтини секингина унинг юзига қўйипти: оҳ, она!

Онангман-а, дея пичирлапти у; шундай оҳангда айтиптики, нега унутиб қўйдинг, онанг эканлигимни ёдингдан чиқардингми, дегандай бўлипти.

Кайвони чўчиб киприкларини очиб юборипти.

Дарҳол юзини ушлапти: бир майин, ажинсиз, сипсиллиқ, болакай юзидек туюлипти юзи унинг ўзига.

Бехос эсган шабада кумуш заррачаларни тўзғитиб-тўзғитиб юборипти, тўзғиган заррачалар ортидан майингина сас-сабарлар таралипти, уларни қулоқ илғаб-илғамас экан.

Кайвони, онангман-а, онангман-а, деган шивирлашларнигина эшитиб қолипти, холос.

Туғилган қишлоғига боролмай, боришга юраги бетламай ўтирган кайвони тўсатдан бир нарсани пайқаб қолипти.

Нима экан унинг пайқаб қолгани?

То ўз бошидан кечирмас экан, ҳеч ким англамасмиш, англай олмасмиш унинг пайқаб қолганини.

То ўз бошидан кечириб, ўкинмаган, йиғламаган, ичикмаган, қоврилмаган одам англай олмас эмиш унинг пайқаб қолганини.

Ахир, нима экан унинг пайқаб қолгани?

У, қишлоғини, уйсиз, кўчасиз, мўрисиз, тутунсиз, ҳаётсиз, умрсиз қишлоғини узоқдан кўриши биланоқ неча замонлардан буён тушига ҳам кирмаган онаси дарров ёнига келипти.

У, қишлоғига, ташландиқ, хароба, унутилган, қишлоқлиги қолмаган қишлоғига узоқданоқ кўзи тушиб, туйқусдан кўнглини энтиктирган нарсаларни эслагани заҳотиёқ онаси ёнига келипти.

Унинг Бешкапа қишлоғию туққан онаси бир бутун экан, ялакат вужуд экан, ажралмас экан, уларни айри-айри тасаввур этиш ҳам мумкин эмас экан; беҳудага она қишлоғим, дейишмаган экан, билишган экан, кўра-кўра, била-била, айтиб ўтишган экан.

Онангман-а, дея онаси ўзинигина айтмаётган экан, тоғу тошларни, довдир-довдир анҳорларни, булоқларни, каллакланган тутзорларни, бағри қон анорлару олчазорларни, пахса деворлару букчайган кулбаларни... ҳаммасини битта қолдирмай кайвонига эслатиб қўяётган экан; кайвони хаёлидан буткул кўтарилиб кетган нарсаларни-да энди аниқ-тиниқ кўра бошлапти экан.

Қалбини ажиб бир қувонч тўлдириб юборипти.

Онажоним-а, дея пичирлапти унинг лаблари.

У тепалик устидаги қабристонга қараб қолипти. Онасининг, отасининг, боболарининг, уруг-қаёшининг қабрлари ана шу қабристонда экан. Қабристонга Бешкапа томондан йўл бор экан, бир маҳаллар, бешкапаликлар, ҳаммамизнинг борар еримиз деб, ҳашар қили-

шиб йўл солишган экан, у йўлга чиқиш учун аввал Бешкапага бориш керак экан, кайвони бўлса, Бешкапага боролмай ўтирган экан.

Мана, ҳозир кайвони турган жойдан ўнг томонга пича юрилса қиялик бошланар экан, кайвони болалигида анави ёнбағирликларда эчки боққан экан, ёлғизоёқ йўл борлигини ҳам билар экан.

Кайвони Аваз подачи ва унинг укаси қачон келиши мумкинлигини чамалапти.

Ҳали анча вақт бор экан, қабристонга бориб келишга бемалол улгурса бўлар экан.

Кайвони йўлга тушипти.

Кайвони қиямалик остига етгач, тепага қарапти: ҳаммаёқни қор босган, билмаган одам қаёқдан юришга ҳам ҳайрон бўлар экан. Кайвонига бўлса... бу ерлар қадрдон жойлар экан, қанчалик қалин қор остида қолган эса-да, йўлни искаб бўлсаям топа олар экан — ўзига-ўзи шундай депти; бундан ташқари дарахтлар, наъматаклар бор экан, кайвонига йўлни кўрсатиб туришар экан. Анави тоғолчага боргандан сўнг, ўнгга бурилиб, наъматакзор оралаб ўтилади, деб режа қилипти кайвони ўзига-ўзи, кейин яна чапга юрилади, ўша ерда, агар қирқиб кетмаган бўлишса, бир зирк дарахти ҳам бор, қадим ўтган замонларда Бобур деган пошшо ватанини ташлаб чиқиб кетаётиб эккан экан, шундан уни Бобур зирки дейишарди боболаримиз...

Кайвони мана шундай ўйлардан сўнг, чиқиб бораверай-чи, аста-секин топиб олавераман-да деб, тепаликка ўрлай бошлапти.

Кайвони ҳақиқатан ҳам, тоғолчадан, наъматакзордан ўтипти, зирк дарахти ҳам ўз жойида турган экан, уни кўриб хурсанд бўлиб кетипти, хаёлига бошқа белгилар ҳам келиб қопти, у энди дадил қадам ташлаб, ишонч билан ўрлайверипти. Тепаликка қанча оз масофа қолса, қандайдир тийиқсиз ҳаяжондан юраги гурс-гурс ура бошлапти, бундай кучли ҳаяжону туйғуларни узоқ йиллик дарбадарликдан тақдир иноятн билан ўз

юртига яқинлашаётган мусофиргина кечириши мумкин бўлар экан.

Мусофир, онамни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, отамни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, синглимни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, опамни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, ака-укамни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, уруғ-қаёшимни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, болалигимни кўраман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, унут туйғуларни эслайман, деб ҳаяжонланар экан.

Мусофир, қадрдон ҳидларни соғинганидан ҳаяжонланар экан.

Мусофир кетаётиб, шунча нарсалар йўқотиши мумкинлигини хоби хотирига ҳам келтирмаганидан ҳаяжонланар экан.

Мусофир кетаётиб, изламоқчи бўлган бойлиги, хазинаю дафиналари ортда қолаётганини хоби хотирига келтирмаганидан ҳаяжонланар экан.

Мусофир кетаётиб, уни шошилтирган бахт-иқбол, саодат ортида қолаётганини хоби хотирига келтирмаганидан ҳаяжонланар экан.

Мусофир дунё истаб кетса: дунё шу ерда экан.

Мусофир ўзини излаб кетса: ўзи шу ерда экан.

Кайвони кайвонилигини ҳам, қиш эканлигини ҳам, қалин қор ёққанини ҳам бир лаҳзагина ёдидан чиқариб қўйипти. Букри туядек бўлиб ўсган ёввойи жийдага нигоҳи тушган чоғида баҳор пайти бу ерларда эчки боқиб юрганлари билан хаёли буткул банд экан. Ҳатто, қайдандир, қаёқлардандир, гоҳ узоқ-узоқлардан, гоҳ шундоққина ёнгинасидан серканинг бўйнига осилган қўнғироқ садолари янграгандай бўлипти, ҳозиргина у чиқиб келган энишда бўлса, онангман-а, онангман-а, онангман-а, деган оҳистагина эпкин сингари сас-сабарлар

таралиб қопти. У қўнғироқ садосигами, сас-сабарларгами қулоқ тутишни билмагандек, теварак-атрофга аланглаб, ортига ўгирилиб қарамоқчи бўлган экан, оёғи туйқусдан тойиб кетиб, онтарилиб тушипти. Пастга қараб кета бошлапти, ўзини ўнглаб олишга ҳам улгурмай, қор тўпланиб қолган чуқур лабига келиб қопти, тўғрироғи, икки оёғи чуқурда экан-у, қор кўплигидан у буни пайқамабди, оёққа тураман деганда, чуқурдаги қор кўчиб, ўзи билан бирга кайвонини ҳам пастга олиб кетипти.

Аваз подачию унинг укаси кайвонининг олдига қайтиб келишаётганда қор кўчкисини кўришипти-ю, оппоқ тўзон орасидаги қора нарса — кайвонини пайқашмабди.

Улар кайвонини жойидан топишолмай, из олиб бориб кўришсаки, шунақа аҳвол — тепалик тубида кайвонининг жасади ётган экан.

Унинг бўйни қайилиб кетган, икки оёғи қор ичида кўмилиб ётар, чамаси, лат емаган аъзосининг ўзи қолмаган экан, лекин... унинг юзида қўрқув ва азоб аралаш шодмонлик ва аллақандай маъсумлик ифодалари ҳам қотиб қолган экан.

Кайвонининг жасадини эплаб олиб кетишга акаукаларнинг кўзлари етмапти, шу боис, ука одамларни айтиб келишга кетипти. Чоponининг этагини орқасига хуржун қилволипти, Аваз подачи унга кучукваччаларни солиб қўйипти, уларнинг жажжи бошчаларини ташқарига чиқариб қўйипти.

Тобут эмас-у, тобутга ўхшаш бир нарса келтиришиб, кайвонининг мурдасини унинг устига ётқизишипти, маййитнинг гавдасини, қўл-оёғини тўғрилаш анча қийин кечипти, қанча уринишмасин, кўзини юмишолмапти, кўзи очиқ қопти, шундан сўнг устига оқ мато ташлаб олиб кетишипти.

Кайвонининг ҳовлисида қиёмат қойим қўпипти.

Оқтошни олиб келаман, дея ваъда бериб кетган даласига нимадир бўлганини пайқаган супрақоқди ҳам

тинмай ариллайверипти, бу гал уни овутишни ҳеч ким хаёлига келтирмай, ўзига қўйиб қўйишган экан, супрақоқди ёшли кўзларини ғилтиллатиб у ёқ-бу ёққа синовчан назар ташлапти; қараса, эркаклар чопону чакмонлари устидан белбоғ боғлашиб асога суянганча дод солиб юришипти экан; қараса, аёллар тўнларини чаппа кийволганча юзларига тирноқ ботиришиб зикр тушишаётган экан — унга эътибор беришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаётган экан, қўлида конфет билан ҳеч ким унинг олдига келмаётган экан, супрақоқди бефойда йиғини бас қипти.

Жанозахонада барча қаттиқ изтироб чекаётгандек кўринса-да, кайвонининг нега ўлганини муҳокама қилиш учун, тахмину тусмолларни тўқиб ташлаш учун вақт етарли экан. Йиғи орасида пичир-пичир қилиб дилларидагини айтиб олишар экан. Бири у депти, бири бу депти. Айтилганларнинг бари қаёқдаги бўлмағур, таги йўқ тутуриқсиз гаплар экан, шу боис, эски-туски, алмисоқдан қолган гапларга янгича тўн кийдириб айтилар экан, яна ўша, шўринг қурғур жин-ажиналар эсга тушиб қопти, яна ўша, шўринг қурғурлар балогардон бўлишипти.

Кайвонини у ерда ёлғиз қолдирмаслик керак эди, дея доноликларини пеш қилишипти билгичлар, ёлғиз қолганидан кейин уни ажина алдаб-сулдаб, аврагинича қабристон томон бошлаб кетаверган-да, дейишипти билгичлар.

Икки қовоғининг ўртасини тугунча қилганча пешонасини қаттиқ тириштириб ўтирган бошқа бир билгич эса туйқусдан гапнинг тагига етиб қолгандек сергакланиб кетипти.

Мен сизларга айтадиган бўлсам, кайвонини ажина у ерда эмас, уйига келиб чақириб кетган, депти.

Унинг бу кашфиётидан барча оғзини очганича, бақа бўлиб қопти.

Ажина кайвонининг кўзига унинг ҳовлисида, шундоқ деразаси остида Оқтош бўлиб кўринган, дея кулли

ишонч билан ҳикоясини давом эттирипти кашфиётчи билгич, ажина Оқтош бўлиб кайвонини чақирган, ўзини яхши кўрсатган, шундан сўнг кайвони уйда ўтиролмай қолган, ўтиролмас эди ҳам, безовталаниб Аваз подачиникига қараб югурган, Оқтошнинг қаердалигини подачи билади деб ўйлаган-да; Аваз подачию унинг укасини маст уйқудан уйготиб, қўярда-қўймай ўзи билан боришга кўндирган; улар гап нимада эканлигини, чунончи, кайвонини ажина чақирганини билишмаган, зотан билишмасди ҳам, нега деганда, улар ғирт оми, алифни калтакдан ажрата билмайдиган сўқир бандалар эканлиги барчамизга яхши маълумдир; хў-ўш, шундай қилиб давом этадиган бўлсак, бу учовини ҳалокатли йўлдан қайтармоқчи бўлган доно чолларимизни ажина бир-бирлари билан сал-пал... нима десамикан... гиж-гижлатиб, уриштириб қўйгану шундан сўнг учовига бас келолмаслигини англаб қолган; доно чолларни йўлдан чиқариш жуда оғир кўчиб, ажина бор кучини сарфлаб қўйган; шу сабабли, кайвонининг ёлғиз ўзини ажратиб олиб, уни қабристон томонга бошлаган; қабристон томонга бошладими, тамом, бу яхшилик келтирмайди, шунақа бўлади; бироқ, кайвони буни фаҳмлай олмаган; фаҳмлай олмасди ҳам; унинг фикру зикрини ажина чалғитиб олгани аниқ; эҳтимолки, Аваз подачию унинг укасига ҳам зарари теккан бўлса; кўриб-билдиларингиз, ўша ердан келганларидан буён уларнинг ўзларини тутишлари ажабтовурроқ, одамга бегонасираб ёвқараш қилишади; энди уларни тезда даволаш керак; даволашнинг яхши йўли шуки, оёқ-қўлини куллуклаб, хипчин билан савалаб чиллаёсин қилдириб юбориш керак, ана шундан сўнг ўзларига келса келди, келмаса... нима қилардик, қўлимиздан нима ҳам келарди, уларни жиннихонага ётқизишдан бўлак илож қолмайди-да; лекин, жиннихона ундоқ, жиннихона бундоқ деймиз-у, ҳозир жиннихонага ётишнинг ўзи бўлмайди экан, дори-дармони, озиқ-овқати жиннихонага ётадиган жиннининг ўз устидан бўлиши керак экан, каравотиниям ўзи олиб бориши

керак экан, мана шу нарсалардан ёрдам бериб турмасак бўлмайди, ахир, нимаики бўлмасин, ҳамқишлоқларимиз; элу юртчилик деган гаплар бор, дурустроқ суриштириб келинса, бир-биримизга бегона эмасмиз, уруғимиз битта, депти.

Шу гапларни айтиб, кашфиётчи билгич теварак-атрофга мутафаккирона қараб қўйипти; бундай мутафаккирликдан қўрққулик экан, негаки, кайвони ҳам бир маҳаллар шунақа қилар экан, бироқ унинг донолиги бир ҳимо билан ҳавода ёрилган кўпик пуфаклардай нест бўлиб кетипти.

Шунақа бўпти.

Шунақа бўларкан.

Янги жойга кўчиб келишганидан буён биринчи маййит чиқиши экан.

Янги жойга кўчиб келган одам абадий яшайдигандек, асло ўлмайдигандек, қабристон ҳақида биров эслатиб ҳам қўймаган экан.

Жанозага тоғ қишлоқларидан кайвонининг қавму қариндошлари, таниш-билишлари ҳам келишипти; улар кайвонининг бевақт ўлимига ачинишипти, бешкапаликларнинг аҳволига зимдан назар ташлашиб эзилишипти, шунинг учун, ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, деб айтишар экан-да.

Шунақа-шунақа бўлиб, маййитни ерга қўйишга ҳам гап етиб келипти.

Ие, қаерга қўямиз, деб қолишипти.

Бешкапага олиб борайлик, дейишса, анча олислиги бор экан.

Бу ерда эса... ҳали қабристон йўқ экан, қаерда бўлиши кераклигини ўйлайдиган вақт ҳам энди етган кўринаркан. Аммо-лекин, ҳадеганда ҳал бўлиши қийин экан, ғалвағишавасиз, жанжалсиз битмас экан; нега деганда, яқин атрофдаги ҳамма ерларни одамлар эгаллаб олишган экан, мол боқишар экан, экин экишар экан, бергилари келмас экан, ана-а фалончиникидан олмай, нега меникидан оласизлар, дея бир-бирларига солишар экан.

Шунақа экан.

Шунақа бўпти.

Шунақа бўлар экан.

Кайвонининг охират макони энди қаерда бўлади, дегандай ҳамма бир-бирига қараркан-у, ҳеч ким жавоб тополмас экан.

Жавоб йўқ экан.

Жавоб йўқлиги шунда эканки, нариги дунёни ўйламай қўйишган экан.

Кўпни кўрган, кўп нима деса шунга кўнган қариялар у ёқ-бу ёқда яккам-дуккам учраб туришар экан, ғиди-бидиларни ёмон кўришар экан, топганларини ейишар экан, топганларини кийишар экан; эҳ, бу дунё — қўтир дунё, чидасанг ўтир дунё, дейишар экан, одамларнинг кўп билмаган нарсаларини билишар экан, билишганики, ўзлари ҳеч вақони билмасликларини ҳам билишар экан.

Бундай қарияларнинг беш-олтитаси кайвонининг жанозасидаям ҳозиру нозир бўлишган экан. Уларнинг айримлари отда келишган экан, айримлари эшакка хала босиб етиб келишган экан, яна баъзилари пойу пиёда келишган экан, баъзилари бошлаб келишган экан, баъзилари эргашиб келишган экан.

— Қани, бу ёққа, қани, бу ёққа, — дея-дея уларни алоҳида бир хонага олишипти, устларидан эшикни маҳкам беркитишипти.

Вағир-вуғуру йиги-сиғиларни бостиришипти.

Қулоқ солманларни нарироққа ҳайдаб юборишипти.

Халақит берманглар, дейишипти.

Шунақа қилиб, олтовлон қария муздек хонага қамалиб, маслаҳатни бир жойга қўймоқчи бўлишипти.

Чоллардан бири кар экан. У ҳадеб калласини қимирлатиб қўяркан, қанақадир гап-сўзларни маъқуллаётгандек бўлиб кўринаркан.

Бири соқов экан.

Яна бирининг кўзи кўр экан.

Ишқилиб, улар орасида тўрт мучаси тўкис-тугал соғ-омон одамнинг ўзи йўқ экан.

Улар маслаҳатни бошлашипти.

Маслаҳатлари мундоқ бўпти:

Бошларини солинқиратиб, соқолларини тутамлаб, кўзларини бир нуқтага тикканча, оғизларига толқон солгандай ўтираверишипти. Бир хиллари мудраб, пинакка кетиб қолипти.

Бир соат, икки соат ўтипти; уч-тўрт соат ўтсаям бировидан садо чиқмапти.

Қоронғи тушипти.

Чироқ ёқиб, хонани ёритишни биров хаёлига ҳам келтирмапти.

Бунинг ҳожати ҳам йўқ экан.

Ўтираверишипти.

Ахийри, тонг оқариб кела бошлапти.

Ташқаридан хўрозлар қичқириғи эшитилипти.

Қулоғи оғир чол сергак тортгандай бўлипти.

Кўзи ожизи теварак-атрофга аланглаб олипти.

Соқов бўлса йўталиб-йўталиб қўйипти.

Бир бурчакда қунишибгина пинакка кетган жиккаккина чол туйқусдан уйғониб қолиб, туш кўргандек:

— Келишдикми? — депти.

Яна хўрозлар қичқириғи эшитилипти.

Жиккак чол қайталаб сўрапти:

— Келишдикми?

Қулоғи оғири бошини тез-тез қимирлатиб:

— Ҳаммасини эшитдим, ҳаммасини эшитдим! — депти нимани эшитганини аниқ-тиниқ тушунтириб ўтирмай. — Шунақа бўлади, кайвонининг охират макони шунақа бўлади, ҳаммасини эшитдим...

Кўзи кўр қария бўлса:

— Ҳаммасини кўрдим, ҳаммасини кўрдим! — депти нимани кўрганини у ҳам аниқ-таниқ тушунтириб ўтир-

май. — Шунақа бўлади, кайвонининг охират макони шунақа бўлади, ҳаммасини кўрдим...

Жиккак чол миқ этмай ўтирган соқов қариянинг юзига бир зум тикилиб турипти-да:

— Тўғри айтасан! — депти.

Улар фотиҳа ўқишиб, ўринларидан туришипти.

Ташқарига чиқишса, ҳовлида тумонат одам тўпланиб турган экан.

Оломон орасидан бировнинг сабри чидамай:

— Нима бўлди? — деб юборган экан, унинг ёнида турган бошқаси:

— Жим турсанг-чи! — деб яниб қўйипти.

Оломон сукутга чўмипти.

— Бўлди-и! — депти жиккак чол.

Оломон бир қалқипти.

— Кайвонининг охират макони ҳал бўлди, — депти жиккак чол.

Сабрсиз биров:

— Қаерда? — деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолган экан, унинг ёнида тургани:

—Э-э-э! — дея энсаси қотганини англатипти.

Жиккак чол чарчоқ кўзларини бирпас қурама оломонга тикиб қопти. Ёшу қарининг юз-кўзларига совуқ туннинг нуқси уриб қолган экан. Улар ниманидир кутаётгандек, нимадандир умидвор бўлаётгандек, қандайдир нажот истаётгандек мана шу эшикка кўз тикишган экан.

Уларнинг қиёфаларида аллақандай хўрланганлик, унутилганлик, ҳақоратланганлик, забунлик белги-ифодалари соя солиб турар экан; бу белги-ифодалар ҳавонинг рутубатига жуда мос экан.

Жиккак чол уларнинг ёдига ниманидир солиб қўймоқчи бўлгандек, ҳалиги қаерда, деган саволга жавобан хитоб қилипти:

— Бешкапада!

Оломон бир қалқипти.

Туйқусдан йиғи-сиғи бошланиб қопти, қий-чув кўтарилипти.

Ҳамма ўз дардини айтиб йиғлаётган экан.

Жанозага бош-қош бўлиб юрганлар маййитни Бешкапага олиб бориш кераклигини эшитиб, анча саросималаниб қолишипти: бундай бўлиб чиқишини ҳеч ким хаёлига келтирмаган экан-да.

Кечадан буён кайвонини қаерга қўйиш кераклигини муҳокама қилиб, қизғин тортишаётганлар ҳам энди масала ҳал бўлгач, нима ҳақда гаплашишни билолмагандек бошлари қотиб қопти. Улар араз қилгандек, нафасларини ичга ютиб юраверишипти — нафсиламрини айтганда, дунёда гаплашишга гап кўпдек кўринар эмиш-у, аммо ҳафсала билан ўйлаб қаралса ҳеч вақо йўқ экан, овора бўлиб тил айлантиришга ҳам арзимас экан, бемалол қўл силтаб кетаверса бўларкан.

Шунақа экан.

Тушга яқин тобутни юк машинасига юклашипти.

Бешкапа қабристонига олиб кетишипти.

Кайвонини ерга топширгач, одамлар иккита-иккитадан, учта-учтадан, тўртта-тўрттадан бўлволишиб, қабристон оралаб кетишипти. Ўз яқинларининг қабрларини излаб топишипти, топишолмаганлари бировлардан сўраб-суриштиришипти. Дуойи фотиҳа ўқишипти, кўз ёшларини тия олишмапти.

Қайтишда ортга қарай-қарай, хўрсина-хўрсина, ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлиб кетишаётган экан, кимдир оҳистагина товушда:

— Йўқ, кайвонини ажина чақирмаган, — депти, ўзи билан ўзи бўлиб кетаётгани учун у ичидагини ташига чиқариб юборган экан.

Ҳамма гурр этиб товуш чиққан томонга қарапти.

Ҳалиги одам хижолат чекиб, қизарипти.

Одамларнинг тикилиб турганини кўриб, гапини тамомлашга мажбур бўлипти:

— Кайвони охират маконини ўзи қидириб келган.

Ҳамма жим бўлиб қолипти.

Қимирлашга-да мадорлари қолмагандек экан.

Улар шу чоққача ақалли бирон мартаям хаёлларига келтиришмаган охират маконлари ҳақида беихтиёр ўйлаб қолишипти — абадий маскандан, мангу макондан тобора, тобора, тобора узоқлашиб бораётгандек ҳис қилишипти улар ўзларини; дашт қўйнида дайдибадал шамол масхара қилиб ўйнаган, ҳаволаган, итқитган, кўздан пана чуқурликларга тиқиб ташлаган қомғоқдан ҳам аянчлироқ аҳволга тушгандек ҳис қилишипти улар ўзларини. Оппоқ қор қоплаган дала ўртасида на олдинга, на орқага юришни билмагандек, қаққайишиб қолаверишипти.

Шунақа бўпти.

Бу чоқда янтоқ шохчаси вагонда талашиб-тортишиб қарта ўйнашаётган қурувчиларнинг гапларини эшитиб турган экан.

— Мана-а, тўққиз чиллик бизда бор-да! — депти ҳукмфармо овоз эгаси қартани қарсиллатиб ураркан, худди шу ўйин ҳақда сўз кетаётгандек, давом этипти. — Э, товба, дейсан одам; анави ерда қабристон бор экан, аллақаерлардан ўлик олиб келишиб, ўша қабристонга кўмиб кетишяпти-я эринмаганлар!

— Қани, бунисига-чи? — аллақандай чийилдоқ овоз эгаси бўш келмай қарта ташлапти, шу асно суҳбатни давом эттираверипти. — Разки, бу ерга олиб келишипти-ми, ўзларида қабристон йўқдир-да, шуям бош қотириб ўтирадиган гап бўлдими; а-ҳа, мана бунисига нима дейсиз, мулла ака?

Аллақандай чийилдоқ овоз эгаси билан ҳукмфармо овоз эгаси кейинги пайтларда ош-қатиқ бўлиб кетишганидан янтоқ шохчаси хабардор экан-у, бири иккинчисини мулла ака, деб атай бошлаганини энди эшитиб туриши экан.

— Шунақамикан? — ҳукмфармо овоз эгаси қабристонни аллақачон ёдидан чиқаргани унинг сўзлаш оҳангидан билиниб турган экан; анчадан буён кўрсатмай, тишининг кавагида асраб келаётган каттароқ қартани

очиб юборипти, шунга яраша тантана қилипти. — Э, мана бўлмаса, қараб ўтираманми?..

Янтоқ шохчаси бу гап-сўзлардан қандайдир хунук воқеа рўй берганини пайқаб, эти жунжикиб кетипти, ўзини ҳар доимгига қараганда жуда-жуда ёлғиз ҳис этипти, ҳолсизланиб, секингина пинакка кетипти.

Шунақа бўпти.

Кайвонининг маърака-маросимлари ўтиб, унинг яқинлари айрилиққа аста-секин кўника бошлашипти; одам кўникар экан-да, деб бир-бирларига айтишиб, эътироф ҳам қилишипти. Кайвонининг супрақоқди — кенжатойи энди ҳуда-беҳуда жағини очмайдиган бўлипти, унга ақл кира бошлапти, шундан сўнг одамлар ҳам унинг келажаги ҳақида фол кўрмайдиган бўлишипти. Айтмоқчи, тўртта кучуквaччанинг биттасини у ўзиники қилиб олган экан, улар бир-бирларига жудаям кўникиб, ўрганиб кетишипти, кучуквачча жудаям зийрак экан, остонадан ичкари ҳатламас экан, унгаям Оқтош деб ном беришипти.

Аваз подачию унинг укаси ҳам кучуквaччалардан яна бирини боқиб олишипти. Униям Оқтош деб аташипти. Бу Оқтош сал сурбетроқ, индамай-нетмай уйгаям кириб кетаверар экан. Бунингизни қулоқ-думини остонага қўйиб кесинг, ана шунда зада бўлиб ичкари ҳатлолмайди, деб қанчалик айтишмасин, Аваз подачи ўзини эшитмасликка олиб кетаверар экан.

Қолган иккита кучуквaччани чўпон-чўлиқлар олиб кетишган экан. Уларни қандай номлар билан аташганига биров қизиқмапти, аммо-лекин, жуда садоқатли бўлиб ўсишаётгани ҳақида чўпон-чўлиқлар мақтовли сўзларни айтишган эмиш, яна ким билсин эмиш, ишқилиб, охири бахайр бўлсин эмиш.

Аммо-лекин, қиш қишлигини қилипти, совуғи билан ҳам, қори билан ҳам қаттиқ кепти; тинмай қор ёғипти, кўз очиргани қўймапти, ёзда ўтин-чўпини ғамлолмаганлар анча-мунча қийналиб ҳам қолишипти.

Шунақа қилиб, баҳор кепти.

Кунлар татти бўлипти.

Кўк йиғлаб, ер кулипти.

Қаро ердан ёш, кўк ўтлар унипти.

Янтоқ шохчаси ҳам уйғониб, туну кун сувларнинг шилдираб оқишини эшитаркан, бундан у ҳузурланаркан.

Қурувчилар тиклашган иморатни хўжайин келиб кўрган экан, камчиликларини айтган экан, йўл-йўриқлар кўрсатган экан, ичкарисини ҳам таъмирдан чиқараверинглар, кейин ҳисоб-китоб қиламиз деб, уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазиб кетган экан.

Бир куни ҳаво жуда қизиб кетипти.

Қурувчиларнинг қўллари негадир ишга бормай, вагонга кирволиб, қартавозликни бошлаб юборишипти.

— Мўйловингдан аканг, қиролвой! — депти ҳукмфармо овоз эгаси қўлига тушиб қолган қартадаги суратни эркалаб. — Сен билан ҳаммасини босиб ташласак бўлади-ю, фақат тузга кучинг етмагани чатоқ-да! Бу ҳавони қизиб кетганини кўрмайсанми, ёзнинг чилласи дейсан-а, қиролвой!

— На совуққа, на иссиққа тоқат қиласиз-а, мулла ака! — депти аллақандай чийилдоқ овоз эгаси. — Ҳозиргина тузни эслаб турувдингиз-а, Хизрни йўқласангиз бўларкан, мана-а туз!..

— Ҳэ, онасини... — қўпол сўкинипти ҳукмфармо овоз эгаси.

Кимни сўкипти — ҳавоними, хўжайинними, тузга кучи етмаган қиролними ёинки рақибиними — номаълумлигича қолаверипти.

Кечасиям салқин тушмапти.

Пастдаги сойнинг гулдираган товуши эшитилиб турипти экан.

— Нима бало, сойда сув оқяптими ёки харсангтошлар думалаяптими? — дея, уйқусираб ғўлдираб қўйипти қўшиқ айтгич.

Кейин бу гулдираш атроф тумонотдан бостириб келипти, осмон ёрилиб кетгандай бўлипти, ваҳимали қичқириқлар, ожиз инграшлар эшитилиптию... шу заҳотиёқ ҳаммаёқни зулмат қоплаб олипти.

Янтоқ шохчаси ҳушидан кетипти.

Орадан қанча вақт ўтипти, номаълум экан, янтоқ шохчаси ўзига келиб қараса ер қаърида ётипти экан, ҳаммаёғи эзилиб, шол-шол бўлиб кетган экан.

Янтоқ шохчаси энди бу ердан қутулиб чиқолмаслигига, шу ерда чириб йўқ бўлиб кетишига амин бўлипти ва аранг бошини кўтариб тепага қараптию... яна юрагида умид учқунлари пайдо бўлипти.

Янтоқ шохчасининг юрагида умид учқунини пайдо этган нима экан?

У — тепадан тушиб турган қилдай нур экан!

Қуёш нури экан.

Тепалик чўрт узилиб тушганда яқин-атрофда неки бор, барчаси кўчки остида қолиб кетган экан. Янги қурилган кўп қаватли иморатларни ҳам бир лаҳзада ер ютиб юборган экан.

Қуёш нури жиндаккина ёриқдан ер ости зулматғоҳига йўл топиб келган экан.

Янтоқ шохчаси суюниб кетипти.

Ўша нурга қараб интилипти.

Бу қилдай нур ҳар куни қуёшнинг йўналиши тўғри келганда ярим соат-бир соатгина ер ости зулматгоҳидан хабар оларкан, холос. Мана шу фурсатда янтоқ шохчаси тепага интиларкан, қилдай нурга осилиб-тирмашиб тезроқ очиқ осмон остига чиқиб олсам, деб орзу қиларкан. Томирига шикаст етмагани, ер ости сувларидан озиқланиб тургани унга мадад бўларкан, куч-қувват бағишларкан.

Ахийри, у орзусига етипти!

Баҳорнинг ўрталарида у ёруғ оламга чиқиб олипти.

Дунёга қайтиб келипти!

Бу олам ям-яшил, чароғон экан; теварак-атрофдан ғир-ғир ёқимли шабадалар эсиб тураркан.

Янтоқ шохчаси тепаликнинг қир учида тургани учун, унга ҳаммаёқ кафтдагидек аниқ кўринар экан.

У, яхшилаб син солиб қараса, бу ерларда янгича манзаралар ҳосил бўлган экан: ўзи турган тепаликни янги, ёш ўтлар қоплай бошлаган экан. Жуда кўп жойларни вайрон қилиб, босиб қолган кўчки Бешкапа қишлоғини четлаб ўтган экан, кайвони қўйилган қабристон ҳам бу даҳшатли офатдан омон қолган экан.

Шунақа бўлган экан.

Шунақа бўлар экан.

Шунақа бўпти.

Қуёш уфққа бош қўяётган бир маҳалда қир ортидан аллакимнинг қораси кўринипти.

У, шошилмай, битта-битта қадам ташлаб, худди ҳарорати тобора пасайиб бораётган қуёшнинг ичидан ҳозиргина чиқиб олгандек келаётган экан.

Қўлида таёғи бор экан, елкасида сафар халтаси бор экан.

Ким бўлсайкин у?

Подасини соғинган Аваз подачимикан?

Ёинки бир маҳаллар бу ерлардан қувгин этилган матал тўқигичмикан?

Ёинки охират маконини излаб юрган бошқа бировмикин?

Ким бўлсайкин?

2002 йил.

МУНДАРИЖА

Қўргонланган ой (*роман*) 3

Кайвонининг мангу макони (*эртак-қисса*) 259

ISBN 978-9943-01-637-8



«O‘ZBEKISTON»